

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK

440

# Шарқ юлдузи



# Sharq yulduzi

## Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
Асқад МУХТОР  
(1920–1997)





Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

# Шарқ юлдузи



Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али	Умарали Норматов
Кенгесбой Каримов	Хайриддин Султонов
Энахон Сиддикова	Сирожиддин Саййид
Икбол Мирзо	Меҳрибон Абдураҳмонова
Қахрамон Қуронбоев	Йўлдош Солижонов
Баҳамдулло Нурабуллаев	Тоштемир Турдиев
Жумакул Қурбонов	Шуҳрат Маткаримов
Фармон Тошев	Адхамбек Алимбеков
Ислом Ёқубов	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф

Масъул котиб — Бахтиёр Олломурад

Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова

Назм бўлими мудири — Икром Отамурод

Адабиётшунослик бўлими мудири — Аъзамхон Қозихўжа

1

2017

УШБУ СОНДА:

Омон МАТЖОН

НАЗМ

ЮРТИ ҚЎКИДА ЧАРХ УРҒАН ҲУМО

Шеърлар

Ватан меҳри – хаёлларим узра биллур тоғж,  
Ватан меҳри – орзуларим рамзи бебаҳо,  
Ватан меҳри – иқболимнинг олтин калити,  
Ватан меҳри – юрт кўкида чарх урган ҳумо!



Маишхура ШЕРАЛИЕВА

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ВОҚЕЛИККА КИНОЯВИЙ МУНОСАБАТ

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” романи ҳақидаги адабий баҳсларни кўздан кечириб, айтиш мумкинки, мунаққид ва китобхонлар учун муаллиф нуктаи назарини аниқлаш энг муҳим масалага айланган. Зотан, бадий асарнинг концептуал яхлитлигини таъминлашда муаллиф образининг ифодаси муҳим роль ўйнайди.



Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

НАСР

ЯПРОҚ ҲИКОЯЛАР

\*\*\*

Бутун олам тортилиш қонуни. Қонун, лекин ҳеч кимга мажбурият юкламайди. Бусиз оламнинг ўзи-да мавжуд бўлмайди. Одамийлик (дўстлик) ҳам шундай бўлиши даркор.



*ДРАМАТУРГИЯ*



*Эркин АЪЗАМ*

*ПЛАНХО КАЙИҚ*

*ёхуд*

*ДЕВОНАНИНГ ОРЗУСИ*

**Драматик ривоят**

**Орол бобо.** Эсингни таниб, кўрган-билганинг – Орол бўлди. Кўм-кўк мавжлараро отанг кайикда эшкак эшиб бораётир, сен унинг кўйнида... Шундан отинг “Оролбола” бўлиб кетди. Кейин-кейин – Оролбой, эндиликда – Орол бобо. Ўзингнинг отинг-чи, ўзингнинг чин отинг нима эди? Э, кимнинг эсида бор дейсиз! “Орол” бўлса керак-да...

*ҲИМЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХОҶТИРАЛАР*

*Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ*



*“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”ДА*

*КЕЧАН КҲНЛАРИМ*

Мазкур хотиралар воситасида журналда бирга ишлаган заҳматкаш муҳаррирлар, фидойи ходимлар хақида, ўз кўзим билан кўриб, қулоғим билан эшитган кизикарли воқеалар, бахслар, мунозаралар хақида билганларим, гувоҳ бўлганларим, қузатганларимни кучим ва имконим етканча қозғозга туширгим келди.

*ЖАҲОН АДАБИЁТИ*

*Сара ТИСДЭЙЛ*



*СЕВГИЛИМ КИРАДИ*

*ОҚШОМ ТИҲШИМБА*

**Шеърлар**

*Юлдузларни яхши биламан:  
Тонг юлдузи, Чўлтон, Зухрони.  
Қачон чиқар, сўнади қачон –  
Менга аён само дунёси.*





## ДУРДОНА

Алишер НАВОИЙ  
(1441-1501)



### Менинг фироқиму анинг висоли тун била тонг

\* \* \*

Оташин гул баргидин хилъатки, жононимдадур,  
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.

Оташин лаълидурким, анда музмар бўлди жон,  
Оташин гул баргидин хилъатки, жононимдадур.

Жон куши хунобидин тутмиш малоҳат нахлиранг  
Ё либоси лолагун сарви хиромонимдадур.

Қатл биймидур, тараххумнинг доғи уммиди бор,  
Ё либоси олким, ул номусулмонимдадур.

Васл шоми киймаган парвона шояд колмағай,  
Бу шафакгун хуллаким, шамъи шабистонимдадур.

Тутмасун гул сухбатидин сарв ўзин кўп сарфароз,  
Эй сабоки, ул тўни гулгун менинг ёнимдадур.

Эй Навоий, истама жон булбулин ҳар гулдаким,  
Ул тўни гулгун лаби гулбарги хандонимдадур.

\* \* \*

Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок,  
Киприким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сени,  
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокрок.

Лайли андин кўйди Мажнун кўнглуда рахти ғамин –  
Ким, йўк эрди манзил ул водийда андин покрок.

Ўйла мужгон ханжариға ёпишибдур дурри ашк –  
Ким, магар ондин ятиме йўктурур бебокрок.

Жон олурда лабларингдин барча эл кулдур санга,  
Жон берурда бир кулинг йўк бандадин чолокрок.

Одамийлик туфроғин берса фано елига чарх,  
Охким, йўктур киши аҳли вафодин хокрок.

Неча ўкласанг, Навоий кўнглу захминрок бўлур,  
Кўрмадук захмеки, тиккан сойи бўлғай чокрок.

\* \* \*

Менинг фирокиму анинг висоли тун била тонг,  
Бу навъ дахрда йўк эҳтимоли тун била тонг.

Ғариб зулфу юз эрмасмуким, жаҳон элига  
Кўрунмамиш бу икнининг мисоли тун била тонг.

Тонгим ёруғу тунум тийрадурки, чирмашадур  
Кўнгул аро юзу зулфинг хаёли тун била тонг.

Не тунда айш насими, не тонгда мехр, магар –  
Ки, бўлди зулфу юзунг паймоли тун била тонг.

Тунинг хужаста, тонгинг кутлуг ўлсун, эй махваш –  
Ки, икки банда санга бўлди холи тун била тонг.

Навоий этмади зулфу юзунг висолин кашф  
Ва лек эрур ғамининг иттисоли тун била тонг.

\* \* \*

Дилрабо, сендин бу ғамким, менда бордур, кимда бор,  
Фуркатингдин бу аламким, менда бордур, кимда бор?

Мазраи айшим кўкармайдур самуми оҳдин,  
Йўкса, ёшдин мунча намким, менда бордур, кимда бор?

Кўйма миннатким, юзумдек пок юз ҳеч кимда йўк,  
Бўйла ишқи пок ҳамким, менда бордур, кимда бор?

Бахт ул ой қасриға кўймас, йўкса дуди оҳдин  
Бу каманди хам-бахамким, менда бордур, кимда бор?



Бор экан вобастаи тавфик, йўкса, эй рафик,  
Бу кадар шавки ҳарамки, менда бордур, кимда бор?

Эй Навоий, гарчи журмум кўптурур, лекин бу навъ  
Хусрави соҳибқарамким, менда бордур, кимда бор?

\* \* \*

Кўнглум ўртансун агар ғайринга парво айласа,  
Ҳар кўнгул ҳамким, сенинг шавкунгни пайдо айласа.

Ҳар киши васлин таманно айласам, навмид ўлай,  
Ҳар киши ҳамким, сенинг васлинг таманно айласа.

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиксун кўзим,  
Ўзга бир кўз ҳамки, ҳуснингни тамошо айласа.

Ғайр зикрин ошқоро қилса, лол ўлсун тилим,  
Қайси бир тил ҳамки, зикринг ошқора айласа.

Рашқдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шуъладур,  
Боғ аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмагай,  
Гар куёш ҳар заррасидин бир Масихо айласа.

Келтурунг дафъи жунунумға парихон, йўқ табиб –  
Ким, ул ансамдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Субҳдек бир дамда гардун кўймагай осорини,  
Ногаҳ, аҳли сидқ кўнглу меҳрин ифшо айласа.

Даҳр шуҳига, Навоий, сайд бўлма нечаким,  
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

\* \* \*

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме –  
Ким, замон осебидин бир-бирга айтишсоқ ғаме.

Кимки даврон соғаридин дам-бадам ҳуноб ичар,  
Ғам йўқ ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.

Чарх узукнинг халқасидур, лек, ҳар кавкаб анга  
Қатл учун остида қилгон захр пинҳон хотаме.

Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,  
Ёғдуруб ашқин, тутар холингға ҳар тун мотаме.

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,  
Ҳақ магарким ком учун боштин ёротқой оламе.





Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки,  
Шаммае бу рамздин зоҳир қилурга махраме.

Дарди захм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ қуй оғзима,  
Сокиё, кўксума лойидин доғи ёқ мархаме.

Давр аро сухбат бу янглиғдур, Навоий, тонг эмас,  
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.

\* \* \*

Кимки, онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,  
Одами эрса, пари бирла малакдин ори бор.

Кеча улким чирманур бир гул била, не тонг, агар  
Гунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон, нашот изҳори бор.

Йўқ ажаб булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким,  
Пардин – ўк жисмиға санчилған адалсиз хори бор.

Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглум эрур  
Анкабутеким, анинг жон риштасидин тори бор.

Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,  
Гул юзунда ётқан икки нозанин бемори бор.

Айлаб ўзини масту беҳуд, чиқмасун майхонадин,  
Кимки, мендек давр элидин кўнгулда озори бор.

Эй Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,  
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.

\* \* \*

На бўлди дардима, эй бевафо, даво қилсанг,  
Вафоға ваъда қилиб, ваъдаға вафо қилсанг.

Танимни қурб физосида хоки раҳ эттинг  
Бошимни васл эшикига ошно қилсанг.

Висол авжи бийик, эй кўнгул қуши, сен паст,  
Етишмак анда не мумкин, агар ҳаво қилсанг.

Замона аҳли жафосин тағофул айларсен,  
Алар тағофул этиб, кош сен жафо қилсанг.

Агарчи аҳли наводур, вале, ул ой боқмас,  
Навоий, неча булбул киби наво қилсанг.





## ПУБЛИЦИСТИКА



*Сирожиддин РАУФ*

*1967 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини ва Тошкент давлат юридик институтини (ҳозирги ТДЮУ) тугатган. “Йиғлаётган ой”, “Кўк гўмбаз”, “Сиз менга кераксиз” каби шеърый китоблар ҳамда болалар учун “Ғалати мусобақа” тўплами муаллифи.*

## ЗАМОН ШИДДАТИГА МОС ЯНГИ МАРРАЛАР

Ҳар бир йил янгиланганда инсон тўхтаб, ортда қолган вақтга бир назар ташлаб олади. Нималарни йўқотгани, нималар топганини сарҳисоб қилиб, олдидан уни нималар қутаётгани ҳақида мулоҳаза юритади, умидлар қилади, режалар тузади. Бир йил аслида сайёраимиз ҳаётида қатта вақт эмас. Лекин бир йил давомида кечадиган уч юз олтмиш беш кун инсон, жамият, ва ниҳоят, мамлакат ҳаётида чуқур из қолдиришга, улкан ўзгаришлар ясашга қодирдир.

Биз 2016 йилда анча қатта йўқотишларни бошдан кечирган эдик. Халқимиз ифтихор қиладиган уч буюк сиймодан – мамлакатимиз раҳбари – Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримовдан, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповдан айридик.

Не-не синовлардан мардона ўтган халқимиз ўтган йил охирида Президент сайловида ҳамжихат бўлиб, ягона мақсад сари бирлаша олди, Ўзбекистон келажаги учун яқдиллик билан овоз берди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз ҳаётида янги давр ибтидо топганидан далолатдир. Ўз навбатида, буни юртимизда уюшқоқлик билан ўтказилган сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этган хорижлик мутахассис ва экспертлар, халқаро кузатувчилар ҳам эътироф этишди. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини оммавий ахборот воситалари орқали эшитдик, ўқидик, бундай акс-садолар хануз тингани йўқ. Авваллари Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижликлар, албатта, тирноқ остидан кир кидиришга тушиб кетишар, бизларга нималарнидир ўргатишга, турли сафсаталарни тикиштиришга уринишарди. Йўқ, бу дафъа бундай бўлмади. Уларнинг аксарияти йигирма беш йил мобайнида халқимиз ўз ўтмиши, бугуни ва эртасига ҳаққоний назар ташлаётганини, асл маънавий-руҳий қиёфасини топганини ва, айниқса, истиклол фарзандлари бўлмиш ўғил-қизларимиз тийнатида, хатти-ҳаракатида улуғ аждодларимизга хос фазилатлар мужассамлигига амин бўлишди. “Дўстлик кўприклари” халқаро ноширлик лойиҳаси раҳбари Артур Гашенко (Украина республикаси) сайловлар муносабати билан Ўзбекистонга келиб, Тошкент шаҳри, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ташкил этилган сайлов участкаларида бўлди. У қаерга бормасин, ўша жойдаги

ободончилик, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишга, одамларимиз билан самимий суҳбат қуришга ҳаракат қилди.

– Мен ҳарбийдан пенсияга чиққан, бугун журналистика соҳасида хизмат қилаётган одамман, – деди у ташрифнинг сўнги кунда аллақандай тўлқинланиб. – Шу боис тинчликнинг, осойишталикнинг нималигини, у қандай неъмат эканини яхши биламан. Бу бебаҳо неъмат кўз қорачиғидай асраб-авайланмаса, лоқайдлик қилинса, Худо кўрсатмасин, жуда хунук оқибатларга сабаб бўлади. Буни биз, украин халқи бугун бошдан кечириб турибмиз. Бир неча кунлик ташрифим давомида мен ўзимни худди жаннатга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Ўзбекистон – бетақрор тарихи ва маданиятига эга давлат. Сайловда халқингиз ўз хоҳиш-иродасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини ёрқин намоён этди. Тўғриси айтсам, сизлардаги сайлов жараёни кўплаб давлатлар учун намуна бўлса арзийди.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бундай самимий эътирофдан қувонади, шундай мард, олижаноб халқ вакили эканидан кўнглида ғурурифтхор туяди.

Ўтган йилнинг поёнида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори миллий адабиётимиз ва маънавиятимизни юксалтириш борасидаги юксак эътибор ифодаси бўлди, десак сира янглишмаймиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг таваллуд куни арафаси унутилмас воқеаларга бой бўлди. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Ал-Хоразмий 1-тор кўчаси, 7-уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Шоир туғилиб ўсган кишлоқ – Олтиарик тумани Беглар маҳалласидаги Тошкўрғон кўчаси, 9-уйда “Эркин Воҳидов уй-музеи” очилди. Марғилон шаҳридаги истироҳат боғига атоқли шоир номи берилди. Пойтахтимиздаги Миллий академик драма театрида юбилей муносабати билан ўтказилган тантанали кечада ва барча тадбирларда таниқли шоир, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, адабиёт ихлосмандлари фаол иштирок этишди. Бу тантанали кеча, учрашув ва тадбирлар ҳақиқий адабиёт байрамига айланиб, иштирокчилар қалбида олам-олам таассурот қолдирди.

Одамлар орасида “Янги йилни қандай кутиб олсанг, йил бўйи шундай яшайсан”, деган нақл юради. Биз 2017 йилни қатта орзу-умидлар, муҳими, янги марраларни забт этишга қатъий ишонч руҳида қаршиладик.

2017 йил бошидаёқ Ўзбекистон зиёратчилари учун ҳаж квотаси 5200 дан 7200 нафарга оширилди, Ўзбекистон ва Афғонистон савдо айланмасини оширишни кўзда тутувчи савдо-иқтисодий “Йўл харитаси” имзоланди. Самарқанддаги MAN Auto-Uzbekistan қўшма корхонаси MAN кўп ўринли автобусларини йиға бошлади, Қашқадарё вилоятида GTL заводи қурилиши, шунингдек, Тошкент метрополитени Юнусобод линиясининг иккинчи навбатидаги қурилиши бошлаб юборилди.

Бу йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида яна иккита янгилик бўлади: янги банк – “Ўзагроэкспортбанк” акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

Янги йилимизнинг илк кунларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш



бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши эълон қилинган халқимизни, айниқса, зиёлиларимизни тўлқинлантириб юборди. Бу Фармойиш мустақил мамлакатимизда шахс камолоти ва жамият келажаги учун давлатимизнинг жуда катта эътибори, интеллектуал тараққиётимизни таъминлашдаги ғамхўрлиги намунасидир, десак ҳато қилмаймиз.

Айтиш жоизки, бугун халқимиз, айниқса, ёшларимиз хилма-хил ахборотларга бой бўлган давр ва маконда яшамоқдалар. Буларнинг ҳаммаси ахборот коммуникация соҳаси бугун дунёда жадал ривожланиб бораётгани билан боғлиқ, албатта. Лекин бу жараён зиёлиларимиз олдига муайян вазифаларни қўймоқда. Яъни улар аҳолига тинимсиз янгиланиб бораётган улкан ахборот оқимидан керакли маълумотларни олиш, миллий манфаатларимиз нуктаи назаридан таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беришлари керак. Қолаверса, расмий ахборот билан бадиий асар ўртасидаги фарқли жиҳатларни ҳам ўқувчилар яхши англаши лозим. Расмий ахборотлар одамларни янгиланган бохабар қилиб, уларнинг огоҳлик даражасини оширса, бадиий адабиёт инсон калбига эстетик завқ бағишлаб, онгу тафаккури юксалиб, дунёқараши кенгайишига хизмат қилади.

Ҳозир инсон онги ва тафаккури учун кураш авж олиб бораётган бир пайтда интернет сайтлари, шунингдек, даврий нашрлар, китоб маҳсулотлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари ҳам китобсевар, ўқирманларнинг “нимани ўқиш керак?” деган саволларига жавоб бўлади, деб ўйлаймиз. Чунки журналларимиз таҳририят ходимлари жамоатчилик кенгашларининг нуфузли аъзолари тавсияси билан мумтоз ва замонавий адиб ҳамда шоирларимизнинг энг сара асарларини эълон қилишмоқда. Бугунги кунда жаҳон адабиётидаги илғор анъаналар руҳида ижод қилаётган, асарлари хориж ўқувчиларида кизиқиш уйғотаётган кўплаб ёш ижодкорлар майдонга кириб келишди. Журналларимиз ўқувчиларни мазкур жараёндан янада кенгрок хабардор қилиш, ёшларнинг бадиий дидини ўстириш ва шу йўл билан миллий маданиятга таҳдид солиб келаётган “оммавий маданият”га қарши курашишга интилоқда.

Мамнуният билан қайд этишимиз жоизки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти журналларнинг аввалги шухратини тиклаш, уларнинг тиражи ва даврийлигини оширишга катта эътибор қаратиб, хусусан, ўтган йилдан бошлаб “Шарқ юлдузи” журналининг бир йилда 12 та (яъни ҳар ойда), “Звезда Востока” журналининг эса бир йилда 6 та (яъни ҳар икки ойда) нашр этилишига кўмак берди. 2016 йилда анчагина танаффусдан сўнг мазкур нашрлар янгиланган даврийликда муҳлислар кўлига етиб боргани қувонарлиқдир. Бу фидойий, жонқуяр обуначиларимиз ва ўқувчиларимизнинг айни дилидаги иш бўлди.

Бу ишни амалга оширишининг энг муҳим ижобий томони шу бўлдики, адабиётимизда яратилаётган бадиий савияси юксак асарларни мунтазам эълон қилиш борасида катта имкониятларга эга бўлди. Эндиликда журналда бир йил давомида бир нечта роман, қиссаларни тўлалигича босмоқдамиз. Масалан, 2016 йилги мавсум Хуршид Дўстмухаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи билан очилди. Бу асар ўзбек замонавий романчилигида катта воқеа бўлди, деб айтиш мумкин. Шу пайтга қадар Жўра Фозилнинг “Бойқўнғир лолалари”, Бахтиёр Абдуғафурнинг “Кибр минораси”, Абдужалол Раҳимовнинг “Жийда гули” қиссаларини, Асад Дилмуроднинг “Заррадаги олам”, Нодир Норматовнинг “Зулайхо дарахти” романларини эълон қилдик.

Қолаверса, ўзбек хикоячилигида яратилаётган янгиликларни ҳам янада муфассал ёритишга муяссар бўляпмиз, десам, муболага бўлмайди. Айниқса, вилоятларда яшаб ижод қилаётган ёзувчиларимизнинг асарлари, шу қаторда адабиёт майдонига кириб келаётган ёш носирларнинг хикояларини босишга кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Чунки бугунги кун ўқувчиси адабиётимизда қандай янгиликлар рўй бераётганини, қандай янги истеъдод соҳиблари кириб келаётганини билишни истайди.

Айтиш керакки, ўтган йили вилоятларда яшаб, ижод қилаётган кўплаб хотин-қиз ижодкорларимиздан кутилмаган ажойиб асарларни қабул қилиб олдик. Сурхондарёлик Жамила Эргашева, андижонлик Матлуба Юсуф Охун, фарғоналик Гулчехра Асронова, хўжандлик Хуснинисо Аҳмедованинг хикоялари шулар жумласидандир.

Бундан буён энди ҳар бир сонда публицистик мақолалар босилади. Бусиз мумкин эмас. Чунки бугунги кун нафасини янада яқинроқ туйишда мамлакатимизда рўй бераётган ислохотлар, жумладан, маданий ҳаёт ва маънавиятимизнинг долзарб масалаларига бағишланган чиқишларнинг аҳамияти катта, ахир ижодкор аввало ўз мамлакатининг фукароси, фукаро бўлганда ҳам фаол кишиси сифатида ижтимоий позициясини намоён этиши зарур.

Бугунги кунда адабиётимизнинг долзарб масалалари, хусусан, мумтоз адабиётимиз таҳлили, она тилимизнинг замонавий қиёфасига оид бахслар, ХХI аср жаҳон адабиёти, ўзбек адабиёти, хусусан, насри ва назмидаги тенденциялар, адабиёт майдонига кириб келаётган ёшлар ижодига эътибор – буларнинг бари журналимиз ўзининг биринчи галдаги вазифаси этиб белгиланган масала ва мавзулардир. Ва энг муҳими, ўқувчиларга энг яхши бадиий асарларни тўла етказиб беришдир.

Агар бир сўз билан айтадиган бўлсак, яратилаётган яхши асарларни кўп ва хўп босиш, журнал дизайнига бир қатор янгиликлар киритиш, ўқувчиларга “Шарқ юлдузи”нинг аввалги, кадрдон бўлиб қолган қиёфасини қайтариш... Бу борада бир талай режалар бор. Албатта, таҳририятимизга келган, янги йилда ўқувчилар кўлига тегишини кутаётган яхши асарларимиз, бадиий тухфаларимиз бор, теша тегмаган ранг-баранг мавзулар навбат кутиб турибди.

Демак, кириб келган 2017 йил катта режалар ва катта вазифалар билан бошланди. Янги режалар ҳамда вазифалар замоннинг шиддатига мос келди. Шукрки, биз янги йилни яхшилик билан бошладик. Ишонамизки, йилимиз яхши янгиликларга, эзгуликларга бой бўлади. Биз замоннинг шиддатига мос янги марраларни эгаллаймиз.



## НАЗМ



*Омон МАТЖОН*

*Ўзбекистон халқ шоири. 1943 йилда тугилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. “Очиқ деразалар”, “Карвон қўнгиروғи”, “Сени яхши кўраман”, “Гаплашадиган вақтлар”, “Ҳаққуш қичқирғи”, “Ўртамизда биргина олма” каби шеъррий тўпламлари ҳамда дostonлари нашр этилган.*

### **Юрт кўкида чарх урган ҳумо**

#### **Ватан меҳри**

Парвоз этдим мен кушларга кўшилиб эркин,  
Ок булутлар пешонамни ўпдилар силаб.  
Замин сеҳрин шунда калбга жо этган эдим,  
Ок хирмондан ҳар ёкамга толалар улаб.

Ўзбекистон, зўр табаррук маъволар юрти,  
Берунийлар, хоразмийлар, кубролар юрти,  
Етти иклим мафтун бўлган наволар юрти,  
Ватан бирла миллатга жон фидолар юрти!

Янграганда чаманларда булбул овози,  
Гуллар абад рақсда бунда, капалаклар маст.  
Сир ва Аму – онам меҳри туташ дарёлар,  
Қайга бормай, азиз нурлар жонимга пайваст.

Ўзбекистон, зўр табаррук маъволар юрти,  
Бухорийлар, фарғонийлар, синолар юрти,  
Етти иклим мафтун бўлган наволар юрти,  
Бизга мангу ижобатли дуолар юрти!

Ватан меҳри – ҳаёлларим узра биллур тож,  
Ватан меҳри – орзуларим рамзи бебаҳо,  
Ватан меҳри – икболимининг олтин калити,  
Ватан меҳри – юрт кўкида чарх урган ҳумо!

Ўзбекистон, зўр табаррук маъволар юрти,  
Улугбеклар, термизийлар, даҳолар юрти,  
Етти иклим мафтун бўлган наволар юрти,  
Ватан бирла миллатга жон фидолар юрти!



\* \* \*

Эрта тонг шафағига  
Бирга бир назар солсак,  
Ажабмас, янги кундан  
Яна жуфт мехр олсак.

Дарёдан иккимиз тенг,  
Тўлдирсак кафтимизни,  
Дарё олис манзилга  
Элтгайдир аҳдимизни.

Сахар гулгунчаларга  
Икков бир теккисак кўл,  
Гулзор бўстонга дўнар –  
Ишққа оханрабо йўл.

Фарзандларга икковлон  
Ногаҳон бир сўз айтсак,  
Албатта, ул қалблардан  
Қўшша нур бўлиб қайтар.

Ҳаёт шу жуфт нигоҳдан  
Кудрат олгани янглиғ,  
Оламини кўриш учун  
Шудир ишқ деган ёрлик.

\* \* \*

Поёнсиз ўрмонлар бағрида қолдим,  
Безавол яхшилик ҳидига тўймай.  
Лекин ҳафта ўтмай қисликди юрак,  
Жаннат бу ўрамдан бир илинж туймай.

Абадият бўлиб тоғлар ром этди,  
Қоялар осмоннинг чўнг устунлари.  
Бунда ҳам дунёга сиғмайин кетдим,  
Дарага камалган дулдул сингари.

Гарчи еру кўкка уйғундир умр,  
Лекин ҳар юракнинг ўз туғроси бор.  
Мен қандай муҳитда ким билан бўлмай,  
Рухим доим уйғоқ ва йўлга тайёр.

Мен – воҳа ўғлиман, талабим – кенглик,  
Эркин ҳаволардан тўкийман шеърлар.  
Бор бўл, маъно қадар ёркин бўлган сўз,  
Бор бўл, уфқ оша йўллар ва ерлар.





## Кел, ойдин сўз

Бордим – келдим,  
Юрдим – турдим.  
Дунё дедим,  
Дунё курдим,  
Элни кўрдим.

Қора қоя,  
Пиллапоя,  
Бахт ҳақида  
Юз ривоят,  
Минг ҳикоят.

Мен сал ўзсам,  
Қўзди алам,  
Ким кимга ким –  
Ким ҳамқадам,  
Ким ғам қадам.

Эй мулки ло,  
Жон сенда жо.  
Уйғокларга  
Бер тасалло,  
Восил маъно.

Кеча-кундуз  
Минг-минг юлдуз  
Туғадир нур,  
Кел, ойдин сўз,  
Мен – ёруғ юз.

\*\*\*

Эй инсон, мавкеинг тожи иймондур,  
Иймонли зот меҳру рағбатга лойик.  
Иймон бу толеинг тутган даста гул  
Мавкеинг шул улуғ неъматга лойик.

Қутма, иймон ўзи бир кун келар деб,  
Ўзликни англар кун якин келар деб,  
Ётма кин, риёга яқун келар деб,  
Такдиринг қалбингда даъватга лойик.

Муҳаббат қасрига нажиб қалит бўл,  
Бул бино гиштига, майли, қолип бўл,  
Меҳр илмига сен абад толиб бўл,  
Ёр ахтар жисму жон, сарватга лойик.



Юз етмиш минг пари келиб бир асно,  
 Ҳар гўдак қалбга бир дур этармиш жо,  
 Шул эмиш бутун умр мезони, илло,  
 Шулмиш оҳанрабо – мақсадга лойик.

Жаҳон сахнидасан сўзи соз билан,  
 Огоҳ эт элингни лойик роз билан,  
 Юрмагин бош этиб, тунд алфоз билан,  
 Йўл топ, Ҳақ – адолат, мақсадга лойик.

Гарчи умр файзи инсоф, диёнат,  
 Гуноҳдир ҳар фисқу фасод, хиёнат,  
 Ҳур сўзнинг сўлими – рамзул қиёмат,  
 Унга қасд этганлар рихлатга лойик.

Дўстлар кўпдир доим елкадош бўлган,  
 Элнинг ҳар важҳига кўзу қош бўлган,  
 Барчага тенг бокқан, элга бош бўлган,  
 Сафда бўл, ҳар одил даъватга лойик.

Заминдан куч олмиш Нуҳ ҳам Сулаймон,  
 Фуруринг тўсмасин ҳеч довул, тўфон,  
 Кўрсангу нечалар Ҳақ дея нолон,  
 Жим кетсанг, бу мангу лаънатга лойик.

Хожа Аҳрор Валий, Яссавий, Кубро,  
 Пурёй Валий, Накшбанд – Маъбади зиё,  
 Пирларга аёндир мунда ҳар савдо  
 Бўлгил шул иноят, қудратга лойик.

Номус-ор, ғуруринг, дилингни асра,  
 Муқаддас тут, тилинг, илмингни асра,  
 Қадри улуг азиз элингни асра,  
 Фарзанд бўл, шул Ватан, миллатга лойик.

\*\*\*

Чугур-чуғур, қушим, ҳай,  
 Кўзлари дур, қушим, ҳай!  
 Адил тоққа учолим,  
 Дон, сув буюр, қушим, ҳай!

Тоғ пойина боролим,  
 Ойина қаср куролим,  
 Ўттиз қушга бир ҳудуд  
 Ҳарф ўқиюр, қушим, ҳай!

Ҳар шайни ул ойина  
 Қўяр жойли жойина,  
 Уммон тубинда қатра,  
 Шуъла туюр, қушим, ҳай!





Асра бутун сирингни,  
Асра бири-бирингни,  
Қадамда киркта махфий  
Минг бир чуғул, кушим, хай!

Кузгун кўзи ёшлидир,  
Лочин кўзи боғлидир.  
Булбулларнинг исмини  
Тўти кўюр, кушим, хай!

Етсанг ўшал биллурга –  
Ўз-ўзингни билурга,  
Губор, ғафлат ер бўлиб,  
Балкқай ғурур, кушим, хай!

\*\*\*

Яшаш, бу – орзулар канотин кермок,  
Яшаш, бу – мухаббат гулларин термок.  
Яшаш, бу – умрнинг гулгун дамларин  
Эл учун яшамок, эл учун бермок.

## ҲУКМАТ

Хулқларнинг энг афзали. ин-  
сонлар учун энг кераклиси назару  
ибратдур.

Абдулла АВЛОНИЙ



# ДРАМАТУРГИЯ

*Эркин АЪЗАМ*

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 1950 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугаллаган. "Отойининг тугилган йили", "Олам ям-яшил", "Жавоб", "Шоирнинг тўйи", "Шовқин" каби бир қатор китоблари чоп этилган. "Дилхирож", "Эркак", "Сув ёқалаб", "Паризод" ва бошқа кўплаб бадиий фильмларнинг сценарий муаллифи.*



## ТАНҲО ҚАЙИҚ

ёхүд

### ДЕВОНАНИНГ ОРЗУСИ

*Орол бободан драматик ривоят*

*Баҳодир Йўлдошевнинг турткиси билан,  
Баҳодир Йўлдошевга атаб ёзилган*

## РИВОЯТДА НАҚЛ ЭТИЛМИШЛАР

Орол бобо  
Амет  
Жумабой  
Тиловберган  
Генжамурод  
Ўтаган махсум  
Қалимбет  
Гулхадича  
Рохат Собировна

*Биринчи қисм*

1

Атрофи қамиш чий билан ўралган, дов-дарахтсиз яйдоқ ховли. Бир ёнда бахайбат дурадгорлик дастгоҳи, тегишли асбоб-анжом; ерда эски иморатлардан чиккан узун-қиска тахтаю тунука қирқимлари, нам лагта ўраб симга тортилган эгма-қайишқоқ тол новдаларию йирик-йирик мум палахсалари ва қиринди-пайрахалар аралаш-қуралаш бўлиб ётибди.

Иш чала, чала ишлар...

Қарши тарафда тайёр маҳсулот – катта-кичик қайиғу қайиқчалар қатор қилиб четанга суяб қўйилган. Бири қорамойга бўялган, бири қизил, бири қумушранг; четроқдагилари ҳали бўёк кўрмаган – ажралиб турибди.



Ховлининг тўрида – рўпарада ғарибгина, паскам бир кулба. Эшиги нимочик, деразалари ланг. Зехн солиб қаралса, эшик ҳам, дераза қасноқлари ҳам қайикка менгаб кетади, алланечук қайиксимон намоишда. Уйнинг чап томонида бўғотга тираб қўйилган нарвон ҳам шундай; аслида-ку у эски бир қайик бўлиб, тўнқарилгану орқасига тахта қоқиб зина ясалган, холос.

Том бошида ҳам бир қайик! Аммо у хийла хайбатдор, ҳашаматли, икки учида баликсимон безаклари ҳам бор.

Ана шу қайикнинг қоқ белида контопарлар қиядиган соябони сербар аллақандай мовут қалпоқ чўққайиб кўринади. Сувда қалқиб турган каби у гоҳ баралла кўзга ташланади, гоҳ “чўқиб” кетади...

Тонг бўзара бошлаган палла. Бир маромдаги хуррак товуши.

Том устидаги қайикка жон кириб дафъатан чайқалиб кетадию ундан соч-соқоли ўсик, ёшини билиб бўлмайдиган бир қария бош кўтаради. У кўкрагида ётган қалпоқни ҳафсаласизгина бошига қўндириб, теварак-атрофга вазмин аланглаб назар солади.

Орол бобомиз мана шу киши.

**Орол бобо** (*ташвишиманд гудраниб*). Кум, кум... Еру осмон кум-а, тавба! (*Тикила-тикела, бирдан юзи ёришади.*) Йў-ўк, сув бу, сув! Қара, офтобда шишадай ялт-юлт қиялпти жонивор!.. Орол қайтиб келибди! Оролим! Бир кечада сувга тўлибди, яшасин, дол! Ана – мавжлари! Ана – тўлқинлар! Вах, қайиқлар ҳам сузиб юрибди!.. (*У ҳувиллаб қолган овул томларидаги узоқ-яқин қайиқларни ўзича санай кетади.*) Бир, икки, уч... етти, саккиз, тўққиз... Ис, шошма, сув нега бунча сарғиш? Ана, мавжлари ҳам, тўлқинлар ҳам сап-сарик!.. Ҳа-а, бўлди, бўлди – лойқаланган. Лойқаланиб-лойқаланиб тўлади-да сув! Аммо... худдики кум дейсан, кумнинг ўзгинаси-я!.. Кўзингни йириброк қарасанг-чи, қаллаварам, кум бўлмай нима у ахир?! Орол сувга тўлганмиш! Сувлари мавжланиб ётганмиш! Сен ясаган қайиқлар сузиб юрганмиш!.. Ҳар эрта шу ахвол-а! Тушингни ана – кумга, кумликларга айт! Ҳе, эсини еган телба чол! Оролинг сени ташлаб кетганига неча замонлар бўлди-ку! Энди қайтмайди у, эй нодон! Сен эса бир овулда бир ўзинг сўппайиб ўтирибсан. Қўни-қўшни овулдошларнинг аллақачон кўч-кўронини кўтарган, ховли-жойлари бойўғлига макон бўлиб ётибди, ана! Лекин – ҳар бирининг томида биттадан қайиқ. Сен ясаган қайиқлар, шогирдларинг ясаган қайиқ. Сувга ташна, сувга илҳак. Сузадиган сув бўлмаса, мавжу тўлқинлар бўлмаса, ясаган қайиқнинг кимга керак?! (*Қария руҳсиз, қайиқнинг икки ёнидан ушлаб, эран-қаран жойидан қўзғалади. Ётоқ-қайиқ узра ажаб бир қиёфада қад ростлаб, осмонга боқади.*) Кўёш! Бутун ҳам чикибди. Ҳар куни чиқади. Чарчамайди, эринмайди. Қаримасмикан шу? Қарийди, қарийди. Қишга бориб бу ҳам қарийди. Сенга ўхшаб қолади – харсиллаб, қарашлари хира тортиб... Аммо кўклам келганда тагин чарақлаб кетади-да. Яшариб... Сен-чи, сен ҳам қайтиб яшарармикансан? Тавба де, тавба де! Ўзингни куёшга тенг кўрдинг-а, манглайи қора! Ёшлик чоғларинг, Орол бўйларида Ойкумушнинг белидан қучганларинг ёдиндан чикибди-да, ношукур?! Ҳа-а, эсингни таниб, кўрган-билганинг – Орол бўлди. Кўм-кўк мавжлараро отанг қайиқда эшқак эшиб бораётир, сен унинг қўйнида... Шундан отинг “Оролбола” бўлиб кетди. Кейин-кейин – Оролбой, эндиликда – Орол бобо. Ўзингнинг отинг-чи, ўзингнинг чин отинг нима эди? Э, кимнинг эсида бор дейсиз! “Орол” бўлса керак-да... Ишқилиб, ёшингни яшадинг, ошингни ошадинг энди, биродар... Уфф! Нечага кирдим ўзи? Худди минг йилдан буён борману яна минг йил ўлмайдигандекман-а! Йў-ўк, Оролбой, хозирликни кўраверинг, бутун бўлмаса, эртага... Ёшлигингиз ҳам,

умрингиз ҳам Орол билан кетган, қайтмайди энди у! Уфф!.. (*Қария энгашиб, қайиқ ичида қармоққа илашиб ётган каттакон балиқни думидан қўтаради, у ён-бу ён айлантириб қарайди.*) Йириккина! Худойим бу кеча ҳам сийлабди. Қуллук, қуллук!

Қария бир қўлида калпоғи, бир қўлида балиқни осилтириб том кирғоғига келади ва авайлабгина қайиқ-нарвондан ҳовлига тушади. Ёнбошдаги ўчоқ тараф юриб, балиқни қозонга солади-да, устунга илиғлиқ сочиғини елкасига ташлаб уй орқасига ўтиб кетади.

## 2

Дурадгорлик дастгоҳининг бир четида тушлик дастурхон: нон бўлақлари, уч-тўрт дона окқанд, қора қумғонда чой. Орол бобонинг шогирдлари – ўспирин йи-гитлар Жумабой, Тиловберган, Генжамурод – бирови дастгоҳ киррасига суяниб нон кавшамокда, бирови ерга чўнкайиб сопол косадан хўриллатиб чой ичаётир, калта-култа тахтадан қўлбола курси ясаб олган яна бири бекорчиликдан хуштак чалиб ўтирибди. Ягона буклама брезент ўриндиқда Орол бобонинг ўзи, энсасини кашлаб ўй суради.

**Орол бобо** (*хуштакчи Генжамуродга*). Ҳа, шайтонни чақиряпсанми?

**Генжамурод** (*анқайиб*). Шайтонни? Нега?..

**Орол бобо**. Хуштак чалиш – шайтонни чақиряш билан баробар. Шундай гап бор, эшитмаганмисан?

**Генжамурод**. Ҳамма чалади-ку хуштакни...

**Орол бобо**. Билиб-билмай чалса керак-да. Сенга ўхшаб.

**Жумабой** (*илжайиб*). Овулингизда шайтон коптими, Орол бобо, ҳаммаси хар ёкка тўзиб кетган-ку!

**Орол бобо**. Шайтон дегани ҳамма жойда бор, ҳамма жойдан топилади. Одам-зоднинг ичида бўлади-да у. Сездирмайгина кириб, ин куриб олади...

**Тиловберган**. Бизнинг-чи, бизнинг ҳам ичимизда борми?

**Орол бобо** (*мийигида қулмсираб*). Қайдам дейсан... Ичида борини хар ким ўзи биледи.

**Генжамурод**. Масалан, менинг ичимда шайтон-пайтон... ҳеч нарса йўқ.

**Тиловберган** (*қиқирлаб*). Шунинг учун хуштак чалиб уни чақираётгандирсан-да. А, бобо?

**Орол бобо**. Сизларда шайтон нима қилсин, болам! Бадният кўнгилда бўлади у. Сизларнинг дилларинг оқчорлоқнинг тўшидек беғубор! Йўкса, менга ўхшаган бир девонага кўшилиб, бекордан-бекор қайиқ ясаб ўтирармидиларинг!.. Ҳатто қўл чайғали бир қўлмак топилмаса, Оролимиз хув олисларга кетиб қолган бўлса...

**Тиловберган**. Бир куни қайтиб келади, дейсиз-ку ўзингиз доим?

**Орол бобо** (*жонланиб, қомил ишонч билан*). Албатта қайтади! Мен кўролмасам, сизлар кўрасизлар ўша кунни, худо хоҳласа! Бу ясаган қайиқларинг нима учун ахир!..

**Жумабой** (*тамшианиб*). Балиқ еб бунақа тотлисини кўрмаганман, рости!

**Орол бобо**. Ҳа-а, балиқдан балиқни ажрата биласан, сен бола! Қулбой қармоқнинг неварасисан-да, илигинг балиқ мойига тўла. Ўша бобонг мен ясаган қайиқларни миниб ов овлаган...

**Жумабой**. Эшитганман. Отам айтган. Лекин сиз хар куни бунақасини қаёқдан оласиз-а, Орол бобо?

**Орол бобо** (*ажаб бир ихлосу қаноат билан*). Худо беради, болам, Худо!

**Тиловберган** (*ажабланиб*). Худо?! Ўз-ўзидан бераверадими, бекордан-бекор?.. Бу қум саҳрода қаёқдан топаркан у?

**Орол бобо.** Оллоҳимнинг каромати беадад, ўғлим! Керак бўлса, мана шу қумингни зарга айлантиради. Керак бўлса...

**Тиловберган.** Нимага бўлмаса Оролни тўлдирмаяпти?

**Генжамурод.** Ҳа, нега куритиб қўйди уни?

**Орол бобо.** Тавба деб гапиринглар, болаларим. Худо эмас, сен билан менга ўхшаганлар бошига етди Оролнинг. (*Шогирдларининг саволчан назарига жавобан.*) Ғазабини кўзгадик-да. Ҳали айтдим-ку, шайтон оралади ичимизга, васваса солди. Ана шуни қувсанг, ана шундан халос бўлсанг, бир кун қарабсанки, Оролинг сувга лиммо-лим тўлиб турибди-да! (*Бир лаҳза тин олиб.*) Қани, йигитлар, кўзгалдик! Бекорчидан худо безор... Омин, Оролимиз сувга тўлсин, сувлари баликка тўлсин, Оллоҳи акбар! (*Қария юзига фотиҳа тортиб, кафтини тиззаларига тираганча, инқиллай-синқиллай ўрнидан туради.*) Мен пешинимни ўқиб олай, сизлар... Тилов, сен бола бўёгингни охирига етказ, хўпми? Сен, Жумабой, анови ўлчаб қўйилган тахталарни арралаб турасан. Генжа қарашар... (*Ташвишманд аланглаб.*) Амет... Аметимиздан бугун ҳам дарак йўғ-а? Нима бўлди экан? Кейинги вақтда машқи пастроқ кўринади ўзи шу боланинг...

**Жумабой.** Ким билсин, ҳар эрта орқаларингдан етиб бораман, дейди-ю, кейин эса...

Худди шу чок четан эшик очилиб, шерикларидан тикроқ, дадилроқ йигит – Аметнинг ўзи кўринади.

**Орол бобо** (*чехраси ёришиб*). Хизрни йўқласак бўларкан... Кел, Аметбой, тинчликми?

**Амет** (*хомушироқ*). Ассаломалайкум. Уйда юмуш кўпайиб кетди, оқсоқол...

**Орол бобо.** Майли, буларингга бош-қош бўлиб тур-чи, гаплашармиз.

**Генжамурод.** Бунингизнинг ичига ҳали сиз айтган шайтон кириб олган бўлмасин тагин, Орол бобо!

**Орол бобо** (*унга ўқрайгандек*). Тилингни тий, бола! Алҳазар!

Чол ўчок оғзида турган сопол офтобасини олиб, уйнинг панасига ғойиб бўлади. Шогирдлар топширилган юмушларга уннаб кетишади. Тиловберган бўёқ челагини кўтариб, четанга суяб қўйилган кайиклар томон юради. Жумабой билан Генжамурод бир четга уйилган тахталарни сараламокка киришади. Биргина Амет ҳовли ўртасида бекор қайиб турибди. Ўйчан, алланечук тараддулда.

**Генжамурод** (*ўгирилиб*). Ҳа, шайтон, сен-чи?..

**Амет** (*унга бепарво*). Бу ёққа келинглр-да. Гап бор!

У болаларни гирдига йигиб, қўлида узун бир калтак, ерга ажи-бужи шакллар чизган бўлиб алланималарни уктира бошлади...

**Жумабой** (*ахийри жигибийрон бўлиб*). Калланг жойидами, Амет, шунча шишани қаёқдан оласан ахир?!

**Генжамурод.** Хомхаёл, хомхаёл! Уч кун уйда ўтириб, топиб келган гапини кара бунинг! Нима, шиша зовутинг бормидики... Ёнғоқ-понғоқнинг остида ётмаганмидинг ишқилиб?..

**Амет.** Ана – овулни шиша босиб ётибди! Ҳеч кимга кераги йўқ, эгасиз! Аста кўчириб олаверасан-да...

**Жумабой.** Хўп, кўндик, сен айтгандай бўлақолсин, майли. Лекин бу бепоён сахрони бир овулгинадан чиққан шиша билан қандай тўлдирасан, шунисидан гапир!

**Амет.** Сидирғасига шиша тўшаб чиқиш шарт эмас, ошна, тушунсанг-чи. Ҳар-ҳар жойга ташлаб кетилса кифоя, кўзни қамаштириб, сувдай ялтираб ётаверади. Кейин, чор тарафни шишага тўлдирасан деяётганим йўқ-ку, ахир. Фақат Орол томони бўлса бас...

**Генжамурод.** Умуман, шу масхарабозчилик кимга керак ўзи?! Шўрлик чолни алдаб, лакиллатгандай бўлиб...

**Амет.** Ҳеч ким уни алдамоқчи, лакиллатмоқчи эмас, жўра, ўйлаб сўзла! Кўнги овлаш дейдилар буни, билсанг! Мана, сену менга шунча хунар ўргатди, устозимиз, кўриб кўзи бир кувнасин, армонда кетмасин деган ниятда эдим-да, холос...

**Жумабой.** Биламиз, биламиз, чолнинг сенга меҳри бўлакча, шогирдларининг зўрисан. Лекин эрта-индин ўзинг хув бир ёкларга чоғланиб турибсан-ку, бу ёғи неча пулдан тушди?..

**Амет.** Мен ҳеч қайсига бормаيمان! *(Кейин сал бўшаишганроқ кўйда.)* Кетар бўлсам ҳам... Майли, сенлар кўшилмасанг кўшилма, шу ишни бир ўзим бажармасам, номард сананглар мени!

**Генжамурод.** Катта кетманг, катта кетманг, Аметбой! Ёлғиз ўзингиз...

**Амет.** Ана кўрасизлар! Мен сизларни ошна, оғайни деб юрсам!..

**Орол бобо** *(намозини тугатиб қайтган, ҳовли бошида тўхтаб).* Йигитлар дейман... мана, Аметбойимиз келиб, сафларинг тўлди. Кўш-кўш бўлиб анови икки қайиқни томга кўндириб келсаларинг-чи, а?

**Жумабой.** Тўғри, тўғри. Куриб ётганига неча кун бўлди!

**Орол бобо.** Шундай қилинглар, чироғларим.

Худди шу фармойишни кутиб тургандек, аслида хуфия маслаҳатлари чала қолганидан норози шогирдлар дарҳол қанот чиқариб, четанга суяб кўйилган тай-ёр қайиқлар сари юришади.

**Жумабой** *(чолга ўғирлиб).* Кимниқига элтамиз, бобо?

**Орол бобо** *(ўйланган бўлиб).* Қизғишини-и...

**Жумабой** *(ялинганнамо).* Пирназар эшқакнинг томига қўяйлик шуни...

**Орол бобо** *(шаҳодат бармогини таҳдидли ўқтаб).* Пирназар – тоға қавминг-да, а? Қай гўрга кўч кўтарган ўзи шу?

**Жумабой** *(ҳамон илинж билан).* Нуқусга. Балад уйларга. Катта ўғли ўша ёкда-ку, амалдор!

**Орол бобо** *(чўрт кесиб).* Йўқ! Эшқакка хиёнат қилиб жуфтақ ростлаганга қайиқ йўқ! Буни Нажим муаллимнинг томига ўрнатасан. Уқдингми?

**Тиловберган.** Қорасини-чи, қорасини? Ўзим бўяганман... Тўқлибой полвонниқига олиб борайлик? Хиёнат қилмаган у!

**Орол бобо.** Ота-бобосининг овулини ташлаб Хоразм томонларга қочган баччағарни айтасанми? Ҳаҳ, муғамбир! Отагинангнинг ошнаси эди-да у, шундайми?

**Тиловберган.** Бир серканинг устидан отам у билан роса уришганлар, ўзим кўрганман!

**Орол бобо.** Қўй, қўй... Бери у ёкка тортади, бири бу ёкка... Ҳе, ғир-ромлар! Ғирром устанинг кўлидан чиққан қайиққа сув қиради, билиб кўйинглар!

**Тиловберган** *(норозиланган каби).* Сув дейсиз, сувнинг ўзи қани?!

**Орол бобо** *(ер остидан унга ўтқир тикилиб).* Сув – бўлади! Сув – келади!.. Келмайдиган бўлса нега қайиқ ясаб ўтирибсан, хўш? Ол, кўтар! Элтиб буни хув овулдан чиқаверишдаги Жанғил момонинг кулбасига тиклаб келасанлар. Гап шу!

**Генжамурод.** Жанғил момо дейсизми? Унинг ўлиб кетганига минг йил бўлди-ку!..

**Орол бобо** *(шаитидан қайтмай).* Яна минг йил бўлсин! Жаннати кампир эди. Боёкишининг чоли Оролга чўкиб кетган... Минг йил эмиш! Ўзлари нечага кирдилар, йигит?

**Жумабой** *(ер сузиб).* Бу йил ўн тўққизга тўламан.

**Орол бобо.** Барақалла, ўн тўққизга тўладиган азаматнинг гапини қаранг! Бўл! Нариги бошидан ол-чи, қани!

**Генжамурод** (*Жумабой билан шериклашиб қайиқни елкасига қўндираркан*). Овулингизнинг томлари қайикмозор бўлиб кетди-ку, Орол бобо!

**Орол бобо** (*ногаҳон қаҳрдан бўкириб*). Ўв-ўв! Мен сенларга неча бор айтдим, манглайи қора! Қўлтигингга ол ахир, қўлтигингга! Нима бу, Орол бобонгнинг тобутимидаки бошингга қўйиб олдинг?! Шайтон урибди сенларни, шайтон! Ҳе!..

Шогирдлар қайиқни апил-тапил қўлтиқлаб олишади-да, четан эшик сари юришади. Ҳовли ўртасида Орол бобо ёлғиз. Титраб турибди.

**Орол бобо**. Нима жин урди-я буларни, тавба! (*Сўнг оҳиста ерга чўкиб*.) Тўғри-да ахир, сен қарияга-ку Худойим ғойибдан ризк етказиб турибди, бугиналар нима қилади эртага? Нима еб, нима ичади? Ҳе, худбин, ноинсоф чол!

## 3

Кечки пайт. Ҳовли кимсасиз.

Ота-ўғил – қўлида “дипломат” портфель, башанг кийинган Қалимбет, унинг ортидан кундалик энгил-бошда Орол бобо кириб келади.

**Орол бобо** (*қўл силтаб*). Қўй, Қалимбет, қариган чоғимда сарсон қилиб юрма одамни. Ўз уйим – ўлан тўшагим дебдилар...

**Қалимбет** (*ўзини эшитмаганга солиб*). Ҳамма жаҳози муҳайё! Мехмонхонаю ошхоналарини кўрдингиз... Бир бошга яна нима керак, тўғрими? (*“Дипломат”ни дастгоҳ устисга ташлаб*.) Кичикроқ бўлсаям ободгина ҳовли. Ёзларда қаравотни қўйиб олиб...

**Орол бобо**. Кимники ўзи у?

**Қалимбет**. Сизники-да, ота, сизники! Сизга деб олинди.

**Орол бобо** (*ҳанг-манг*). Меники?! Сотиб олдингми? Кимдан, қанчага?

**Қалимбет**. Узумини енг-у, боғини сўраманг. Ҳукумат бобо қурган уни! Пули тўланса бас, қуриб бераверади. Қариган чоғингизда бир суюнтирайлик дедик-да сизни. Ўтиринг бундай, ўтиринг... (*У меҳрибонлик билан қифтидан тутиб отасини ҳовли ўртасидаги буклама ўриндиққа ўтқизади, ўзи шунга ёндош қўлбола курсидан жой олади*.) Юрасизми энди бу чўлу биёбонда! Эл-улус бизни айб қиялпти-ку, шундоқ ўғил-қизлари шаҳарларда даврон суриб юрибди-ю, оталари хув бир овлоқда қаровсиз қолиб кетган, деб...

**Орол бобо** (*ҳасратомуз*). Чўлу ёбон дейсан... Онанг мана шу ерда ётибди, бобо-момоларинг шу ерда... Уларни ташлаб мен қаёққа кетардим, ўғлим, ўйлаб гапирясанми? Онангнинг мазорини зиёрат қилмаган куним дунё кўзимга қоронғи... Бу ёқда қайикларим, Орол...

**Қалимбет**. Эски ашула! Орол, Орол! Ўзингиз биласиз-ку, ота, у энди ҳеч қачон ўзанига қайтмайди, тўлмайди. Қайикларингиз ҳам бировга кераксиз...

**Орол бобо** (*шаит билан бош қўтариб, жўшиб*). Нима?! Қайтмайди, тўлмайди... Сиз қаёқдан билибсиз, Худомисиз?! Ҳа, тўлмайди! Тўлдиролмайсан уни! Ҳеч биринг! Олиму уламонг ҳам, бошқанг ҳам! Чунки баринг фойдани кўзлайсан! Орол фирром эмас, сенлар фирром, ха! Худо сенларга инсоф берган кун у ўз-ўзидан суга тўлади! Худойим тўлдиради уни, билиб қўй! (*Оғир хўрсиниб*.) Ўша кунни кўриб ўлсам армоним қолмасди...

**Қалимбет**. Майли, майли, отажон, қаттиқроқ кетибман, тавба қилдим. Лекин гапнинг бори ҳам шу-да, ахир. Одам эртасини ўйлаб иш тутгани яхши. Худо кўрсатмасин-у, эртага бир кун... Биз шарманда бўлиб қолмайлик дейман-да.

**Орол бобо**. Гап бу ёқда дегин? Шарманда бўлмайсан, кўркма... (*Бир зум ўйга толиб*.) Мана, ўзинг бошладинг, ўғлим. Мабодо бир кун ажалим етиб, сув келганини кўрмай кетар бўлсам, айтиб қўяй, жасадимни қайиққа солиб, Оролга элтиб ташлайсан! Майли, баликларга ем бўлай! Майли...

**Қалимбет** (*санчиб тушгудек*). Ис-ис, ота, бу нима деганингиз?! Ахир, муслмончилигимиз қаёқда қолади унда?

**Орол бобо** (*бояги шашидан тушмай, бирмунча мулоим, аммо қатъий йўсинда*). Бир муслмон бўлса менчалик бўлар, Қалимбет! Ўғлиммисан, мана шу айтганимни бажарасан, гап тамом! Васият бу, Худойим ҳам кечирар...

**Қалимбет** (*ясама бир кўтаринкилик билан*). Э, отабой, кўйинг халитдан шу совук гапларни! Сиз хали кўп яшайсиз, кўп! Янги уйларда даврон қилиб, а!.. Қалай, маъкул келдими ўзи сизга?

**Орол бобо** (*бўшашиброқ, совуққина*). Яхши, яхши... Лекин... (*Кўл силтаб.*) Ҳай, ўзингдан гапир. Ишлар жиялптим ахир?

**Қалимбет** (*жиддий тортиб*). Ишларим ёмонмас, ота. Ёмонмас-у, шу кейинги вақтда унчалик яхшиям эмас. Орқага кетгандайроқ. Бир хизрсифат одам маслаҳат бериб қолди денг. Бориб отангизнинг кўнглини обдон овлаб, дуосини олиб келсангиз, бари юришиб кетади, дейди...

**Орол бобо**. Шундай дедими ўша хизрсифатинг? Бўпти, мана, дуо си биздан: илойим, ишларинг бирдан юришиб кетсин! (*У юзига фотиҳа тортиб қўяди.*) Шунга келдим де?

**Қалимбет** (*норозиланиб*). Бунақа дуо эмас-да, ота!

**Орол бобо**. Қанақасидан бўлсин, айт?.. Қулоғингга қуйиб олгин, бола: чинакам ғайрат билан, тоза кўнғил билан қилинган иш ҳеч қачон орқага кетмайди – дуо си ўзи билан бўлади унинг!

Бир дамлик сукут.

**Қалимбет**. Ҳа, айтгандай, эшитдингизми – Гулҳадичамиз депутат бўлмоқчи!

**Орол бобо**. Депутат? Қандай депутат?

**Қалимбет**. Жўкорғи Кенгесга!

**Орол бобо**. Унияма дуо қилиб қўйиш керакми? Нима деб? Жўкорғи Кенгесга ўтсин дебми, ундан наригами?..

**Қалимбет**. Ўзимиздан чиққани яхши-да, ота. Фойдаси тегиб туради: сизга ҳам, менга ҳам, ўзига ҳам...

**Орол бобо**. Менга?! Нима, Оролни тўлдириб берадимиз?

**Қалимбет**. Тўлдириб берар... (*қулиб*) гап билан! Қизингиз махмадана-ку, шунинг учун сайланяпти-да.

**Орол бобо**. Навзанбиллох, навзанбиллох... (*Дафъатан юмиаб.*) Қўзи-қўчқорларинг яхши юрибдимиз? Бир олиб ҳам келмайсан, невараларимни кўрмаганимга неча замон бўлди...

**Қалимбет**. Ҳозир, хозир... (*У шоша-пиша туриб, дастгоҳ устида ётган "дипломат" идан алланарса – планиетини олади-да, тугмачаларини боса-боса отасининг бошига келади.*) Мана, кўринг... Қани, топинг-чи, манови ким?

**Орол бобо** (*сиччиқлаб-суқланиб*). Камолингми? Вой-бў-ў, арслондек бўлиб кетибди-ку! (*Юзини четга олиб.*) Туф-туф, ёмон кўзлардан асрагайсан илойим! (*Сўнг журъат-сизгина энгашиб, планиетга лаб тегизиб қўяди – ўнган бўлади.*) Шугинани каватимга қўйиб кетмадинг-да, Қалимбет. Тўнғич невара – бобосиники деган удумлар бўлгич эди...

**Қалимбет**. Нима, овулма-овул тезак териб юрсинмиди!..

**Орол бобо** (*орзумандона*). Қайиксоз қилардим. Зўр қайиксоз уста!

**Қалимбет** (*эшитмаганга олиб*). Бунисини танияпсизми? Ким?.. (*Чол тикила-тикила тополмагач.*) Гулзира-ку, Гулзира! Яхшилаб қаранг...

**Орол бобо**. Қиз махлукнинг шайтони бўлармиш, қулоғидан тортиб ўстираварармиш... Чўзилиб қолибди кизинг. Омон бўлсин, омон бўлсин.



**Қалимбет.** Мана буниси-чи?..

**Орол бобо** (*қарай-қарай, бўйнига олади*). Бунингни таниёлмадим, рости. Кўрмаган эканман. Кенжатоинг бўлса кераг-а?

**Қалимбет.** Ҳа, оти ҳам Кенжабек.

**Орол бобо.** Умрини берсин илойим.

**Қалимбет.** Келинг, энди дунёга саёҳат киламиз! (*У “муъжиза”сининг тугмачаларини бир-бир босиб, изоҳ бера бошлайди.*) Мана бу ер Арабистон, Саудия Арабистони... Каъбамиз шу ерда, қаранг... Буниси – Ҳиндистон, буниси – Покистон... Мана – Ўзбекистонимиз! Оролни топинг-чи, қани, кўрайлик... (*Чол ҳадеб тикилавергач.*) Мана, мана!

**Орол бобо** (*ҳафсаласи пир бўлиб*). Шугинами? Орол шуми? Э-э, кўтар! (*У кўлининг орқаси билан планшетни нари суради.*)

**Қалимбет** (*кулиб*). Шугина!.. Сизга қолса, бутун дунё Оролдан иборат бўлсин-да, а? Ў-ўртасида битта қайиқ – якка, танҳо қайиқ, унда – сиз...

**Орол бобо** (*куфри кўзиб*). Тур, жўна, уй-пуйинг керак эмас менга!

Қалимбет мулзам ўтира-ўтира, дастгоҳ устидан “дипломат”ини юлқиб олиб планшетни жойлайдию отаси томон бир ўқрайиб, ховлини тарк этади.

## 4

Орол бобонинг ховлиси. Кулоғига қалам кистирган, бўйнида метр ўлчагич тасма – қария дастгоҳ қошида тахта чамалаш билан машғул. Дастгоҳнинг нариги бошида кўхнадан-кўхна транзистор гўнғиллаб турибди. Ташқаридан отнинг кишнагани, тепингани эшитилади. Ҳаял ўтмай четан эшикни гийкиллашиб, кўлида бежама камчи, гўддайганрок бир киши – Аметнинг отаси Ўтаган махсум қиради.

**Ўтаган.** Ҳорманг, оксокол, ҳорманг! Ассаломалайкум.

**Орол бобо** (*таниёлмаган каби кафтини пешонасига соябон қилиб*). Ўтаганбойга ўхшайдими? Келинг, келинг, иним.

Кўшқўллашиб кўришадилар. Орол бобо хос ўриндигидан, Ўтаган махсум кўлбола курсидан жой олади.

Қани, бахайр?

**Ўтаган.** Сизни би-ир зиёрат этайлик деб...

**Орол бобо.** Хуш келибсиз, хожи махсум, хуш келибсиз!

**Ўтаган** (*огринганнамо*). Куляпсиз-да, бобой?

**Орол бобо.** Кулганим йўк, кулганим йўк. Илгари кимсан – мулла Гулбойнинг ўғли, Ўтаган махсум эдингиз. Қайта-қайта ҳаж қилиб, мана, хожи бўлдингиз. “Ҳам хожи, ҳам махсумман” деб эл-улусга ёйган ўзингиз-ку, биз нима дейлик?!

**Ўтаган.** Майли, майли... (*Ҳар ёнга алағлаб.*) Ҳаммаёкни қайиқ қилиб юборибсиз-ку! Зўр, зўр.

**Орол бобо.** Бу ўрамларга қадам изи қилмаганингизга кўп бўлдим дейман, махсум, кўрмаган экансиз-да? Ота-бобомиздан қолган хунар, кўлимиздан бошқа иш келмаса...

**Ўтаган.** Бекорчи хунар денг... Зўр, зўр. Шоғирдлар кўринмайди?

**Орол бобо.** Бир юмушга жўнагувдим, ҳозир кепқолишади. (*Четан девордаги бўёғи чала қайиқни кўрсатиб.*) Хув ановинисини ўғлингиз, Аметбой ясаган. Қаранг, қандок бежирим! Муллазодалардан ҳам уста чиқаркан, дуппа-дуруст қайиқсоз бўлиб қолди бола!

**Ўтаган** (*энсасини эрмакка қашлаб*). Ўшанга келувдим, оксокол. Мен уни Ле-

нинградга юбормоқчиман. Акасининг олдига. Тўғри-да, қачонгача тезак босиб, лайлак хайдаб юради бу ерда!

**Орол бобо** (*ўзича мароқланиб*). Лайлак хайдаб дейсизми? Лайлак коптими, иним! Лайлагу ғозигача кирилиб битган...

**Ўтаган**. Бойўғлининг макони денг! Бош бойўғли – ўзлари...

**Орол бобо** (*ҳазилга буриб*). Юмронқозикдан келсангиз-чи, махсум!

**Ўтаган** (*баттар ачитмоқчидек*). Шунни айтаман-да, юмронқозигу битта сиз колгансиз бу биёбонда!

**Орол бобо** (*муроса йўлига*). Насиба-да, махсум, пешонага ёзилгани шу экан... Ленинградга жўнатаман, дедингизми? Нима қилади у ерда Амет?

**Ўтаган**. Бу ерда нима қилади?

**Орол бобо**. Бу ерда... (*ҳовлига аланглаб*) мана, қайиқ ясайди!

**Ўтаган**. Ясаган қайиғи кимнинг дардига шифо, оксокол?! Ўша ёқларга борсин, тайинли бир ишнинг бошини тутсин, пул топсин дейман-да!

**Орол бобо** (*дами ичига тушиб*). Тайинли иш... Нима иш экан, нимага юбормоқчисиз уни?

**Ўтаган**. Салат кесишга.

**Орол бобо** (*ростдан ҳам тушунмай*). Саллат? Нима дегани у? Нега кесади?

**Ўтаган**. Сала-ат... Шу, ўт-пўт-да. Кўкат деймиз-ку...

**Орол бобо** (*лол қолиб*). Шошманг, Амет келиб-келиб ўт кесадими? Аметимиз-а?! Қайиқ ясайди-ку у, қайиксоз уста!

**Ўтаган**. Қайиғингизни еб бўлмаса! Салатни эса (*у бармогини дастгоҳ қиррасига уриб-уриб*) тўғраб-тўғраб, маза килиб туширилади.

**Орол бобо**. Шугинани ўзлари тўғраб еса бўлмасмикан, махсум, нимаси кийин?

**Ўтаган** (*қўлидаги қамчини тиззасига уриб*). Бўлмайди, оксокол, бўлмайди. У ёқларда биров кесиб беради, биров ейди. Ресторан деганини айтяпман-да.

**Орол бобо**. Кейин шунни кесгани учун пул ҳам олади?

**Ўтаган**. Худди шундай! Қайиқ ясагани учун эса шаматалок ҳам олмайди!..

**Орол бобо** (*маъюс тортиб*). Навзанбиллох, навзанбиллох...

**Ўтаган**. Қайтага, уй-уйидан ул-бул кўтариб келиб сизни бокади, шундайми?

**Орол бобо**. Унақа миннатни қўйинг, махсум. Мен шогирдларим олиб келган ноннинг ушоғига ҳам шериклик қилмайман...

**Ўтаган**. Ўзим ясаган қайиқларни ғажиб-ғажиб кун кўряпман десангиз-чи!.. Кўйинг-э, оксокол!

**Орол бобо**. Ия, нега? Худо берган ризким бор, иним! Мен балиқ гўшти ейман, билсангиз!

**Ўтаган**. Опқочинг-а, опқочинг! Туш-пуш кўряпсизми дейман. Шу дашту биёбонда баликни ким бераркан сизга?!

**Орол бобо** (*қўлларини баравар осмонга чўзиб*). Худо! Ҳожи бўлмасак ҳам, махсум бўлмасак ҳам – беради. Кунига биттадан. Бизники ана шундай, ҳожи махсум, кунбайи!

Четан эшик очилиб, орқама-кетин йигитлар кўринади.

**Ўтаган** махсум камчинини ҳавога сермаб ўрнидан туради-да, Амет томон бостириб боради.

**Ўтаган** (*унга қаҳрли ўқрайиб*). Сен болага нима деган эдим?! Қани, олдимга туш-чи! Қайтиб шу ерга кадам боссанг!..

**Орол бобо** (*қалтирай-қалтирай қўзғалиб*). Ҳай, ҳай! Шайтонга ҳай беринг, махсум!..

**Ўтаган** (*ижсирганиб*). Э-э, алжирама, тентак чол!

Амет аввал Орол бобога, сўнг шерикларига ўкинчли бир назар ташлайди-

да, секин бурилиб отасининг изидан чиқади. Аммо шу захоти қайтиб киради. Ўртоқлари билан бир-бир кучоклашиб хўшлаша бошлайди.

**Жумабой** (*таъна аралаш мингирлаб*). Э қўй-э, Амет, бўлмадинг, ошна!

Амет кўча тарафга имо килиб, ғамгин елка кисади: начора, отам!..

**Генжамурод** (*ачитиб*). Анув ишни бошлаб қўйиб, энди кочиш экан-да, а?

**Амет** (*чол томон хавотирли нигоҳ ташлаб олиб, тичирлайди*). У ёғини ўзларинг..

**Жумабой**. Кетавер, кетавер, бир хисоби бўлар.

**Тиловберган** (*чапанिकासига қўл ташлашиб*). Яхши бор, дўст!

Амет гуноҳқорона бош эгиб, хос ўриндиғида хомуш қотган Орол бобонинг қошига келади. Чол уни бўйнидан кучиб, бир муддат сўзсиз қолади. Таъсирли ҳолат!

**Орол бобо** (*ниҳоят тилга кириб*). У ёқларда фақат ўт кесиш билан бўлиб юр-верма, бола. Яхши-ёмонни кўр, бил, хўпми? (*Сўнг бирдан ўпкаси тўлиб, кўзлари ёшлангандек.*) Бизларни унутсанг унут, Оролни эсдан чиқарма, Оролимизни!..

Ташқаридан Ўтаган махсумнинг дағдағали овози эшитилади: “Аме-ет!..”

Амет тағин барчага бир-бир хомуш бош силкиб чиқади-да, шалвирабгина четан эшик томон юради. Орол бобо ўриндиғига чўкканча мунғайиб колган. Йи-гитлар ҳам паришонҳол серрайиб турибди. Ташқарида отнинг кишнаши, тепингани, камчи товуши...

**Орол бобо** (*ҳасратомуз*). Бориб-бориб хув дўзахий пирга ўхшаб бир ўзим шўппайиб қолмасам денг..

Шогирдлар тушунмай унга анкайиб қарайди.

**Орол бобо** (*ривоятга киришиб*). Пирнинг қирк муриди бор экан. Сизларга ўхшаган шогирди. Қирк йил ичида камая-камая, охири шулардан биттагинаси қолибди. Аметинг мисоли бирин-сирин ташлаб кетган-да. Пир ўша қолган мури-дидан сўрабди: “Буларинг нега бундай қилди экан?” Мурид чайнала-чайнала ай-тибди: “Улар сизнинг таълимингиз билан Мангу китобни ўқийдиган мақомга етди. У китобда эса...” “Гапир-гапир”, деб кистабди пир. “У китоб сизни дўзахий деб ёзган экан, устоз...” “Биламан, – дебди пир. – Ҳақрост, шундай ёзилган. Аммо мен жаннатдан ҳам улугроғини кўзлаганман-да... Улар-ку жаннат илинжида кетибди, хўш, сен нега қолдинг?” “Чунки ўша китобни ўқишни сиздан ўрганганман-да, пир-м”, дебди мурид. Қаранг, қандай оқибатли экан-а шогирди!..

Йигитлар ривоятдан таъсирлангандек ўйга толади.

**Генжамурод**. Бобо-о, жаннатдан ҳам зўр деяпсиз, канақа жой у?

**Орол бобо**. Бор, ўғлим, шундай жой бор. Ҳақ, Ҳақнинг даргоҳи дейдилар уни. Бандаси умидвор-да. Мана, бобонг ҳам умид билан яшашпти-ку!..

### Иккинчи қисм

#### 5

Ўша ховли. Тун. Осмонда юлдузлар чарақлайди, эринибгина ой сузади. Шамолнинг бир маромда увуллаши; олислардан чиябўриларнинг “хи-хи, хи-хи” лаган товуши садо беради.

Бошига сербар оқ калпок илган бир кўланка ҳарсиллай-ҳарсиллай кулба бикинидаги қайиқ-нарвонга тирмашиб, томга чикиб бораётир.

Орол бобомиз!

Том устига чикиб олгач, у бир муддат нари-бери бориб келади. Осмонларга қарайди, ою юлдузларни томоша қилган бўлади. Сўнг аста келиб қайиғига ўрнашиб ўтиради-да, теварак-атрофни яна бир қур кўздан кечиргач, икки ёндаги эшакларни кўлга олади. Эшак эша бошлайди. Аввалига сустрок, бир маромда, кейин эса навкирон бир ғайрат билан. Шамол увуллашию чябўриларнинг “ҳи-ҳи”лаши ногаҳон сув шовкинига – мавжу тўлқинлар сасига айланиб-қоришиб кетади. Шалоп-шулуп, шалоп-шулуп... Ой ёғдусида чарх этаётган денгиз кушлари – чағалаю очқорлоқларнинг сувга тўш уриб учишлари, кумуш канотлари нимкоронғиликда ялт-юлт аксланиб кўзга чалинади... Чол бир замон эшак эшишдан тиниб, тимирскилай-тимирскилай қайиқ ичидан узун алланимани оладию узокни чамалаб уни ҳавога – “сув”га улоктиради. Шалоп-шулуп... “Балиқчи” кафтларини кулоқпана қилиб пастга энгашган – нимадир сасни эшитмоқчи...

Сукунат, сукунат...

Бир пайт қайиқ четида кўндаланг ётган эгма хода кимирлаб кетиб, шалоп-шулуп товуш чиқаради. “Балиқчи” шоша-пиша ходани “сув”дан кўтаради. Нақд тумшуғидан илинган лакка ой ёруғида биланглаб турибди!..

**Орол бобо** (*уни завқ билан айлантириб томоша қиларкан, шодон*). Берганинга шукр! Берганинга шукр, танграм!..

Сўнгра у балиқни қармоқдан узиб, қайиқ ичига ташлайди. Ов ашёларию эшакларни жой-жойига қўйиб саранжомлагач, қайиқ бўйлаб оҳиста чўзилади.

Кўкси узра таниш оқ калпок!..

**Орол бобо** (*ҳоргин, уйқули овоз*). Берганинга шукр, эгам! Берганинга шукр!..

Тун. Кўкда юлдузлар чараклайди, эринибгина ой сузади. Шамолнинг бир маромда увуллаши, олисларда оч чябўрилар саси...

## 6

Ҳовли. Кундуз куни. Уч шогирд – Жумабой, Тиловберган ва Генжамурод қайиқ ясаш юмушлари билан банд. Ўчок устидаги ярми кесилган бочка идишдан қорамтир дуд кўтарилади – мум эритилмоқда.

Шошиб-ҳовлиқиб Қалимбет кириб келади. Одатдагидек, кўлида “дипломат”.

**Қалимбет** (*аланг-жаланг қилиб*). Отам қани?.. (*Йигитларга қараб*.) Хўв укалар! Қани, югуринглар! Овулнинг оғзигинасида мошинамиз қумга ботиб қолди, чиқаришворинглар. Ҳа, баракалла!.. (*Кулба эшигида бир учи чўмичсимон узун косов кўтарган Орол бобони кўрач*.) “Жип” денг тагин! Шундай мошинаки ботиб қолганидан кейин аҳволни билавер-да!

Орол бобо амрига маҳтал шогирдларига “майли, бориб қарашинглар” дегандек ишора қилади. Усти-бошини кока-кока, улар ҳовлидан чикиб кетишади. Чолнинг ўзи индамай ўчокбоши тарафга юради.

**Орол бобо** (*кўлидаги анжом билан “қозон” кавламоққа тушаркан*). Ке, Қалимбет, шовкин солиб юрибсан?..

**Қалимбет** (*“дипломат”ини тиззасига қўйиб курсига ўрнашаркан, ясама хушнудлик билан*). Бир ўйнаб берасиз энди, отабой, зўр сюрпризимиз бор сизга! (*Синновчан сукутодан сўнг, ширин қилиб*.) Би-ир ҳажга бориб келсангиз-чи, а? Ҳамма бизни изза қияпти-ку: шундоқ пулдору бадавлат ўғиллари, қизлари бўлатуриб, оталарини ҳажга жўнатмаяпти, деб.

**Орол бобо** (*ишидан чалгимай*). Бунням хув анови хизрсифат маслахатгўйинг айтгандир?

**Қалимбет**. Топдингиз, у ҳам шундай деган эди.

**Орол бобо**. Куллук, куллук. Лекин отанг ҳеч қаёққа бормайди, овора бўлма.

**Қалимбет**. Ие, ие! Ҳажга ҳам-а? Ҳаждан бўйин товлаган мўминни энди кўришим! Ота, ўйлаб гапирясизми ўзи? Ахир, ҳажи муборак ҳар бир мусулмонга...

**Орол бобо**. Биламиз, биламиз – фарз.

**Қалимбет**. Билсангиз, нега бундай оёқ тираясиз? Баъзилар ҳатто от миниб, пул кўтариб чошиб юрса-ю, сиз бўлсангиз...

Чол кўлидаги косовни “қозон” четига кўйиб, ўриндиғига келиб жойлашади.

**Орол бобо**. Ҳажга қилган-кечган гуноҳларидан тавба этмокка бориларди чоғи, шундайми ахир?

**Қалимбет**. Ие, албатта, бунинг учун ҳам...

**Орол бобо**. Унда отанг қайси гуноҳини ювгали борсин, хўш?

**Қалимбет**. Э, э, Орол бобо, куфр кетгандайсиз, беғуноҳ банда бор эканми бу дунёда?!

**Орол бобо**. Шошма, оғзимга урмай тур... Ёлгон гапирганимни ё бировга фириб бериб иш битирганимни биласанми? (*Қалимбет елка қисади*.) Гапир, гапир, эшитганмисан ҳеч?

**Қалимбет**. Йўқ...

**Орол бобо**. Бировнинг ҳақиқа хиёнат қилган жойим борми, айт?

**Қалимбет**. Ота...

**Орол бобо**. Кимсанинг моли ё жуфти ҳалолига кўз олайтирганимни-чи? Кулок-пулоғингга чалинган чикар?..

**Қалимбет**. Э, ота, иззага кўйманг-да одамни. Фақат шулар учунгина ҳаж қилинмас...

**Орол бобо**. Ҳа, нима учун борилар экан бўлмаса? Шунчаки сайру томошагами? Ё номчикараргами? Тўғри, унақаларини ҳам биламиз. Ана – ўзимизнинг ўтаган маҳсум. Йил сайин қатнайди. Нима, авлиё бўлиб қоптими у? Ўша-ўша, келиб тагин гуноҳга ботгани ботган... Йўқ, ўғлим, ҳаж зиёратининг шартлари, қонун-қоидалари бор. У ерга обдон ҳозирлик кўриб, риёзату машаққатлар чекиб борилади!

**Қалимбет**. Эски замонларнинг гапини кўйсангиз-чи, ота. Машаққат чекиб нима фойда? Ҳозир тап-тайёр самолёт, оппа-осонгина бориб келинаверади. Бу ҳам тангрининг марҳамати-да, ахир!

**Орол бобо**. Куллук, куллук. Аммо... тавба қилдим, тавба қилдим, кўнглида бир тоза нияту чин ихлоки борми-йўқми, дуч келган одам ҳаж экан деб жўнайверса... Худди тўйга отлангандай... Зиёрати қабул бўлармикан?.. Ахир, бандаси поклашиб, тозаланиб бормайдими унақа жойларга?!

**Қалимбет**. Мен ҳам шуни айтяпман-да, ота! Ҳалигина ўзингиз исботлаб бердингиз: бировга ёмонлик қилмагансиз, хиёнат қилмагансиз, кўз олайтирмагансиз... Сиз бормай ким борсин ҳажга?!

**Орол бобо** (*эриб кетиб*). Рост, бир-икки дафъа чоғланиб ҳам кўрганман. Юрак дов бермади-да: ўзинг ким бўсан-у, ҳажни орзу қилсанг дегандай. Биз-ку бир ҳашаки банда, ҳаж зиёрати насиб этмаган не-не улуг зотлар ўтган, ўғлим! Лекин ичимдаги бир сирни сенга айтсам: баъзан худдики бориб келганга ўхшайман! Нияти билан-да...

**Қалимбет** (*жонланиб*). Ана энди чинакамига бориб келасиз, отабой! Мана, ҳамма ҳужжатингиз тайёр! (*У шоша-пиша “дипломат”ини очиб, бир даста қозон чиқаради.*) Мана...

**Орол бобо** (*оғзи очилиб*). Ия, бир оғиз сўрамадинг-ку, Қалимбет, менсиз кандай килиб?..

**Қалимбет**. У ёғи билан ишингиз бўлмасин, отабой. Биз киришдикми, бит-майديدан иш йўк!

**Орол бобо**. Барибир олдимдан бир ўтишинг керак эди-да, ахир...

**Қалимбет**. Ўтсам-ўтмасам, энди масала ҳал! Азза-базза биттасининг ўрнига гаплашганман-а!..

**Орол бобо**. Нима? Бировнинг ўрнига?! (*У балодан қочган каби, икки қўли олдинда, тисланиб*.) Йўк-йўк, бормаيمان! Минбаъд! Бировнинг ўрнини тортиб олиб ҳажга жўнаш!.. Ўйлаб килдингми шу ишни, Қалимбет? Гуноҳ-ку бу ахир, гуноҳи азим!

**Қалимбет** (*сув юқтирмай*). Хе, кўчадаги биттаси боргандан кўра – сиз, менинг отам боргани яхши эмасми?!

**Орол бобо** (*қатъий туриб*). Йўк дедимми, йўк! Кимнинг ўрнини олган бўлсанг, ўшанинг ўзига элиб топширасан, гап тамом! Худойим ўзи кечирар, отангнинг сигинадиган Қаъбаси ҳам, зиёратгоҳу ибодатгоҳи ҳам мана шу ўзи туғилиб ўсган ташландик овулу бугун куриб қолган бўлсам, умрини бергани – Орол! Шундан ўзга ҳеч нарса керак эмас унга, билиб ол, бола!

**Қалимбет**. Орол, Орол... Ҳаҳ, Орол отагинандан! (*У қувлик билан ялтоқланиб чолнинг елкасидан қучади*.) Ишни буздингиз-ку, бобой, энди нима килдиг-а?..

Талай замон мум тишлаб қоладилар.

Бу орада чол ўчокбошига бориб, оловини тортиб келади.

**Орол бобо** (*куфридан тушган; илтижоли оҳангда*). Қалимбет, хув бирда кўрсатган матоҳингни менга ташлаб кетсанг-чи, а? Невараларимни соғинганда томоша килиб ўтирардим. Майли, анови уй ҳам, ҳаж сафари ҳам сеники, ўзинга сийлов...

**Қалимбет** (*муғамбирона бош чайқаб*). Йў-ўк, бобой...

**Орол бобо** (*қалтоғини қўлида гижимлаб ўрнидан туради*). Бўпти, мен кетдим унда.

**Қалимбет**. Ия, қаёққа?

**Орол бобо**. Онангнинг олдига, мазорга. Эрталаб хабар ололмаган эдим...

**Қалимбет** (*бўғилиб*). Мендан нима гуноҳ ўтди, ота? Айбим – сизни ҳажга жўнатмоқчи бўлганиму янги уй тортиқ қилганимми?!

**Орол бобо**. Беайб – парвардигор, менинг ҳам бир гуноҳим бор бу дунёда. Нималигини айтайми? Сени, сендайларни дунёга келтирганим!..

**Қалимбет** (*алам-изтироб ила*). Ота-а!..

Орол бобо калпоғини бошига босиб, ҳовлидан чиқиб кетади.

**Қалимбет** (*бир лаҳза сукутдан сўнг, ижирганиб*). Мияси айниб копти бу чолнинг... (*У ёнидан телефончасини олиб, қўнғироқ қила бошлайди*.) Гул, ўзингмисан? Ҳеч гапга унамаяпти-ку бу қайсаринг. Шаҳар яқинидан яп-янги ҳовли олиб бердим, мана, ҳажга тўғрилаб қоғозларини келтириб ўтирибман – кани, кўнса! Ўзинг бир йўлини топмасанг бўлмайди, сингил. Сенга меҳри бўлакча, яхши кўради...

Оқшом. Орол бобо одатдаги ўриндиғида; хорғин, беҳафсала кўринади. Ён-бошдаги қўлбола курсида омонатгина бўлиб қизи Гулҳадича ўтирибди; тиззасида сумкачаси, ўта замонавий кийинган.

Шогирдлар иш билан машгул. Ора-орада ота-бола томон қараб қўйишади.



**Орол бобо.** Депутатликка чоғланганмишсан, шу ростми? Эринг бошингда, бу ёқда жужукларинг – нима кераги бор эди, кизим?

**Гулхадича.** Ха, Жўкорғи Кенгесга. Бўласанчи бўласан деб қўйишмади-да, ота... *(Бирдан тумшайиб.)* Лекин бошим котиб қолган. Устимдан ёза-ёз!

**Орол бобо.** Ия! Нима деб ёзади, ким?

**Гулхадича** *(кўзларини ёшлаб).* Ўлгур ракибларим-да, душманларим!

**Орол бобо.** Сенда душман нима қилсин? Ажаб гапларни гапирасан-а!

**Гулхадича.** Бирга от суриб юрганлар душман бўлмай нима? Бари ўзим депутат бўлай, бу қолиб кетсин дейди, ярамаслар!

**Орол бобо.** Қандай айбинг бор экан, хўш?

**Гулхадича** *(бармоқ учи билан қовоқларини артиб, аразлаган сингари).* Э-э, сизни айтиб ёзади-да!..

**Орол бобо** *(ёқасини жуфтлаб).* Мени?! Мен нима кипман уларга? Бирортасини танимасам, билмасам...

**Гулхадича.** “Туккан отасини бир гўрларга ташлаб қўйган, қарамайди, бориб ҳолидан хабар олмайди! Шундай оқпадар инсон депутат бўлиши мумкинми?” ва ҳоказо. Ишкилиб, оёғимдан чалса, бадном қилса бўлди уларга!

**Орол бобо** *(хижжолатга тушиб).* Мен ҳеч кимга арз қилганим йўқ-ку, жоним кизим... Сенлардан бирор нарса керак эмас, ўз холига қўйсаларинг... ия, тинчгина юрса кифоя оталарингга. Шундай-шундай гап деб, тўғриси тушунтирмайсаним ўшаларга?

**Гулхадича.** Кимга тушунтираман? Сайловчиларгами? Халқками? Халқингиз тушунмайди барибир! Ишонмайди-да...

**Орол бобо.** Шугинани тушунтиролмасанг, шунга ишонтиролмасанг, депутат бўлиб нима қиласан, кизим?!

**Гулхадича.** Э-э, сиз ҳам тушунмаяпсиз, ота. Қўймаяпти-да ахир! Ўзимга қолса-ку, аллақачон туф деб юборардим. Безорим чиқиб бўлди ўзи!

**Орол бобо** *(ажабланиб).* Ким қўймаяпти, ким? Ўша сайловчиларми?

**Гулхадича.** Улар ҳам... Куёвингиз, куёвингиз! Бу ёқда оғам – Қалимбет. Бизнесларига ёрдам бўлармиш...

**Орол бобо.** Оббо-о! Эркакман деб белига камар бойлаган азаматлар бир заифани ўртага солиб, шунинг соясида... Суф-э сенларга!.. Ҳай, мени йўқлаб қолибсан? Шу гапни айтгани келдингми ё?

**Гулхадича** *(куйинган каби афтини буруштириб).* Ранг-рўйингизни каранг, отажон, кўрган кишининг раҳми келади-я!

**Орол бобо** *(саросимада қолиб).* Рангимга нима қипти, Гулхадича? Соппа-соғман, ҳеч бир жойим огримаса...

**Гулхадича.** Шундай бўлсаям бир-икки кун дам олиб келсангизми девдим. Зўр бир жойга олиб борсам сизни... Вуй, боғларини кўрсангиз – гулу гулзор!..

**Орол бобо.** Қанака жой экан у? Тўппа-тўғри жаннат бўлмасин тагин!..

**Гулхадича.** Ундан ҳам зўр! Ҳозир... *(У дик этиб ўрнидан туради-да, бир кафтини оёзига қарнай қилиб кўча томон овоз солади.)* Роҳат Собировна! Роҳат Собировна!

Четан эшик очилиб, қўлида ялтироқ кутиси, ясан-тусанда Гулхадичадан қолишмайдиган оқ халатли жувон – Роҳат Собировна киради.

**Роҳат Собировна** *(ҳовлига аланглаб, атай хушҳоллик билан).* Вой-бў-ў, ҳаммаёқ қайиқ-ку! Сувимиз қани, сув?.. Ассаломалайкум, отахон, бормисиз? Шундоқ пустиняда бир ўзингиз-а! Не понимаю, не понимаю. *(Дашном оҳангида.)* Гуляхон, адангизни бир оз чарчатиб қўйибсизми дейман-а, ўртоқ?*(У қутисини*

тагига қўйиб рўбарў ўтиради-да, гўёки сеҳрамоқчидек, Орол бобога қаттиқ тикилади. Чол хижолат, кўзини қажққа яширишини билмайди.) Қани, бошладикми? Тилингизни кўрсатинг-чи, отахон...

**Орол бобо.** Тилимни?... (Довдираб Гулхадичага қарайди.) Бировга оғзингни очиб тилингни кўрсатиш ноқулай-ку, кизим? Мазах қилгандай гап-да бу.

**Гулхадича.** Кўрсатинг, кўрсатаверинг, ада, бу киши дўхтир-ку! (Қулиб.) Сўгуриб олмайдилар, кўркманг.

**Орол бобо** (таажжуб аралаши). Нима? Нима дединг? Бир сўз айтгандай бўлдинг...

Гулхадича “жим ўтиринг энди” деган каби уни секингина туртиб қўяди. Чол баттар мулзам, тишсиз милклари орасидан аранг тилининг учини чиқаради...

Дўхтир қутисидан олган игнаю болғачаларини ишга солиб, беморни обдон текшириб кўргач, саволга тутаяди.

**Рохат Собировна.** Кўп туш кўрасизми, отахон? Масалан, нималар киради тушингизга?

**Орол бобо.** Ҳа, унда-бунда кўриб турамыз. Ҳар хил туш-да, кизим... Кўпинча раҳматли кампирим киради тушимга, мана бунинг онаси.

**Рохат Собировна** (Гулхадичага юзланиб, ишунчаки). Ойингизларми?

**Гулхадича** (эшитилар-эшитилмас). Ойим, ойим, Роҳат Собировна.

**Рохат Собировна.** Отахон, айтинг-чи, тушларингизда балик ҳам тутасизми?

**Орол бобо** (энсаси қотиб). Нега энди тушимда экан? Тушимда эмас, ўнгимда тутаман баликни. Ҳар кеча!

**Рохат Собировна.** Ҳар кеча дейсизми? Зўр-у! Каердан овлайсиз уни, сувданми?

**Орол бобо** (тоқати тоқ бўлиб). Сувдан бўлмай қумдан овланармиди у жонивор?! Сувдан-да, албатта. Орол сувларидан!

**Рохат Собировна** (Гулхадича билан ўғринча маънодор кўз уриштириб олиб). Орол деганингиз олис-ку, отахон, жуда олисда! Қанақа қилиб борасиз у ерга ҳар кеча?

**Орол бобо** (дўхтирга узоқ тикилиб). Нима десам экан сизга? Айтганим билан барибир ишонмайсиз-да, кизим. Ҳеч ким ишонмайди бунга... (У алам билан мунгайиб, бошини солиштириб олади.)

Роҳат Собировна Гулхадичани четга имлаб, унинг кифтига ҳамдардона қўл ташлайди.

**Рохат Собировна** (пичирлаб). Всё ясно. Симптомы налицо. Опкетамиз, депутатим! Тайёрланг...

**Гулхадича.** Уколми? Бўлмаса кўндиролмайсиз, точно!

**Рохат Собировна.** Да, укол!

**Гулхадича** (орқадан келиб чолни бўйни аралаш қучади). Ота... ия, ада... Дўхтир опа айтяптиларки, сизни укол қилмаса бўлмас экан. Кўркманг, кўркманг, билагингизга. Биттагина, холос. Ҳечам оғримайди, мана кўрасиз...

**Орол бобо** (вазмин бош буриб). Менинг нимами укол қиласан, қизим, ҳеч жойим оғримаса...

**Гулхадича** (тўсатдан жазаваси кўзиб). Оғрийди, оғрийди! Ана – афтингизга қаранг! Гапириб ўтирган гапларингиз-чи!.. Эй-й, ҳамманг жонимга тегдинг! Бирови “Депутат бўлсанг – бўлганинг, йўкса, тўрт томонинг қибла” деб шарт қўйса! Униси “Депутатликка чикмасанг, сендай синглим йўқ” деб сиёсат қилиб турса!.. Нима қилай? Нима қилай ахир, айти-инг?! (У аламидан ийғамсираган бўлади.)

**Орол бобо.** Майли, майли, сенга шу керак бўлса, ма, килақол уколлингни... (У ҳафсаласиз кўлини узатади.)

Гулхадича отасининг билагидан тутиб туради, Роҳат Собировна абжирлик билан игнасини санчади. Ҳаял ўтмай Орол бобо ўриндикка чўзилиб қолади.

Болалар хангу манг, ташвишга тушиб қолган, ўзаро пичир-пичир.

**Жумабой.** Ҳў опа, бобомизни нима қилдингиз?

Гулхадича ўгирилиб ҳам карамай, “э, ишингни кил” деган каби улар томон жаҳл билан кўл силтайди.

**Роҳат Собировна.** Чакираверинг.

**Гулхадича** (кўча томон чинқириб). Оға-а! Оға-а! Бўлди, тайёр!

Қалимбет ва хайдовчиси пайдо бўлиб, чолни кўлтигидан кўтарганча ташқарига судрайди. Гулхадича билан Роҳат Собировна бир-бирининг елкасига қўл ташлашиб уларнинг ортидан юради. Шогирдлар беихтиёр чошиб бориб йўлни тўсмокчи бўлади.

**Жумабой.** Ие, оға, каёққа опкетяпсиз бобомизни?!

**Қалимбет** (зарда билан). Энангнинг уйига!

**Тиловберган** (унга тармашиб). Опкетмайсиз, йўк!

**Қалимбет** (тиззаси билан унинг қуймучига бир тегиб). Нар и тур-э, маймоқ!

Тилов учиб кетиб, бир четга ағнаб қолади. Болалар саросимада, ноилож тек қотган.

**Роҳат Собировна** (йўл-йўлакай, ҳовлига яна бир қур кўз ташлаб). Чудак! Нас-тоящий чудак!

## 8

Намозшом пайти. Жумабой ва Генжамурод кайиксозлик билан банд. Одатдаги юмушлар: ўлчаш, тахта қирқиш, елимлаш, бўёк-сўёк...

**Жумабой** (туйқус ишдан бош кўтариб). Бобомизни каёққа опкетди-я булар?

**Генжамурод.** Ота – уларники, хоҳлаган жойига олиб кетаверади-да.

**Жумабой.** Соппа-соғ одамни укол килди-я, тавба!

**Генжамурод** (билагонлик кўрсатиб). Қилади! Керак бўлганда қараб ўтирмайди. Ўзим кўрганман! Жапак амакимни билардинг-а, дўхтирлар уни мана шундай укол санчиб, мошинага босиб кетишган, эсимда.

**Жумабой.** Амакинг тўрт туманга номи кетган бир жинни-санги эди-да! Бобомиз ахир...

**Генжамурод** (нафсонияти кўзиб). Бобонг нима, соғ эканми? Ҳамма уни “де-вона, савдойи” деб юради-ку!..

**Жумабой.** Айтиб қўй, ўшаларингнинг ўзи девона, ўзи савдойи! Шуни гап деб кўтариб юрган сен ҳам соғ эмас, Генжабой!

**Генжамурод.** Ўзинг ҳам шу! Тиловнинг ҳам... Бобонинг гирдида юрганларнинг барини эл-улус шунақа деб ўйлайди, билсанг!

**Жумабой.** Ўйлайверсин! (Муштумини дўлайтириб.) Қани, бирортаси келиб ўзимга шундай деб кўрсин-чи!..

Бир ўрам эски сим кўтариб ҳовлига Тиловберган кириди.

**Тиловберган** (*қўлидагини ерга ташлаб*). Жума-а, овулингда шиша деган матох колмабди-ёв! Амет билиб айтган экан: кеча эрталаб бу ёққа келаётиб, Жангил момонинг томига чикиб қарасам, ростдан ҳам Орол тараф сувга тўлгандай, офтобда чарақлаб кўзни олади!

**Жумабой** (*шидан бош кўтариб*). Мен ҳам кўрдим. Худди сувнинг ўзи! Шу иш Аметнинг хаёлига қаёқдан кепколди экан-а?..

**Тиловберган**. Биласан-ку, китобни кўп ўқиган у. Ўзиям каллалаи. Ўтаган махсумнинг боласи-да, муллазода!

**Генжамурод**. Муллангнинг боласи бугун аллақайларда салат кесиб юрибди. Каллалаи эмиш!..

**Жумабой**. Ким нима деса десин, барибир зўр иш бўлди шу. Маладес Амет!

**Генжамурод**. Бобонг қўрмаганидан кейин бу ҳаммаси бир пул, ошнам! Ўша киши учун қилинди-ку, тўғрими?

**Тиловберган**. Шундай, шундай...

Худди шу чок четан эшик ғийқиллаб, Орол бобомизнинг ўзи пайдо бўлади! Бир лаҳза хайрагда қотган шогирдлар гувва бориб, талаша-тортиша унинг бўйнига осилади: “Келдингизми, бобожон, келдингизми?”, “Устоз, устоз!”, “Соғиниб кетдик сизни, бобо!..”

**Орол бобо** (*уларни баравар бағрига босиб, кўзлари жиққа ёш*). Чироғларим!.. Шерларим, бургутларим...

Шогирдлари чолни кўтариб келиб, эъзоз билан хос ўриндиғига ўтказадилар. Ўзлари ён-верида чўнкайиб, алланечук ачиниш аралаш унга кўз тикадилар.

**Тиловберган** (*ийғамсираб*). Нима бўлди сизга, бобожон, бунча қолиб кетдингиз?

**Орол бобо** (*қўл силтаб*). Э, сўраманглар, болаларим... Қочдим, қочиб келдим! Кўрдиларинг, “мазангиз йўқ, мазангиз йўқ” дея нима балодир қилиб уйига олиб кетди-ю, қамаб қўйгандай ахволга солди-я мени! Анови дўхтир дугонаси кунда икки маҳал укол қилиб кетади, ухлаганим ухлаган, кўзларимни очолмайман! Депутатлигига керакмиш-да касофатнинг... Сизларни соғиндим у қўйган пойлоқчиларини ҳам доғда қолдириб, бутун кўзни ишқай-ишқай йўлга тушдим... Ҳай, ўзларингдан гапиринглар, қани? Аметбойимиз кўринмайди?.. (*Шогирдлари ерга қараб қолгач, таассуф ила бош чайқайди, оғир хўрсинади*.) Бола кетибди-да барибир. Атта-анг, атта-анг. Яхшигина уста бўлиб қолувди-я, касофат!

**Генжамурод** (*гаши келиб*). Касофатингизнинг ўрнини билдирмаяпмиз лекин, бобо! Ана, сиз йўғингизда бир эмас, иккита қайиқ ясаб қўйганмиз!

**Орол бобо** (*руҳланиб*). Баракалла, чироғларим, баракалла! Хўш, яна нима янгилик?

**Тиловберган**. Сиз бирдан кетиб қолдингиз, мана, бутун бирдан келиб қолдингиз – янгилик шу!

Бараварига қулиб юборишади.

**Орол бобо** (*ўрнидан оғир кўзгалиб*). Аср пайти кепколгандир, мен намозимни ўқи олай энди... бир хафталик қилиб!

Чол ўчоқбошидан офтобасини олиб, уй орқасига ўтади. Йигитлар қайтиб ишга тутинади. Жумабой қандайдир тахтани айлантириб кўздан кечираётганида унинг бир учи дастоғх адоғида турган транзисторга тегиб кетадию шўх ялла

янграйди. Қоракалпоқларнинг машхур “Дембермас”и!.. Ана шу тарона асноси ховли коронғилашиб, кейин яна аста ёриша бошлайди.

Тонг! Узоклардан келаётган денгиз шовкинлари бояги кўшикка коришиб, уни босиб кетади. Ана – тўлқинлар бир-бирига урилиб шалоплаши, жонсарақ мавжлар шивири, эшакларнинг бир маромдаги ғичир-ғичири... Ана – чағалайларнинг бетиним чуғур-чуғурию сувга тўш уриб учаётган оқчорлоқлар саси... Еру осмон ғайриоддий, ғайритабиий бир ёғдулар, чарогонлик кўйнида...

Том бошидаги она қайиқда Орол бобомиз тик турибди. Қалпоғи кўлида, кувончдан кўзлари чакнаб ҳар ёнга аланглаётри. Четан ортидан шогирдлар саси эшитилади: “Кўрди! Ана, қаранглар – кўрди!”

**Орол бобо** (*ҳайқира-қийқира*). Мана, келди! Ахийри келди! Сув, сув!.. Оролимиз сувга тўлди, одамлар! Яшасин, дод! Шу кунни кўрдим-а! Энди ўласам армоним йўк... (*Кўлларини кўкка чўзиб.*) Омонатинг ол, эгам! Розиман, барига розиман! Шукр, шукр...

Чол шунда бир калқийдию оёқлари майишиб, бўшаша-бўшаша, баайни сувга чўқаётган мисол, қайиқ ичида кўринмай кетади. Атрофни сукунат чулғайди – пурхикмат, тантанавор бир сукунат!..

## 9

Чол қайиқ ичига “чўкиб” кетгач, андак сукунатдан сўнг, чамаси, четан ортида бу манзарани – нима бўлишини кузатиб-пойлаб туришганми, бирин-кетин шогирдлар кириб келади. Улар ховли ўртасида саф тортиб, томбошига бақрайганча котиб қолишади. Бир вақт четан эшик оғзида елкасига сафархалта осган нотаниш либосли йигит пайдо бўлади. Амет! У оҳиста яқинлашиб, уч ўртоқни орқасидан бирварақай кучиб олади.

**Тиловберган** (*ваҳима ичида*). Амет! Сенмисан? Осмондан тушдингми, нима бало?..

**Амет** (*айбдорона*). Келдим. Кўнглим бир нимани сезгандай бўлаверди...

Тўрт ўртоқ йиғламсираганча кучоклаша кетади.

Сизларни... Оролни унутолмадим, жўралар. Келдим. Бобомиз кани?

**Жумабой** (*томбошига ишора қилиб*). Юраги ёрилиб ўлиб қолди... Кўзларига ишонмаган-да!

**Амет** (*юзини чангаллаб*). Мен, ҳаммасига мен айбдор!.. (*У жаҳл билан елкасидаги сафархалтани ерга отади.*)

**Тиловберган**. Энди нима қилдиг-а, болалар, нима қилдик?

**Жумабой** (*сарқорликка ўтиб*). Юринглар. Олиб тушиш керак...

Бирин-бирин қайиқ-нарвонга тирмашиб, томга чиқа бошлайдилар.

**Генжамурод** (*чиқаётди*). Айтиб эдим-ку, бу ишимизнинг охири зил бўлиб чиқади, деб!..

**Жумабой** (*тепадан, жеркиб*). Қўй энди сен ҳам шу пайтда!.. Ҳар не бўлгандаям муродига етди-ку бобомиз! Сувни кўргандай бўлиб кетди...

Йигитлар томда қайикни қуршаб, бараварига унга энгашадилар. Амет беихтиёр чолнинг қалпоғини олиб, бошига қўндиради.

**Тиловберган** (*изиллаб*). Бобожон, ўлманг! Кўзингизни очинг...

**Амет**. Кечиринг, устоз, беокибат шогирдингизни кечиринг...

**Жумабой** (*ўқрайиб*). Бўлди!.. Қани, олдик!

Томбошида тўрт ўғлон – тўрт шогирд қайиқ-тобутни даст қўтариб турибди! Гойибона видолашув...

**Орол бобо** (*овози*). Келганинг чинми, Амет болам? Бобонгнинг ўлишини кутиб юрганмидинг ё?..

**Амет** (*овози, титраб*). Ундай деманг, бобожон, ундай деманг. Келдим, мана. Бутунлай келдим.

**Орол бобо** (*овози*). Билиб қўй, Орол чақирди сени, Оролимиз! Ишонмасанг, ана – атрофга боқ, сувнинг ўзидан сўрагайсан!

**Амет** (*овози*). Сизларни ташлаб қаёққа ҳам борардим, бобо?!

**Орол бобо** (*овози*). Ота боласи эмас, Орол бўлиб қайтдим де? Баракалла, чироғим! Бобонгнинг васияти – анови қалпоқни ҳеч қачон бошингдан қўймагайсан!

**Амет** (*овози*). Рухингиз хотиржам бўлсин, бобо, сиздан мерос бу қалпоқ хамиша бошимда туғ!..

**Тиловберган** (*овози, йиги аралаш*). Бизларни кечиринг, бобожон...

**Генжамурод** (*овози*). Мен сизни бугун билдим, Орол бобо! Ўзимни ҳам энди танияпман. Саркашроқ болангизнинг қилиқларидан ўтарсиз, бобожон...

**Жумабой** (*овози*). Бундай бўлиб чиқшини ким ўйлабди дейсиз, Орол бобо! Биз сизни бир суюнтирмоқчи эдик-да...

**Орол бобо** (*овози*). Бу дунёдан, сизларнинг барингиздан рози бўлиб кетяпман, қароқларим, йиғламанглар, мен учун кўзёши қилиб юрманглар. Сизлар бор экансиз, бобонгиз ўлмаган, ўлмайди. Сизлар бор экансиз, Орол ўлмайди, Оролимиз тирик! Тоабод бор бўлгай, омин!

Қайиқ-тобут ногаҳон бир силкиниб, бошлар узра оҳиста қўтарила бошлайди. Юксала-юксала, кўк денгизи сари сузиб кетади... Тўрт ўғлон осмонга қўл чўзиб, уни гўё кузатиб қолган... Узоқлардан келаётган денгиз шовкинлари тобора кучаяди. Ана – тўлқинлар бир-бирига урилиб шалоплаши, жонсарак мавжлар шивири, эшакларнинг бир маромдаги ғичир-ғичири... Ана – чағалайлارнинг бетиним чуғур-чуғурию сувга тўш уриб учаётган окчорлоқлар саси...



## НАЗМ



*Ҳайътхон ОРТИҚБОЕВА*

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) битирган. Шоиранинг “Феруза оқшомлар”, “Ҳумолари қайтган юрт”, “Ой кўнган айвон”, “Тонларингда эсан насимман” шеърый тўпламлари чоп этилган.*

### **Менинг Зухроларда ишим бор эди**

\*\*\*

Инсон садокатли дўстга интилгай,  
Ҳар кўнгил мунаввар сўзга интилгай,  
Меҳр порлаб турган кўзга интилгай,  
Минг шукр, азизлар, сиз борингизга,  
Бенасиб этмасин дийдорингиздан!

Сиз билан тўқисман, тўқис тўйларим,  
Қудратман, осмонга етар бўйларим,  
Келсангиз нурларга тўлар уйларим,  
Минг шукр, азизлар, сиз борингизга,  
Бенасиб этмасин дийдорингиздан!

Сизсиз афтодахол, хомуш, карахтман,  
Унутилган сўқмоқ, ёлғиз дарахтман,  
Сизнинг қалбингизга жойлашган аҳдман,  
Минг шукр азизлар, сиз борингизга,  
Бенасиб этмасин дийдорингиздан!

Этилсам, ортимда суяб турган тоғ,  
Адашсам олисда чорлаган чироғ,  
Яхши-ёмон кунда кўнглимга ҳамроҳ  
Минг шукр, азизлар, сиз борингизга,  
Бенасиб этмасин дийдорингиздан.

\*\*\*

Мен улғайган сўлим кишлоқ  
Афсонадек гўша эди.  
У беҳиштдан-да гўзалроқ –  
Жаннат деган ўша эди.



Жийда гулин ифорида  
Муаттар оидин кечалар.  
Болаликнинг дийдорига  
Тўймай колган тор кўчалар.

Айвонимда чуғурлашган  
Қалдирғочлар сингил бўлди.  
Бўйим билан бўй бўйлашган  
Кокилларим сунбул бўлди.

Энам айтган эртаклари  
Ажиб нузли дунё эди.  
Кўкларлари, чечаклари  
Кўзларимга зиё эди.

Қафтларида қатра шабнам  
Бода тутди кизғалдоқлар.  
Элтди кўнгил қошонага  
Меҳр аталган сўқмоқлар.

Севгининг илк сирларини  
Ялпизларга сўйлаб ўсдим.  
Эзгуликнинг нуруларини  
Юрагимга жойлаб ўсдим.

Бир ойдинлик кириб келди  
Менинг гўдак олашимга.  
Умрим менинг кўшик бўлди,  
Сўзлар тўлди калашимга.

\* \* \*

Ногаҳон учрашдик, не бахт бу дийдор,  
Бахтми ё ғамзада кўнгилга озор?  
Сиё сочларимга кўнаётган қор,  
Ишққа эътирофми бу ёки инкор,  
Қароқдаги маҳзун маънодан сўранг?

Момолардан колган туйғуга қулман,  
Қошингда қовжираб тўкилган гулман,  
Бир бора чорлашни орийат билган  
Олисдаги чашма, маҳзун кўнгилман,  
Кўнгил зорин субҳу сабадан сўранг?

Менинг Зухроларда ишим бор эди,  
Юрагимда Қакнус қушим бор эди,  
Афсона олашим – тушим бор эди,  
Қисмат қажрафторда ўчим бор эди,  
Узилган дил торин наводан сўранг?





Эгилсам, Оллоҳдан қудрат тиландим,  
Йиқилсам меҳрга, ишққа суяндим,  
Ҳақ номин зикр этиб, нурга айландим,  
Бошимни эгма деб, сабрдан эландим,  
Кўксимни тоғ қилган вафодан сўранг?

Ҳабибим, бағрингиз бутунми, айтинг,  
Ҳижроннинг йўллари узунми, айтинг,  
Умрингиз тун каби махзунми, айтинг,  
Бизга аталгани тўзимми, айтинг,  
Сиздан кутганим бир сўзимни, айтинг!

\* \* \*

Юрагимда яшаётган оқ атиргулга  
Ботса озор тиканлари, излайман сизни.  
Ёлғиз сиздан таскин излаб, тушаман йўлга,  
Айтарсиз деб, армонимга малҳам бир сўзни.

Юрагимга яширганим хуркак охуга  
Ўқ отарлар асролмайман, этарлар увол.  
Хиёнатдан тўлиб кетди бағрим оғуга,  
Хусуматлар аро юрмоқ, яшамок маҳол.

Юрагимда яшаётган қанотли кўшиқ,  
Қанотлари, болу парти неча бор синди.  
Ғаним ўйлар: “Кўшиқлари мангуга тинди,  
Унинг мағрур, ўктам сози янграмас энди!”

Тушунмас у, кўшиқ йўлин бўлмайди тўсиб,  
Тушунмас у куйлар бўлсам, узилмас созман.  
Мен бировнинг юрагида ишкман, эъозман,  
Минг дардлига малҳам эрур ҳар дардли сўзим.

Юрагимда яшаётган оқ атиргулга,  
Ботса озор тиканлари, излайман сизни...

\* \* \*

Олис кишлок, болалигим ўтган боғлар,  
Шўхликларим қолган майсазор сўкмоқлар.  
Сўкмоқлардан ўтганларнинг йўлларига  
Ҳамон пояндозлар ёзар кизғалдоқлар.

Қалдирғочлар қайтар куйлаб чуғур-чуғур:  
“Мунис қушим, келганингга минг бор шукр,  
Чуғурлашиб айвонларни нурга тўлдир,  
Митти полапонларингни кўкка учир”.



У боғларга гуллар ёйиб қайтар баҳор,  
 Мангуликнинг қўшиғини айтар баҳор.  
 Турна бўлиб шу кишлокка қайтгим келар,  
 Қанотимни силаб ўтса хур шамоллар,  
 Қўнсам, шохларини эгса мажнунтоллар.

Қанотим йўқ, турна бўлиб қайтолмайман,  
 Сирларимни мажнунтолга айтолмайман.  
 Алвон рангли дуррачасин хилпирагган  
 Қизғалдоқнинг қўлларидан тутолмайман.

Чорлайверар болалигим қолган сўқмоқ,  
 Дилга яқин, лек, ўртада йўллар йирок:  
 “Насим бўлиб кел, иккимиз яйраймиз”, деб,  
 У сўқмоқдан қўл силкийди бир кизалок.

\* \* \*

Бешигингда ўғлон улғайсин,  
 Баҳодир – пахлавон улғайсин,  
 Юртга меҳр, кадр улғайсин,  
 Остонагда бахт кулсин аёл!

Сенга ёруғ хаёл тилайман,  
 Бекам, тўқис иқбол тилайман,  
 Фарзандингда камол тилайман,  
 Остонагда бахт кулсин аёл!

Манглайингда бахт чарақласин,  
 Қўзларингда офтоб чакнасин,  
 Мангу мухаббат ярлакасин,  
 Остонагда бахт кулсин аёл!

Қуврамасин гулинг, райҳонинг,  
 Тўйхона бўлсин хонадонинг,  
 Юрт ғурури бўлсин ўғлонинг,  
 Остонагда бахт кулсин аёл!





### ХУМОЈОН

1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) ўқиган. Унинг “Юракдаги рангин камалак”, “Унутилган гул”, “Дилхирож”, “Кўнглим гули”, “Ёшлик бекати”, “Туйгулар рақси”, “Интиҳосиз наволар” китоблари нашр қилинган.

## Уйғонади минорлар бир-бир

### Шаҳар

Сокинликни хуш кўрар шаҳар,  
Тушларига киради кишлок.  
Балки унга тоғу кир ёкар,  
Тош ёпиниб ётибди тупрок.

Эрта гуллар шаҳарлик олча,  
Кўнглинг овлар хонаки гуллар.  
Йиллар ўтиб кетадир онча,  
Мисли автоларда ғувиллаб.

Фасллар ҳам шаҳарлик бўлган:  
Бир кўчаси баҳор, бири ёз,  
Бир кўчадан куз кетмай қолган,  
Бир кўчада киш каби пардоз.

Тартиб билан эсар еллар ҳам  
Елкасига чиқиб анхорнинг,  
Кўчаларда ел тарам-тарам,  
Чертиб ўтар юракнинг торин.

Из қолмайди юрсанг шаҳарда,  
Тош кўчада чопиб юрмайман.  
Одамларни сўрсанг агарда:  
Билмайман, билмайман, билмайман!

## Соатлар

Ўтаётган вақт хаёли,  
 Оқаётган дарё мисоли  
 Фикру ёдим банд қилганида,  
 Хушёр тортидим занг чалганида,  
 Чорраҳада ҳайбатли соат –  
 Бир бўлганда айни шу фурсат!  
 Бир бўлганди – тилла соат ҳам,  
 Девог соат, қўлда соат ҳам,  
 Эски соат, янги соат ҳам  
 Миллари тенг сурилди илдам!  
 Вақт ҳукмин қошида бари  
 Баббаробар – бирдир сирлари!  
 Ёғочми у ё соф олтиндан  
 Вақт бобида тенгдир олдиндан,  
 Орта қолса ё тўхтаса, бас,  
 У ўтмишга айлангай, абас!

## Соғинч

Бекатдан-бекатга, кезиб оламни,  
 Ажнабий кентларнинг кўчаларида,  
 Кўксида кўтариб тоғдай аламни,  
 Садоқатни сақлаб юрак-бағрида,  
 Дийдираб, ичикиб, кўзларда зорлик,  
 Эртанги кунига зор-интизорлик;  
 Бекатдан-бекатга, манзилма-манзил,  
 Гоҳида зор бўлиб қулба, Ватанга,  
 Офтобнинг тафтини кўмсаганда дил,  
 Ўзини овутиб, топса тўрт танга,  
 Ўткинчи дамларга бўлиб махлиё,  
 Дунёларни кезиб, топгандай дунё;  
 Гоҳи оқ қайинлар аро саросар,  
 Гоҳи саҳроларда топмайин самар,  
 Бегона юртларни кезиб дарбадар,  
 Алданиб, қувилиб, топмаса ҳам зар,  
 Ёт юртларда кезмок бўлганда тақдир,  
 Тирикчилик тотти бўлганда тахир;  
 Йўл азобин чекиб, жисмида сабот,  
 Юрагида мисли шам каби илинж,  
 Энг олис пучмокка отса ҳам хаёт,  
 Дийдор хузурига қайтади соғинч.  
 Фурсат ўтиб кетар, қайтмагай такрор,  
 Унинг бор топгани дийдордир-дийдор.



## Турфалик

Дунёда кўп экан турфа хил эллар,  
 Ундан-да кўп эрур одат, анбана.  
 Кимга хуш келади изғирин еллар,  
 Ўзгаси уммонга бўлар парвона.  
 Худди сенга салкин, совук ёққандай,  
 Худди менга куёш кулиб боққандай.

Дунёда кўп гиёҳ, дов-дарахт турфа,  
 Ундан кўпдир гули, меваси, барги.  
 Қайбирин кафтида меваси турса,  
 Осмонга устунлик қайбирин дарди?  
 Худди сенга тошдай арча ёққандай,  
 Менга ўрик гули кулиб боққандай.

## Биринчи қор

Қарғалар галаси кўкни қоплади,  
 Билмадим, не олис ерлардан учди?  
 Кўкнимас, гўёки кўксим доғлади –  
 Сўнг заъфарон боғлар бошига тушди.

Куз кетиб боради, қораяр ўрмон,  
 Гулзор ранглари ҳам йўқолди охир.  
 Ранги ўчган тасвир устидан шу он  
 Оппоқ бўёғини торғди мусаввир.

## Ичанқалъадаги ўйлар

Тун чекина бошлади охир,  
 Милтиради шам каби саҳар.  
 Уйғонади минорлар бир-бир  
 Ичанқалъа – муаззам шаҳар.

Аввал салом берар фаррошлар,  
 Ярақлатар минорлар рангин.  
 Ўтган кунни чиқариб ташлар,  
 Артиб кўяр хотира чангин.

Тош хотира, мрамор хотира  
 Пештоқларда мангу битиклар.  
 Аммо сирин айтолмас сира  
 Деворларда қолган кемтиклар.

Ичанқалъа ўйлари чексиз,  
 Дил тубида асрий нолалар.  
 Ерга сингиб кетмоқда изсиз:  
 Тупроққалъа, Аёзқалъалар.



Кечиролмас Амударёни,  
Аммо таъзим қилгайдир ночор.  
Кетса, ташлаб кетгай саҳрони,  
Тўфонларда мангу ҳаёт бор.

Кечиролмас шамолларни ҳам,  
Аммо ночор қилади таъзим.  
Соф шаббода дил ўртаган дам  
Унут бўлар андуҳлар бир зум.

Кечиролмас дўлни, ёмғирни,  
Аммо таъзим этгайдир бажо.  
Вақт чанги босган бағирни  
Томчи ювар, этгай мусаффо.

Аммо вақт, вақт бешафкат,  
Унга қалъа қилмагай парво.  
Вақтга қарши курашмоқ ҳам бахт,  
Жанг қилади тургунча дунё!

### Умр ўлчови

Ҳаёт яралгандан бугунга қадар,  
Яшаб ўтган бўлса қанча одамлар –  
Барчасин умрининг ўлчови бир хил,  
Машаққатли йиллар, қувончли дамлар.

## ҲУКМАТ

Бу дунё бир экинзор қабидир. унга  
одам нимани экса, ўшани ўради.

Юсуф Хос ҲОЖИБ





## ОҒАБИЙ

Роман<sup>1</sup>

Тоғаберган сайис отни пойгага бекаму кўст тайёрлади, деган фикрда эди. Бу фикри тўғри ҳам эди. У отни эгарламасдан аввал кашлагич билан отнинг жунида қотиб қолган терни шошилмай ва эринмай артиб чиқди. Жониворнинг ёз бўйи куёшда куйган ерларини хафсала билан мойлади. Терликни куёшда ёйиб кўптириб, сўнгра уқалаб юмшатди, ғижимларини ёзиб, қоқиби-силкиби, обдон меъёрга келтириб, шундан сўнг отни эгарлади. Отни қуюшқонлади, сийнабандлади, уларни от чўзилиб чопганда ҳаракатини чекламасин деб узунроқ бойлади, бел айилни бўш қўйди, каттик тортмади, сабаби сийнабанд ва қуюшқон эгарни ушлаб турар эди. Шунинг учун айилни бўшроқ тортди. Ана шундан сўнг теварагида айланиб олисга кетолмай юрган Сайилхонга, чавандозга, шошилмай тушунтира бошлади.

– Ўзинг биласан, шундай бўлса ҳам яна қайтариб айтаман. Боргунча, Тоғибекнинг кумига қадар асло шошила, отнинг кучини тежаб, йўртгириб боравер. Баковуллар кисталанг қиладилар, бироқ уларга унча қулоқ тутаверма. Қайтишга рухсат берилгандан сўнг ҳам “бошқалар кетди” деб, бирдан отни кистама. Кейинги тўда отларнинг ичида бўл. Ўзингни чеккарокка олавер. Тўхтаб тур, тўхтаб тур. Яхшиси ё олдинда, ё орқада юр. Ана ўшанда шум чавандозларнинг камчисидан халос бўласан. Уларнинг оласи ичида бўлади, отингнинг зўр эканини сезса, тенглашганигда, ё ўзи ўзи бораётганида остидаги отини камчиллаган бўлиб, ё сенга, ё отингга жароҳат етказди. Шунинг учун эҳтиёт бўлган маъқул. Бироқ олдиндагиларнинг думини мўлжаллаб от чоптиравер. Шунда улардан кўп орқада қолиб кетмайсан, керак пайтда қувиб етиб, ўзининг қийин бўлмайди. Орани кўп очтирма. Йўлнинг ярми ортда қолганда Тўриққашка ок кўпик чиқариб терлайди. Ана шунда унинг қаноти очилади. Шундан сўнг жиловини тортма, ўз эркига қўйиб бер. Рақибинг билан ёнма-ён тенглашганда ора очик бўлсин, ўздирмайман, деб отнинг олдини бойламасин. Худо хоҳласа, неча бир отни айланиб ўтсанг ҳам Тўриққашка сени орқада қолдирмайди, иншоолло. Яна бир гап. Асло ғофил бўлма. Боргунча йўлни яхшилаб ўрганиб ол. Қайси жой каттик, қайси жой қумлок, қайси жой бўз, қайси жой ўйдим-чуқур, ҳаммасини синчковлик билан фахмлаб боравер. Қайтаётганинда шунга қараб, йўл танлаб от чоптир. Майда тошли ерда жиловни торт, қумлок ерда отни кистама, бўз ерда ўпқондан эҳтиёт бўл. Хар тугул Худонинг ўзи ёр бўлиб, йўлингда бало-қазони рўпара қилмагай. Тоғаберган сайис сўзлашдан тийилиб, бир гапни унутиб, ёдига туширмоқчи бўлгандек, озгина жим турди, сўнг ўтовга кириб, бир зарен<sup>2</sup> мойли сўк<sup>3</sup> олиб чиқди. Рўмолчага тугиби, Сайилхоннинг қўйнига солди.

– Унутаёзган эканман. Баковуллар “омин” деган пайтда мана шу сўқдан бир-икки қафт олиб отга едириб юбор. Сувлиғини олиб ўтирма, қолганини ўзинг қапала.

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

<sup>2</sup> Зарен – идип.

<sup>3</sup> Сўк – овқат, мойга қорилган қуруқ емиш.

“Бошқалар кетти” деб шошилма, қувиб етасан, кўп иккиланиб ўтирма. Сувлигини олмай, кафтингни тўлдириб едир, ўзинг ҳам е, – деб қайта-қайта тайинлади.

Бу сўзларни сиртдан қузатиб турган бий аниқ эшитган эди.

Тоғаберган, чамаси Янгидарё тарафнинг қоракалпоғи эди. Унинг ўз юртида ота-онаси, туғишганларининг бор-йўқлигини, уйланган-уйланмаганини ҳам ҳеч ким билмас, сайис сифатида от бўйича кўп нарсани билгани учун кадрланарди. Ранги, шўхлиги, куйрук-ёлига қараб отнинг феъл-атворини фарқлашда кўкрагига, қулоғига, олдинги ва кейинги оёқларига қараб, отнинг хунарини танишда айтгани тўғри чиқадиган синчи эди. У ўзининг ўтмиши ҳақида гап кўзгаши ёқтирмас, одамлар билан кўп аралашини, сир айтишни хуш кўрмасди. Шунинг учун доимо яққаланиб юрди. Узун бўйли, жун чакмонини ечиб қўйганини кишин-ёзин ҳеч ким кўрмаган. Уйи ҳам, ётоғи ҳам, кенг саройи ҳам отхона ёнида қурилган чоғроққина хужра бўлиб, унга ҳам бировнинг кириб-чиққанини ҳеч ким кўрмаган.

Одамга кўшилмаслиги, элга аралашмаслиги феъли унинг устидан ҳар хил гап-сўз чиққанига сабаб бўлди. Бировлар Тоғаберган Янгидарё бўйида бойланган боғни кесадиган от ўгриси экан, фалончи бойнинг уч уюр йилкисини ўғирлаб, ҳайдаб келиб Хивада сотиб, олтинларни бир ерга қўмиб қўйганга ўхшайди, деса, яна бировлар бундан ҳам ошириб, у бир бийнинг кизига ошиқ бўлибди, “сен етимсан” деб унга кизини бермабди, ўлардай ошиқ экан, охири бий кизини бошқага узатиб тинчибди. Тоғаберган “менга насиб этмаган бўлса, сенга ҳам йўқ” деб суйган кизини теккан эри билан бирга қўшиб гум қилиб, кочиб кетибди, деганга ўхшаган гаплар тарқалди.

Анигини айтганда, Тоғаберганнинг сирли тақдири ўзидан бошқа ҳеч кимга маълум эмас эди ва бу сир энди абадий очилмай қолаверади.

Қулчи бий Тоғаберганнинг қандай пайдо бўлиб қолганини кўз олдига келтирди. Қантар ойининг ўрталари эди. Овул кишлоғга қўнган. Нимадир сабаб бўлиб уйқуси қочиб кетган бий тўнини елкасига ташлаб, уйдан ташқарига чиқди. Тун яримдан оғган, овул жимжит, ҳамма уйқуда эди. Сайисхона томонда итлар негадир безовта бўлиб хураверди. Соқчилар ухлаб қолган бўлса керак, ҳеч кимнинг саси чиқмайди. Итларнинг безовталаниб, тинмай хураётганидан хавотирланган бий беихтиёр белидаги олмос ханжарини пайпаслади, ўрнида экан. Ерда қор бор. Қаҳратон аёз. Оёқ остидаги қор янги чарм этикни кийиб кадам босганингдек “ғарч-ғурч” этади. Сайисхона томонга беш-олти кадам одимлади. Ойнинг ёруғида деворга суяниб турган қўланкани кўриб, юраги қаттиқ-қаттиқ ура бошлади. Қўли ўз-ўзидан ханжарнинг сопини қисимлади.

– Кимсан?

Товуш тунда янграб кетди. Бирок қўланка жавоб бермади.

– Кимсан? Дўстмисан, душманмисан, жавоб бер?

Яна жавоб бўлмади.

Шу паллада бий деворга суянган қўланканинг ҳолдан тойган кимса эканини фаҳмлади.

– Ҳой, ким бор? Алламберган, ухлаб қолдингларми? Чик ташқарига! – Бий отхона ёнида соқчилар ётадиган пастак қулбанинг эшигини қоқа бошлади.

Ичкаридан кўзларини уқалаб девдек икки йигит отилиб чиқди.

– Ўғримасмикин, бий оға? – деди ўзига келган йигитлардан бири.

– Ўғри деворга суяниб, кел, мени ушлаб ол, деб турармиди? Ўғри эмас, ким бўлса ҳам жабрланган бир бечорадир. Аввал ёрдамлашайлик, ким эканини ўзига келгандан кейин сўрасизлар.

Қўлида қурол-яроғи йўқ эканми, деб гумонсирарган соқчилар ханжарларини

тутамлаб кўланкага сал яқинлашдилар. У ҳаракатсиз турганини кўриб, дадил ёнига бордилар.

– Ҳой жўра, нима килиб юрибсан? Жавоб бер! Бўлмаса ўзингга ёмон бўлади. Кўланка жавоб беришнинг ўрнига ожизгина ингради.

– Ярадорга ўхшайди!

– Жўра, ярадормисан?

Унга ёрдам бериш зарур эди. Икки йигит икки қўлтигидан кўтариб соқчилар кулбасига олиб киришди.

– Музлаб қолганга ўхшайди. Ўзига келтиринг. Нима бўлганини эргалаб ўзидан сўраймиз, – деди бий.

Тонг отгандан сўнг тунда соқчилар хонасига олиб кирилган йигитнинг оёққа туриб юриб келолмаслигини эшитган Қулчи куёш кўтарилганда ўзи унинг ёнига борди. Печиник ёнига ётқизилиб, устига пўстин ёпишган тунги меҳмон уйкуда эди. Уйғотмоқчи бўлган йигитларга “уйғотманг” деб ишора килиб чиқиб кетди.

Чақирилмаган меҳмон ўзига келгунча бир hafta ўтди. Шундан сўнг икки йигит уни қўлтиклаб бийнинг ҳузурига олиб келди. Саломлашиб, кигизга тиззалаб ўтирди.

– Иним, каердан келиб қолдинг? Кимсан? Ахволингдан бизни хабардор қил, – деди Қулчи рўпарасида айбдор одамдек тиз чўкиб ўтирган, юзини, кулоқларини совуқ урган, узун бўйли, озғин йигитга.

– Хива томондан келяпман, таксир, – деди йигит бошини кўтармай. – Сизга, элингизга душманлигим йўқ, онг ичаман. Отингизни, одиллигингизни эшитганман. Совуқ ва очликдан йўлда отим ўлди, яёв қолдим. Оёқ-кўлимни ҳам совуқ урганга ўхшайди. Ўлар ҳолатга келганимда сизнинг кишловингиз устидан чиқдим. Отхонага кирсам, омон қоларман деган ният билан мадорим қуриб, деворга суяниб турган эдим. Қолган гапни сўраманг, ўтинаман!

– Отинг ким? Кимнинг ўғлисан? Кимдан жабр кўрдинг? Қўлимдан келса, ёрдам берайин.

Йигитнинг совуқдан қорайиб кетган юзига кўздан оққан ёшлари шўрғалайверди. Латтага боғланган қўллари билан кўзёшларини сидирди. Чап ёнбошининг оч бикинида жароҳати ҳам бўлса керак, онда-сонда қўли билан ушлаб қўяди. Унинг кимдандир жабр кўргани, хўрлангани, зулмга чидай олмай қочиб келганини тахмин қилса бўларди.

– Отим Тоғаберган. Отамнинг отини сўрамай қўяверинг, оға. Ўтинаман, тақдиримни ҳам сўраманг. Излаб келадиган қондошим ҳам, туғишганим ҳам йўқ, – деб жимиб қолди.

Раҳмдил бийнинг қўнгли юмшаб кетди. Буни йигит ҳам сезган бўлса керак, сўзлашда давом этди.

– Мени хайдаманг, оға. Эшигингиздан келган бир етим деб ҳисобланг, ўзимга келиб олгунимча қарашинг.

Бийнинг хаёлида шундай гап айланди: “Агар нияти бузук бўлганда ёнида ше-риқлари, остида оти, белида қурол-яроғи бўлмасмиди? Келбатига қараганда қасд қилса, қўлидан ҳар нарса келадиган йигит. Бироқ белидаги ханжаридан бошқа қуроли йўқ. Яққа ўзи ёмонлик қиламан деган хаёл билан юрмаган бўлса керак”.

“Мол оласи сиртида, одам оласи ичида” деган гап ҳам бор. Қулчи ўзи билан ўчакишиб, душман бўлиб, зимдан тиш қайраб юрган ҳеч кимни эслай олмади. Бу ҳам бировнинг ёлғиз фарзанди, кимнингдир ишонган суянчиғидир, ким билсин. Нима бўлганда ҳам қаҳратон кишида эғнида фақат жун чакмонидан бошқа ҳеч вақоси йўқ мусофир эшик қоқиб келганида бор, йўлингдан қолма, деб хайдаб юбориш кўчманчи халқнинг одатига ҳам, мусулмончиликка ҳам тўғри келмайди.

Бундай ишни кўли очиклиги, сахийлиги, меҳмондўстлиги, химмат ва муруввати билан донг таратган Кулчи бий кила олмайди, кўлидан келмайди. Хаёлидан шундай фикрлар кечган Кулчи бий йигитни кувиб юбормасликка, ҳеч бўлмаса яралари тузалиб, ўзини тиклагунча овулда кишлаб қолишга рухсат беришни лозим топди. Кимдан жабрлангани, отаси ким эканини сўраб, кистовга олмади. Вақти келиб ўзи гапириб берар. Бўлмаса “Бозорда минг киши бор, ким билан кимнинг иши бор?”

Киш ўтиб, баҳор келди. Сокчилар билан битта кулбада кишни ўтказган Тоғабеганнинг соғлиги ўнгланди. Совук урган жойлари тузалди, бироқ оёқ-кўлидаги бармоқлар учи жонсиз, увушиб қолди. Оёкка турган кунидан бошлаб унинг барча вақти отхонада, отларнинг ёнида ўтди. Отларга беда солди, ем берди, сувлокка етаклаб бориб суғориб келди, хуллас, тиниб-тинчимасди. Бора-бора отбоқарлар билан ҳам, отлар билан ҳам дўстлашиб кетди.

Наврўз арафасида Кулчи бийнинг хузурига кирди.

– Кел, Тоғабеган, ўтир. Худога шукр, тузалиб қолибсан.

– Оллох умрингизни зиёда қилсин, бий оға! Ўлар ҳолатда эдим, марҳаматингиз, яхшилигингиз туфайли бу ёруғ дунёга қайта келгандек бўлдим. Менга қилган яхшилигингизни ўла-ўлгунча унутмайман. Ҳар куни дуо қилиб, Оллохдан сизнинг соғлигингизни тилайман.

– Бир-бирига ёрдам кўлини чўзмок, йикилганни суюмок, йиғлаганни юпатмок ҳар бир мусулмоннинг фарзи, – деди бий Тоғабеганнинг сўзларидан кўнгли тўлиб.

– Худога шукр, сизнинг шарофатингиз билан қаддимиз қайта тикланди. Бундан буён сизга оғирлигим тушмасин дейман. Раво кўрсангиз, менга бирон хизмат топширсангиз. Йўқ, хизматга яроксиз, деб ўйласангиз... – у кўлининг майиб бўлиб қолган бармоқларига ўкинч билан қараб қўйди-да, сўзида давом этди, – мабодо хизмат бўлмаса, бизга рухсат берсангиз. Кўнглимда сизга нисбатан игнанинг учидай ҳам хафагарчилик бўлмайди, бий оға, Худо сақласин.

У мунгли нигоҳларини ерга тикиб, жавоб кутди.

Бий ўйланиб қолди. Отхонада хизматкор отбоқарлар етарли. Бундан ташқари бармоқларидан айрилган бу ногирондек одам учун отбоқарлик оғирлик қилмасмикин? Сокчиларга қўшса-чи? Кулчи бир фасл ўз ўйлари билан банд бўлди. Фойдани кўзлайдиган тадбиркорлигидан кўра кенг феъллиги босим келди.

– Майли, Тоғабеган, бу ҳолингда кимнинг хизматини бажараман, деб кетасан? Ҳеч қаерга кетмайсан, шу ерда коласан. Сокчилик қиларсан, от суғорарсан, хизмат топилар.

– Худо умрингизни узун қилсин, бий оға! Илойим улли бўлгайсиз, бий оға!

Сўнги сўзлар бийнинг кўнглини ғамгин бир умидга тўлдирди. Бийбичага уйлангандан буён у тирнок кўрмаган эди. Фарзанди бўлиш, ўғил кўриш Кулчининг кўнглининг бир бурчагида кундузлари мудраб ётадиган, узоқ оқшомларда эса мабодо эҳтиётсизлик туфайли бир нарсага қаттиқроқ тегиб кетса, кони тўхтамай азоб берадиган яра каби оғриб, уйқусини қочирадиган бир армон эди. Тоғабеганнинг оғзидан оққан “Илойим, улли бўлгайсиз”, – деган сўз умид уйғотиб, мана шу мусофир одамнинг айтган самимий, бегубор тилаги ўнгидан келадигандек туюлди. Бу яхши сўзни унинг оғзига Худо солиб тургандир, деб яхши ният қилди.

– Айтганинг келсин, Тоғабеган, – деб юборди.

Бу сўзлар юракнинг тубидан чиккан эди. Кенг пешонасининг остида чуқур жойлашган кўк кўзларига ёш келди. Кичкинагина деразадан тушган қуёш нурлари хонани ёритиб турган эди. Рўпарамдагилар кўзимдаги ёшни кўриб қолишмадими, деб хижолат бўлган бий ўзини дарҳол ўнглаб олди.

Тоғаберган жонланди.

– Бир илтимосим бор, оға.

– Айт, нимани илтимос қилмоқчисан?

– Менга соқчиликни топширсангиз, бош устига. Туни билан соқчилик қилавераман. Мен от сайислик қилмаганман. Бирок йилки орасида туғилиб, йилки орасида ўсдим. Болалигимда тинглаган эртақларимнинг ҳаммаси от ҳақида эди. Сон-саноксиз сайислар билан йилкибонлардан йилки ҳақида, от бобида бениҳоя кўп ва хўб ҳангомалар эшитганман. Уч ёшимдан бошлаб отнинг белидан тушмадим. Шунинг учун йилкининг мен билмайдиган сири камдан-кам. Мақтанди деб ўйламанг, отхонангиздаги чопағон отларингиз ичида Жийронқашқадан бошқасининг пойгада ўзиши амри маҳол.

– Бу от синчисиман, деганингми? – деди бий.

– Йўқ, бий оға, мақтанмоқчи эмасман. Бу иш менга ярашмайди. Отхонада қолишга рухсат берсангиз. Жийронқашқанинг парваришини менга ишониб топширсангиз. Сизга айтмоқчи бўлган гапим шу эди, бий оға. Ҳар қалай, юрак ютиб, кўнглимдагини айтдим, ичимда саклаб қолмадим.

Бий яна ўйлашиб қолди. Унинг фикрича, отхонада сайислар етарли эди. Бирок мусофир йигитнинг кўнглини қолдиргиси келмади.

– Майли, жийронқашқани сенинг ихтиёрингга топширамыз. Сайислик қилиб кўр.

Шу билан гап тугади.

Орадан йиллар ўтиб, Тоғаберган Қулчи бийнинг машҳур сайиси бўлиб донг таратди. Жийронқашқа пойгада тенгсиз бўлиб, бир неча йиллар давомида ўзиб юрди. Тоғаберганнинг дуойи тилаги ижобат бўлди, орадан йиллар ўтиб, Эрежб туғилди...

Ўшанда Тўриқашқа жонивор Дашти қорақалпоқлик Босимбет ботирнинг Оқёл отидан қора кўринадиган узокликда илгари ўзган, маррага биринчи бўлиб келиб, байроқни олган, Қулчи бийни қувонтирган эди.

Пойгадан кейин ҳам тўй тарқамади. Ўртага гулхан ёқилиб, бир неча ерда қур йиғилиб, жировлар ва бахшиларнинг термаю дostonлари тингланди. Нуротадан келган бахшининг:

Менинг отим Шангкут бахши,  
Бир сўзим бир сўздан яхши.  
Жийдали Бойсундан чикқан,  
Бойчибордай тулпор чопган,  
Алпомишдан айтайин-маа, жамоат!

Ғироти белига минган,  
Неча йиллар даврон сурган,  
Душман йиғлаб, дўсти қулган  
Гўрўғлидан айтайин-маа, жамоат! –

деб жирлагани, лақайнинг кўнғир товушига қўшилиб, бахшининг овози олисолига таралиб янтрагани ёдига тушди, юраги орзикиб кетди. Ота-боболари асрлар давомида мол ёйиб, сурув хайдаган яйловлар билан далалар, болалиқдаги кадрдон бўлиб қолган кишловлар ва сув бўйига яқин яйловлар энди ортада қолиб бораётганини, олдинда кимлар ва қанча номаълум воқеалар пойлаб турганини ўйлаган бий оғир ҳаёлдан бош кўтариб, йўл юриб келган тарафига, изига қаради.

...Ўша куни ҳамма хурсанд эди. Тоғаберган сайиснинг кўп йиллардан буён қулги нима эканини билмаган юзларида бий табассум кўрганди.

– Кутлуғ бўлсин, бий оға! Тўриққашка билан Эрежебжон насиб бўлса, сизнинг номингизни оламга ёяди! – деди у оғзи қулогига етиб. Ўзи қулгидан оғзини йиғолмай турса ҳам маънос кўзларидаги теран мунгни яшира олмас эди.

– Айтганинг келсин. Тўриққашканинг ўзиб келгани ўзингга ҳам муборак бўлсин! Бу ютуқда сенинг хизматинг катта.

– Тангри ёрлақасин, қуллук, бий оға. “Отнинг давлати чопади” деб эшитганим бир кексадан. Шу киши айтганидек, Тўриққашка билан сизнинг давлатингиз суринмагай, илойим.

– Омин, оғзингга мой, айтганинг келсин, иним.

Қурлар тонготарда таркади. Тонг отса, тўю томоша яқунлар эди. Бий бошка бийлар билан хайрлашиб, ўзига атаб тикилган ўтовга келди. Тўшалган ўрин йиғилмаган. Бомдод назомига қадар вақт бор, сал мизгиб олса бўлади. Бомдод назомини ўқиб, наҳорги ошдан кейин тўй эгаси Эрали бийдан рухсат сўраб, пойгада ютган ўнта туяни йигитларига ҳайдади, элга қайтади.

Ухлаш олдидан дуосини ўқиб, ўтовда солинган тўшакка ёнбошлаган бийнинг кўзи илиниб бораётган эди. Тоғаберганнинг товушини эшитиб, уйғониб кетди.

– Бий оға, тулинг, бий оға! Шўримиз қуриб қолди, бий оға! – деган фарёд юрагини музлагиб юборди.

– Нима бўлди, Тоғаберган, – деди бий, эгнидаги жун чакмонни силкиб ташлаб ўрнидан тураётди.

– Тўриққашка, Тўриққашка, шўримиз қуриб қолди! Ўзингиз бориб кўринг! Кўзикди жонивор, кўзикди.

Тоғаберганнинг сўзидан аниқ бир нарса билиш қийин бўлса ҳам, отга бир фалокат бўлганини ҳамма тушунди. Уйғониб улгурганлар: кўшни ўтовдаги Қулчи билан бирга келган бийлар, отбоқарлар сайиснинг ўтовга ёнида сирти юлгун билан ўралган от кўрага югуришди.

Кимдир ловуллаб ёнаётган машғала кўтариб келди. Тўриққашка бойланган кўранинг даричаси очик, ичкарида куймаланган уч-тўрт отбоқар кўринди. Машғала кўтарган кишига йўл берилди.

Жонивор Тўриққашка беда солинадиган, тошдан терилган охурнинг олдида оёқлари чўзилиб ётар эди.

– Жониворим, жониворим, не бўлди? – деб Қулчи отнинг ҳалқумидан ўқловдек бўлиб бўртиб чиққан томирига бармоғини теккизиб кўрди. Томир гоҳ уришдан тўхтар, гоҳ заифгина урар эди.

– Бу ерга бегона одам кирмадимиз?

– Мен бирпасга ташқарига чиқиб, ўрнимга Абдусаматни қолдирган эдим. Даров қайтдим. Бор гап шу. Охурдаги йўнғичкани қурт-қурт этиб қавшаб турган эди. Бирдан “гурс” этиб йиқилдида хириллай бошлади. Жониворга кўз тегди, кўз.

У бирдан жимиб қолди. Озгинадан сўнг жон аччиғида кичкириб юборди.

– Тўриққашкани заҳарлашган! Заҳарлашган! Маргимуш! Тўласин! Падарингга лаънат, Тўласин, нега мени заҳарламадинг? Тилсиз жониворнинг не гуноҳи бор эди? – У гандирақлаб кетди, лекин йиқилмай ўзини ушлаб, тик туриб қолди. Кейин одамга хос бўлмаган чакконлик билан отбоқар Абдусаматга ташланди. Бир қўли билан чакмонининг ёқасидан ушлаб бўға бошлади, иккинчи қўлидаги дудама ханжар машғаланинг ёруғида ялтираб кетди. Бу ҳаракатлар кўз очиб юмгунча тез бўлиб ўтди. Ҳеч ким орага тушиб улгурмади.

– Айт, Абдусамат, мен йўқлигимда бу ерга ким келди? Айт, ҳозир қонингни ичман! Айт!

Кўрқиб кетган Абдусаматнинг тили калимага келмас, бир нималар деб ёлдиради.

- Ҳеч ким... Йўқ, келди, қора чакмонли, қора чакмонли... Келди...
- Ким эди? Нима деб гапирди? Нима деди? – Сўзлар машғаланинг ёруғида ялтираб турган ханжардай ўтқир, ҳам қаҳрли, ҳам совуқ эди.
- Ким эканини билмайман, отини айтмади, отбоқар...
- Нима деди?
- Пойгада байроқ олган отни, Тўриқашкани бир кўрайин, – деди.
- Сен нима дединг?
- Яқинлашма, кет, дедим. У эса елимдек ёпишиб олди, кетмади. Отни бир айланиб, сағринига бир шаппат урди. Сўнг кетди.
- Кўрсанг, танийсанми?
- Қоронғида юзи аниқ кўринмади. Овозини танийман.
- Тўласин ёллаган, – деди Тоғаберган. Унинг хириллаб чиккан товуши кўркинчли эди. Бутун дунёга ўт кўйишга бел боғлаган одамнинг овози шундай чиқар, эхтимол. – Тўласин! Кўлимга тушсанг, конингни ичмасам, отим Тоғаберган эмас. Отга маргимуш берган. Энди унинг одам бўлиши қийин. Кўп қийналмасин. Сўйиб ташлаш керак, – деди бир қарорга келган овозда.

Ўша пайтда отнинг эгаси Қулчи эканини, қандай қарор қабул қилиш лозим бўлса ҳам, бунга фақатгина у ҳакли эканини унутгандек эди. “Тоғаберган ақлдан озгани йўқми, соғми ўзи?” – деб ўйлаганлар ҳам бўлди. Ҳамма Қулчининг қарорини кутиб, жим турар эди.

– Маргимуш еган бўлса, ҳақиқатан ҳам от ўзига келмайди энди. Тоғаберганнинг айтган гапи тўғрига ўхшайди. Жонивор кўп қийналмасин. Ўшанда Тўласиннинг “Отингга бек бўл!” деб пўписа қилганидан кўркан эдим. Бироқ барибир аниқлаш керак. Тўласинми, Тўласин эмасми? Унинг ўзини бу атрофда ҳеч ким кўргани йўқ. Гумон имондан айиради. Бўтабек, ҳалолланглар, кўп қийналмасин жонивор. Фақат бу ишни мен кетганимдан сўнг қилинлар, кўзим кўрмасин... Кейин Тоғаберганга кўз-қулоқ бўлинглар, – деган сўзни фақат отқўшчининг қулоғига шивирлаб айтди. – Аччиқ устида яна бир балони бошлаб юрмасин.

Бий отқўрадан қайиб, ўтовига кетди. Энди мизғиб олишни ҳаёлига келтирмаса ҳам бўлади. Бу пайтгача тонг олдида содир бўлган воқеанинг шум хабари овулдагиларнинг деярли барчасини ширин уйқусидан уйғотиб бўлган эди. Қулчи бомдод намозига таҳорат олиб, тўрт ракат намозни адо этди. Ўтовнинг ёнбошида ўтириб, хизматкорлар тайёрлаган нонуштани еди. Энди Эрали бийдан элига қайтиш учун рухсат сўрашга бормоқчи бўлиб, кўзгалган эди, Эсон охунни эргаштириб тўй эгасининг ўзи келиб қолди. Пастгина эрганақдан “Ассалому алайкум” деб энгашиб ичкарига кирди.

Бий келганларнинг хурматини жойига қўйиб, ўрнидан туриб саломлашди. Ўтов тўридан жой кўрсатди. Хизматкорларга меҳмонлар учун айрон, шарбат келтиришни буюрди.

– Бўлмас ишлар бўлди, Қулчижон, – деди тўй эгаси Эрали босиқлик билан. – Қани, охун оға, бир дуо ўқиб юборинг, омонлиққа.

Бий Эсон ҳамроҳ бўлиб келган Эсон охун кўлини фотиҳага очди.

– Қўлингизни очинг, бий оға, Худо берганидан айирмасин, йўқотганингизнинг ўрни тўлсин. Мол бошдан садақа, деганлар. Иншоолло, ўзининг, ўзи яратганларнинг боши омон бўлсин, Оллоху ақбар!

Тўриқашқа жонивор тўйнинг бош пойгасида соврин олиб, обрўйини кўтарган эди. Хуни ҳам бир неча уюр йилқининг хуни билан баробар эди. Ундан айрилиш эгасига осон эмас. Бунинг устига “Эралининг тўйида Қулчининг отини заҳарлаб ўлдиришди” деган гап-сўз тўй эгасининг шаънига яхши ном келтир-



мас эди. Шунинг учун ҳам тўй эгаси Эрали бий қипчоқларнинг бийи ёнига ўз оёғи билан келиб ўтирибди. Қанчалик кадрли бўлса ҳам молнинг оти мол. Эгаси яхши кўргани, кадрлагани билан югурик от ҳам бир мол. Ундан айрилиб қолган эгасидан кўнгили сўраш ярамайди. Бош омон, Худога шукр дея сўз айтмоқчи бўлган Эрали бийнинг Қулчи бийни юпатиш учун ўйлаб топган чораси охунга дуо ўқитиш бўлган эди. Буни ҳар нарсага фахму фаросати тез етадиган Қулчи бий ҳам уқди.

– Тангри ёрлақасин, Эрали. Айтганингиз келсин, охун оға. Худога шукр, бошимиз омон. Фақат уйда қолган гўдагимизнинг бу отга бўлган ихлоси бошқача эди...

– Нима бўлганда ҳам, ҳалол молингиз эди, асл хоназот эди, иложимиз йўқ энди, нима қиламиз? Бизнинг тўйимизда бундай бўлиб қолганидан биз жуда хи-жолатдамиз. Гумон қилинган отбоқарни суриштириб топгандек бўлдиқ. Сизнинг отбоқарингиз “товуши ўхшайди” дейди-да, айбини бўйнига қўйиб, жазога тор-тамиз, десак гувоҳ иккиланиб турибди. Нуқул “товуши ўхшайди, ўзини тани-мадим” дейишдан нарига ўтмайди. Хуллас, биз ҳам аросатда қолдик. Ҳар тугул, охири хайрли бўлсин, – деб сўзини тугатди Эрали бий.

– “Бўлари бўлди, бўёви синди”, деганлар. Энди бўйнига қўямиз, деб бир бе-чорани уриб-сўқиб қийнаманглар. Мен нима ҳам дердим, Худога солдим. Тилсиз жониворга ичи ачимай, захар берган бўлса, ўзи ҳам Худодан топсин.

– Шунда ҳам анигини билган яхши. Балки қимдандир гумонингиз бордир? Йигит-ларнинг айтишича, отбоқарингиз Тўласин деган кишининг исмини тилга олган эмиш.

– Тоғаберган гумон қилиб гапиргандир. Тўриққашкага қизиқиб, менга сот деб борган эди. Сотмадим. Ўғлимнинг бу отга меҳри бошқача эканини айтгандим. Тўласиннинг раъйини қайтаришимга ҳам шу гўдак сабабчи бўлган. Тўласин, ахир, от жинниси-ку. Унинг қўлидан Тўриққашкани захарлаш келмайди. Ҳали отнинг захарлангани ёки захарланмагани ҳам аниқ эмас-ку.

– Захарлангани аниққа ўхшайди. Синаш учун ўпка-юрагини итларга ташлаш-ган экан, уни еган бир-икки ит тил тортмай ўлибди.

Бийнинг хаёлидан алланечук фикрлар кечди. Тўласиннинг телбавор қиёфаси кўз олдига келди. “Тўриққашкага бек бўл, бек бўл”, деган сўзлар қулоғи остида янграгандек бўлди. “Шу” деган фикр хаёлидан ялт этиб ўтди. “Отни Тўласин ўғирлади, Тўласин захарлади” дея такрорлади ички бир овоз. Бироқ оқ кўнгили бий ёмон хаёлларга ишонгиси келмасди. У нима учун отни нобуд қилди? Югурик от фақат меники бўлсин, ўзганики бўлмасин, деган ўй биланми? Қизганишми? Кўролмасликми? Яна Тўласиннинг девонасифат қиёфасини эслади. Ўшанда отни бир уюр йилкига алмаштирганда бўлар эди. Эрежеб кўнмади. Ўзини нодонман деб санамайдиган, ўзгалар фахм-фаросати юкори деб тан олган доно бийнинг ҳам фахми етмайдиган нарсалар, бахтга қарши, дунёда оз эмас эди.

– Шундай отни захарлашга қандай кўзи қийган экан-а, бола? – Бу савол бий-нинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди.

– Ким бўлса ҳам Худодан топади, – деб гапга қўшилди Эсон охун.

– Ўзим бориб, тангри ёрлақасин, хуш кўрдик, дея рухсатингизни олмақчи эдим, – деди Қулчи. – Мана, ўзингиз келдингиз. Тўйладик, едик-ичдик, томоша кўрдик. Энди биз қайтсак. Рухсат этсангиз, бугун йўлга тушамиз, Эрали бий.

– Рухсат Оллодан, – деди Эрали бий. – Яна қидириб келсангиз, сиз учун эши-гимиз доим очик.

– Омин, хуш кўрдик. Йўлингиз ойдин бўлсин.

Кўп ўтмай Эрали бийнинг тўйида аввал қувонган, сўнг Тўриққашкадан айрилиб қайғурган Қулчи бий ҳамюртлари билан элга қараб йўлга тушди.

Тўриқашқанинг ўрнига ўнта туяни етаклаб қайтишди. Бироқ улар отнинг ўрнини боса олмас эди.

Йўлга отланишдан олдин ҳаммани нигоҳи билан бирма-бир кузатган бий Тоғаберган сайиснинг йўқ эканини пайкади.

– Тоғаберган кўринмайди, – деди бий Бўтабекка қараб.

– Абдусаматга кўздан кочирма деб, тайинлаган эдим. Пайт пойлаб, кўздан ғойиб бўлибди. Сизга айтмоқчи эдик, тортиндик.

– Топшириқни ҳам одамига топширган экансизлар-да, – деди бий ранжиб.

– Нима қилайлик, қидиртирайликми?

– Энди йўлдан қайтмайлик. Тирик бўлса, бир жойдан чиқар.

Шундай деб ўзини бепарво кўрсатса ҳам, кўнгли муздай бўлди. Тоғаберган Тўриқашқанинг жасади устида айтган сўзларидан кўрқулик эди. Бирор нофўя иш қилиб қўймаса, қошки эди. Икки қўлини бойлаб, қамаб қўймаганига афсусланди. Бироқ қуруқ афсуслангандан ким ҳам фойда кўрибди шу кунгача?

...Тоғаберган сайиснинг юрагини кек тилка-тилка қилган, тилсиз, айбсиз бир жониворнинг бевақт ўлими учун ўч олиш истаги уни ўтдек ёндиради, бир жойда ўтиришга ҳам, туришга ҳам қўймай бекарор қилар, ўйлашга, фикрлашга фурсат бермас эди. Қулчи бийга ўхшаб унинг ҳам онгу шуурида “Тўласин” деган биргина сўз айланар, Тўласиннинг телбанамо келбати кўз ўнгиде пайдо бўлар, сўнг унинг ўрнини тош охурнинг олдида тўрт оёғи чўзилиб, баданлари учиб, хириллаб ётган от эгаллар, от гоҳ қалдиригоч қанотидек қўш қулоғи юлдузни кўзлаб депсинар, ипақдек юмшоқ тумшуги билан Тоғаберган сайиснинг елкасига нуқиб-нуқиб қўяр, гоҳ жиловидан ушлаб ёнма-ён югуриб бораётган сайисга жавдираган кўзларининг кирини ташлаб “мен билан баҳслашмоқчимисан” деган каби ўқрайиб қўяр, гоҳ юмшоқ бўз ернинг чангини осмонга кўтариб, узун арконнинг учидан ушлаб турган сайисни айланиб ўйноқлар, икки орқа оёғида тик туриб, қаттиқ кишнади эди. Фикри ёдини ана шундай хаёллар банд айлаган Тоғаберган боши оққан тарафга қараб бир-неча қадам ташлаб кўрди. Ҳар сафар кимдир: “Тоғаберган, қаёққа боряпсан, қайт орканга!” деб қайтарар эди. Алламаҳалда ўзига келган сайис бир неча кўзлар боқиб турганини, уни ҳеч қаёққа юбормаслик хақида буйруқ берилганини англаб етди. Ўч олиш хақидаги фикр ҳамон сўнмаган, пасайиш ўрнига ўртадаги гулханга бир даста ўтин ташлангани каби ловуллаб ёниб, бутун фикри ёдини, борлиғини қуйдириб бораётганди. Қандай бўлса ҳам уни қўриқлаб турган нигоҳлардан олислашиш, шубҳа-ғумон билан бокқан кўзлар эгаларининг тутқинлигидан халос бўлишим зарур, деб ўйларди. Энди у айёрлик қила бошлади. Нигоҳини бир нуқтага қараб, узок ўтирди, қимирламади. Фақат кипригигина қимирларди. Ёнидагилар “бу ухлаб қолмадимикан” дея шубҳаланиб олдига келиб туртиб кўришди. Тоғаберган жим ўтираверди. Одамлар “Тоғаберган сайис чарчади, тунги бедорлик, Тўриқашқанинг ўлими, ҳаммаси қўшилиб, уни холдан тойдирди” деган хаёлга боришди. Унга шу керак эди. “Сув ичаман” деди тўсатдан кўз узмай тикилиб турган Абдусаматга қараб. У ўрнидан туриб, сув олиб келиш учун ўтовга кирди. Ўзини ухлаганга солиб, кўз ости билан атрофни кузатиб турган сайис ўрнидан турди-да, откўранинг очик даричасидан чиқди. Юлгун шохларидан бир-бирига ўхшаш қилиб қурилган сон-саноксиз кўралар орасига сингиб, кўздан ғойиб бўлди. Кўп ўтмай ковок идишда сув келтирган Абдусамат Тоғаберганнинг жойини пайпаслаб қолаверди...

Тоғаберган шубҳа туғдирмаслик учун бир-икки кўрадан ўтгунча қадамни кенг босгани билан югурмади. Хўжамёр бий бош бўлиб келган манғитларнинг ўтовини топиш керак. Ўтган-кетгандан суриштирди. Жўяли жавоб ололмади. Чарх уриб излади. Қаҳр-ғазабдан ичи ўтдек ёнарди.

Охири Хўжамёр бийнинг ўгли Тўласиннинг дарагини бир кишидан билиб олди. Эшитишича, улар тонготарда йўлга тушиб, овулига кайтишибди. Энди уларнинг изидан қувиб етиш, ёнида тўп-тўп йигитлари бор Тўласин билан олишиш бир ўзи учун мушкул эканини англади. Нима қилмоқ керак? Орқасига кайтиб, Қулчига қўшилиш керакми? Йўқ. Тоғаберган сайис бундай фикрдан мутлако йироқ эди. Унинг хаёлини Тўласиннинг қиёфаси билан жонивор Тўриққашқанинг қилиқлари тарқ этмаган, вақт ўтган сайин, ҳар одим отган сайин кўз олдидаги шарпалар кучайгандан кучайиб, ўч олиш нияти уни азобларди. Очиғини айтганда, Тоғаберган сайис Тўласиндан ҳам баттарроқ от жинниси эди.

Оч қолгандек, чанкагандек бўлди. Эшиги очик турган бир ўтовга кирди. Ҳеч ким кўринмади. Кераганинг бошида илнинг мешни олиб, шубат ичди. Ипга осиб, ёйиб кўйилган сур гўштдан бир бўлагини олиб ея бошлади. Сўнг бир нарса ёдига тушгандек ипдаги гўштрлардан олиб, белини энли камар бўйиб турган чакмонининг кўйнига солаверди. Чикиб бораётиб, ўз жойига кайтариб илдирган шубат тўла мешни қўлтиғига кистирди. Худо ёрлақаб, ҳеч ким уйга қирмади. Қирганида ҳам Тоғаберган ҳеч кимга тутқич бермаган, тортиниб ё уялиб ўтирмаган, олган нарсалари учун розилик сўраб ўтирмаган бўларди. Қоғозга сиёҳ билан ёзилган хат қуёш нури ва ёмғирда қолиб, ўчиб кетганидай унинг хаёлида ҳозир уят, тортинчоклик, одамлар яратган маданият ҳақидаги тушунчалар ҳам ўчиб кетган, унинг ўрнида тош охур олдидан тўрт оёғи чўзилиб, нафас олмай жириллаб ётган отнинг сурати тўлиқ эгаллаб олган эди. Уни энди ҳеч нима: тўйдан сўнгги шовқин, қузги очик осмон, жонга роҳат бағишлайдиган майин шамол, олисдан кўқариб кўринган, инсонни қандайдир бир сеҳр билан ўзига чорлаб турадиган тоғлар, изда қолган умр, яшиндек ярқираган отларнинг туёқларининг дупури, хуллас, сайиснинг фикрича, инсонни бу хаётга боғлаб турадиган нарсаларнинг ҳеч бири қизиқтира олмаса керак. Уни қизиқтирадиган бир нарса қолган, у ҳам бўлса, Хўжамёр бийнинг овулини излаб топиш, унинг ўгли Тўласинни қаерда бўлса ҳам ёлғиз учратиш, бўғзига ханжарни такаб, кўзига тикилиш.

Кўйнида тузда пишган сур эт, қўлтиғида шубат тўла меш билан сайис уйдан чиқди. “Ҳеч ким кўрмадимиз” дея яширинча кўз ташламади ҳам. Ўз йўлида кетаверди. Анча юргандан сўнг бировдан Хўжамёр бийнинг овулига олиб борадиган йўлни сўраб билиб олди. Хаёлида жонланган суратлар гоҳ қувонтирар, гоҳ қайғу аламга дуч қилар, гоҳ ғазабдан титрашга мажбур қиларди. Қузда бедапояга боғланган Тўриққашқа узун арқонда қозикни айланиб зерикар, димоғига олисдаги яйловларда кезиб юрган бияларнинг сирли иси келар, бедов отнинг томирларида қон жўшиб ўйнар, арқонни ечиб, жилдирганида ёки кечқурун қўрага олиб кайтаётганда от жонивор эркинликка интилиб, арқонни тортиб кўрар, сайиснинг бақувват қўлларидан бўшалиб кетишдан умидини узган от арқон етадиган жойгача ўйноқлаб йўрта бошлар, олиб-олиб йўртар, майин шамол тўзғитган қуйруқ ёли қизларнинг сочларидай хилпираб, йўртиб елавериш зериктирганидан сўнг от олдинги икки оёғини кўтариб, орқа икки оёғида бор бўйича тик туриб, бошини осмонга чўзиб кишнаб юборар, гоҳида яқинлашиб келиб сайисга ўмрови билан суйқаланади. Кўп ўтмай сайиснинг хотирасида бошқа суратлар пайдо бўлиб, тош охур ёнида ётган от уни чуқур қайғуга солар, ғазаб билан белидаги ханжарини тутамлар эди. Ана шундай кўринишларнинг ўзаро ўрин алмашинуви, кураши ўртасидаги яна бир қиёфа умид учқунларини уйғотиб, зим-зиё осмондан учган юлдуздек “йилт” этиб сўнар эди. “Болага кийин бўлди. Унга нима дейман? “Тўриққашқа қани?” деса, нима деб жавоб бераман?” Насл-насабини, хаёт тарихини, таржимай ҳолини ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган ёлғиз бошли сайис

Кулчи бийнинг ўгли Эрежебни ўз боласидек яхши кўриб қолганини айна дамда тушунгандек бўлди, тўғрироғи ҳозир бўйнига олгандек бўлди. Оламдан ўтгандан сўнг ортимда “мени фалончи эслаб юради” деган умиддан таъма этишими, хуллас, ўзи билан туғишганлик алоқаси йўқ, одамлар аслида қайси элатдан, қайси улусдан эканини билмайдиган Тоғаберган сайиснинг митти Эрежебни ўз боласидек яхши кўриши уни бу дунёнинг кийинчиликлари ва азобларига кўниб, яшашга бўлган иштиёқини орттирадиган сабабга менгзар эди. Балки бу Эрежебнинг ҳам ўзига ўхшаб Тўриққашқа отни яхши кўриб қолганидандир. Бу туйғуларни айириб, бири-биридан фарқлаб ўтиришга сайисда фурсат бўлгани билан хохиш йўқ эди.

Кулчи бий овулдан анча олислаб кетгунча “Тоғаберган келиб қолар” дея изига қарай-қарай юрди. Сарик йўргани елдирмади. Шундай қилганида отбоқар ва сайислар ҳам бирови отини йўрттириб, бирови дингиллатиб чошиб, ортидан жадал эргашган бўлур эди. Бий туя етаклаганлар қатори бемалол секин-секин отни юргизиб бораверди. Бошқалар бийнинг раъйига қарагани туфайли тиш ёриб ҳеч нима дейишмади. Бирок бу ҳолат давом этавериши мумкин эмас, бу юришда бир кеча кўниб ҳам овулга етиб бориш кийин. Кулчи бий ҳам бу ҳолатни англаб келаётган эмасми, отнинг бошини тортиб, кичкирди.

– Алламберган, бери кел. Етақлаб келаётган отлардан бирини ол. Эралининг овулига бор. Тоғабергани суриштир. Кўрган-билганлар бордир, дарагини айтар. Уни топиб айт: Кулчи Тўриққашқанинг ўлимини сендан кўрмайди, “зарарига эгаси бошчи” дегандек, аввало ўзимдан, сўнг Худодан кўраман, тортинмай овулга қайтсин, бош омон бўлса, бўрк топилмай қолмас, деди дегин. Шу гапларни етказ. Хуллас, хижолат бўлмасин, овулга, элга қайтсин. Бу ишларда унинг тариқча ҳам айби йўқ. – Кейинги сўзлар тўйдан бирга қайтиб келаётганларнинг динг бўлиб турган қулоқлари учун, кўпроқ ўзи учун ҳам айтилган сўзларга ўхшаб кетар эди.

– Бош устига, бий оға, қуллук, – деди от устида кетаётган Алламберган соқчи.

– Ҳой, Сайитмурод, етагингдаги сайиснинг отини келтир.

Одатда сайис ҳам, от чопадиган чавандоз ҳам пойгага қўшиладиган отни ми-ниб юрмайди, югурук от яйдоқ олиб юрилади. Тоғаберган миниб келган отни “сайис келиб қолар” деб от қўрада қолдиришнинг ҳисобини топмаган йигитлар етақлаб олиб келишаётгандилар.

Сайитмурод остидаги от йўртган пайтда узангилар отнинг икки биқинига ботиб азобламаслик учун узангилар айилини қушгумшук эгарнинг бошига қайириб, илдириб қўйилган жийрон отнинг жиловини Алламберганга ушлади. Кўп ўтмай от етаклаган йигит тўдадан айрилиб, орқага қайтди. Анча йўл босиб, ўқдек учишга иштиёқи баланд югурук отнинг жиловини тортиб, секин юришга мажбурлаб келаётган бийнинг орқасидан эса бир текис чанг кўтарилди. Ундан сал орқароқда қолган ҳамроҳлари ҳам отларини қистаб, ким лўкиллаб йўртиб, ким йўргалаб югуриб, ким сакраб-сакраб елиб кетди. Тўриққашқа жонивор пойгада ютиб олган ўн туяни етақлаб бораётган бир тўда отлик ва пиёдалар чанг-тўзон ичида қолиб, кўздан ғойиб бўлди.

Алламберган тўйхонага қайтиб борди. Отни гоҳ етақлаб юриб, гоҳ бойлаб қўйиб, пиёда юриб, Тоғаберган сайиснинг дарагини суриштирди. Ўтган-кетган одамлар, соқчи, чўпон, йилкибонлар, ҳеч кимса сайиснинг қорасини кўрмаган. Кўрмадик, билмадик дейишди. Отни етақлаб бораётди эди, бир ўтовдан аёл кишининг бировни қарғаган товуши эшитилди.

– Қанақа қароқчига дуч келдим-ай! Ё Худо! Илойим, еганинг қон қустириб, қорнингни тешиб чиксин! Илинган сур гўшт билан мешдаги шубатни қуппа-қундуз қуни қўшиниқига кириб чикаман дегунча ўмариб кетишибди. Ё парвардигор! Эшит-дингизми, одамлар, овулимизга ўғри дорибди. Нарсаларингга эҳтиёт бўлинглар!

Тоғаберган эт билан шубатни олиб кетган халиги ўтовнинг аёли кўшни аёл билан айтишган ўшагига алламаҳалда нукта қўйиб, эндигина уйига кирган, қозон осиб, этдан олмоқчи бўлиб, гўшт илинган ипга қўл чўзган пайтдагина этнинг йўқ эканини, бунинг устига керагадаги бир меш шубатнинг ҳам ғойиб бўлганини кўргач, ўғрини ердан олиб, ерга солиб қарғаётган эди. Алламберган ичкарига кириб сайиснинг дарагини сўрасамми деб иккиланиб турди-да, сўнг озик-овқатидан айрилган аёлнинг ярасига туз сепмайини деган фикрга борди, иккинчи томондан бу иш хавфли тус олиши мумкин, аламини кимдан олишини билмай ўтирган аёл “сен ўғрисан” деб ёқасига ёпишса, нима бўлади яна?!

Кун тушдан оғтунча Тоғаберган сайисни суриштириб, деярли ҳеч нарса била олмаган Алламберган охири овулга қайтишга қарор қилди. Бир уйда тўхтаб, айрон, шубат ичиб чанқоғини босиб олгандан сўнг бир отни миниб, бирини етаклаб йўлга тушди.

Бу пайтда Тоғаберган сайис Эрали бийнинг овулидан олислаб кетган эди. Бир чўпоннинг, Хўжамёрнинг овулига салт отлик орада бир кўниб етиб боради, деган сўзини ҳисобга олган Тоғаберган кун ботгунча йўл босиб, бир элатга етди. Кўздан пана бир жойда тонг оттирди. Эртасига тонг сахардан кош қорайгунча йўл босиб, яна йўл устида тунади. Учинчи кун деганда олисдан овул кўринди. Рўпарасидан чиққан йилкибондан бу овул Хўжамёр бийнинг овули эканини аниқ билиб олди. Шундан кейин йўлдан бурилиб, кум этагидаги сув бўйида ўсган қалин чакалакзор тўқайнинг ичига кириб кетди. Чакалакзор орасидан ёввойи хайвонлар сув ичишга келадиган ёлғизоёқ сўқмоқни топиб, ичкарига кириб кетаверди. Бир ялангликдан чиқди. Теварақда қалин ўсган жигилдик, улкан шингиллари шоҳларга ўрмалаб ўсган туясингирлар остида қуёш нури тушмайдиган уядай жойни топиб олди. Дам олиб, фикрларини бир ерга жамламоқчи бўлди. Курук хас-хашакни тўшлаб, тўшак қилди. Икки кўлини бошининг остига қўйиб, чалқанчасига ётди. Хаёлидаги ноҳуш суратларни ўчириб ташлашга уринди. Кеч кирди, бироқ қалин шоҳ-шаббалар остидан очик осмондаги юлдузлар кўринмайди. Тўқай четдаги итларнинг хуриши аниқ эшитилиб турар эди. “Овул тўқайнинг иккинчи чеккасида жойлашган экан” деб фахмлади Тоғаберган. Ўй-фикрлари аста-секин тиниклаша бошлади. Иштаҳаси йўқ эди. Шубат солинган мешни бош томонига қўйди. Қўйнидаги сур этни “чиқариб қўйсам, тулки ва шоколад еб кетиши мумкин” деб жойида қолдирди. Кўп ўтмай кўзи илинди. Тушида Тўриққашкани кўрди. Бедазорда боши бўш, чопқиллаб юрар эди. “Бўшалиб кетибди жонивор, бияларнинг исини олиб уюрга қўшилиб кетмаса, майли эди. Уюрга қўшилса, айғирлар билан тепишиб, бир жойини яралаб қўяди” деган ўй билан “мах, мах, кел жонивор Тўриққашка” деб икки кўлини чўзиб отни ушламоқчи бўлди. Тўриққашка ёнига келди, сайиснинг олдинга чўзилган қўлларини негадир ит бўлиб ялайди, сўнг яна отга айланиб, чинкириб, кишнаб Тоғаберганнинг атрофида йўрта бошлайди, ёнига яқинлашиб энди жиловидан ушлайман деганда қўллари ҳавода муаллақ қолади, “жилови қаерда экан” деб ўйлайди сайис, от бир жойда турмайди, уюрга томон қўйруғини динг қилиб чопиб кета қолмайди, ўйноқлаб йўртиб айланаверади. Сайис бунга қувонади. “Демак, у тирик, Тўриққашка тирик, омон-эсон, ҳозир уюрга қочиб кетади” деб қичкиради, бироқ қаердандир пайдо бўлган оломон унинг товушини эшитмайди. Тоғаберган кўз ўнгидаги воқеалар туш эмас, ўнгида содир бўлганига атрофдагиларни ишонтирмақчи, ўзи ҳам ишонмоқчи бўлади. Кўнглининг бир четда пайдо бўлган ҳадик кучаяверади. Орқасидан бировнинг нигоҳини сезиб бурилади ва Қулчининг ўгли, митти Эрежебни кўради. Унга ҳам “Эрежеб, от ўлгани йўқ, одамлар сени алдамқчи бўлган, от ипидан

бўшалиб кетибди” деб кичкиради. “От қани?” деган саволга “Ана бўшалиб кетган” деб жавоб бериб, орқасига қараса, от йўқ. Ҳамма нарса ғойиб бўлган. Отнинг ўрнига қора кийимли, юзига қора никоб тақиб олган бир одам турибди... “Тўласин” дейди сайис хайрон бўлиб, “Тўласин, сен бу ерда нима қилиб юрибсан... От қани?” Тўласин ваҳимали товуш билан “Тўриққашқани қурбонликка сўйдим. Хунига мени ол” деб кичкиради. “Сени нима қиламан, от қани? От!..” деб тўқайни бошига қўтарган товушдан ўзи уйғониб кетди. Шундан сўнг кўзига уйқу келмади. Салқин куз кечасини бедор ўтказди.

Тонгда сур гўшти чайнаб, шубат ичиб куч тўплади. Хатарли ишга бел боғлаган, абжирлик учун куч керак. Режа туза бошлади. Алламаҳалда бир тўхтамаг келди. Устидаги чакмонини ечиб, ханжар билан тилиб ташлади. Камарни ечиб кўйлакнинг ичидан таранг тортиб бойлади. Ханжарни кўринмайдиган қилиб, орқа томонга суриб қўйди. Тўрт-беш кундан буён устара тегмаган қалин соқоли ғовлаб ўсиб кетган, ҳар қуни ёнида юрган киши танимаса, афт-башараси таниш-билиш кўрганда ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарган эди. Пошнали чарм этигини ечиб, унинг ҳам кўнжини кесиб ташлади. Пахталик қалин шалварининг бир болоғини<sup>4</sup> тириб қўйди. Сиртига қоракўл тери қўйиб тикилган айлана қалпоғини ағдариб, ичини ташқарига қаратиб қийди. Сиртдан қараган киши “бир фақир, хайру садақа сўраб, овулма-овул юрган дарвеш экан” деб ўйлайдиган киёфага кирган эди.

Мешни елкасида кўтариб, ёввойи ҳайвонларнинг сувлоққа борадиган сўқмоғи билан сув бўйига чиқди. Эгилиб, тиник сувдаги ўз суратига тикилиб қараган эди, “елкам оша сувга қараб турган биров йўқмикин?” деб ўйлаб орқасига қайрилиб қарашга мажбур бўлди. Чунки турки шундай ўзгарган, қисқа вақт ичида қартайиб қолган, сувдан ўзига тикилиб турган киши Тоғаберган сайиснинг бундан беш кун илгарига кўриниши эмас эди. Бунга хайрон бўлмади, ўқинмади ҳам. У энди сўнгги ишга бел боғлаганди. Бу иш душманини ҳам, ўзини ҳам жар ёқасига олиб келиб қўйганини, энди ундан орқага чекиниш мумкин эмаслигини, мақсад олиндида кутиб турган тубсиз жарга душманини тортиб кетиб бирга сакраш эканини ўйлаб бўлган, бу йўлдан орта чекинмасликка, одамгарчилик ор-номусини сотиб бўлса ҳам ниятини амалга оширишга киришган эди.

Манғитларнинг бийи сув бўйидаги ёзловдан қишловга кўчмаган, ҳали бунга эртароқ бўлгани учун “шибинсиз ёз”<sup>5</sup> деб аталадиган кузнинг ёқимли салқинида одамлар ҳам, моллар ҳам ёз иссиғидан қутилганига рози бўлиб, табиатнинг сахийлигидан, фараҳли дамлардан лаззатланмоқда эди. Бир томони бепоеъ дала, бир томони қум, бир тарафи сув бўлган бу яйлов манғитларнинг бобосидан бола-сига мерос бўлиб келаётган мулки. Бу ер амирнинг мулкига ҳам яқин. Қай тарафдан ёв келадиган бўлса, жанговар манғитлар ўз ерини кўриклашга тайёр туради, қўл чўзса, етадиган даражадаги амирнинг ерлари ҳам тинч бўлади. Шунинг учун амир олдида манғитларнинг обрўйи баланд. Хўжамёр бий амирнинг эътиборли маслаҳатчиларидан бири эди.

Туркини ўзгартирган Тоғаберган сайис овулга кирди. Аввал дарвешлардан эшитган ғазалларни ёдига туширди. “Мени йўқлар кишим борму?” деган сатрдан бошқа ҳеч нарсани эслолмади.

Йўлда биринчи бўлиб рўпарасидан чиққан кекса киши бошидаги буркини энсаси томонга суриб қўйиб, кўзини куёшдан қўли билан тўсиб, оппоқ қошлари остидаги нурсиз кўзларини тикиб қараб туриб-туриб, танимагандан сўнг: “Ҳой бола, кимсан?” деди.

<sup>4</sup> Болоғи – пойчаси.

<sup>5</sup> Шибинсиз ёз – қоракалпоқ тилида “чивинсиз иссиқ кун” маъносини билдиради.



Сайис шу тобда нима дейишни билмай колди. Кимман дейди? Тўласинни излаб юрган Тоғаберганман, десинми? Дарров ўзи билган ғазалга бир катор кўшиб аянчли товуш билан:

Бухородан кетар бўлсам,

Мени йўқлар кишим борму?..

Ҳақ дўст, ё Оллох, –

деб юбориб қарияга ўтирилиб ўтирмасдан икки қўлини очиб, олдинга кетаверди. Кўзи билан саф тортиб тикилган қора уйларнинг ичидан тепаси баланд кўтарилган, оқ кигиз ёпилган ўтовни ёки Хўжамёр бийнинг уйини ахтарар, бийнинг уйи албатта, баланд ва оқ кигиз билан қопланган бўлади деб ўзича чамалар эди.

Тўйдан бошқалардан кўра ортқирок сийланиб қайтган Хўжамёр бий ва унинг овулдошлари ўз қундалик юмушлари билан машғул эди. Пойгага кўшган отининг соврин ололмаганидан хафа бўлган Тўласин икки-уч кун уйдан чикмай камалиб ётди. Отхонага бормади. Алланедан жабр кўргандай, кўкрагини ерга бериб ётиб олди. Ичида нима борлигини ҳеч ким билмас, ўзи ҳам ичимдагини топ деб, дардини ҳеч кимга айтмасди. Шунинг учун одамлар “Жийроннинг тўртинчи бўлиб маррага келганига ор қилгандир” деб қўйишди.

То тушга қадар овул ичида “Ҳақ дўст”лаб кезган Тоғаберган сайис бийнинг ўтовини, унга ёндош тикилган ўтовларнинг қай бири Тўласиннинг уйи эканини билиб олди. Сўнгра чангалзордаги маконига қайтиб, қулай фурсатни пойлаб ётди. Овулга иккинчи марта борганида отхонанинг қаерда эканини, отларга кимлар қарашини, кимлар уларни суғоришга олиб боришини аниқлади. Бир куни Тўласинни кўриб колди. У жийрон отни етаклаб, ёнида яна бир отни етаклаган отбоқар билан бирга сувлокка бораётганди. Энди от суғориш учун унинг ёлғиз келишини кутиш зарур эди.

Тоғаберган шубҳа-гумон уйғотмаслик учун кунора овулга бориб хайр-садақа сўрар, ким нима берса, берганини олиб, юзига қарамай, дуога қўл очар, яна сувлок атрофидаги маконига қайтар, от суғориш маҳали яқинлашган сувлокка яқин ерда ҳеч кимга сездирмай яшириниб, ўлжасини пойлаб ўтирар эди. Ҳозирча унинг хатти-ҳаракатларидан ҳеч ким шубҳалангани йўқ. Чамаси дарвеш эканига ишонмаган ҳеч ким топилмади. Овулга илк марта борганида бировлар “кимсан, нима қилиб юрибсан?” деганга ўхшаш саволлар беришганди. “Нимасини сўрайсиз, оға бир етим бандаманда, Худонинг қули, Муҳаммаднинг умматиман” деганидан кейин у билан ҳеч кимнинг иши бўлмади.

Халқда “пойлаган ёв олмай қўймас” деган эски ибора бор. Шундай дейишгандек ўч олиш оловида куну тун қоврилган Тоғаберган сайиснинг Тўласин билан юзма-юз келадиган фурсати ҳам етди, ниҳоят.

Куз охирлаётди, эртаю кеч кун салқинлаша бошлаган, кичикроқ қўлнинг те-варагида ўсган жийдалар ва туронгилларнинг япроқлари тўкилиб, кўкда саф тортиб учган қушларнинг тизилган қарвонлари гавжумлашган қушларнинг бирида пешинга яқин маҳал Тўласин жийрон отни етаклаб, аллақандай қўшиқни минғирлаб хиргойи қилиб сувлокка келиб колди. Ёнида ҳеч ким кўринмади.

Шунча вақтдан буён Тўласинни овлоқ ерда учратишни армон қилиб, бунинг учун дунёнинг барча қувончлари ва ташвишларидан кечган сайис душманининг ёлғиз ўзи гадои топмас ерда рўпара бўлганини кўриб, юраги гурсиллаб ураб, ўз кўзларига ишонарини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмас эди. Аввалдан бундай чоғда нима қилишни ипидан игнасиғача ўйлаб қўйганига қарамасдан аллақанча лаҳзаларгача ўзига келолмай, ҳаяллаб колди.

Жийрон от арконни юлқиб, йўрғалаб келган шашти билан сувга тушди. Сув



тиззасига чиккунча юрди. Сўнг тумшуғини сувга ботириб, сув ича бошлади. Бошини кўтармай ургини тўлдириб, сувни симираверди. “Жийрон от хўкиз мижоз экан, бу от хеч қачон пойгада биринчиликни оломайди. Тўласин беқорга ҳалак бўлиб юрган экан”, деб ўйлади сайис. “Ўзи ҳам сув ичишига қараганда хўра бўлса керак, келбати ҳам жуда йирик, кўпкари билан арава тортишга ярайди”.

Кўзи “ярк” этиб очилгандек ўзига келди. Вақт ўтиши билан мудрай бошлаган ўт кўкрагида пайдо бўлиб, ловуллаб ёниб, ичини куйдира бошлади. Кўз олдида тош охур ёнида тўрт оёғини чўзиб, хириллаб ётган Тўриққашка отнинг сурати пайдо бўлиб, қотиб қолди. Вақт ғанимат, вақтни бой берса, бундай қулай фурсат яна келмаслиги мумкинлиги ҳақида ўйлар ва қандайдир бир ёввойи куч уни шартта ўрнидан тургазди. Икковининг ораси йигирма қадамча эди. Тоғабеганнинг кўзгалган эпкини ва тебраниб кетган буталарнинг шитирлашини эшитган Тўласин орқасига қайрилиб қараган эди ўзига томон келаётган одамнинг кўркинчли юзини кўриб, қичкириб юборди.

– Дарвеш, бу ерда нима қилиб юрибсан? Тўхта, кимсан? Хой, ким бор?

Мушукдек чакконлик билан икки-уч сакраганда Тоғабеган Тўласиннинг рўпарасида пайдо бўлди. Қўрққанидан кўзлари олайиб, башараси қийшайиб кетган эди.

– Дарвеш! Тоғабеган? – деди у чакмонининг ёқасидан ушлаб бўға бошлаган омбурдек бармоқлардан қутилишга уриниб. Товуши кўркинчли хирилларди.

– Айт, падарингга лаънат, Тўриққашкага нега қасд қилдинг? Отда нима гуноҳ? Айт!

– Уни сен ўлдирдинг, – деди биғиллаган товуш. – Сен! Сен маслаҳат бермаганингда Қулчи бий уни бир уюр, бўлмаса икки уюр йилкига алмашган бўлар эди. Уни қасдан ўлдирган сен, аҳмоқ отбоқар. Ўлдирасанми, ўлдири!

– Ифлос, кўрқок, кучинг тилсиз жониворга етдими? – Айни пайтда кўркувдан қалтираб турган Тўласиннинг ожиз ҳолатини кўриб, сайиснинг кўксига ўртаниб, уни азоблаб келаётган оловнинг ёлкини сал пасайгандек эди. Бирок тўсатдан бўлган илқис ҳаракат билан воқеа ниҳоясига етди.

Сайиснинг кучли қўлларидан қутила олмаслигига кўзи етган Тўласин қонли воқеани бошлаб берди. Тоғабеган сайиснинг ўнг бикини чим етди. Нима бўлганини англамасдан ҳаракат қилган сайис ўнг қўли билан Тўласиннинг қони шўрғалаган ханжар тутамлаб қалтираган ўнг қўлининг билагидан ушлаб олди. Чап қўли билан белидаги ханжарни кинидан сўгуриб, Тўласиннинг жон жойига санчди.

Шундай қилиб сувлоқ бошидаги кураш кўп давом этмади. Қирғоқда чопони қонга беланган Тўласин қулочини ёйиб ётар эди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайди, Тоғабеган сайис ўзига келганда ерда ётган одамга хеч кимнинг ёрдами зарур бўлмай қолган, Тоғабеганнинг бикинидан қон томчилар, хаёлига келган узук-юлуқ фикрлар орасида “Тўриққашка, Тўласин, ўлим, кетиш керак” деган сўзлар кезар эди.

“Бу ердан кетиш керак”, Тоғабеган шу қарорда тўхтади. У ўлимдан кўркмас, ҳаётга ҳам тиш-тирноғи билан ёпишмас, бироқ душманлар қўлига тушиб қолишга сира тоби йўқ эди. Шунинг учун бу ердан тезроқ кетиш ҳаракатига тушди. Сувга қонган от энди сувлоқ ёқасидаги бошларини мол узиб еган қиёғу қамишларга тумшуғини чўзиб, ўтлаётган эди. Ханжарини қинига солиб, у ҳамон қўлида ушлаб турганини унутмагани, сувга тушиб, отнинг жиловидан ушлади. Тепалик устига чиқиб, отга минди. Оёқларида дармон йўқ эди. Сувлоқдан чиқиб йўлга тушмади. Моллар солган кўп сурдовларнинг бирини танлаб, отни шунга солди-да, эгарсиз, айдоқ отда оёғини шалвиратиб, боши оққан томонга кетаверди.

Овулдан сувлокка от суғоргани келган киши қирғоқда кулочини ёйиб, конга бўялиб ётган одамни кўриб, ақлдан озаёзди. Унинг Тўласин эканини танигандан кейин отига минди. От устида “вой-вой” деб йиғлаб овулга томон йўлни чанги-тиб чопа кетди.

Эмин-эркин ўтирган халқ ўлим хабарини эшитиб, тўс-тўпалон ичида колди. Тўласиннинг жасадини олиб келишиб, бу ишларни ким қилганини суриштира кетишди. Ўшанда қаёқдандир келиб қолган дарвеш ёдларига тушиб, уни излай бошлашди. Албатта, уни ҳеч ердан топа олишмади. Топиш ҳам мушкул эди. Бу пайтда Тоғабержан сайис олислаб кетган, моллар солган халиги эски сурдов билан елиб борар эди.

Дарвешни тополмаган одамлар Хўжамёр бийнинг ўтови олдида йиғилдилар. Кўпчиликнинг кўлида курол, қилич, қалқон, елкаларида милтик ва сари ёйлари бор.

– Бий оға, биз йиғилдик, нима маслаҳат берасиз? Айтинг, кимдан гумонингиз бор? Кимнинг отини айтсангиз, биз шундан Тўласиннинг ўчини олишга борамиз, – деб хайқирди оловда қуйгандек қоп-қора юзини чечак доғлари босган, бундан ташқари кўп урушларда олган жароҳатлари ўрнида қолган чандиқлар эгаллаб олган, бошқалардан бир газ баланд бўйи билан ажралиб турган, девдек Мойлихўжа юзбоши оғзидан тупук сачратиб. – Билсангиз, Тўласиннинг қотилини айтинг, биз уни оёғингиз остига келтириб ташламасак, манғит эканимиз бекор!

Ўтовнинг ичкарасидан жавоб бўлмади. Бироз жимжитликдан сўнг Хўжамёр бий ташқарига чиқди. Чакмонини енглари киймай, елкасига ёпган. Кўзлари қизарган. Тўсатдан бошига тушган мусибатдан қадди букилгандек кўринар, соқолининг оқи ҳам кўпайгандек эди. Фарзандининг бевакт ўлими муносабати билан таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдирганларнинг сўзларини бош эгиб, унсиз тинглади. Шундан сўнг бир ютуниб олиб, сўз бошлади.

– Менимча, бу атрофда Тўласинга тиш қайраб юрган ҳеч кимни билмайман, бовурларим, – деди бий ўқинчи овоз билан. – Яна бу иш томдан тараша тушгандек тўсатдан бўлди. Ақлим ҳайрон. Балки, сизлар ўзларингиз бир нарса биларсизлар. Шаҳид кетган фарзандим балки тириклигида бирор биродарига ичидаги сирини айтгандир, ким дўст, ким душман эканини гапиргандир. – Унинг ёш тўла кўзлари ўтов олдида йиғилган одамларга тикилди.

– Дарвеш, – деди бир қадам олдинга чиққан қария оппоқ қошлари остидаги ожиз кўзларини бийга қадаб. – Бундан бир хафта, ўн кун бурун овулда бир дарвеш пайдо бўлди. Учратиб қолиб “кимсан?” десам, жавоб бермай тайсаллади. Кўрганымдаёқ шубҳалангандим. Ким билди унинг нима мақсадда юганини? – У нима дер экан деб аввал бийга боқди, сўнг қайрилиб бошқаларга қаради. – Сизлар нима дейсизлар? Қани ўша дарвеш? Бекорга шубҳаланмаганга ўхшайман. Қани у?

Ҳеч ким жавоб бермади. Қариянинг гапи тўғри эди. Уни кўпчилик кўрди. Эшикма-эшик юганида кимдир яримта нон, кимдир бир коса ёвгон, яна кимдир гўшти суяк берди. Бугун уни излаб ҳеч қаердан топа олишмади. У қуш бўлса экан, хоҳлаган пайтда хоҳлаган томонига қараб учиб кетаверади. Баъзилар ўз вақтида огоҳлик билан ёқасидан жуфт қилиб ушлаб, дарвешнинг ким эканини, бу ерларда нима қилиб юганини сўрамаганига афсусланар эдилар, бироқ энди сўнги пушаймондан не фойда?

– Тўласин сувлокка нега борган ўзи? – деди тўданинг ичидан биров.

– Эҳ, айтманг, – деди иккинчи киши, – у пойгада чопадиган жийронни суғораман, деб борган-да!

– От қани? Ўша жийрон қани?

Оломон бекорга ғала-ғовур қўтармади? Шу пайтга қадар жасадни сув бўйидан

топиб олганлар, уни уйга олиб келганлар теваракни, отқўрани кўрмаган. Керак бўлса, лаллайиб юриб, чопоғон жийроннинг йўқ эканини ҳам англамаган эдилар.

– Жийрон қаерда?

Кимдир отхонага югуриб кетди. Тез қайтиб келиб, от ўз ўрнида йўқ эканини хабар қилди.

– Халигина ўз кўзим билан кўргандим, Тўласин жийронни етаклаб сувлок томонга кетаётганди, – деди кимдир.

– Отни ўғирлаган! Тўласин от учун қурбон бўлган. Ханжарни тутамлаганча кўли қотиб қолган, бармоқларини зўрға ажратдик. Ханжарнинг тиғи қонга бўялган. Чамаси, Тўласин қутилмаганда ҳамла қилган ўғри билан олишган. Айёр душман аввалроқ хужумга ўтганга ўхшайди, йўқса, Тўласинни биламан, ҳақини бировда қолдирмайдиган мард йигит эди, – деди юзбоши дўриллаган йўғон товуши билан. – Менимча, дарвеш қиёфасида овулимизга келган одам от ўғриси бўлган. Балки Эрали бийнинг тўйидаёқ кўз остига олиб, изидан тушгандир. От билан Тўласинни сувлоқда ёлғиз учратган экан, занғар. Дарҳол отланиш керак, у хали олислаб кетмагандир. Бунинг устига яраланган.

– Жийронни қўлга қиритгандан сўнг қушдек учгандир-да баччағарнинг ули. Уни энди қаердан топасан?

– Унда нима? Жийрон от сенга буюрсин деб қараб ўтирайликми? – деди дарғазаб товуш.

– Йўғ-ей, мен сирасини айтаяпманда. Узоклаб кетгандир, – деди гумонли товуш.

– Гапни қиска қил, – деди дўриллаган қахрли товуш. – Қани ҳозирок йўлга тушамиз. Тўхта, тўхта. Явмитбой, сен йигитларингни эргаштириб жануб томонга жўна, из кидир, дарёга қадар от чоптиравер. Ўғрини топсанг, қаршилиқ кўрсатди, деб қалласини олиб ўтирма, у бизга тириклай керак. Сен эса шимолга қараб юр, йигитларинг ёнингдан бир қадам ҳам нари жилмасин, тўда бўлиб қувинглар, – деди юзбоши шубҳаланиб сўзлаган кишига қараб. – Явмитга тайинлаган гапларимни сен ҳам ёдингда тут. Энди бораверинглар. Мен қипчоқлар элига элтадиган йўлни қараб чиқаман. Бий оға, ғам еманг, биз Тўласиннинг қотилини сизнинг оёғингиз остига олиб келиб бўғизлаймиз. Энди эса, омин денг, бий оға!

Қўллар фотиҳага очилди. Одамлар тўда-тўда бўлишиб, шимол, жануб, қипчоқ элати томон тарқалишиб, отларини елдириб борар эди...

Бу пайтда боши оғган томонга кетиб бораётган Тоғаберган Тўласиннинг қотилини топиш учун отлан-чоп деб ётган одамлардан анча-мунча олислаб кетган эди. Эрали бийнинг тўйидаги пойгадан сўнг бойловда туриб, мириқиб дам олган жийрон отни аягани йўқ. Яйдоқ отда ўтириш анча-мунча ноқулай, лекин уч яшарлик чоғидан той миниб ўсган сайис учун бир хафта, ўн кун ичида бўлиб ўтган воқеалардан сўнг ўз-ўзини аяш деган тушунча бегона эди. У ўлимдан кўрқаётган эмас, ажалдан қочиб бораётгани йўқ. Агар тутиб олишса, уриб-сўкиб қийнашларини истамаганидан, яхшилигингизни ўла-ўлгунча унутмайман деб ваъда бергани учун Қулчи бийнинг номини бадном қилмаслик, обрўсини тўқмаслик учун ҳеч кимнинг, айниқса, энди душманига айланган Хўжамёр бийнинг йигитлари қўлига тириклай тушмоқчи эмас.

Қош қорайди. Осмонда юлдузлар чараклади. Тинмай чопаетган жийрон от жонивор терга пишиб кетган, Тоғаберган тўхташни хаёлига ҳам келтирмас эди. Тонг отганидан бошлаб то Чўлпон юлдузи ярқираб кўрингунга қадар гоҳ йўртиб, гоҳ чопиб ҳориган жийрон от жониворнинг юриши яёв одимлаётган одамга тенглашиб, тезроқ юрса яёв одам отдан ўзгудек даражага етганда устидаги одам тўхташга ишора берди. Ҳансираб турган отнинг нуктасини сидириб

олиб, бўшатди. Ипи чувалиб, бутага илиниб қолиб отни кийнамасин деб шундай килди. Сағрисига бир шаппатлаб, отни қўйиб юборди. От теваракдан уюр топиб кўшилар ёки ем еган жойига қайтиб борар. Қашқирлар одатда оч бўлсагина йилкига ташланади ва иложини топиб йикитиб олади. Ёзда тўйиб юрган бўридан куз фаслида кўркиш керак эмас. Бунинг устига боши бўшалган арғумоқ кўп ўтмай ўзига келади. Уни унча-мунча йирткич қувиб етолмайди.

Қўлидаги нўхтага тикилиб, бироз хаёлга толди. Чилвир энди керак бўлмайди. Бир чеккага улоктириб юборди. Яёв кетаверди. Қоронғида чавандозсиз, ёлғиз қолган от кишнаб эгасини чақирди. Ҳозиргина ерга тушган чавандоз отга қайрилиб ҳам қарамас эди. От бошининг бўш эканини сезди ва қорайиб кўринган чўл гиёҳини искади, азалдан таниш ўсимликнинг исини билган жонивор ўтлай бошлади.

Мойлихўжа юзбоши бошчилигидаги бир тўда отликлар кипчоқлар юртига борадиган йўлда рўпарасида дуч келган одамдан “эгар-жабдуксиз, яйдоқ жийрон от минган кишини кўрмадингизми?” деб сўрашарди. Саволларига бир хил “йўк, кўрмадик” деган жавоб олишарди.

Олтин қозик юлдузини мўлжалга олган Тоғаберган адашмаган эди. Пиёда кўп юрмади. Тонг уйкусини олмоқ учун қулай жойда тўхтади. Чакмонига ўралиб, пинакка кетди. Кўзлаган манзили ўзининг иккинчи Ватани, туғилган овулидан, керак бўлса ота-онасидан ҳам азизроқ бўлиб қолган Қулчи бийнинг овули, кадрдон кипчоқ юрти. Ўзининг бундан кейинги тақдири не кечиши ҳақида ўйлаб кўрган йўк. Катта йўлга яқин, бироқ юриш учун қийин қумларни босиб ўтиб, катта-катта чакалақзорларни айланиб ўтиб илгари юраверди.

Жийрон от минган каландарни излаб йўлга чиққан тўдалар окшом ҳар бири ўзига қулай жойда қўниб, эртасига йўлида давом этиб, манзилларига етди. Шимолга кетганлар Қизилқум этакларигача бориб, ҳеч қаердан дарвешнинг дарегини топмай, сарсон бўлиб ортга қайтдилар. Жанубга томон кетган тўда дарёга қадар бориб, дарёнинг дегизи олиб, ўпирилган кирғоқларида кўқарган туронгил тўқайлари орасида бир-икки кун изғиб, вақти бекор ўтди. Озиқ-овқатлари тугагач, орқасига қайтишга мажбур бўлишди. Бу пайтда Мойлихўжа юзбоши бошлаган тўда Томдибулоққа, кипчоқларнинг бийи Қулчининг Аксуват бўйидаги овулига от қўйиб кириб келган эди.

Хўжамёр билан Мойлихўжа Қулчи ва унинг одамларининг Тўласиннинг ўлимида қўли бор ёки йўк экани ҳақида гаплашишмаганди. Бироқ юзбоши йўлда келаётиб ҳамроҳларидан Қулчи бийнинг пойгада ўзган оти тўйнинг охиригача қуни кечаси заҳарланган жойда бийнинг сайиси Тоғаберган исмли киши Тўласиннинг отини тилга олгани ва шу пайтда ёнидаги отбоқарга ханжар ўқталганини эшитган, отнинг ўлиmidан кейин шу одамнинг телбасифат бўлиб қолганини билган эди. Бунинг устига амирнинг хизматидаги ботир жангчилардан ҳисобланган, худбин ва ўзбилармонликни яхши кўрадиган Мойлихўжа шу баҳона кипчоқларни ёмонотлик қилиб, қамситиш учун қулай фурсат ва вазият етилганини ўйлаб, мийиғида қулиб қўйди.

Йигирма чоғли отлик қуёш қўтарилганда овулга тўсатдан кириб келди. Йўлда биринчи дуч келган одамдан Қулчи бийнинг уйини сўраб билиб олиб, тортинмасдан от ҳайдаб тўғри келаверди. Бийнинг ўтови қаршисида тўхтаб, от устида туриб, бу ҳам сурбетликнинг бир тури эди, Мойлихўжа йўғон товушда ўшқирди:

– Бий оға, уйда бўлсангиз, ташқарига чиқинг, сизда ишимиз бор.

Ўтов ичкарасидан жавоб бўлмади. Қўшни ўтовларнинг биридан бийнинг иниси Шақшақ шошилганча чопиб чиқди. У Мойлихўжанинг товушини ҳам, ўзини ҳам яхши танирди. Шақшақ кипчоқ навқарлари ичида, Мойлихўжа юзбоши эса

мангит навкарлари ичида энг жасур йигит эди. Улар урушларда бирга юриб, жангларга бирга кирган, конли олишувларда жасорат кўрсатиб, донг таратганди.

– Кулчи оғам уйда йўқ эди, Мойлихўжа, отдан тушмаёк, сўрайдиган гапингиз бўлса, сўрайверинг. Бийни кўрмоқчи бўлсангиз, отдан тушиб, кўнок бўласиз, – деди Шақшак.

Мойлихўжа от устида туриб ўйланди. Бадбашара юзидаги чандиклар уни кўркинчли кўрсатарди. Бошидан ташламай кийиб юрадиган темир дубулгасини оркага суриб қўйди. Теваракка кўз ташлади. Ўткир нигоҳи билан Тоғаберган сайисни кидирар, унинг кўриниши канака эканини хамрохларидан сўраб олган, бир кўрганимадەк таниб оламан деб ўйлар эди. Бироқ йигитлари таърифлагандек одам кўзга ташланмади. Бир фикрга келди.

– Биз гумон қилинаётган бир кишини ва Хўжамёр бийнинг жийрон отини излаб юрибмиз, – деди Мойлихўжа. Агар от ўгрисини, отни ва Тўласиннинг котилини топиб берсангиз, отдан тушмай турибок изимизга қайтаверамиз.

– Ўлимдан хабарим бор, бироқ сиз айтган ишлардан хабарим йўқ, Худо ҳақки, – деди Шақшак. – Тўласинга нима бўлган, унинг котили ким экан бу овулда?

– Билмасанг, билиб қўй! Тоғаберган деган сайисингиз бормиди? Ана ўша. Ҳозир жийрон от билан шу сайисни топиб келтирсангиз, отни еталаб, сайиснинг қўлини боғлаб олдимизга солиб уйимизга қайтаверамиз, – деди Мойлихўжа узангига тиралиб бўйинини чўзиб.

– Тоғаберган сайис Тўрик кашқа отнинг ўлиmidан сўнг эсанкираб улоқиб кетган, тўйдан қайтганлардан уни ўша ёқларда қолиб кетди, деб эшитдим.

– Яшириб қўйган бўлма тагин.

Шақшак ўзини ҳақоратлангандек сеза бошлади. “Сен не дединг, мен не дедим” билан ўйиндан ўймоқ чикиб кетиши эҳтимолдан йироқ эмасди.

– Менга ишонмасангиз, қараб кўраверинг.

Мойлихўжа юзбошига шу гап керак эди. Йигитларига ўгирилиб буюрди:

– Қани йигитлар, аввал отхонани кўринг. Хўжамёрнинг жийрон отини кеча ўғирлаб, бугун отхонага боғлаб қўядиган ўғри хали онасидан туғилмагандир. Шунинг учун ҳамма бурчакларни, пана-пастқам жойларни ҳам яхшилаб каранглар. Чеккароқда кўноқлар учун жойнинг бўлса, кўрсат. Яна айт, чанқадим, кимиз келтиришсин, – деди юзбоши Шақшакқа юзланиб.

Мойлихўжага эргшиб келган отликлар икков-учовдан бўлиб Тоғаберган ва жийрон отни излаш учун тарқалиб кетишди. Улар излаётган Тоғаберган бу пайтда окшом пана-пастқам жойлардан юриб, кундуз яшириниб ётиб, овулга тобора яқинлашиб келаётган, бошидан нухтаси ечилган, озод бўлган жийрон айғир эса, бирпас дам олиб, ўтлаб бўлгандан сўнг тумшугини осмонга қўтариб шу яқин атрофда ёйилиб юрган отлар уюрининг исини олган, айлиниб чопиб юриб, уюрни топганди. Уюрдаги баялардан кўз узмайдиган рашкчи айғирнинг тишлари ботиб кетган ярадан оққан кон тўхтаган, кўркам ва ёш байталлар учун талашлар ва курашларда кўп шумликни ўрганган кулранг айғир чакконлик билан бурилиб тепган, содалигидан бундай шумликлардан беҳабар жийрон бошига тушган туёқлар зарбидан кўзларидан учкун чакнаб кетгандек бўлган эди. Бошидан каттик зарба еган жийрон от яна бир хамладан қутилиш учун қочишга мажбур бўлди. Анча ергача чопгандан сўнг кулранг айғир оркада қолиб кетганини сезиб тўхтади. Уни қувган кулранг айғир ҳам тўхтаб, “агар қайтиб келса, яна тепаман” дегандек жийрондан кўзини узмай турарди...

Мойлихўжа чеккароқда кўноқлар учун тикилган уйга таклиф этилди. Муздек кимиз келтирилди. Катта қорсондаги кимиз шопирилиб-шопирилиб косаларга

қуйилди. Чанқаб келган Мойлихўжа манзират кутиб ўтирмасдан олдига қўйилган идишни олиб, кимизни маза қилиб симирди. Идиш иккинчи марта тўлдирилди. У ҳам бир кўтаришда бўшатилади. Темир дубулғасининг касноғи ёпиб турган тор пешонаси терлади.

– Яна бир коса қуй, бола – деди Мойлихўжа йўғон товуш билан идишни хизматкор йигитга узатиб.

– Бош устига! – Хизматкор йигит енгил ҳаракат билан юзбоши узатган идишни олдида корсондаги катта чўмич билан кимизни шопирди, сўнг бўш идишни тўлдириб, меҳмонга тутди.

Учинчи идишни бўшатгандан сўнг юзбошининг пешонасидан тер чиқди. Темир касноғи пешонасини, хўкиз терисидан ишланган елкалиги бўйинини тўсиб турган зилдай оғир дубулғасини бошидан ечиб, ёнига қўйди.

– Қимиз обдон ачибди, – деди меҳмон ҳурмат учун ўтовга кириб ўтирган Шақшаққа, буни эндигина тушунган одамга ўхшаб.

– Тўғри айтасиз, Мойлихўжа, кимиз обдон ачиган. – У олдидаги косани хизматкор йигит томонга суриб қўйди. Қимиз ичишга, айникса Мойлихўжа билан улфатчилик қилишга хуши йўқ эди. Одоб юзасидан шундай қилаётганди. Хизматкор идишни кимизга тўлдириди.

Мойлихўжа лаззатланиб кимиз симираётганда икки-уч отлик отхонага етиб келган эди. Отлардан тушиб, ипни қозикқа бойлаб, отхонага интилишди. Ичкарида пойгада чопадиган ва миниладиган отлар боғланар, у ерга тасодиғий одамлар киритилмас, айникса, Тўриққашқа ўлдирилгандан кейин огоҳлик кучайтирилган эди. Йигитларни аввал Алламберган бошчилигидаги соқчилар қарши олишди.

– Ҳой, қаерга боряпсизлар? Кимсизлар? Отхонада сизга нима бор?

– Йўлни тўсма, отхонани кўришга юзбошимиздан буйруқ олганмиз. Оч дарвозани. Бизга Тоғаберган ва у ўғирлаб келган жийрон от керак. Қоч йўлдан!

– Бу ерда Тоғаберган йўқ. Унинг қаердалигини ҳам билмаймиз. Орқангга қайт! Отхонада бий оғаниннг отларидан бошқа от йўқ!

Боскинчилар ҳам бўш келишмади.

– Биз отхонани кўриб, у ерда Тоғаберган ва жийрон от йўқ эканига амин бўлмагуниimizча бу ердан жилмаймиз. Оч дарвозани.

Хуллас, Мойлихўжаниннг курулланган йигитлари ҳам орқага қайтмас, белларида қилич ва ханжарлари бор соқчилар уларга йўл бермасди. Отхона олдидаги жанжал от чоптириб келган одам орага тушгунича давом этди. Уни Шақшақ юборган эди.

– Алламберган, дарвозани очинглар, кўрсин. Шақшақ оғам шундай буюрди. Тоғаберган билан жийрон отни отхонага қамаб қўйганиннгиз йўқ-ку, ахир, – деб орага тушган одам жанжални бости-бости қилди.

Дарвоза очилди. Алламберган соқчи йигитларни бошлаб юрди. Отхонаниннг ҳамма жойи кўздан кечирилди. Тоғаберган сайис ҳам, жийрон от ҳам бу ерда йўқ эди.

– Ҳой жўралар, бу ерда сиз излаган от билан сайис йўқ эканини кўрдингиз. Энди Тоғаберган нима қилган, жийрон от қандай от эканини айтинг, – деди Алламберган юмшоқлик билан.

– Сувлоқ бўйида кимдир Тўласинни ўлдириб, жийрон отни ўғирлаб қочган. Унинг ким экани ҳозирча номаълум. Бундан бир хафта аввал овулимизга бир дарвеш келган эди. Ўша Тоғаберган бўлиши мумкин деб гумон қилинмоқда. Сабаби у Тўриққашқаниннг ўлимини Тўласиндан кўриб, “қонингни ичаман” деб айтганга ўхшайди, – деди чакирилмаган меҳмонлардан бири ҳорғин товуш билан. Беҳуда от чоптиришлар, олис йўл азоби жонига теккан эди.



– Йигитлар, томокни хўллагудек шубат йўқми? – деди улардан бири. Эрталабдан буён сув ичмадик, мешларимиз ҳам йўлда бўшаб қолди.

– Нега топилмас экан, топилади, – деди Алламберган оккўнгиллик билан, – кани, ичкарига киринглар.

У йигитларни сокчилар турадиган пастак хонага бошлади.

– Сайитмурод, караб кўр, кимиз борми, шубат? Ҳеч бўлмаса, айрон келтираюк. Йигитлар чанкаб қолишибди, – деб кичкирди.

Йигитлар паст эшикка пешоналарини уриб олмаслик учун энгашиб ичкарига киришди. Пешиндан оғган қуёш ёруғи туйнукдан тушиб турган хужранинг ичи гира-шира, бироқ зах эди.

– Қани, жойлашиб ўтиринглар, йигитлар. Ҳозир Сайитмурод ҳаммасини муҳайё қилади. Мана бу ерда нон бор эди, чамамда, – деб Алламберган эски сандик устида турган, мой тўкилавериби, ранги канақа экани билинмай кетган дастурхонни очиб кўра бошлади. “Келгунча кўнок эр уялади, кейин кўнок ер уялади” деганларидай “ичкарига киринг” деб таклиф этган бўлса-да, мехмонларнинг олдига кўйгудек тузукрок нон-поннинг дастурхонда йўқ эканини кўрган Алламберган хижолат бўлиб деди: “Мол манграшгунча, одам тиллашгунча” деганлари рост экан. Шу сўзларни айтиб ичида ўйлади “ҳозиргина отамизни ўлдиргандек бир-биримизга ханжар билан ўқталишга тайёр эдик, энди улар уйимизнинг тўрида мехмон бўлиб ўтиришибди, биз эса уларнинг олдига кўйгудек нон тополмай оворамиз...”

Йигитлар этикларини, курол-яроқларини ечмасдан хонада тўшалган кигиз устига ўтиришди.

– Борини бахам кўраверайлик. Ҳозир Сайитмурод ҳеч бўлмаса айрон-пайрон топиб келар, – деб бир бутун супрадек чўрак билан яримта зоғора нони бор дастурхонни кигиз устига ёзди.

Кўп ўтмай шубат тўла меш кўтарган Сайитмурод кириб келди. Шубат ичиб, чанкоғини босган, нон кашшаб корнини бироз тўйдирган йигитларнинг кайфияти анча кўтарилиб қолди.

– Ҳой, бола, сен мабодо шубат тўла мешни бировнинг керагисининг бошидан ўмариб келганинг йўқми? – деди ичган шубат юзига уриб, бети кизарган тасодифий кўноқлардан бири – бўйи пакана, ийланиб пишган лойдан кетмон билан чопиб олингандек танаси тўрт энлик, олакўз йигит мўйловидан шубат юкини думалоккина муштчаси билан сидириб. – Бундай деганимнинг сабаби мана бу шубатнинг жуда мазалигина экан. Сўраганга ҳали камитилмаган меш бериб юборадиган қайнонанг йўқдир бу отхонада. Яна ўғирланган нарса мазали бўлади. Бунга нима дейсан? – деб Сайитмуродга тикилди.

Сайитмурод ўзи бир анковгина йигит эди. Мана бу фаросатсизнинг гапи ростми, ёлғонми, фаркига бормай, оғзи очилиб қолди.

Қорақалпоқда ҳазил-мутойиба ҳеч тинадими? Қорни тўйган йигитлар хоҳлашиб қулишиб, кўнгилни кўтариш учун шундай деган эди. Буни тушунмаган анков йигитнинг ўнғайсизлини қолганининг ўзи қулгили эмасми?

– Йўғ-ей, ўмармадим. Ярим чакирим нарида акамнинг уйи бор. Боргунча югурдим. Уйда ҳеч ким йўқ экан. Жапсардаги кераганинг бошидан мешни олиб чиксам, янгам билан тўкнашиб қолдим. “Ҳой бола, нимани ўғирлаб бораяпсан?” деб осилмоқчи эди, қочдим. Акамники бўлган нарса, меники ҳам эмасми? Фолбинмисан дейман, бундай бўлганини қаердан билдинг? – деди.

– Айтдим-ку, таъмидан билдим, деб.

– Ўзи сал анковрок, – деб кўшиб қўйди Алламберган.

Шундан сўнг ҳазил кизимади.



Йигитлар ташқарига чикиб, отларига миниб, ҳар ер-ҳар ердаги одам яширинса бўлади, деб гумон қилинган жойларни кузатишга киришиб кетишди. Қидирув кош қорайгунча давом этди.

Кечкурун Қулчи бий йигитлари билан сафардан қайтиб, ўтовига тушди. Кўп ўтмай Шақшақ унинг хузурига келиб, овулда юз берган воқеалар ҳақида гапириб берди.

– Тоғаберган бир бало қилиб қўймаса эди, деб хавотирилганим бекорга эмас эди, – деди Қулчи. – Бирок ким билади, уни кўрган-билган ёки қўлга туширган киши бўлмаса. Дарвеш кийимида юрган одам ўғри эмаслигига ким кафил? Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши, беҳавотир бўлишимиз учун биз ҳам шубҳа-гумондан халос бўлмоғимиз даркор. – Бий бу сўзларни инисидан ҳам кўра кўпроқ ўзига қарата айтган эди. – Кеч бўлди. Мойлихўжа ва унинг йигитларига кўноқ оши ва уй тайёрланг. Кўноқ бўлишсин. Сайисдан ёмон хабардан бошқа бирон янгилик йўқми?

– Йўқ, Мойлихўжанинг гумонидан бошқа хабар эшитмадик.

– Яхши. Энди фақат яхши хабар эшитайлик. Ҳалиги айтганларимни бажар. Отларига ем-хашак, ўзларига кимиз беришни унутма. Сўнг Оллоёр бий ва Отабой бийни хузуримга чақир. Энди бор, мен йўлда чарчадим, хуфтон намозигача бироз дам оламан...

Оғаснинг буйруғини икки қилмай бажарадиган Шақшақ ўтовдан чикиб, Мойлихўжа ва унинг йигитларига жой билан ош тайёрлашга шошилди. Тоғаберган сайисни излаб келган манғит йигитлари Қулчи овулига душман эмас, кўноқ. Кўноқни эса, кўноқ оши бермай кузатиш қипчоқларнинг одати эмас.

Қулчи бий учун Мойлихўжа келтирган хабар ёқимсиз эди. Хўжамёрнинг телбасифат ўғли Тўласиннинг қиёфаси кўз олдига келди. Тўрик кашкага қасд қилган шумикин? Унга иккинчи ҳадик келиб кўшилди. Тоғаберган сайис шундай ишга қўл уриши мумкинмиди? Отқўрадаги воқеани эслади. Ўшанда сайис ҳам Тўласиннинг қиёфасига кириб қолган, кўзлари одамга тик бокмас, бир жойда турмас, бир нимасини йўқотган ёки бир жойга боришга кечиккан одамдек ажабтовур, безовта, сабри чидамас эди. Бий ўзининг узунми, қисками ҳаётида кўп нарсани кўрган, кўп воқеаларни бошидан кечирган, шунинг учун асосан, телба, аллақандай ташвишлар ёки турмуш машаққатлари, айрилиқлар ва йўқотишлар туфайли ақлидан жудо бўлган бундай одамлар қўлидан ҳар бало келишини яхши биларди.

Агар Тоғаберган сайис от учун Тўласиннинг жонига қасд қилган бўлса, ўзи қаерга кетган экан? Жийрон от қани? Балки юрагини ёндирган ўчни қон билан ювган бўлса, энди бунинг оқибати нима бўлади? Тўғри сайис отлар ва болаларни яхши кўрар, айниқса, Тўриқкашкага меҳри ўзгача эди. Бу унинг ёлғизлиги ва фарзандсизлиги туфайлидир? Барибир от учун қон тўқкани яхши бўлмаган. Унинг бу қилмишини Қулчи бий кечирармикин? Чуқурроқ ўйлаб кўрган бий “йўқ” деган фикрга келди. Агарда отни ўлдирган киши чиндан ҳам Тўласин бўлиб, у жиноят устида қўлга тушган тақдирда ҳам Қулчи бий бундай шafқатсиз ҳукм чиқармаган бўлар, балки гуноҳидан кечиб юборармиди? Сабаби, бу тўқилган қон ҳеч нарсани юволмаслигини, у фақат ўч устига ўч, ўқинч устига ўқинч келтиришини яхши билар, шунинг учун ҳар қандай жанжаллар ва довларнинг қон тўқилмасдан ҳал этилиши тарафдори бўлар, ушбу мақсадини кўриқлаш йўлида ҳар қандай далилга “сувга чўккан тол қаримайди” дегандек тиш-тирноғи билан ёпишар эди.

Қозиларга ўхшаб далиллар ва гувоҳларгагина ишонадиган Қулчи Тоғаберганининг жиноятга қўл урганга ишонмас, бирок қандайдир бир ички товуш уни бундай ишнинг бўлиб ўтганидан хабардор қилар, шунинг учун ҳам агар сайис шундай ишга қўл урган бўлса, бу атрофларга қайтиб келмаслигини хоҳлар эди. Балки, бу тарафларга айланиб келмас, туғилган юртига кетар.

Шунга ўхшаган ўйлар сабабли тинчлигини йўқотган Кулчи бий намозгар бўлиб қолганини билиб, ташқарига чиқди.

Гумондорни қувиб келган мангит йигитлари ҳам сандироклаб- сандироклаб, ҳеч нарсанинг дарагини топа олмай, юзбошилари ёнига қайтишди. Шакшак бийнинг топшириғига қўра уларни ўтовларга жойлаштириб, қўноқ оши тортишга киришди.

Кўп ўтмай Оллоёр бий ва Отабой бий келишди. Хуфтон намозини ўқиб бўлган бий улар билан дастурхон атрофига ўтирди.

Авал ўтган-кетгандан хангомалашиб ўтиришди. Отабой бий сўхбату гуруннга уста одам эди. Унинг гурунги ҳеч кимни зериктирмас, сабаби хангомаларни у ота-боболарнинг ўтган йўлига асослаб олар, тарихий шажаралардан яхши хабардор бўлганидан айтганлари ишончли чиқар, айниқса, қулоқ тутган қипчоққа ёқимли туюларди. Устига-устак Отабой Бухорода, мадрасада таҳсил олган, Навоий, Фузулий дostonларини ўқийдиган, “Таворих гузида” деган китобга қараб, Чингизхоннинг насл-насабини айтганда маърақада ўтирганлар ичида тингламаган одам қолмасди. “Китобни бир мўлладан бир йилкига алмаштириб олдим” деб юрди. Китоблар ноёб бўлгани учун бир китобнинг баҳоси бир от бўлганига ким ишонмасин.

Гўшт еб, кимиз ичишгандан кейин хангома бошланди. Ёши улуг Оллоёр бий гуруннга туртки берди.

– Хўш энди, Отабойжон, эт едик, кимиз ичдик, қўноқ қада қилмаймизми! Бизга бобомиз қипчоқдан айтавер, – деб ёстикқа ёнбошлади.

Отабой бий “гўшт еб, кимиз ичиб – гурунгимизни тинглаш учун чақирдимикин”, деган гумон билан Кулчи бийга қаради. Хангомани ҳуш қўрадиган бий тинглашга мойил эканини бош кимирлатиб билдиргандан сўнг Отабой гуруннга кўчди.

– Мен ўқиган китобда ёзилишича, – деб хангомани бошлади Отабой, у бухояни биринчи маротаба айтиши эмас, бунга эшитиб турган икки бий ҳам биринчи бор тинглаши эмасди. Шундай бўлса ҳам сўзловчи ихлос билан берилиб ҳикоя қилар, тингловчининг ҳам ҳаяжони ундан кам бўлмасди, – қадим замонларда Ўғизхоннинг тушида хон ўз отаси Қорахон билан урушини учун отланиб, юриш бошлабди. Бир тоғлик ерга келганда қор шундай қўп ёққан экан, қор кўчиб, навкарлар юра олмай, ҳар ким ҳар ерда тўхтаб қолибди. Бир ботир навкарнинг хотини иккикат экан. У замонларда уруш сафарларида бола-чакасини ҳам олиб юриш одат бўлган кўринади, ўша аёлни йўл устида тўлғоқ тутади, яқин жойда пана бўлгудек ҳеч нарса кўринмайди, бироқ ўша ерда ўсган, одамнинг қучоғи етмайдиган бир бахайбат дарахт бор экан. Теварак қор, кўзга тушадиган бошқа нарса бўлмаганидан сўнг ботир нима бўлса ҳам шу дарахтни паналайлик деб ёнига яқинлашиб борса, дарахт танасининг ичи одам сиғадиган даражада ковак экан. Дарҳол хотинини ўша ерга киритибди. Унинг кўзи ёриб, ўғил кўрибди. Кўп ўтмай оёққа турибди. Шундай қилиб, бизнинг бобомиз ўзаро урушларда, сафарларда туғилган экан. Фарзанди билан жуфти ҳалолани отига мингизиб, отни етаклаб бир неча кун йўл юриб, Ўғизхоннинг аскарларига етиб олибди. Шунда хон ботирни олдига чақириб:

– Нечуксан? Қаерда юрибсан? Нега аскарлардан орқада қолиб кетдинг? Жавоб бер, – деган.

Ботир йигит бошидан кечирганини хонга бирма-бир айтиб берган. Бўлиб ўтган воқеани эшитган хон ўйланиб қолибди. Ўзича фикрлабди: “Бу накадар қизиқ ҳолат экан. Ҳамма ёқни қор босганди. Тоғнинг орасидан кетаётгандик. Яқка дарахтнинг йўлиқиши, унинг ичида одам сиғадиган ковак бўлиши. Бу ҳам Худонинг мўъжизасидан бошқа иш бўлмаса керак”. Сўнг йигитга шундай дебди:

– Бу аскар қўшиндан орқада қолди. Ё бир мушқулга йўлиқди, ё кўнглида бир

шумлик пайдо бўлиб, хизматимиздан бош тортди, деган шубҳага бориб, сени килмишинга яраша жазолашни ўйлаб ўтиргандим. “Гумон имондан айиради” деган гап тўғри экан. Шу ҳолатда яна хузуримизга келибсан. Шунинг учун ўзингни ва оила аъзоларингни афу этиб, жазодан озод килдик. Энди дарахт ковагида туғилган боланинг исми “Қабирчак” бўлсин. Катта бўлиб, униб-ўсганида ҳам шундай аталсин, – деб фотиҳа берган экан.

“Қабирчак” дегани нима эканини ўзингиз яхши биласиз. Бирон нарсанинг сиртидаги қобигини “қабирчак” деймиз. Бу сўз айтила-айтила, худди дарё бўйидаги тош сувга ювила-ювила сип-силлик бўлганидек, хозирги ҳолатга келган бўлса керак, деб ўйлайман ўзимча, – деб хангомани бир тўхтатиб олди.

– Бу воқеа қайси замонларда бўлган экан? – деб қизиқди Қулчи бий бу ҳикояни гўё биринчи марта тинглаётгандек.

– Аммо у томонини аниқ била олмадим. Балки минг йил аввалдир, балки икки минг йил. Китобда бу воқеанинг санаси ёзилмагани афеусланарли.

– Агар шундай бўлган бўлса, ота-бобомизнинг туғилган макони қори кўп, тоғи ва ўрмони бор ер бўлган экан-да? Шундайми? – Оллоёр бий ҳам гапга қўшилди.

– Шундай бўлса керак.

– У ер шимолдами, жанубдами, қайси томонда экан, – деб сўради яна Қулчи бий.

– Чамаси, шимол тарафда бўлса керак. Биладиган одамларнинг айтишича, шимол томонда қалин ўрмонлар, баланд тоғлар, бир ёғса, эрмай ётадиган қорлар ўлкаси бор. У ерда одамлар чанани итларга торгтириб юради, деб эшитганман. Бирок бизнинг боболаримиз кўчиб-кўнганда кўпроқ, кенг далаларни маъқул кўрганми, дейман. Дашту кипчок шу ердан шимолга, то Ўринборга қадар, ғарбда Аштархонгача боради. Мана бу томонимизда Дашти Қорақалпоқ бор.

Қулчи Отабой бийнинг кипчоклар хақидаги суҳбатини тинглаб, айтмоқчи бўлган асосий гапидан анча олислашиб кетганини англади. Туннинг ҳам анча қисми ўтиб бўлган. Шунинг учун бийнинг қизиқарли гурунгини шу жойга келганда тўхтатишга мажбур эди. Буни Отабой ҳам, Оллоёр ҳам билиб турарди. Орага бироз сукунат чўкди.

– Тўриқашка жонивор ўзи билан ўзи кетавермай, яна бир ташвиш орттирганга ўхшайди, – деди ниҳоят Қулчи. – Кимдир Хўжамёр бийнинг ўғлини сувлоққа от сугоргани борганда ўлдириб, жийрон отини олиб кетибди. Балки эшитгандирсизлар?

– Эшитдик, эшитдик.

– Эшитган бўлсангиз, Хўжамёр бий юборган бир тўда йигит бугун овулимизда меҳмон бўлиб қолди. Улар Тоғаберган сайисдан гумон қилиб, излаб топишолмади. Овулига бир дарвеш борган эмиш. Бу ишни ўша дарвеш киёфасига кирган одам қилган, дейишяпти. Балки отга қуйганидан бола пакирнинг кўксига ханжар урган бўлса, ажаб эмас, деб ўйлаётганлар ҳам бор, – деб Қулчи бу пайтга қадар кўп одамлар эшитиб улгурган воқеанинг учини чиқарди.

– “Гумон имондан айиради” дейдилар. Балки Тоғаберган эмасдир.

– Худо сақлаган бўлиб, шу гапингиз ўнгидан келсин. Мен ҳам шундай ўйлаяпман. Бирок сайиснинг ўзи ҳали топилмай турибди.

– Уни кидириш керак, – деб гапга қўшилди Оллоёр. – Топилса, ҳамма сир ойдай равшан бўлади-қўяди.

– Сизни чақиришдан мақсадим, энди биз қандай йўл тутишимиз кераклиги хақида маслаҳатлашиш, бу борада обдон ўйлашиб, гапни бир жойга қўйиш эди, биродарларим, – деди Қулчи. – Қани, қандай маслаҳат берасизлар?

Бийлар ўйланиб қолишди. Улар бош қашиб тураверишгандан сўнг Қулчининг ўзи гап қотди.

– Балки Тоғаберга сайисни ўзимиз кидириб топганимиз маъкулдир?

– Шу маъкул.

– Шу маъкул.

Эртасига тонг сахардан бир тўда йигитларни Тоғаберган сайисни излашга юборишни келишиб олишди.

Бемаҳалда хўроз кичкирди. Ярим тун бўлган эди. Бийлар уйларига қайтди.

Овулнинг зийрак кулоқ итлари онда-сонда хуриб, ўзларининг итлик вази-фаларини бажараётганини эгаларига билдириб кўяр эди. Кун бўйи ташвишлар, югур-югурлардан чарчаган одамларнинг кўпчилиги ёстикка бош қўйиб, ширин уйкуга кетган бу маҳалда уйку ҳақида ўйлашни хаёлига ҳам келтирмаган сокчилар бедор эди. Алламберган сокчи кўзларига бостириб келаётган уйкуни кочириш учун кимиз қўйиб ичди. Сўнг дам олган пайтда ёнига ечиб қўйган камарини белига боғлади. Тўқмоқ таёғини кўлига олди. Энли камарида ханжар ва килични жойидами, йўқми эканини кўллари билан пайпаслаб текшириб кўрди. Сўнг бизга таниш пастаккина кулбадан ташкарига чиқди.

Осмондаги тўлин ой нури ҳамма ёқни ёритиб юборган, рўпарасидан чиққан кишини бироз наридан ҳам таниш мумкин. Онда-сонда итлар хуриб, отлар ўқраниб, вақт сокчилари бўлган хўрозлар бирин-кетин кичкириб қўяди. Ўзгалардан аввалроқ ўзининг овози соз эканини билдириб қўймоқчи бўлдим яқин ердан бирови “го-го-го-гок” деб анча чўзиб чақирган эди. Унинг кетидан иккинчиси, сўнг учинчи-тўртинчиси бор кучи билан ким ўзарга кичкира кетдилар. Хўрозларнинг аввал кузатилмаган бу ҳаракати сокчиликка чиққан Алламберганни бироз ўйлантириб қўйди. “Буларга, кани чақир” деб биров буйруқ берган янглиғ барининг бир вақтда “кўшиқ” бошлаганида бир гап борга ўхшайди-ёв. Йўқса, тун ярмидан ўтгани, вақтнинг тонгга қараб силжиганини булар каердан билади. У осмонга қаради. Етти қароқчи юлдузи жануб томонга оғиб, нақд осмоннинг гардишига бориб қолган эди. Умуман ўрнидан қўзғалмайдиган Олтин қозик юлдузи бўлса, ой нурида кўзга элас-элас чалиниб, жимирлайди. Болаликда эшитган афсона эсига тушди. Жимирлаган Олтин қозик юлдузи аслида ўрнидан қўзғалмайди. У шунинг учун ҳам Олтин қозик. Бегона ер, кимсасиз жойларда адашган йўловчи тунда ўрнидан кимирламайдиган юлдузга қараб, жануб ва шимолни, шарқ ва ғарбни қай томонда эканини аниқлайди. Афсоналарга караганда, Олтин қозикка “Ок бўз от” номли юлдузлар туркуми бойланган эмиш. Ҳар оқшом ок бўз отлар тўдаси Олтин қозикни айланиб, тинмай юришар, отларга қизикқан етти қароқчи, яъни тўнкарилган чўмичга ўхшаган етти юлдуз тўдаси ҳам Олтин қозикка айланган отларнинг ортдан қуваверармиш. Ок бўз отлар уюри еткизмас, қароқчилар ҳам етиб олишдан умидини узмас, фақат шарқ тарафдан бўзариб, тонгга чиққан куёшгина уларнинг бу фойдасиз пойгасига чек қўяр, оламга таралган нурлар юлдузларни одамлар нигоҳидан яширар, улар эса чексиз осмонда ўзларининг абадий чопишлари давом этадиган палла – оқшом тушишини кутишга тайёрланишар эмиш. Куёш ботгандан сўнг яна улар бир-бирини қувлашармиш...

Хаёли бу пайтда жўрлашиб кичкиришдан ўзларини тийиб, янаги галги давомли қўшиқнинг бошланиш палласини кутиб, жимжит бўлган хўрозларга қайтди. Ўйлаб-ўйлаб уларнинг бахслашиб кичкиришига нимадир туртки бўлишига ақли етмади. Охири Худонинг амри билан, деган фикрга келди. Чиндан ҳам уларнинг ҳаммасини уйкудан уйғотиб, ўзлари қўнган оғочларда бўйинларини чўзиб кичкиришга мажбур этадиган куч нима ўзи? Бунга одамнинг ақли етмайди.

Овулнинг орқа тарафида ой нурлари ёритиб турган ариқнинг ёқасида бир қўланка кўрингандек бўлди. “Менга шундай туюлгандир, биронта дашт

хайвони, шokol ёки тулки бўлса керак” деган хаёлга борди сокчи. Ўзига ҳам, овулга ҳам, Кулчи бийнинг мулкига ҳам дашт хайвонлари томонидан келади-ган катта хавф йўқ. Улар нари борса, катакларда гердайиб, яратгандан келади-ган навбатдаги буйрукни кутиб ўтирган хўрозларнинг ёки уларнинг ёнида кўниб турган кўзлари қоронғида кўрмагани учун очиб юмгани барибир бўлган, бироқ тўсатдан бир нарса тегиб кетса товукхонани бошига кўтариб қақаклайдиган макиёнларнинг бир-икковини олар, ахир, уларнинг ҳам Худо берган насибаси бор, шундан сўнг думини қисиб, даштга қараб кочиб қолар. Аммо энг катта хавф икки оёқли махлуклардан келади, улардан хар балони кутса бўлади, уларнинг кўлидан ҳамма ёмон иш келади. Ана, Тўласин, ким билади Тўриққашка жониворни балки у захарлагандир. Тогаберган-чи? “Индамагандан кўрк” деганларидай Тўласиннинг жонига қасд қилган шу эмасмикин? Мана, унинг бу овулга келганини ҳам ҳисоблаб кўрилса, тўккиз йил бўлган экан. Ўтган йиллар давомида унинг ичидан нима гап ўтганини Алламберган била олдимиз? Била олмади. Ўзи ҳам Алламберганни ёт кўрмайдиган, яримта нони бўлса баҳам кўришга, бир кўза айрони бўлса бўлишиб ичишга тайёр йигитга ўхшарди. У ёлғиз бўлса, Алламберган ҳам ёлғиз. Ота-онаси қандай одамлар экани тушига ҳам кирмаган. Туғилганиданок фирт етим, ўзининг қандай яқинлигини ҳалига қадар билмайдиган, овулнинг чек-қасидаги ёлғиз кампирнинг тарбиясида эсини танигунча кун кўрди. Бечора кампир оламдан ўтганидан сўнг Кулчининг отаси Ортик бийнинг, сўнгра Кулчи бийнинг хизматида бўлди. Берган нонини еди, буюрган ишини қилди. Бу жиҳатдан бунинг ҳам сайисдан ортиқча жойи йўқ. Ўйлантирадиган томони шуки, тўккиз йилдан бери ҳеч ким, керак бўлса Кулчи бийнинг ўзи ҳам сайиснинг таг-тугини билмайди. Қутилмаганда келган эди, қутилмаганда ғойиб бўлди.

Шундай хаёллар билан Алламберган сайисхонанинг орқасига ўтди. Ой нурида кўзи илғайдиган ергача тикилиб қаради. Ариқ томонда ҳалиги қўланка “лип” этиб ўтиб кетгандек бўлди. “Пайт пойлаб юрган ўғри-пўғри эмасмикин?” Бироз тўхтаб, қулоғини динг қилиб турди. “Кўзимга кўринган бўлиши мумкин”. Тунда ўзи шундай. Айниқса, ой ёруғида қўланкалар узайиб кўрнинг, кичкинагина бутоннинг сояси ҳам сенга қараб ташланаман деб турган йўлбарсга ўхшаб кетади. Сокчилик фаолияти давомида талай воқеа ва ҳодисаларнинг гувоҳи бўлгани учун унча-мунча нарсага парво қилмайдиган кўринган сояни тез эсдан чиқаришга уринди. Овулнинг четида йилқичи қуш чакириб, шоқоллар улиди.

Соя эгаси ҳам Алламберган сокчидан кўзини узмас эди. Дастлаб сал орқайинлик қилиб рошнинг нарёғидан бўйинини чўзганда сокчининг зийрак кўзларига чалиниб қолганини сезди. Ўзини иккинчи марта билдириб қўйгани учун афсусланди. Энди эҳтиёткоррок бўлишга интилиди.

“Алламберган бўлса керак” деб ўйлади у. “Ёки Сайтмуродмикин? Нима бўлганда ҳам яқинроқ бориш керак. Сабаби, олисдан кўрса, танимайди. Чўчиб кетиб, бакириб юборса, бутун овул оёққа туради. Соя эгаси учун бу маъқул эмас, албатта. Қўлга тушса ҳеч ким аяб ўтирмайди. Шунинг учун билдирмай яқинроқ, яна-да яқинроқ бориш керак”.

Сокчи гўёки соя эгаси фикрини уққан каби отхонадан узоклашиб, овулнинг ичка-рисига кириб борар эди. Тун ичиндаги қўланка ариқнинг роши ва отхона ўртасидаги очик ялангликдан мушукдек эпчиллик билан ўтиб олиб, паҳса деворга қапишиб олди. Ой нури тушмайдиган девор панаси қўланка томонидан усталик билан танланган экан. Энди бирон киши рўпарасига яқин қилиб қолмаса, деворга ёпишиб турган соянинг одам эканини фарқлай олмайди. У ялангликдаги масофада бор кучини сарфлаган бўлса керак, айни пайтда антикиб нафас олар, елкаси кўтарилиб тушар, ўзининг шу

ерда эканини, ҳатто энтиқишини ҳам бошқаларга билдирмасликка тиришар, икки қўли билан юзини беркитар эди. Унинг бахтига овулни оралаб, ҳушёр итларни ҳургизиб, қоровуллик қилиб юрган Алламберган соқчи ҳали-бери қайтмайди. Бу вақтда отхона деворига ёпишиб турган қўланка эгаси нафасини анча ростлаб олди.

Зехни ўткир ўқувчимиз, агар тунда пайдо бўлган қўланка эгасининг ким эканини англаб олган бўлса, биз хайрон бўлмаймиз. У от деса ичаётган овқатини ҳам ташлаб югурадиган, ноҳаклик, жабру зулмга бош эгишни истамайдиган, насл-насаби, келиб чиқиши, ҳаёт дафтарининг очилган саҳифаларидаги ёзувлар ҳеч кимга аён бўлмаган сирли кимса бўлиб, унинг ҳамма биладиган оти Тоғаберган сайис эди.

Юқорида баён қилганимиздай сувлоқ бўйидаги воқеадан сўнг ўтган вақт ичидан ўзини излашларини, бу атрофда юрган тақдирда уни албатта ахтариб топишларини, Хўжамёр бийнинг овулида биринчи учрашган қария сайисни қўрганидаёқ танишини, ҳуллас, жазодан қочиш қутилиш имконияти йўқ эканини аллақачон тушуниб етган эди.

У ўлимдан қўрқмади, десак нотўғри сўзламаган бўламиз. Ўзининг фаҳмича, бу ёруғ оламда уни ушлаб турадиган сабаблар ҳам унчалик кўп эмасди. Негадир барча умид ва ихлоси нобуд бўлган аргумоққа боғлиқдек туюлди. Сўнгра Қулчи бийнинг ўғли Эрежебга нисбатан оталик меҳри уйғонгандек бўлди. Тўғри, Эрежеб ҳам уни яхши қўрар, отга ишқибозлиги боис кўпинча сайиснинг атрофидан ўраллашиб юрар, айниқса, Тўриқашкага ипсиз боғланиб қолган, отхонага борганда митти кафтчасини тўлдириб ем берар ёки бир тутам беда тутар, от ҳам унга ўрганган, ётираб турмасдан юмшоқ лаблари билан кимтиб олиб, киртиллатиб чайнар, сўнг раҳмат айтгандек бошини силкиб-силкиб қўярди.

Неча кун йўл босиб, оч-ноҳор ахволда бу ерларга келганидан мақсади ўз кечган умрининг парчаси, яхши кунларини ўтказган маконни яна бир марта қўриш эди. Қўлга тушса, уриб-сўқиб қийнашлари, беҳуда саволларга тутишлари, жавобларига ишонмасликлари, ҳуллас дунёдан кўз юмгунича ҳўрлашлари мумкин. Яширинча юриш, қўлга тушмасликка ҳаракат қилиши ҳам ана шундай ноҳуш вазиятлардан қочгани туфайли эди.

Деворга суяниб қанча турганини билмайди. Овулни бир айланиб келган Алламберган соқчи сайисхона атрофидан хабар олмоқчи бўлди. Деворнинг ой нури тушмаган томонидан ўтаётганда “Алламберган” деб кимнингдир секингина чақирганини эшитди. Аъзойи бадани музлаб кетгандек бўлди. Турган ерида қотиб қолди. Хаёлимда шундай эшитилгандир, менга шундай туюлгандир, деб ўйлади. Диккат билан тинглади. Кимдир чақиргани аниқ эди. “Алламберган” деган шивирлаган товуш иккинчи марта такрорланди. Товуш келган томонга яқинлашган соқчи деворга ёпишиб турган шарпани пайқади. “Ҳовлиқма, бу мен, Тоғаберган сайисман” деди у шивирлаб.

– Тоғаберган... – Соқчи ҳам шивирлаб сўзлади. – Сени излаб юришибди.

– Биладан. Бу ерга яширинча келдим. Отлик одамлар пана-пасткам жойларни титиб юрганини қўриб, мени излашаётганларини англадим.

– Сен бу ердан кетишинг керак, – деди соқчи шивирлаб. – Топиб олишса, омон қўйишмайди. Сен чиндан ҳам Тўласинни... “Ўлдирганмисан” деб айтмоқчи эди, негадир бу сўнгги сўз соқчини бўғзидан чиқмади.

– Мен ундай қилмоқчи эмасдим. Шундай бўлиб қолди. Бу балки тақдирдир.

– Бу ерларда кўп қолма. Олисларга кет... Хўжамёр бийнинг қўли етмайдиган ерларга.

– Кета олмайман. Ярадорман. Ярам оғирга ўхшайди.



– Яхши. Ҳозир, бироз кутиб тур.

Соқчи тез орқасига қайтди. Пастак хужрага кирди. Ухлаётган Сайитмуродни уйғотиб юбормаслик учун оёғининг учида юриб бориб, дастурхондан нон олиб кўйнига солди. Айрон тўла мешни қўлтиғига қисиб, эҳтиёткорлик билан девор ёқалаб Тоғаберган турган ерга келди.

– Мана бу нон ва айрон. Ҳозирча яширинган жойингга бориб кут. Қувиб келганлар эртага кетишар. Шундан сўнг нима қилиш кераклигини маслаҳатлашамиз. Энди тонг яқин қолди.

Шарқ томоннинг оқариб келаётганини сезган хўрозлар соқчининг гапини маъқуллагандек қақира бошлади. Соқчи синчиклаб қараса, ҳозиргина шивирлаб турган соянинг ўрни бўшаб қолганини сезди. Соя ҳам, унинг эгаси ҳам ғойиб бўлган эди.

Азонда берилган ошдан сўнг Мойлихўжа Қулчи бийнинг хузурига саломга кирди. Одатда қутилганидек, Тоғаберган сайиснинг қаерда эканини сўради.

– Биз ҳам бу ишни кундек равшан бўлишини хоҳлаймиз, – деди Қулчи бий. – Тўйдан қайтаётган куни сайисни қўздан қочирдик. “Одамнинг оласи ичида” дейдилар, унинг ўйида нима борлигини қаердан билибмиз. Хуллас, муаммонинг тугуни сайисга келиб тақалиб турибди. Шунинг учун бутун сайисни қидиришга киришамиз. Хўжамёр бийга шундай деганимизни етказинг. Тўласинни қазоси бизга ҳам оғир ботади. Хуллас, энди бирон чора йўқ, қўлимиздан нима ҳам келарди.

Чошгоҳ пайтида Мойлихўжа бошлаб келган манғит йигитлари тўдаси беҳуда оворагарчиликдан бирон натижа чиқара олишмагач, норози қайфиятда отларини орқага буриб, катта йўлда булутдек қорайиб кетиб борар эди.

Алламберган окшомги посбонликдан келиб, тонгги уйқусини қазосини адо этмоқ учун азонги ошни тановвул қилишни кейинга қолдирди-да қигизга чўзилди. Сайис билан учрашувдан рухан чарчадими ёки тонгги уйқунинг хумори келдими ишқилиб пўстакка бош қўйганданок дарҳол кўзлари юмила қолди. Қўп ўтмай пастак хужрада дуриллаши итни хуркитадиган хуррак янгради. Унинг хуррак тортишидан уйғониб кетган Сайитмурод энди кўзим илинади деб кутиб ётишнинг фойдаси йўқлигини билди. Туйнуқдан тушаётган қуёш нурларига бир нигоҳ ташлаб, ўрнидан турди.

Қўп ўтмай Алламберган соқчи хуррак отишни тўхтатишга ва уйқудан уйғонишга мажбур бўлди. Сабаби, Қулчи бий чақиряпти, деган гапни олиб келган йигит уйқуга чек қўйди. Бийдан Тоғаберган сайисни излаб топиш ҳақидаги топширикни олган Алламберганнинг кўзи мошдай очилди.

У бошини эгиб, бийнинг сўзини маъқуллаб тураверди. Айтилган гаплар қахрли ва шафқатсиз эди. Тирик бўлса, ўзини, ўлик бўлса, жасадини топиш буюрилди. Соқчи бийнинг хузуридан қандай қилиб чиққани анча вақтдан кейин эслади. Бошида биргина савол чарх уриб айланар эди: “Нима қилиш керак? Ушлаб бериш керакми? Йўқ, қоч деб оғохлантирсинми?” Бу хабарни ким орқали етказди? Қандай етказди? Уни бошқалар, айниқса, Қулчи бий билиб қолса-чи? Қўз олдида қўл-оёғи боғланган, чорасиз тутқин гавдаланди. Қўлга тушса, сира аямайди. Уни Қулчи ҳам ҳимоя қилолмайди. Адолат юзасидан Хўжамёр бийнинг қўлига топширади. Кейин уни дорга осадими, бошини танасидан жудо этадими, бу ёғини манғитларнинг ўзлари ҳал қилишади. Қулчи орага тушмаса, бошка ким ҳам орага тушарди? “Тоғаберган” дейдиган меҳрибони бўлмаса... Тоғаберган сайиснинг жавдираган кўзлари ёдига тушганида эти жунжикиб кетди. Мунгли ва аячли кўзлар: “Сенга ишонган эдим, сен ҳам мени сотдингми?” деб тикилгандек бўлди.

Алламберган соқчи икки ўтнинг орасида қолиб, юрак-бағри ўртанарди. “Бу ёнга тортса, ҳўкиз ўлмоқчи, у ёнга сурса, арава синмоқчи”. Ҳали бир тўхтама келмай



ёнига икки-уч йигитни олди. “Озик-овкат тўплаймиз” деган баҳона билан кунни туш қилди. Йигитларни эргаштириб, Эрали бойнинг овулига элтадиган катта йўлга тушди. Сўнг нимагадир йигитларга йўл теварагини тинтишни буюрди. Биронта тайинли фикрнинг бошига жиллов ташлай олмай қовоғини уюб, гудранганича овул ва катта йўл ўртасида бир нимани йўқотган кишига ўхшаб гандираклаб юрди. Кейин йигитларга бийнинг ва унинг одамларининг кўзига кўринмай уйларига кириб дам олишни буюрди. Тонг азонда, эл уйқудан уйғонмасдан бурун овулнинг чеккасида катта йўл бўйида учрашишга ваъдалашиб тарқалишди.

Ярим тунга қадар Сайтмуродни соқчиликка юборди. Хўроз биринчи чакирганида алмашадиган бўлишди. Бу айёрлигини шериги англаб қолиб, бирон бир шубҳа туғдирмаслик учун “ҳозир қаттиқ уйқу келаяпти” деб баҳона қилди. Одатдаги жойига ётгани билан кўзларига уйқу доримади. Фикру хаёли Тоғабеганнинг тақдирида эди. Бир ёнбошидан иккинчи ёнбошига ағдарилди. Нима қилиш керак? Нима қилиш керак? Овулдаги хўрозлар ярим тун бўлганидан дарак бериб, қичқирган паллада ҳам ҳамон бир тўхтамга келмаганди.

Кўп ўтмай Сайтмурод қайтди. Этигини ечиб, кигизга ўтди. Алламберган ўзини ухлаганга солиб, кўзларини юмиб олган эди. Сайтмурод уни икки-уч марга туртганидан кейин кўзларини укалаб, ҳамроҳига анграйиб боқди.

– Нима гап? Ярим тун бўлиб қолдимиз? – деди уйқусираганга ўхшаган товушда.

– Қулоғингни пахтасини олиб, тингла қани, хўрозлар нима деб чакираётган экан, – деди кўнглида шумлиги йўқ Сайтмурод. Кун анча салқинлашиб қолибди, калинроқ кийиниб ол.

– Яхши. Теварақда одам-подам, ит-шоколад кўринмадимиз?

– Ҳозир ой сутдек ёруғ нур сочган, ерга игна тушса кўринади. Ҳеч нимадан домдарак йўқ. Бироқ ариқ бўйида эски рош тарафда бир нима қимирлагандек бўлди. Йўлбарс-коплон бўлмасин яна. У томонга яқин борманг. Овдан омади юришмай қайтган йўлбарс одамга ташланар эмиш. “Ҳақ” деб елкасига кўтариб кетмасин яна.

– Ҳой, хазиллашадиган вақтингни кара-ю. Бу ерларда йўлбарс нима қилади? Шоколад, бўрсикдир майда хайвонларни овлаб юрган.

Балки шундайдир. Ёмонни демая, яхши йўқ. Шунда ҳам эҳтиёт бўлинг, – деб танбех берди Сайтмурод.

“Бу бола бир нарсани пайқаб қолгани йўқмикин” деб ўйлади Алламберган ичида. “Агар Тоғабеган бунга рўпара келиб қолса, юраги ёрилиб шовқин солар ва бутун овулни оёққа турғизар эди”. Бундай кўнгилсиз воқеанинг олдини олиш мақсадида Сайтмурод билан ади-бади айтишиб ўтирмай, чарм этигини оёғига кийди, қўлига тўқмоғини олиб уйдан чиқди.

Кўкдаги ой кечагидан ҳам тепароққа кўтарилган, кузнинг яқинлашиб келаётгани сезилар эди. Кун бўйи қийнаган ўйлар ёруғликка интиладиган парвоналарга ўхшаб хаёлида яна уймалаша бошлади. Нима қилиш керак? Шу саволга жавоб топаман дегунча хар оқшом кўриқчилик қилиб бориб-келадиган масофани қандай юриб ўтганини ҳам сезмай қолди. Ҳар сафар ой ёғдусида аниқ кўриниб турган рош томонга қараб-қараб кўяди. У ёқда эса “лип” этиб ҳаракатланган қўланка кўзга ташланмайди. Хўрозлар яна чақира бошлади. Тонг яқинлашаётган эди. Охири бир ечимга келди. У ёқ-бу ёққа қараб, пойлаб турган нигоҳлар йўқ эканига ишонч ҳосил қилди-да рош томонга юрди. Қўл чўзса етадигандек рош ҳа деганда етқизавермади. Мана, баландга кўтарилиб, яна пастга тушди. Орқасидаги отхона ҳам, девор ҳам кўринмай қолди...

– Тоғабеган, – деди охири товуш чиқариб. Бўғзидан чиққан товушни ўзи ҳам эшитгани йўқ, бироқ хаёлида ой нурига беланган чор-атроф унинг товушидан ларзага тушиб, титраб кетгандек эди.

Бу исми иккинчи марта тилга олишга юраги дов бермади. Нафасини ичига ютиб, жавоб кута бошлади. Қандайдир бир ички туйғу билан сайиснинг шу яқин атрофда яшириниб турганини сезарди. Ички туйғу уни алдамаган экан. Кўп ўтмай ой нурида узун кўланка пайдо бўлди. Очлик ва оғир жароҳат азобидан озиб кетган, бунинг натижасида янада узунрок бўлиб кўринган Тоғаберган Алламберганнинг ёнига келди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб, дарду хол изхор этиб турадиган маврид эмас. Сайиснинг бошида ажал қиличи яланғочланиб, яркираб турибди. Унга ёрдам берган киши ҳам жазога тортилиши тайин. Шунинг учун суҳбат жуда қисқа бўлди.

– Тоғаберган, – деди Алламберган шивирлаб, – хабаринг бордир, сени излаб топишни Қулчи бий менга буюрди. Шунинг учун ҳеч иккиланмай йўлга туш. Яхшиси, Хива томонга кет. Сирдарё бўйига кетсанг, дарагинг топилиб қолади. Иложи бўлса дарёнинг поёнига, Давқора томонларга, қорақалпоқ оғайниларнинг диёрини мўлжаллаб йўл бос.

– Қаёққа бораман? – деб шивирлади Тоғаберган ҳам. – Олис йўлга ярай олмаймаман, шекилли. Ярам йирингламоқда. – Товуши, оёғида тик тура олмамай, гандираклар-гандираклар кетишидан умидсизлик сезилар эди.

– Бир иложини топ. Биласан, қўлга тушсанг, сени аяб ўтиришмайди. Мана бу нонни ол. – Алламберган қўйнидан нон чиқариб, сайисга узатди. – Мана бу озми-кўпми, пул. Керак бўлиб қолар, қарз эмас, қўлимни қайтарма, холисанилло, бир кун қайтарарсан, қайтармасанг ҳам розиман... От миниб кетганингда яхши бўларди. От йўқолганини билиб қолишса, изингдан тушиб, топиб олишади. Бўл, Тоғаберган, иккиланма энди. Сенга Худо ёр бўлсин.

Тоғаберган жавоб бермади. Бир жойда кимирламай турар эди.

– Қаерга, қаерга бораман... Йўл юришга куч-қувватим етадимми? – деб шивирлади. Соқчининг қўнгли учун узатганларини олиб, қўйнига солди. – Барибир сенга раҳмат, Алламберган. Кел, сўнгги марта кучоқлашайлик. Балки маҳшарда учрашмоқ насиб этар. Худо билади.

Улар кучоқлашиб хайрлашишди. Ортиқча ушланиб қолиш хатарли эди.

– Яхши, хуш қол, сени Худога топширдим, – деди Алламберган паст овозда. Кўзларига тошган ёшни енги билан артишга уялди. Сотқин овози қалтираб, унинг ич-ичидан йиғлаётганини фош этар эди. Тезлик билан овул ва буларнинг орасини тўсиб турган рошга қараб интилди ва тепаликдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. У ичидан ўз-ўзидан рози бўлса ҳам, тақдирдан норози эди. “Одамлар нима учун бунчалик раҳмсиз, тақдир нега бунчалик бешафқат. Бу ёлғончи дунёда Тоғаберганнинг мендан бошқа ҳеч кими йўқ. Ўлсам, ўламан, бироқ уни ҳеч қачон ушлаб бермайман. Ҳеч кимга. Ҳаттоки Қулчи бийга ҳам”.

Қулчи бий адолатли эди. Бироқ бугун Тоғаберган қўлга тушса, уни Хўжамёрнинг қўлига топширишдан бошқа чора йўқ эканини Қулчи бий ҳам, Тоғаберган ҳам, Алламберган соқчи ҳам аниқ билирди. Қўл-оёғи боғланиб, Тўласиннинг котили сифатида манғитлар қўлига тушиши Тоғаберган учун азобли кийноқлар, хўрланиш ва қўрқинчли ўлим топиш дегани эди.

Тақдирнинг қаршисидаги ожизликдан, ёлғизлик ва адолатсизликдан нолиган бўлса ҳам кенг қадам ташлаб, отхона томонга келаётган Алламберган соқчи елкасига ортилган ва оғирлиги виждонни эзиб ётган юкдан озод бўлганига қувонди. “Ҳали тонг отишига қадар қанча вақт бор, ҳозир йўлга тушса, кун ёришгунча анча йўл босади, паналаб, писиб оқшом йўлида давом этса, кўп ўтмай хавф-хатардан қутилиб кетади, йўлида яхшилар учраса, ёрдам қилишар, манзилига етишга, ажалдан қутилишга кўмаклашишар, дунё кенг...”

Мана шундай ўйлар билан хартугул юпаниб, ўзининг қилган ишидан Қулчи бийнинг буйруғини бажариш ўрнига бунинг тескарисини қилганига виждо-ни қийналмади. Рухида қандайдир бир енгиллик, қилган саъй-ҳаракатларидан қаноатланиш туйғуси пайдо бўлди.

Тўлин ойнинг ёғдусида чувалиб кўринган соянинг эгаси, яъни Тоғаберган сайис кўп вақтгача турган жойидан кўзгалишни хаёлига ҳам келтирмади. Шу жойда мол бойлаш учун кўмилган хода каби қакқайиб тураверди. Атрофда шоколлар улир, овул хўрозлари нечанчи марта ўз ўрганган кўшиқларини соз оханга солиб такрорлашарди. Олтин қозик юлдузини айланган “Ок бўз от” юлдузлар тўдаси сайёраларга тўла бепоён осмоннинг жануб тарафдаги ер билан туташган гардишга бориб қолди. Тик оёғида туриб ухлайверадиган от каби у ҳам кўзларини юммасдан, хориб-чарчаган рухига ва ҳолдан тойган вужудига қувват берадиган уйқуга кетдимикин?

У ухламаган, хорғин рухида курашиб ётган карама-қарши туйғулар исқанжасидан қутила олмаётган эди.

“Мени излашга, қидириб топишга одам юборган, Алламберганни юборган” деб ўйлади сайис. “Муддаом ўч олиш эди. Тилсиз жониворга қасд қилган, ҳам гўзал, ҳам кўркем, ҳам чопқир отни фақат ўзиники, танҳо ўзиники бўлишини хоҳлаган, худбин, қизганчик ва ёвуз одамнинг, яъни Тўласиннинг ёқасидан тутиб, унинг кўзига тик қараш эди, кинидан суғирилиб, ҳалқумига такалган, ўткир ханжарни, бошига ёприлган ажални кўрганда ҳаётга очкўзлик билан бокқан кўзларида жирканчли кўркинчининг суратини, забонсиз бир жонивор бошидан кечирган ҳолатнинг юздан бирини номард Тўласин ҳам бошидан кечирганини кўриш ниятига эришдим”, дея ўтган воқеаларни қаноатланиш билан эслади. “Бирок ўлдириш шарт эмас эди, ажал олдида чорасиз қолганининг ўзи унга бир умрлик сабоқ бўлиб қолар эди. Нима қилай, шундай бўлиб қолди, бунга ўқинмаса ҳам бўлади, ўқинган билан бўлиб ўтган воқеаларни орқага қайтаришнинг ҳеч қандай чораси йўқ.

Энди нима қилмоқ керак? Олисларга кетиб қолмоқ керакми? Ажалдан қочмоқ зарурми? Ундан қочиб қутилишнинг чораси бормикин? Бир марта қочиб қутилган, қандай қилиб қутилгани фақат ўзигагина маълум. Яна қутилишнинг имкони бормикин?”

Бундай ўйлар ҳаёлида яшин тезлигида пайдо бўлар ва осмондан учган юлдуз тезлигида чексиз қоронғиликка ғарк бўлар ва унинг ўрнини иккинчиси эгаллар, уларнинг ичидан энг зарурини танлаб олгунча, унинг ўрнига яна бошқаси алмашар эди. Негадир бу ёруғ оламни аллақачон тарқ этган онаси ёдига тушди. Мана, у йилқилар уйори орасида пешонасида кашқаси бир қарич келадиган тўрик қулунга сукланиб қараб турибди. Қулун сағриси теп-текис, манглайида кашқаси бор, бироқ туси қулунга ўхшаган тўрик эмас, жийрон биянинг елинини эма бошлайди. Беш-олти яшар Тоғаберган ҳам онасининг кўксига юзини боггиси келади. Ана қулун сутга тўйиб, биянинг елинини тинчига қўйиб, ўйнагиси келади, “кел ўйнайлик” дегандек онасига сўйкалиб-суйкалиб қўяди, унинг қилиқларидан безор бўлган бия тумшуги билан итариб юбориб, ўтлай бошлайди. Буларнинг ўрнини яна бир бошқа хотиралар, кўркинчли, ғазабли, жирканчли суратлар эгаллаган эди, уларни ой нурида аста-секин қисқариб бораётган кўланка эгаси эслагиси келмади. Улар Тоғаберган бошидан кечирган қора қуллар хотираси эди. Балки, кўланка эгаси энг сўнгги бор ҳал қилиш зарур масалаларни ечиш палласида бошидан кечган ёқимсиз воқеаларни эмас, ёқимли, бир лаҳзага, қош қоқишга эслagan инсонни қувончли армонга, тотли туйғуларга ошно этадиган дамларни эслагиси келгандир. Нима бўлганда ҳам унинг хотирасидан туғилганидан бошлаб то ҳозиргача бўлган ҳаёт йўли қоп-қора ва кўрғошиндай будутлар қоплаган осмонни қучли ёғдуси билан бир лаҳзага ёритиб юборадиган ва киприк қоққунча изи ҳам қолмайдиган

йилдирим каби елиб ўтди ва булутли осмондай қорайган кўнглида оқшом олисдан кўринган овул чироклари каби милтиллаган нурлар қолди, бироқ улар ҳам кўп ўтмай шам каби сўниб, кайтадан сим-сиёҳ зулматга айланди.

Ниҳоят, у бир ечимга келди. Бир фикрнинг бошига жилов такқан янглиғ ўрнидан бир кўзғалиб қўйди. Уни шошилтираётган бир нарса бор эди. У чексиз саҳролардан, кенг далалардан, кузнинг касридан сарғиш тортиб қолган ўтлоқлар оша аста-секин юқорига кўтарилиб келаётган, ҳали ўзи кўзга ташланмаса ҳам қизғиш нурлари осмоннинг шарк томонида ёйилиб, туннинг қора пардасини ғижим-ғижим қилиб йиғиштириб келаётган, ташвишлар ва машаққатларга, қурашларга қучоғи лим-лим тўлиб турадиган келгуси кунга кадам қўйиб, бўзариб келаётган тонг эди.

Сайис бир дамга бўлса-да қуёшнинг тинимсиз юқорига ўрлашини тўхтатгиси келар, бироқ бундай имкон, бундай қудрат ўзида йўқ эканини аниқ сезар, майли, бунинг иложи йўқ, ҳеч бўлмаганда қўш қаноти йўқ эканига, ҳозир ушбу ташвишли оламдан учиб кета олмаётганига пушаймон ер эди. Қуёш тоғлар ортидан кўтарилиб, тонгни яқинлаштирар, у яқинлашгани сайин ўлимдан ҳам оғирроқ бир хавф яқинлашиб келаётганини ой нурида кўп ерларга қадар чўзилиб кетган соянинг эгаси бутун аъзо-йи бадани, онгу шуури билан сезарди. Қуёш шарк томондан кўтарилиб келаётган бўлса, тўлин ой бу вақтда баланддан пастга тушиб, юзидаги доғларини қуёшга кўрсатишга уялгани каби ғарб томонга энгашаверди. Шарқдан эса, ой билан ҳусни жамол талашмоқчидек тонг юлдузи Чўлпон кўриниб, ёғду соча бошлади.

“Энди барибир кеч бўлди” деб ўйлади сайис. “Чопқир от билан кетсанг ҳам ёруғ бўлгунча овулдан йироқлашиб кетолмайсан. Пиёда қаергача борардинг? Жароҳатим оғир...”

У ҳолсизликдан букилиб қолган гавдасини тиклади. Инкиллаб-синқиллаб овул тарафга, эски ариқнинг рошига кўтарилди. Секин кадам ташлаб, таниш сўқмоқ билан ўзи бундан ўн-ўн беш кун аввал Тўриқ қашкани етакка олиб чиққан, кўп йиллардан буён ўрганиб қолган отхонага қараб юриб келаверди...

*Давоми бор*

## ҲУКМАТ

**Афсус, бебаҳо умр равон ўтгусидур,  
Бу бебаҳо умр каби жаҳон ўтгусидур.  
Етмак учун домаконга парвоз айлаб,  
Жон қуши жаҳонга безумон ўтгусидур.**

**УБАЙДИЙ**



## МУЛОҚОТ

Анвар ОБИДЖОН  
Йўлдош СОЛИЖОН



Анвар Обиджон Ўзбекистон халқ шоири. 1947 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Баҳромнинг ҳикоялари”, “Эй, ёруғ дунё”, “Кетмагил”, “Безгакшамол”, “Даҳшатли Мешполвон” каби шеърӣй ва насрий китоблари чоп этилган.

### “ҚАЛАМДАН НАРИ ТУРМОҒИМ АМРИМАҲОЛ...”

**Йўлдош Солижонов:** *Анваржон! Келинг, суҳбатимиз мавзуси ва қамровини фақат сизнинг ижодингиз мисолида чеклаб қўймай, масалага кенгроқ ёндашсак. Айтмоқчиманки, суҳбатимиз сизнинг журналистлар ва китобхонлар билан олиб борган савол-жавоблардан фарқ қилса, яъни мен ҳам, сиз ҳам кўтараётган муаммога ҳозирги адабий жараён нуқтаи назаридан муносабат билдирсак. Шунинг учун бу учрашувимиз маҳсулини “суҳбат” деб эмас, “адабий мулоқот” деб атасак тўғрироқ бўлар. Нима дедингиз?*

**Анвар Обиджон:** Бажонидил! Кўнглимдагини айтдингиз. Ўзим ҳам ижодим ҳақида гапираверишни ёқтирмайман. Биз ҳақимизда адабиётшунослар, ўқувчилар кўпроқ гапиргани, ижодимизга улар баҳо бергани маъқул.

– Эсингизда бўлса, ўтган асрнинг 70-йилларида сиз вилоят телерадио қўмитасида адабий ходим, мен эса институтда ўқитувчи бўлиб ишлардик. Номзодлик диссертациямни ёқлаб келган йилларим. Бунинг устига республика ТВсида намоён қилинган вилоятлараро “Зеҳн” кўрик-танловида команда капитани сифатида қатнашиб, машҳур бўлган пайтларим... Шунинг учун мени газеталар, телерадио мухбирлари тез-тез интервью олиш, суҳбатлашишига таклиф қилишарди. Ўшанда сиз билан ҳам кўришиб, гаплашиб турсак-да, жудаям яқин мулоқотда бўлмаганмиз. Боз устига кейинроқ сиз бирдан гоёиб бўлиб қолдингиз. Кейин билсам, Тошкентга келган экансиз. Шундан буён кўп сувлар оқиб ўтди, ёмғир-у қорлар ёғди. Икковимизнинг ҳаётимизда ҳам талай ўзгаришлар юз берди. Сизнинг қирққа яқин китобларингиз босилиб чиқди, шоир, ёзувчи, драматург, киносценарист, публицист сифатида танилдингиз. “Ўзбекистон халқ шоири” деган юксак унвонга лойиқ топилдингиз. Албатта, булар ўз-ўзидан бўлган эмас. Тинимсиз меҳнат, изланиш, сабр-тоқат, ирода ва айни чоғда маълум мақсад йўлида интилни самарасидир.

Шуларни ўйлаганимда, кўнглимда бир иштибоҳ

тугилади. *Очиқ айтаётганим учун, аввало, узр сўрайман. Тўғриси, Фарғонадаги ҳаётингиз, яшаш шароитингиз ёмон эмасди, обрўйингиз баланд, ёзган асарларингиз кетма-кет босилиб турарди. Бунинг устига оилангизда фарзандлар кўпайиб, юкингиз оғирлашиб ҳам қолганди. Отангиз вафотидан сўнг қатор-қатор укаларингизни бошиқариш ҳам сизнинг зиммангизга тушган пайт. Буларнинг барчасидан воз кечиб, “бор-е, нима бўлса-бўлар” дегандек пойтахтга жўнаб кетишига сизни нима мажбур қилган эди? Ижодга бўлган эътиқодми? Тошкентга бориб яшаш иштиёқими, ёки шухрат, обрў истагими?*

– Шу гапларингиздан иккитасига сал эътирозим бор: биринчиси, ўша пайтда Фарғонада яшаш шароитим анча оғир эди; иккинчиси, ёзган асарларим ҳам кетма-кет босилаётган эмасди. Илк китобим “Она Ер” 1974 йилда чиккан бўлса, кейингиси, яъни “Баҳромнинг хикоялари” орадан олти йил ўтиб 1980 йилда нашр этилганди. Тошкентга 1981 йилда келганман, китобларим шундан сўнггина кетма-кет чиқа бошлади.

Тошкентга йўл олишимга нима сабаб бўлганини сўраб, тўртта тахминингизни айтибсиз. Тўғриси, шуларнинг тўртталаси ҳам кўнглимда бўлган. Яна бешинчиси, асосийси ҳам бор эди – қозоннинг бошида бўлиш ва ундан меҳнатимга яраша улуш олишга интилиш. Бу ниятларимга етиш йўлида қанча кийналсам ҳам чидадим ва шукрки, уларга эришдим. Ижод йўли шунақа ўйдим-чуқур, кингир-қийшиқ бўладики, унинг азоб-уқубатларига чидаган ижодкоргина бу даргоҳда ўз жойини топа олади. Бу кийинчиликлар тўғрисида “Ялтирок тугма”, “Ажинаси бор йўллар” деган асарларимда ёзганман. Улар шу йўлни танлаган ёш каламкашларга сабоқ бўлса, ажабмас.

– *Институтдаги фаолиятининг дастлабки йилларида “Болалар адабиёти” фанидан дарс берганман. Ҳумумўзбек адабиётининг таркибий қисми бўлган бу фан тарихи, тараққиёт йўллари, ўзига хос хусусиятларини бирмунча ўрганганман. Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Худойберди Тўхтабоев каби ёзувчилар ижодини ўтганимда уларнинг болаларга хос қилиқлари, бирон асарини ёзишдан олдин болалар билан учрашиб, сўхбатлашиб, уларнинг ички ва ташқи ҳолатларини ўрганишларини айтиб берардим. Масалан, Қуддус ота серфарзанд бўлганлигидан уйи болалар боғчасидек гап экан. Улар билан гаплашиб, шеърларига мавзу ва муаммо топаркан. Худойберди ака эса атай 40-50та болани боғига таклиф этиб, ош қилиб бериб, уларни гапга соларкан: масалан, сен кўринмас одам бўлиб қолсанг, нима қилардинг? Телевизор-одам бўлиб қолсанг-чи? Очиғи, уларнинг табиати, юриши-туриши, гап-сўзи, қилиғи ҳам болаларга ўхшайди.*



*Йўлдош Солижон  
Филология  
фанлари доктори,  
профессор.  
1940 йилда туғилган.  
Фарғона давлат  
педагогика  
институтининг  
(ҳозирги ФарДУ)  
тарих-филология  
факультетини  
туғатган. “Улуғ  
санъаткор”,  
“Шеърятнинг  
сирли эжилвалари”,  
“Сўз сеҳргари”,  
“Зулматдан нур  
қидирганлар”,  
“Мен сиздан сабоқ  
олдим”, “Фарғона  
адабиёти” каби  
илмий асарлар  
муаллифи.*

Сиз эса анча жиддий одамсиз. Кўринишингиздан болалар билан эжиклашиб ўтиришга тоқати йўқ кишига ўхшайсиз. Лекин ўзингиз айтганингиздек, ижодингизнинг “энг катта қисмини болаларга аталган шеърлар, достонлар, ҳикоялар, пьесалар ташкил этади”. Уларнинг барчаси болаларбон, ёши, руҳияти, қилиқлари, сўзлаш тарзи тўла мос келади. Гуё сиз қаҳрамонларингиз билан бирга воқеалар ичида юриб қатнашаётгандексиз. Айтинг-чи, бу фазилатларга эришининг қандай сирлари бор? Сиз ҳам асарларингизни ёзишдан олдин болалар билан гаплашасизми? “Ўйин” ўйнайсизми? Ёки болалик хотираларингизга асосланиб ёзаверасизми?

– Сухбатдошлар шу саволни кўп беришади. Болаларимга каттиқроқдек кўринсам-да, имкон туғилди дегунча, улар билан аймоқлашиб ўтиришдан олам-олам завқ олардим, ичим яшнарди, чарчоғим ёзиларди, илҳомим кўзирди (ҳозир невараларим билан шунақаман). Самарканд молия техникумида, Тошкент дорилфунунида ўқиган, кейинроқ пойтахтда иш бошлаган даврларимда ижара уйларда яшаб туришимга тўғри келган. Ижара олишдан олдин, бу ховлида болалар бор-йўқлиги билан қизиқиб кўрардим. Тинчроқ муҳитни истагандирсиз, десангиз янглишасиз, аскинча, боласиз уйга боргим келавермасди.

Шароит тақозоси билан болалардан, уларнинг болаларча қилиқларидан, болаларча гапларидан, энг кераклиси – болаларга хос тилидан қанча узоклашиб қолсам, кичкинтойлар учун ёзишим шунча кийин кеча бошлайди, катталар адибига айланиб боравераман. Тўғриси, болаларга аталган яхши китоблар камлиги, ўзбек болалар адабиёти катталарникидан анча орқадалиги мени шу йўлни танлашга ундагандир, балки. Аслида ўзбек болалар шеърятининг туб илдизи анча чуқур. Насрда мазмун, назмда матн ёдда қолишини аждоқларимиз қадим замонлардаёқ яхши англаб етгани боис, ўзбек халқ оғзаки ижодигаги мақол, матал, топишмоқлар, жумладан, болалар айтимларининг аксарияти кофиядош сўзлардан тузилган. Халқимизнинг ана шу бебаҳо хазинасидан фойдаланиб, мен ҳам болаларга хазми енгил, мазмуни чуқурроқ шеърлар ёзишга астойдил киришдим. Айниқса, кичкинтойлар учун содда тилда, хайвонлар, нарса ва буюмларни ўз тилидан гапиртиришга кўпроқ уриндим. Асқад Мухтор домла билан суҳбат курганим, унинг қўллаб-қувватлаши, айниқса, болалар адабиётида ғазал жанрини тирилтирганимни олқишлаши ўзимга бўлган ишончимни орғтирди, кучимга куч қўшди. “Булбулнинг чўпчаклари” туркумига кирувчи ғазалчаларимни, “Уччаноклар”имни дастлаб ўзи муҳаррирлик қилган “Гулистон” журнали, кейин “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида мунтазам эълон қилиб бордилар.

Очиғи, болаларга байрамбозлик, шиорбозлик, яланғоч насихатбозлик, курук баёнчилик йўсинидаги шеърлар унча ёқавермайди. Унинг аклига эмас, кўпроқ қалбига таъсир этадиган шеърлар керак. Буни жаҳон болалар адабиёти тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Болалар учун ёзадиган қаламкашлар кўпайишини орзулаб юраман доим. Болалар адабиётида кўриқ ерлар кўп, ўзлаштиришга астойдил уринаётганлар эса кам.

Беш фарзандим бирин-кетин улғайиб, болалик ёшидан ўта боргани сайин, миттивойларга атаб бирон нима ёзишим кийинлашавергани эсимда. Хайриятки, неваралар туғила бошлади, яна уларнинг оламига шўнғийвердим. Болафёъллигим борми, агар бўлса, қай миқёсда, буни ўзим унча билмайман. Буни четдан кузатиб юрганлар аниқроқ айта олса керак. Шунга карамай, ўзимда болафёълликка хос аллақандай аломатларни сезиб қоламан. Масалан, йўлимда ўйинчоқ дўқони учраб қолса, шу ёшимда ҳам кирмасдан ўтолмайман. Ёнчиғимнинг аҳволига караб, гоҳ кимматроғидан, гоҳ арзонроғидан сотиб оламан. Уйга келгач, гуё невараларимнинг кўнглини шунчаки овлаётгандек, уларга қўшилиб ўйинчоқлар



ёнида уймаланган бўламан-у, кейин ўз-ўзимдан астойдил берилиб кетиб, машиначани ўйнаш навбати гоҳо кичкинтойларга тегмай қолади...

– Сизнинг "Ажинаси бор йўллар" номли биографик қиссангизни ўқиб, миямга "Мен ҳам болалигим, ёшлигим ҳақида ёзсам бўларкан", деган фикр келди. Чунки бошимдан кўп ишлар ўтган. Ўқувчилик йилларим, 60-йилларнинг диққинафас ҳавосидаги бўғилишлар, мактабни битиргач, жамоа хўжалиги даласида чопиқчи, сувчи, табелчи, ем-хашак бригадасининг аъзоси, қурувчи, почтачи бўлиб ишлаганларим... Бир неча ой туман ҳарбий комиссариатида котиблик қилдим. Газеталарга хабарлар ёзиб турардим. Бир галги "Бу ерларда аъза ўстирмоқчи эдилар-ку!" сарлавҳали танқидий мақолам учун хўжалиқнинг боши ҳисобчиси мени чақириб, "штант қисқарди, шидан бўшадингиз" деб чиқариб юборди. Қанча вақт сарсон бўлиб юрдим. Хуллас, айтаман, ёзаман десам, гап кўп, тупна-тузук китоб бўладигандек... Лекин уларни шунчаки айтиб бериши билан бадий ҳикоя қилиши орасида ер билан осмонча фарқ бор. Воқеаларни саралаш, улар зиммасига гоёвий юк орта билиши – бу алоҳида масала.

Аслида саволимнинг жавобини адабиётшунос сифатида ўзим яхши биламан. Бироқ буни атай сўрашимнинг сабаби бор: биласиз, ҳозир ўзини катта ҳаёт йўлини босиб ўтгандек кўрсатувчи шоввозлар, бўлар-бўлмас воқеаларни биографиясида тиркаб, "мен шунча одамман!" деб мақтаниб китоб ёздиغانлар кўпайиб кетди. Шуларга бир сабоқ бўлармикан деган мақсадда фикрингизни билмоқчиман: сизнинг фақат "Ажинаси бор йўллар" асарингиз эмас, балки анча олдин ёзилган "Ялтироқ туғма" қиссангизнинг қахрамони Аламазон ҳам аслида ўзингиз, унинг сирдан ўқиши, Тошкентга иш излаб келиши, яхши-ёмон одамлар билан мулоқотда бўлиши, ижарадаги қийинчиликлари, хуллас, барчаси ўз бошингиздан ўтган воқеалар, Эшмат ишма, курсдош дўстларингиз исми бошқа-ю аслида бор одамлар. Фақат бу асарингизда тўқима кўпроқ. "Ажинаси бор йўллар" эса тўла маънода автобиографик характерга эга бўлиб, унда бадий тўқимага йўл қўйилмаган, персонажлар ҳам ўз исми ва табиати билан олинган. Гарчи бир шахснинг ҳаёт йўли асос қилиб олинган бўлса ҳам уни умумлаштириш, юксак бадийликка эришиш, қизиқарли ҳикоя қила олиш фақат чинакам адибнинг қўлидан келади. Шу маънода айтинг-чи, ёзувчи нигоҳи билан оддий одамнинг ҳаётга қарashi орасида қандай фарқлар бор? Бўлса, у нималарда кўринади? Инсон ҳаётида рўй берган ҳар қандай воқеа ҳам бадий асар учун материал бўла оладими?

– Ёзувчи билан оддий одам нигоҳи орасидаги фарқ ҳақидаги гаплар нисбий нарса. Кўпинча, оддий одамлар манаман деган ёзувчи кўролмаган у ёки бу нарсаларни ҳам кўра олади. Шу боис, умри турмушнинг кайноқ қозони ичида ўтгучи оддий одамларга яқин бўлмасдан, уларнинг энг жайдари қувончу ташвишларига шерик бўлмасдан туриб, айрим "файласуфифатлар" учун нечоғлик бачкана туюлмасин, тўлақонли адибга айланиш қийин. Устоз Эркин Воҳидов бир шеърда ўхшатиб айтганидек, бизнинг ишимиз одамлардан олиб, фикрни ясантирган, тўйинтирган, бойитган тарзда яна одамларнинг ўзига қайта ҳавола этиш. Булар қоғозда ифодасини топганда эса, оддий одам билан адиб нигоҳи ўртасидаги фарқнинг канчалиги ёзувчи маҳоратининг даражаси нечоғлик эканлигида кўринади.

Турмушда юз берган ҳар қандай воқеа ҳам бадий асар учун мавзу бўла оладими, деган савол азалдан кўп бахсларга сабаб бўлиб келган. Ўзимдан келиб чиқсам, кўнглимда тўлғоқ кўзиган гап борки, иссигида ёзишга уринаман. Бу майдами ё йирикми, чиройлими ё хунукми, зарурми ё кераксизми, ройишлими ё ноқоизрокми, ўша жараёнда бу томонларини ўйлолмайман. Ёзиб бўлинганидан сўнг, у-бу жойларини таҳрир қилиш, силликлаш, ҳатто, буткул олиб ташлаш устида бош котирикмок – иккинчи масала. Агар, ижодкор шунга астойдил истаб қолса, ана, боринги, битта

игнани йўқотиб қўйгани хақида қисса ёки дoston ёзиши мумкин. Бунда ҳамма гап адиб ўша йўқолган игнанинг миллат ёхуд, лоақал, ўзи учун қанчалик аҳамияти, кадр-киммати борлигини, қандай унутилмас воқеалар, эзгу хотиралар билан боғлиқлигини юксак маҳорат ила очиб бера олишига боғлиқ.

– *Фалсафа фанида эстетика деган атама бор. Гўзаллик маъносини англатувчи бу категория адабиётшуносликда ёзувчи идеали маъносиди тушунилади. Ижодкор ўзининг эстетик идеалини бирон бир қаҳрамони қиёфаси, гап-сўзлари, хатти-ҳаракати орқали акс эттириши керак. Бу айниқса, ҳажвий асарларда муҳим аҳамият қасб этади. Ижодингизнинг кўп қисми сатирик, юмористик характерга эга. Уста Гулмат, Қулқул афанди, Мирзақанд, Мешополвон, Аламазон образлари, Олтиариқ ҳангомларида тасвирланган кишилар, воқеалар орқали кўпроқ ёмонликка, иллатларга қарши ўт очасиз. Ўзи анойи, бадбашара, чаласавод, сал “калтафаҳмроқ”дек кўринган персонажлар сиз ният қилган эстетик идеални ифодалашга оғизлик қилиб қолмайдими? Айниқса, Уста Гулмат, Қулқул афанди каби шоирликни даъво қилувчи образларингиздан қандай эстетик идеални кўзлагансиз?*

– Ҳажвий асарларимда, Саид Аҳмад домланинг тили билан айтганда, турли “қаланғи-қасанғилар” хақиқатан ҳам кўп. Бундайларнинг ғалатидан ғалати дунёқарашлари, чапанидан чапани сўзлари, жаргонлари, қилиқлари, соддадан содда фалсафалари, тўпоридан тўпори орзу-мақсадлари, нуктаи назарлари хақида ёзишга уринишни Абдулла Қодирийнинг Калвак маҳзум, Тошпўлат тажаниларини юмалаб-юмалаб кулганимча ўқиганимдан кейин бошлаганман. Бу осон кечмаган. Гап ўғирлаш, характерлар кашф этиш учун ўшандай тоифалар ичида улфатчилик қилиб ўтиришимга, уларнинг хурмача қилиқларига чидашимга, улардан ирганмасликка кўникишимга тўғри келган. Бот-бот, турмуш тақозосининг ўзи мени шундай муҳитларда тирикчилик ўтказишимга мажбур қилган ва бундан афсусланмайман. Ақлни аҳмоқдан ўрган, одобни – одобсиздан, деган мақолнинг тагида чуқур маъно бор, булар бекорга тўқилмаган.

Кулгили асарларнинг киммати адиб ўша “қаланғи-қасанғилар”нинг образини нечоғлиқ ёркин, жўшқин, таъсирчан очиб бера олгани; ўқувчи учун тамоман янгича қиёфалар яратишга муваффақ бўлган-бўлмагани; ўрни келганда, юрт ва оддий одамларнинг ғам-ташвишига боғлиқ турли дардларни жумлалар қатига сингдириб кетишга эришган-эришмагани билан белгиланади. Гулмат, Қулқул афанди деган девонаваш шоирлар номидан талай ғазаллар яратдим. Уларни сиз адабиётшунослар ажиб-фёъл кимсалар тутумига пародия дейсизми, хазил шеърми, ҳар қалай, асарлар қатига ўша пайтдаги камчиликларни айтишга ҳам қўлдан келганча ҳаракат қилдим. Сиз айтмоқчи, эстетик идеалим нечоғлиқ акс этганини баҳолаш ўқувчи ахлига ҳавола.

– *Ҳар бир ижодкор қалбида пайдо бўлган туйғуни ифодалаш учун турли шаклларга мурожаат қилади. Кейин уларни номлашга алоҳида эътибор беради. Сизнинг ижодингиз ҳам бундай ранг-барангликдан холи эмас. Масалан, бир қаторли шеърларингизни “Игнабарг”, уч мисрадан иборат манзумаларни “Уччаноқлар” деб атайсиз. Умуман сўнги йиллар ўзбек шеъриятида ихчам шаклда асарлар яратиши ва уларни турли атамалар билан номлаш хийла кўпайди. Фарида Афрўз уч қаторли шеърларини “Тасбеҳ” деб атади. Азим Суён беш мисралик шеърларини “Қайирма” деб номлаган бўлса, Абдунаби Бойқўзиев бештагина сўздан (ҳар бири бир мисра) иборат дил изҳорини “Беш наво” деб тақдим этади. Айрим адабиётшунослар ҳам бундай янгилликларни олқишлаб, ижодкор қандай атаган бўлса, ўша ном билан алоҳида жанр деб атай бошладилар. Менимча, бу назарий жиҳатдан ўзини оқламайди. Негаки, санъаткор янги шаклга мурожаат қилар экан, унда ифодаламоқчи бўлган мазмунни сарлавҳа зиммасига юклашни назарда тутди. Масалан, сиз бир қаторлик шеърларингизни “Игнабарг” деганда унга сингдирилган мазмуннинг ўқувчига*

таъсир этиши кучини халқимиз "Чаён ўт" деб атайдиган ўсимлик баргини назарда тутгандек туюласиз. Бу ўсимлик барглари кўп қирралик бўлиб, бехосдан тезиб кетсангиз, чаён чаққандек сескантириб юборади. Ўт теккан одам бадани узоқ вақт ачишади, ловиллаб азоб беради. Сизнинг шеърингизни ўқиган мухлиснинг вуқудди ҳам узоқ вақт изтироб чекади. "Уччаноқ" эса гўзанинг кам учрайдиган кўсаги бўлиб, у очилганда теримчилар бир-бирини ютиб олиши учун ўйин ўйнайдилар. Лекин сиз уччаноқнинг ўйин томонини эмас, унинг камёблиги-ю, ҳар бир чаногининг алоҳида бўртиб туриши, битта тубдан уч томонга қайрилиб, алоҳида кўзга ташланиб туришини инobatга олгандексиз. Ҳар ҳолда, айтинг-чи, уларни алоҳида жанр деб атаса бўладими ёки қадимдан Шарқ ва жаҳон адабиётида мавжуд бўлган бирликлар, учликлар тарзда ўрганиш маъқулми? Яна бир гап: шаклга бу қадар катта эътибор беришингизнинг боиси нимада? Асарни номлашдан маълум мақсадни кўзлайсизми ёки эсингизга келган сўз билан шунчаки атаб қўяверасизми?

– Адабиётимизда кўпдан бери урф бўлиб келган "Бирликлар", "Учликлар" сингари анъанавий атамалардан чекиниб, асарини бошқача сарлавҳа остида эълон қилиш бунга бирон-бир сабаб бўлгандагина ўзини оқлаши мумкин. Сизнинг фикрларингизда жон бор, бир мисрали шеърларим ўқувчига игна санчилгандек таъсир этишини, уч қаторлилари эса топилдик бўлишини кўзлагандим, шекилли.

Фарғоналик изланувчан тадқиқоччи Қаххоржон Йўлчиев "Поэтик олам сирлари" номли монографиясида уч қаторли, бир қаторли шеърларнинг пайдо бўлиши тарихи, уларнинг япон, турк, рус, корейс каби миллатлар адабиётида тутган ўрни, ўзига хос томонлари ҳақида жуда кизиқарли ва ишонарли мулоҳазаларини баён қилибди. Жумладан, Рауф Парфи, Эшкобил Шукур, Хуршид Даврон, Абдували Кутбиддин, Фахриёр, Фарида Афрўз, Нодир Жонузок, Гўзал Бегим сингари шоирлар ижодида бу йўналишдаги шеърларнинг ўзбек адабиётидаги қўлами, уларнинг ҳар бир шоир ижодида ўзгача тарзда намoён бўлиши сабаблари устида ҳам батафсил тўхталиб ўтган.

Ушбу монографияда каминанинг шеърларини таҳлил қиларкан, учликларимнинг барчаси бир хил бўғинда (етти), дастлабки икки қатори кофияли, охиригиси кофиясиз эканлиги билан ўзгаларникидан ажралиб туришини, бир қаторли шеърларим ҳам барчаси тўққиз бўғинли эканлигини таъкидлаган. Ёш олим тўғри пайкаган. Уларнинг бирини "Уччаноқлар", иккинчисини "Игнабарг" шеърлар деб аташимга айнан ўша омиллар ҳам сабабчи бўлганди. Олтириқда яшаб турган пайтимда "Уччаноқлар" дан бир қисмини хат орқали устоз Асқад Мухторга жўнатиб, уларни нега шундай номлаганимни айтиб ўтганим, шеърлар у бош муҳаррир бўлган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида сўзларимдан парча берилган тарзда босилиб чиққани ёдимда.

– Мана, 70 ёшни ҳам уриб қўйдингиз. Ўтган умрингиздан, ижодингиздан қониқасизми? Етолмаган орзуларингиз, амалга ошмай қолаётган ниятларингиз борми? Асарларингизда қандай камчиликларга йўл қўйгансиз? Қайси бири қайта ишлашга муҳтож деб ҳисоблайсиз? Ижодий режаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

– Тангрининг иродаси шу – инсон борки, умри қачонлардир ниҳоясига етади. Унинг қанчадан қанча орзулари ушалмасдан қолиб кетаверади. Ўзимга келсак, ҳаётда етиб бўлмасдек туюлган неча-неча орзуларим юзага чиқди. Аввало, шунинг ўзи учун Яратгучимга минг-минг куллуқ қиламан.

Асарларимда камчиликлар тикилиб ётибди. Баъзиларини қайта нашрларида тузатишга уринганман. Камчиликсиз, нуксонсиз иш қилиш фақат даҳоларга хос бўлса керак. Биз қўлдан келганича уриниб ўтаимиз.

Шашт туғилса, қурбим етганича ёзаяман. Тинчлик, омонлик бўлса, қаламдан буткул нари турмоғим амримаҳол. Ёзишни ният қилган нарсаларим хилма-хил, қоғозга чала-пула қораламалаб қўйганларим талайгина. Улардан қайбирини тугаллаб улгуришим биргина Ўзига аён...



## НАЗМ



**Ўроз ХАЙДАР**

1957 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) география факультетини битирган. Шоирнинг “Кўёш ўтови”, “Аксиома”, “Оқ соя”, “Куйловчи тошлар”, “Музиқор”, “Руҳафзо” каби шеъррий тўпламлари нашр этилган.

### Остонада турар ўн саккиз ёшим

\*\*\*

Қишлоғимнинг сохир окшоми  
Юлдузлардан ёкиб шамчирок,  
Чалган чоғи ёғдулар жомин,  
Ёришарди якину йирок.

Тинглар эдим ойдинлик сасин,  
Ўтлокзорлар кўшигини хам.  
Ипақдайин окшом нафаси  
Эркаларди қалбимни бирам.

Хаёлларим кўлини чўзиб  
Ой зиёсин торткилаган чоғ,  
Нур сеҳридан уйқусин бузиб,  
Майингина нурланарди боғ.

Йўллар такиб кумуш бўйинбоғ  
Югурганда кир-адир оша,  
Хув, олисда кўринмайин тоғ  
Туман ичра қилгай томоша.

Кўлда ётур минг курок сукут,  
Юлдузларнинг чўғидан порлаб.  
Титроқ мавжлар узра тутиб ўт  
Уфқларга қўяр аста лаб.

Оккуш бўлиб тушимда кишлоқ  
Парвоз қилса, оқ патлар тўзиб,  
Энтикканча уйқумдан ҳар чок,  
Уйғонаман қўлларим чўзиб.

\* \* \*

Нукул тилпинибман сен сари, билсам,  
 Қайтиш чоғида ҳам сенга қайтибман.  
 Устимдан кулибман, кулганимда ҳам  
 Эски кўшиғимни такрор айтибман.

Нега мактандима, мен телба, овсар,  
 Нега ўз боғимдан хўрсиндим доим.  
 Эшигин очмади бир бора кавсар,  
 Ортимдан югурди негадир койим.

Олдимда не кутар, билмайман ҳали,  
 Ўзимча ҳали не кўшиқ айтаман.  
 Яна сен саридир интилиш гали,  
 Қайтиш чоғида ҳам сенга қайтаман.

\* \* \*

Севги – ернинг тортиш кучидир,  
 Ёктирганни қўйвормас, бешак.  
 Жилмай дарахт жойида қурир,  
 Кўзгалмай тоғлар-да, ҳалак.

Кўзёшини ичиб тинимсиз  
 Силласини қуритган кўкнинг.  
 Оҳ уради, шамол кўнимсиз,  
 Бошпанаси йўқ, ахир, унинг.

Қанча йиллар адашиб, бағри  
 Йўқотишлар боис қуйгандир.  
 Шунинг учун меҳр маҳварин  
 Бир риштага боғлаб қўйгандир.

\* \* \*

Нега кечикдийкин мен кутган фасл,  
 Ортга қайтардим биров йўлидан.  
 Улар кутмоқдадир қаноатда зил,  
 Фақат қутиш келар улар қўлидан.

Баҳор уни авраб қиларми мазах  
 Ёки овулар ёз қўнғирок чалиб.  
 Биламан, қуз ва қиш тутмоқда аза,  
 Демак, бугун фаслим баридан ғолиб.

Нега ундай бўлса кечикмоқда у,  
 Ҳайронликдан қарахт теварак буткул.  
 Изтироб чекмоқда кутавериш вақт  
 Ё мени кутмоқда мен кутган фасл.





\* \* \*

Сен гўзалсан ҳаддан ташкари,  
 Гар тикилсанг кўзгу қораяр.  
 Кўзини чирт юмар ёш-қари,  
 Кенг кўчалар бирдан тораяр.

Тоғ титрайди гўзалигиндан,  
 Соҳилидан айрилар дарё.  
 Тушим бугун келган-ов ўнган  
 Бугун ҳамма қаршингда гўё.

Узукка кўз кўйиш шарт эмас,  
 Кўз ўрнида ўзинг ярайсан.  
 О, шундай пайт ҳаммага, афсус,  
 Бемор кўзи билан қарайсан.

\* \* \*

Сокин титроқ ичра пичирлайсан ой,  
 Қиз бўйи таралар олтин сочиндан.  
 Кўл узра жимирлар совқотган чирой,  
 Муздай сув куйдими биров бошиндан?

Қайга йўрғаяпсиз, хей, оқсоч йўллар,  
 Оппок алангадан оқ пўпак танғиб?  
 Қайгадир бош олиб кетсада гуллар,  
 Зулматдан гул хиди турибди ангиб.

Терак шивиридан силкинади тун,  
 Дарёдек хайкирар оппок сукунат.  
 Тоғлар бўй-бабини кўрсатмас нечун,  
 Кичрайиб қолдими ё ютиб хайрат?

Ахир, севиб қолдим!  
 Кел, етакла, ой!  
 Йўллар, у томонга элтингиз тезроқ!  
 Бунча қикирлайсан, кулгунгга чирой  
 Терак шивиридан соламан қурок.

Олтин томчи бўлиб ёғар кўзёшим,  
 Ердан гўдак иси келар ё таъби.  
 Болам, эшикни оч, ўн саккиз ёшим  
 Остонада турар бегона каби.

Бормисан, хей, менинг туғишган фаслим,  
 Бағримга кирақол, нурдан туғилгин.  
 Бир нуктада жамдир ҳамонки, аслим,  
 Ишқ, ояти бўлиб нурга йўғрилган.



\* \* \*

Сен жуда баландсан, тоғдан баландсан,  
Сендан-да, само ҳам куйирок бугун.  
Сенга эришмоққа нафасим етмас,  
Оралик масофа умримдан узун.

### Она тилим

Одам Ато балки сенда сўйлаган,  
Миххат ёзувида бўй кўрсатдинг гоҳ.  
Балки Зардушт сенда алқов куйлаган,  
Таввалоси ичра офтоб урар оҳ.

Сукут минорининг ёвуз кузғунин  
Қонли тумшуғидан томган конимсан.  
Тошларга ўйилиб битилган уним –  
Ўрхун битигида уйғоқ шонимсан.

Ҳикмат дурин терган Қошғарий бобом  
Фурури хар харфда тутади викор.  
Кутайба тиғидан қон туфладинг гоҳ,  
Гоҳо тош чайнабда, тиғландинг минг бор.

Сенга ашъор битиб Навоий бобом,  
Якқалам айлади туркий дунёни.  
Уйғоқ сўзларингда йўқолди ором,  
Ҳақиқат кўзига тутиб зиёни.

Сен – Чўлпон ноласи, Қодирий охи,  
Ойбек забонида тошдек осилдинг.  
Фитратнинг шонидан кўр тутдинг гоҳи,  
Усмон кўзларига қордек босилдинг.

Топинмоғим учун ўзингсан ўзинг,  
Ирфон оламида ёлғиз пирымсан.  
Сен онамнинг тили – офтобнинг юзи,  
Борликни кучгувчи кўзим нурисан.

Ахир, сенинг билан баланд парвозим,  
Товлангай нур тараб сўзлар ранго-ранг.  
Мен сенда сўйлаган чоғда, овозим  
Кўкдаги юлдузда бергайдир жаранг.







### Фурқат МЕЛИ

1972 йилда туғилган. Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) ўқиган. Шеърлари республика матбуотида чоп этилган.

## Соғинганинг сеҳрли бир ун

\*\*\*

### МЕН СЕНИ

шаффоф зарраларда кўраманми, деб,  
сохилга бордим.  
юрак кийналарди ғам ютиб,  
ғусса эгаллаган вужудни.  
Қумли сохил кимсасиз, изсиз,  
оёғимни ўпди тўлкинлар –  
мен ўзимни йўқотиб қўйдим,  
денгиз чўкди кўнгили тубига.

\*\*\*

**ТЎЛҒОНИБ** сув келди, баҳра олди ер.  
Ундаги уруғлар каранг, нима дер?

Яшил сўзларини яширмай айтар,  
Бу яшиллик менинг кўзимга ботар.

Тўлғониб сув келди, соғиниб келди.  
Бунни, ҳатто, совук тошлар-да билди.

Уруғнинг нишидан ситилиб кетди.  
Кўпга бормади у титилиб кетди.

\*\*\*

**КЎЧАЛАРДА** юрган сиғинди,  
тилаб-тилаб олди, йиғинди.  
Кетар чоғи лол бўлди тамом,  
қайси бору қайси йўқ энди?  
Фақат суврат бошқа ҳеч нарса,  
на-да бўшлиқ ва на-да борлик.  
Оғринди ва ёмон соғинди,  
кўчаларда юрган сиғинди.

\* \* \*

**ЧИРКИН** уладани йиртдим ва отдим,  
Шодлик ва бахт хакида сўзим.  
Олис сафарлардан хозирча кайтдим,  
Мана кўринг, дунёда у ва мен – ўзим.

Кўнглим пишди. Куздагидай хил-хил.  
Нурли ёрлик. Қалбдан иборат дамлар.  
Сукунатни бузди. Қалқди ул ғофил.  
Қайда қолди улар – ғамлар, одамлар?

Оғзингдан гуллама, дейман, ўзимга,  
Бўғзингдан чикмасин бесамар хаво.  
Охири кўриняптими кўзимга,  
Эшитиляптику у – қаландар наво?!

Бу хали охири эмас, эй отлик,  
Сенинг соғинганинг сеҳрли бир ун.  
Шодлик ва бахт сўзи бунчалар тотлик,  
Қалбимда барқ уриб очилдинг гулгун.

\* \* \*

**ШАРҚДА** қуёш чикди ярқираб,  
Кўшилди зулматда юрганлар.  
Кўз кўрди. Бор борлик тирқираб –  
Олов, олов, деди, турганлар.

Жанубда кўкарди гуллар, тиканлар,  
Ранглар кўпайди-да, ракс-жанг бўлди.  
Бир таъмни сездилар қизиган танлар –  
Сувсиз какшаганининг ҳоли танг бўлди.

Ғарбга ботди қуёш. Нурини кертиб,  
Бир зумда боридан айирди.  
Қулоқлар остида танбурни чертиб,  
Улкан дарахтларни шамол қайирди.

Шимолда музлади кўринган борлик,  
Сал бир ҳаракатга чирс-чирс бўлинди.  
Ажиб бир гул очилди, хиди йўқ.  
Факат тупрок, факат жим энди.

Баҳорда ёзилди бу ям-яшил шеър,  
Ёзнинг қизил бўлишини ҳис қилиб.  
Бир дўст сариқ кузни хикмат дер,  
Қайтиш сафарини оппоқ қиш билиб.



\* \* \*

**БУНЧА** интиқ бўлиб кимни кутгандинг,  
Кўзингга санчилди сарик саволлар?  
Ғўр боланинг ёшидан ўтгандинг,  
Сухбатдошинг эди болалар, чоллар.

Бори аввалгидек, бори ўшадир,  
Такрор эшитсангда, эшитгинг келар.  
Дунё дунё экан ҳаддан ошадир,  
Воз кечсангда, унга боз етгинг келар.

Усиз тасаввур йўқ, усиз роҳат йўқ,  
Усиз на висол бор, на-да айрилиқ.  
Ҳар нарса бор, аммо истироҳат йўқ,  
Юрак тинчимайди, ай, конга тўлиқ.

Чексиз коинотни ким ҳам илғайди,  
Вужудингга ҳикмат, сезгини солди.  
Япроқ нурга тўйди, тамом сарғайди,  
Куёшнинг рангини ўзига олди.

\* \* \*

**ЧИЗИҚЛАР** тортаман сенга бағишлаб,  
Қора ва кип-қизил лолалар каби.  
Қаршимдан чиқади кўкка ирғишлаб,  
Сен босган майсалар болалар каби.

Бир зум тўхтамайман, сени излайман –  
Дарбадар кезаман бул замин – ерда.  
Бироқ, юрак оғрир, сен деб, бўзлайман,  
Маконинг каерда, васлинг каерда?

Чизиклар тортаман, уйкашиб кетди,  
Чизиклар устида юролмай колдим.  
Бир туйғу мени-да шодумон этди,  
Осмонга боқдим у хаёлга толдим.

Бепоён ва сўнгсиз узоқ ўлкада  
Бир юлдуз саргардон кезиб юрарди.  
Худди маҳзундайин бир тор йўлкада  
Бир одам гуллардан узиб юрарди.

Кўп ўтмай йўкликка сингиб кетди у,  
Ўйладим, сенгами бориб етди у.

Бепоён ва сўнгсиз узоқ ўлкада...



## ҚИССАЛАРДАН ҲИССАЛАР

*Миркарим Осим китоблари мутолааси  
ёхуд қиссахолик*

*Эссе<sup>1</sup>*

### “ЖАЙҲУН УСТИДА БУЛУТЛАР”

Миркарим Осим “Элчилар” (“Карвон йўлларида”), “Ўтрор” ва “Зулмат ичра нур”дек уч мумтоз тарихий қиссадан кейин ўзининг тўртинчи қиссасини яратди. Адибнинг 1975 йилда нашр этилган “Жайҳун устида булутлар” тўпламидан шу номли янги ёзилган ихчам қисса билан бирга “Тўмарис” ва “Китобга ихлос” хикоялари, “Ўтрор” ва “Зулмат ичра нур” қиссалари ҳам ўрин олган. Атиги ўттиз беш саҳифадан иборат бу кичик қиссада буюк аллома Абу Райҳон Беруний ҳаёти адабиётимизда биринчи маротаба атрофлича каламга олинган эди. Зотан, бу асар китоб сифатида ёруғлик кўрган пайтда ҳали Уйғуннинг “Беруний” драмаси, Азиз Қаюмовнинг “Беруний” бадиҳаси, коракалпок адиби Ўразақ Бекбауловнинг “Беруний” романи, адабиётшунос олим Пирмат Шермухамедовнинг “Даҳонинг туғилиши” номли илмий-бадиий асари ва рус адиби Игорь Тимофеевнинг “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумида нашр этилган “Беруний” китоби (бу китоб 90-йилларда босилган) ҳали ёзилмаган эди. Бинобарин, “Жайҳун устида булутлар” қиссаси бадиий насримиз тарихида янги очилган кўрик, ўзига хос улкан воқеа, ижодий ютуқ, навбатдаги дадил кадам эди. Афсуски, бу кадам ўз пайтида олқишланиш тугул, ақалли қўллаб-қувватланмади. Масалан, шу ихчамгина қисса биронта журналга сиғдирилмади. Тўпланда ёруғлик кўрганидан кейин ҳам бу асарни атрофлича таҳлил қилиш у ёқда турсин, “Буюк алломамиз Абу Райҳон Беруний ҳақида шундай янги асар яратилди”, дея эътироф этилмади, адабий жамоатчилик балиқдек жим тураверди, атайин кўриб кўрмаганга олди, эҳтимолки, кимлардир ич-ичдан зил кетди... “Ҳечдан кўра кеч ҳам яхши”, дейдилар. Келинг, энди, орадан роппа-роса қирк йил ўтиб, мазкур асарни диққат билан мутолаа ва таҳлил қилайлик! Зотан, бугунги кунда ҳам асар ўз ахамияти ва кадр-кимматини зиғирча йўқотмай, Абу Райҳон Берунийнинг бутун ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ўқувчида ҳаққоний ва ёрқин тасаввур ҳосил қила оладиган кироий асар бўлиб турибди! Йигирма уч хикоядан таркиб топган “Зулмат ичра нур” қиссасидан ҳажми уч баравар кам бу қиссанинг жами етти бўлимидан ҳар бири, ҳаттоки ҳар бир жумласи баайни таранг тортилган камон ўқидек учишга шай! Бу холни қиссанинг илк жумласидаёқ аниқ-тиник ҳис қила оласиз. Унга бундан минг йил аввалги хоразмшоҳлар давлатининг ички аҳвол-руҳияси, ҳукмдор ва унинг яқин қариндошига хос феъл-атвор, шунга мувофиқ дунёқараш ҳақидаги мухта-сар маълумот зичлаб сиғдирилган: “Хоразмшоҳ Абу Абдуллонинг амакиваччаси

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

Абу Наср ибн Ирок маърифатпарвар ва донишманд одам эди. У юксак мартабали амалдорлар, аъёнлар билан эмас, аҳли илму фозиллар билан суҳбатлашишдан завкланар, инсоннинг зийнати зардўзи чопон ва тилло камар эмас, илм-урфон деб ҳисоблар эди”. Кейинги жумла эса, бундай дунёқарашга ҳукмдорнинг муносабатини ойдинлаштиради: “Одатда подшолар тож-тахт тўғрисида ҳаёл сурадиган яқин қариндош-уруғларидан кўрқадилар, уларни назорат остида саклашга уринадилар. Абу Абдулло олим ва фозил амакиваччасидан ҳадиксирамас, унга кимматбаҳо совғалар инъом қилиб, илм билан шуғулланишга рағбатлантирар эди”. Ана энди бу икки жумлани ёнма-ён кўйиб, мағзини бараварига чаксангиз англашиладики, “аввал иқтисод, кейин сиёсат” деганларидек, ҳар қандай сиёсат, жумладан, муайян давлатнинг иқтисодий сиёсати иқтисодга, иқтисодий аҳволга бориб такалади. Одатда илм-фаннинг ривожланиши ва буюк алломанинг дунёга келиши ҳам кўпдан-кўп ташки иқтисодий омилларга боғлиқ бўлади. Хоразмшоҳ Абу Абдулло, аслида, илм-фаннинг хомийси эмас, ўз тож-тахтнинг ҳимоячиси, холос. Не бир сулолалардаги не бир ҳукмдорлар, азбаройи тож-тахт талашлари гирдобига тушиб қолмаслик учун, тахтга ўтирган заҳоти, ўзининг энг яқин қариндошларидан қутулиш йўлини излаганлар: уларни қатл этганлар, зиндонга ташлаганлар, қувгин-бадарга қилганлар. Абу Абдуллога бундай қаттиқ чоралар кўриш шарт эмас, чунки амакиваччасида тож-тахт ҳаваси йўқ, олимлик иштиёқи кучли, бинобарин, бу иштиёқни сўндирмай, аксинча, аланга олдиришдан жуда-жуда манфаатдор. Ўз навбатида, ҳукмдорнинг амакиваччасида ҳар қандай олимнинг бошига тушадиган муқаррар савдо – иқтисодий танглик, қашшоклик балосини енгиб ўтиш ташвиши, мухтожлик фожияси йўқ, бинобарин, ўзига шогирд танлашда ноёб туғма истеъдодни юзага чиқаришдан бошқа ҳеч бир манфаати ҳам йўқ. Ирок билан Шомдан нодир китобларни келтириб, ўз кутубхонасини бойитиш, ҳукмдорнинг хорижий давлатлардан келган элчиларни қабул қилиш маросимларида иштирок этишдан кўзда тутган асосий мақсади ҳам жаҳоний микёслардаги илм-фанны раванқ топтириш ва бунга қодир ноёб истеъдодни кидириб топиб, унга устозларча беғараз кўмак қўлини чўзишгина! Буюк аллома Абу Райҳон Берунийни дунёга келтирган энг бирламчи ташқи-объектив омил, қулай шарт-шароит, энг бирламчи асос эди бу!

Келтирилган дастлабки икки жумла қаби, атиги тўрт бетдан иборат биринчи бўлимни муталаа қилиб, ундаги ҳар бир жумланинг мағзини чақиб қарасангиз, амин бўласизки, ноёб истеъдоднинг ўз вақтида юзага чиқишида турли хил тасодифлар билан улар ҳосил қилувчи омаднинг ўрни катта. Юзаки қараганда омадсизликдек туюлувчи ҳар бир тафсилот, чунончи, дейлик, ўша пайтларда отасиз етим болақайнинг Муҳаммад ибн Аҳмад деб аталгани, бу етимни боқиб олган аёл мухтожлик сабаб уни болалиқданок чўлда саксовул терувчи қилиб қўйгани, болақай чўлда саксовул билан бирга турли ноёб гиёҳларни териб келиб, бир юнонга пуллагани, шу аснода ундан гиёҳларнинг ҳам юнонча, ҳам туркча номларини билиб олгани, айнан шунинг учун ҳам болалиқданок “Абу Райҳон” деб аталгани-ю шаҳар чеккасида яшагани боис “Беруний” саналгани, ниҳоят, ҳукмдорнинг олим амакиваччаси Абу Наср ибн Ирокнинг ўн бир ёшли бу туғма истеъдод соҳибини “топиб олгани” – булар сингари кўпдан-кўп тасодифлар замирида, аслида, муайян қонуният, Худонинг қудрати зухур кўрсатиб турибди. Бўлимда қаламга олинган уч ҳолат, айниқса, таъсирчан. Ўн бир яшар болақай Абу Райҳонга Абу Наср “Истасанг, сени ўзимга шогирд қилиб олай”, деганида у “Биз камбағал одамлармиз, ўқиш ҳақини тўлай олмаймиз”, дея болаларча оккўнгиллик билан ростини айтади. Шунда Абу Наср уни рағбатлантириб, жум-

ладан, “Яхши ўқисанг – шунинг ўзи кифоя”, дейди. Салдан кейин араб тилини ўргатаётган ёш олим Абу Саҳл Абу Райҳоннинг фавқуллода ўқиш иштиёқи-ю зехни-заковатиға ўз хавотирини айтганида Абу Наср унга ҳам изоҳ берадики, дил-дилдан истаб қилинган машғулот одамни чарчатмайди, аксинча, чарчоғини ёзади! Ниҳоят, тўрт бетлик бўлим сўнггида йигирма бир яшар Абу Райҳон Беруний устози Абу Насрнинг олдиға ўта жиддий бир саволни кўндаланг қўяди: “Тавротда Худо одамни олти кунда яратди, биринчи куни еру осмонни, учинчи, яъни, чоршанба куни ой билан қуёшни яратди, дейилган. Ҳолбуки, кун ва туннинг сабабчиси – чиқиб-ботиб турадиган офтоб-ку! У биринчи куни яратилиши керак эди, ахир...” Шогирдининг мантикан асосли бу саволи, табиийки, устозни ҳам, ўқувчини ҳам шошириб, ақлини лол қилиб қўя олади. Зотан, бундай мантиқли саволни табиат ва жамятнинг сир-асрорларини чуқур идрок этиб бошлаган бўлажак алломағина бера олиши мумкин. Ўқувчининг кўз олдида кучли мантик асосида самовий микёсларда фикрлай оладиган улкан алломанинг кенг дунёкарашини ёзиб кўрсатгандек бўлади шу биргина савол! “Бўладиган бола бошидан маълум” деганларидек, шу биринчи бўлимнинг сўнггида, асарнинг бошидаёқ қахрамон ўзи ясаган глобусни томоша қилган қўйи фавқуллода сиймо сифатида қад ростлайди. Алломанинг йигирма бир ёшида “қутри (диаметри) етти газ келадиган глобус ясагани” ҳам ажабланарли эмас, ҳам ҳайрат ва таҳсинға лойиқ! Хуллас, демокчимизки, қахрамоннинг ўн йиллик ҳаёти, ўтин териб юрган ўн бир яшар етим болақайнинг нисбатан қиска вақт ичида улкан олим сифатида шаклланиш тарихи атиги тўрт бетда атрофлича ёритиб берилади.

Иккинчи бўлимға қахрамоннинг яна ўн йиллик ҳаёти зичлаб сиғдирилади. Устоз (Абу Наср ибн Ирок) ҳам, шогирд (Абу Райҳон Беруний) ҳам ўзларини сиёсат ва давлат ишларидан қанчалик йироқ тутишға уринмасинлар, кўп ҳолларда сиёсат унисини ҳам, бунисини ҳам ўз домиға тортиб кетаверади. Йигирма икки яшар Беруний тоғда қуёшни илмий тадқиқ этиб юрганида Гурганж амири Маъмун бинни Мухаммад Коттдағи африғийлар сулоласиға мансуб хоразмшоҳ Абу Абдуллоға қарши уруш очиб, бутун Хоразмни эгаллаш учун баҳона қидириб қолади. Бунға Бухородағи сомонийлар салтанатидан Гурганжға Маъмун ҳузурига жўнатилган сипоҳсолор Абу Али ибн Симжурни Абу Абдулло хиёнаткор дея янглиш ҳаёл қилиб, қалға ўйлаб, амакиваччаси, аллома Абу Насрнинг огоҳлантиришиға қарамай зиндонбанд қилгани сабаб, тўғрироғи, баҳона бўлади. Яъни, Абу Абдулло ўз бошиға бало бўлиб ёғилажак қатта бир сиёсий хатоға йўл қўяди. Натижада Маъмун “зиндонбанд қилинган сипоҳсолорни озод қилиш учун” Котта (Қиёт) юриш қилади. Абу Наср Амударёнинг ғарбий соҳилидағи бир жойда устурлоб билан офтоб даврасининг энг баланд нуқтасини аниқлашға уринаётган шогирди Берунийни тезда чақиртиради-да, жонини омон сақлаб қолиш учун уни Рай шаҳриға қочириб юборади. Абу Райҳоннинг “Сиз ҳам мен билан юринг, устоз!” деган даъватиға жавобан Абу Наср ўзининг хоразмшоҳ африғийлар сулоласиға мансублигини, бинобарин, бутун ҳаёт-мамоти Хоразм билан боғлиқлигини, лекин ўзи тарбиялаб вояға етказган озод қуш баландрок учини кераклигини уқтиради. Шундан сўнг қўп ўтмай Маъмун Котни босиб олиб, Абу Абдуллони қатл эттиради. Худди Махмуд Кошғарий ўзларини буюк Алп Эр Тўнганинг (Афросиёб) ворислари деб билган қорахонийлар сулоласининг энг сўнгги умиди сифатида дунёға келганидек, буюк Берунийни қадимий Хоразмдағи африғийлар сулоласининг энг сўнгги вакили Абу Наср ибн Ирок тарбиялаб вояға етказгани ва бу ўринда унинг порлоқ келажағи хусусида қайғуриб тургани замирида теран маъно бор, албатта. Бўлимда Берунийнинг Рай, Исфаҳон ва

Журжонда тўккиз йил мобайида кўрган-кечирганлари атрофлича каламга олинмайди. Қисқагина бир жумладаги бир жуфт гапда йўл-йўлакай лўнда изохлаб ўтилади, холос: “Ёш олимнинг мусофирчиликда бошидан кечирган кулфатлари бу ташвишлар (яъни, Жайхун устида қуюклашаётган булутлар) олдида ҳеч гап эмас эди. У ғам-андуҳларини оғир меҳнат билан, мутолаа ва илмий машғулот билан енгигша уринди”. Бундай изоҳлардан сўнг, анчагина тагдор бир гап билан иккинчи бўлимга сўнгги нуқта қўйилади: “Бераҳм тақдир тўккиз йил уни у қўлидан бу қўлига отиб ўйнаб, чиниқтиргандан кейин яна ўз юртига иргитди”. Бошқачароқ айтганда, “От айланиб қозиғини топади” деганларидек, тўккиз йиллик сарсонлик-саргардонликдан кейин яна Хоразмга қайтиб келди.

Мохир адиб учун бадий воситанинг тури кўп. Тўккиз йиллик айрилиқдан кейин Беруний Котга қайтиб келиб, устоз билан шогирд яна дийдорлашар эканлар, қахрамоннинг кўрган-кечирганлари, аввалги бўлимда бирмунча юзакироқ изоҳланган воқеаларга энди айрим зарурий аниқликлар киритилади. Бунда, масалан, устознинг шогирдга қарата айтган қуйидаги гапларидан самарали фойдаланилади: “Рай шахрида олимлик даъво қилган занги ва оми бир одамдан хўрлик кўрибсан, Ҳомид ал Хўжандий каби олим билан расадхонада ишлаб, кўп нарсалар ўрганибсан. Журжон ҳукмдори Қобус саройида иззат-ҳурмат кўрибсан. Ул ерда ёзган “Осори боқия” нгги ўқиб, беҳад хурсанд бўлдим”. Устознинг “Қобус қандок одам экан?” деган қўндаланг саволига шогирднинг берган жавобида ҳам ўзи истамаган ҳолда сиёсатга араллашиб, ҳукмдорларнинг феъл-атворлари ҳақидаги дунёқараши яхшигина шаклланган шогирднинг ҳаётий ҳулосаси Қобус ибн Вушмагирдек улкан тарихий шахсга берилган энг ҳаққоний, энг лўнда тавсифнома сифатида жаранглайди: “Ўзингизга маълум, ул сиёсатли, удабурон ҳукмдор, истеъдодли шоир ва ҳар тарафлама олим. Араб тилида ёзган шеърлари таҳсинга сазовор. Аммо бир нуксони шулки, тааддини ўзига ҳунар, авфни айб деб биладур, андак хатоси учун ўз амалдорлари ва фуқаронинг бўйнига қилич урдирадур”. Устоз-шогирд суҳбатининг давомидан маълум бўладики, агар Абу Наср ота тахтини эгаллаган Али ибн Маъмун номидан махсус хат жўнатиб тақлиф қилмаганида Қобус Берунийни ўз чангалидан бўшатмас, унинг оламшумул доврutiдан ҳам ўзининг шахсий манфаати йўлида фойдаланиб, алломани ўзининг хос мулозими сифатида тутиб туравериши муқаррар эди. Шундай қилиб, ўйлаб қарасангиз, устоз шогирдга уч бўлимда уч маротаба халоскорона қўл чўзади: биринчисида ўн бир яшар етим болақайни улкан олимга айлантиради, иккинчисида босқинчи Маъмун унинг бошига ёғдиражак муқаррар балони даф қилади, учинчисида эса, уни Қобуснинг чангалидан қутқариб олади. Бир алломага муносиб бир устоз шунчалик бўлади-да, тўғрими? Бўлим сўнггида устознинг шогирдга айтган гаплари ота-ўғил ҳукмдорларни ўзаро ва ҳар иккисини Қобус ибн Вушмагир билан қиёслаш имконини беради, айни чоғда, устознинг шарофати билан алломанинг кўз олдида янги уфқлар очилаётганидан яққол далолат ҳам беради.

Тўртинчи боб атиги икки саҳифагина! Шундай бир чекланган майдонда баёнчилик томонга оғиб кетмай, Берунийнинг Хоразмга келиши оғининг тўла тугилишига тўғри келгани, аллома учун бу тақдир азалнинг яхши фоли бўлиб, ой тугилишининг сир-асрорларини аниқлашга эришгани, Али ибн Маъмуннинг хасталикка чалиниб, уни даволашга Ибн Сино тақлиф этилгани, ҳукмдор вафотидан кейин унинг укаси Абул Аббос Маъмун тахтга ўтириб, илм аҳлига ҳомийлик қилгани ва байтулҳикмати таъсис этгани хусусидаги аниқ тасвирларни зичлаб сиғдириш Мирқарим Осимдек кам сўзда кўп фикрни ифодалаш маҳоратини пухта эгаллаган носиргина уддалай оладиган ишдир. Қолаверса, авом халқ



билан жоҳилларнинг табиат ҳодисаларини фалокат, Худонинг қаҳри келишига йўйишларини, ой тутилиши ҳодисасининг асл сабабларини билган Берунийнинг буни бошқалар каби ёмонлик эмас, яхшилик аломати деб ҳисоблашини, устози Абу Насрнинг уни дин пешволарига қарши гапирмасликка ундашини тасвирлаш орқали муаллиф ўрта асрларда жоҳил диндорлар билан олимлар орасидаги низо-нинг накадар кучли бўлганини кўрсатади. Масалан, бўлимни якунлаб турган икки жумладан биринчиси юзаки қараганда баёнчиликка ўхшайди, аслида, оламга машҳур ҳомий ҳукмдорнинг тиник сурати аниқ чизиб кўрсатилган жонли киёфа бу: “Олимлар саройдаги катта бир хонага тўпланиб суҳбатлашаётганларида Абул Аббос Маъмун ҳам бир чеккага қўйилган тахт устида жимгина ўтирар, мунозара бошланганида худди паҳлавонларнинг курашидан завқланган ишқибозлардек жонланиб кетар эди”. Айни шу сабабдан ҳам бўлимнинг сўнгги жумласи шунчаки қуруққина ахборот эмас, тарихда қоладиган оламшумул ҳодисанинг қонуний ҳосиласи сифатида қабул қилиниши муқаррар: “Орадан бир неча йил ўтгандан кейин байтулҳикматнинг шуҳрати ҳар ёкка тарқалиб, душманлар кўнглида ҳасад, дўстлар қалбида ҳавас уйғота бошлади”.

Кейинги бўлимда, айтиш мумкинки, ана ўша “душманлар кўнглидаги ҳасад” очиб кўрсатилади.

Халқимиз, умуман, бутун башарият тарихидаги не бир салтанатларнинг тақдири, хоразмча атамалар билан айтганда, “дашан қалъа”да эмас, аксинча, “ичан қалъа”да ҳал бўлган-да, муқаррар инкирозга юз тутган. “Зулмат ичра нур” киссасида кўриб ўтдикки, Хусайн Бойқаро салтанатининг инкирозига энг асосий сабаб унинг оиласида, севимли хотинидан туғилган ўғли Музаффар Мирзони катта ўғилларига нисбатан кўпроқ севганида эди, айни шу ҳолат оилавий низо-лар ва тож-тахт курашларини келтириб чиқарган, охир-оқибат, салтанатни ич-ичдан емирган эди. “Жайхун устида булутлар” киссасида ҳам шунга яқин ҳолатни кўра-миз. Гап шундаки, Маҳмуд Ғазнавий ўз синглиси Қалжани Али ибн Маъмунга узатган, унинг бутун ҳарам қаторида у Абул Аббос қўлига ўтган. Энди кўпни кўрган хотин иккинчи эрини қўлга олиб, қўғирчоқдек ўйнатиб, акиси Маҳмуд Ғазнавийнинг айтганини қилдириб турибди. Абул Аббосга устоз мақомида бўлгани ва ундан ўн уч ёш катталиги боис унга “сен” дея мурожаат қила оладиган Абу Райхон Беруний ҳукмдорнинг хутбани Маҳмуд Ғазнавий номига ўқитиш фикри-ни кескин рад этади. Абул Аббос Маҳмуд Ғазнавийнинг гапини икки қилишнинг оқибати ёмон бўлишини айтганда, Беруний “Биз бу балони даф этиш учун анинг душманлари билан иттифок тузиб, ўзимизга дўстлар орттирмағимиз зарур. Агар Туркистон хонлари билан бир ёқадан бош чиқарсак, Маҳмуд пешонамизга ҳам черта олмас эди”, дея жўяли маслаҳат беради. Абул Аббос бу фикрни маъқуллаб, Ўзгандга элчи қилиб Маҳмуд Жандани юборишини айтадию, бироқ хотинининг гапига кириб ўз билганидан қолмай, шаҳар чеккасидаги бир кичикроқ мачитда Маҳмуд Ғазнавий номига хутба ўқитади. Натижада Беруний оғохлантирганидек, бундай сотқинликка қарши саркардалару юрт улуглари кучли исён қиладилар. Беруний буюк аллома, қолаверса, ҳукмдорлар қўлида ишлайвериб катта сиебатдон бўлганидан кейин, бу танг вазиятдан ҳукмдорни қутқариб олиш йўлини топади: исёнчилардан беш-олтита етакчиларини ичкарига тақлиф қилиб, “Ҳукмдоримиз сизларнинг садоқатингизни синаш учун бу ишни қилган эди, мана бу садоқатингиз учун берилган муқофот” дея совға-саломлар чиқариб, исённи тинчитади. Лекин, барибир, оиладан ташқаридаги мулозим ҳарчанд мутафаккир бўлмасин, оиланинг ичкарисидаги маҳрам, яъни, суюкли хотиннинг макри олимнинг ақлидан қучлироқ бўлиб чиқади. Қолаверса, Маҳмуд Ғазнавий бир томонда Ўзгандга ўз элчисини

жўнатиб, Туркистон хонларининг “Хоразм билан орангизда низо чикса, биз бета- раф қоламиз”, деган ваъдасини олади, бошқа томонда Хоразмга яна элчи жўнатиб ўз номига хутба ўқитишни талаб қилади. Натижада халқ исён кўтариб, подшо Абул Аббос Маъмунни ўлдириб, унинг жияни Абулҳорисни тахтга ўтқазади. Кулай пайтга пойлаб турган Махмуд Ғазнавий “куёвимизнинг котилларини жа- золайман”, деб Хоразмга бостириб келади-да, байтулхикмат олимларини Ғазнига асир қилиб жўнатади. Исёнкорлар бошлиғи, саркарда Алптагин ва унинг ше- рикларини филлар оёқлари остига ташлагтирар экан, Махмуд Ғазнавийнинг “Қармат, шиа мазҳабадагиларга, исавийларга бошпана берган Хоразм ахли бу- ларнинг ўликларини ибрат кўзи билан кўриб, қандай аҳволга тушганликларини билиб кўйсинлар”, дейиши орқали муаллиф бир неча фикрларни уқтирмакчи. Би- ринчидан, ўша даврдаги турли диний оқимларнинг ўзаро зиддиятда бўлганини. Иккинчидан, Хоразм ўлкаси турли диний эътиқодларнинг маркази бўлганини, хусусан, байтулхикматда турли мамлакатлардан турли диний эътиқодга мансуб олимлар келиб яшаб, ўз тадқиқотларини олиб борганларини. Умуман, Хоразмда зардуштийлик ва буддавийлик динларининг кўплаб осори-атикалари топилиши бу юртнинг қадимдан диний бағрикенглигини, хатто кўплаб динларнинг яралиш ўчоғи бўлганини кўрсатади. Учинчидан, VII асрда ислом дини кенг тарқала бош- лаганда яхудийлар, шунингдек, исавий, шиа ва бошқа диний мазҳаб вакиллари Яқин Шарқдан чекина бошлаганларини, хусусан, кўпчилиги Хоразм юртига ке- либ ўрнашганларини. Тўртинчидан, Махмуд Ғазнавий ислом динининг сунний мазҳабини имкон қадар кенгрок тарқатишга ҳаракат қилганини. Кези келганда айтиш керакки, муаллифнинг Махмуд Ғазнавийни “йиртқич махлуққа ўхшарди”, “Ғазни шахрини Махмуд кароқчилар уясига айлантирган. Бу ердан туриб у гоҳ Ху- росон, гоҳ Туркистон, гоҳ Ҳиндистонга босқин қилади, халқларни талаб, қўйни- кўнжини тўлдириб қайтади”, “тошжорак” дея таърифлашларини холис ва объектив ёндошув, шўро тузумининг таъсиридан холи деб бўлмайти. Бу воқеалар ўта сиқик ҳолда мухтасар тасвирлангач, уларни шундай бир жумла мантиқан хотималаб ке- лади: “Сочларига киров тушган Абу Наср ибн Ирок эса рўмолчасига тутиб ол- ган бир ховуч она юрт тупроғини бағрига босиб, жонажон Ватани билан видола- шар, кўзларидан икки бетига оқиб тушган ёш офтобда марвариддек ялтирар эди”. Хоразмшоҳлар-афригийлар сулоласининг энг сўнгги вақили, Абу Райҳон Беруний- нинг биринчи устози, “Бутлимуси соний” (“Иккинчи Птолемей”) номини олган хоразмлик математик ва астрономнинг айна шу жумлада аниқ-тиник тасвирланган ҳолати, агар мазкур кисса асосида бадиий фильм сурагга олингудек бўлса, ундаги энг таъсирчан кўринишга асос бўлиб хизмат қила олади!

Сўнгги, еттинчи бўлим Махмуд Ғазнавийнинг олим ва шоирларни Ғазнига тўплаб, уларга ҳомийлик қилиш иштиёқи борлигини таъкидлаш билан бошланади. Бироқ ўз юртидан ихтиёрларига қарши кўчириб келтирилган олимларнинг тушқун аҳвол-руҳияси тасвирини ўқиган китобхон бу ишнинг у қадар хайрли эмаслигига амин бўлади. Айниқса, илк учрашувда Махмуд Ғазнавий Берунийга ҳамюрти – кармати Абдусамадни қатл эттирганини асосламакчи бўлганида, Беруний бу ҳукмдорнинг отаси қул ва мажусий бўлганини, у қандай қилиб ҳукмдор даражаси- га етишганию ислом ҳомийсига айланиб қолганини хаёлидан ўтқазади. Бу билан ҳар иккисининг ислом динини қай даражада тушунишига ишора қилинмоқда. Бу фикр кейинги воқеада янаям аниқроқ уқтирилади. Қутб томондан келган элчининг “бизнинг томонларда ёз чилласидан қиш чилласигача куёш ботмайду, қиш чил- ласидан бошлаб офтобни олти ой кўрмаймиз”, деган гапига шубҳа билан қараган ҳукмдор “Андоғ бўлса, ул ерларда мусулмон киши рўзани қандай тутадур! Мен

уни каззобликда айблаб, зиндонга ташладим. Ани қатл эттиришдан олдин сўзлари канчалик тўғри эканлигини сизлардан сўраб билмоқчи бўлдим”, дейди. Беруний аввалига бу ҳолатни илмий тушунтиради. Бироқ ҳукмдорнинг ақли етавермагач, диний нуқтаи назардан ҳукмдорга маъқул шаклда тушунтиради. Тўғри, унда қаламга олинган айрим воқеалар, чунончи, Маҳмуд Ғазнавийнинг азбаройи Абу Райҳон Берунийни “мот қилиш” иштиёқида “Қоинот сирларини биладиган аллома, қани, топ-чи, шу хонадаги саккиз эшикнинг қай биридан чиқиб кетаман?” дея “масала қўйиб”, ўзи тўйнуқ очтириб чиқиб кетгани, лекин Берунийнинг буни ҳам олдиндан биладигани ҳақидаги тарихий ривоят Мирқарим Осим қаламга олгунга қадар ҳам мавжуд эди. Лекин бу ривоятларни маржондек бир ипга тизиб, асарнинг сўнгги бўлимига жамулмақ қилиб, алломанинг ҳукмдордан устунигини ва бу оддий ҳақиқатни Маҳмуд Ғазнавийдек ҳукмдор ҳам охир-оқибат мардона тан олганини аён кўрсатиш... бу хизмат ҳам зарғарона бир ишдир. Бу ердаги яна бир деталга алоҳида диққат қилинг. Маълумки, муаззам Шарқда ақсарият ҳукмдорлар саккиз қиррали тахт устида ўтирганлар, хорижий давлатлардан келган элчиларни эса саккиз эшиги бор қаттақон хонада қабул қилганлар. Нега саккиз қиррали? Чунки жаннатнинг саккиз қопқаси бор деб қаралган, шундан келиб чиққан ҳолда ҳукмдор ўзини баайни жаннатда ўтиргандек ҳис қилиб, қабулига келган ҳар бир фуқарони баайни жаннатнинг бир эшигига йўллаган! Маҳмуд Ғазнавийнинг шу саккиз эшиқдан чиқмай, девордан бир тўйнуқ очтириб, ана ўшандан чиққани, аслида, алломани “мот қилиш” иштиёқидаги ҳукмдорнинг ўзига жабр қилгани ва ўзи қулгига қолганини англатади. Ҳар қалай, ҳукмдор билан алломанинг “сен зўрми-мен зўр” қабилида куч синашиш ва шон-шухрат талашишдек майда ташвишлардан халос бўлиб, ўзаро бир ёқадан бош чиқарган ҳолда баҳамжихат давлат равнақи ва халқ манфаатлари, борингки, агар уддалай олсалар, бутун башариятнинг порлок келажаги йўлида астойдил ҳаракат қилишлари у томон учун ҳам, бу томон учун ҳам қони фойдалиги тарихий ҳақиқатдир. Зотан, Маҳмуд Ғазнавий билан Абу Райҳон Беруний ўзаро тил топишиб, баҳамжихат ҳаракат қилмаганларида эди, бир томонда – ғазнавийлар давлати бу қадар оламшумул шон-шухрат қозонмаган, иккинчи томонда – Абулқосим Фирдавсийнинг “Шохнома” асари, Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асари каби жаҳон адабиёти ва фанини безаб турган шох асарлар дунёга келмаслиги мумкин эди.

## “ИБН СИНО ҚИССАСИ”

Мирқарим Осимнинг бешинчи йирик насрий асари – “Ибн Сино қиссаси” 1982 йилда китоб сифатида ёруғлик кўрди.

Қамина 1983 йилда Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат Қўмитасининг (ҳозирги Матбуот ва ахборот агентлиги) Бадий адабиёт, болалар адабиёти ва санъат нашрлари бўлимида маслаҳатчи-муҳаррир бўлиб хизмат қилар эканман, икки асарни (Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” тарихий романи ва гуржи кинорежиссёри Лариса Салдадзенинг “Ибн Сино” (“Буюк ҳаёт саҳифалари” китобини) олдинма-кетин ўқидим-да, “Юксаклик” деб номланган биринчи таҳлилий мақоламини ёздим. Мана энди, орадан роппа-роса ўттиз йил ўтиб, “Буни қарангки, ўша пайтда Мирқарим Осимнинг на “Жайхун устида булутлар” ва на “Ибн Сино қиссаси” асарини ўқимаган эканман-да. Йўқса ўша биринчи таҳлилий мақоламини бошқачароқ ёзган бўлар эдим”, дея, афсусланаман. Ўшанда ҳеч ким менга “Роман билан бадиадан аввалроқ манови қиссаларни ўқиб кўринг, булар аввалроқ ёзилган-ку, ахир!” дея маслаҳат бермаган экан.

Энди ўйлаб қарасам, Миркарим Осимнинг “Ибн Сино киссаси” бир-икки, ҳаттоки ўттиз уч йил эмас, камда ўттиз беш йиллик ижодий изланишларнинг қонуний маҳсули сифатида дунёга келган экан. Зотан, қиссанинг бир боби “Китоб” деган ҳикоя сифатида 1947 йилда нашр этилган “Ўтмиш саҳифалари” тўпламига, “Китобга ихлос” деган ном остида 1965 йилда нашр этилган “Аждодларимиз киссаси” тўпламига киритилган эди. Демокчиманки, бу бир ўтиришда ёзиб ташланган тезпишар асар эмас. Асарнинг бадий савияси шунга яраша, албатта.

Қиссанинг биринчи боби “Маърифат дарвозаси”нинг номини ўқиб туриб, халқимизнинг “Оққан дарё оқмасдан қолмас” деган ҳикматли гапи нақадар теган маънога эғалигига яна бир қарра амин бўласиз. Худди Абу Райҳон Беруний биринчи устози, африғийлар сулоласига мансуб хоразмшоҳларнинг сўнги вакили Абу Наср ибн Ироқнинг сўнги умиди бўлганидек, Ибн Синонинг девонда хизмат қилиб бошлаган отасининг Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғидан ҳовли сотиб олгани, албатта, бежиз эмас. Бу ҳам Худонинг қудрати! Айни шу маҳаллада тўққиз яшар болакай Ҳусайн бир пайтлар массохлик, яъни, танабчилик (узунлик ва юза ўлчовчилик) қилган баққол Маҳмуд Массохдан риёзат ва хандаса илмини ўрганиб, Иқлидус (Евклид) таълимоти билан танишгани, унинг тавсияси билан “Форобийни ўқиб тушунадиган”, “шаҳарма-шаҳар кезиб юривчи жаҳонгашта файласуф” Абу Абдулло Нотилийдан мантиқ илмини ўргангани ҳам мана шу оққан дарёнинг яна оқа бошлаганидан далолатдир. Тўққиз яшар Ҳусайнни Маҳмуд Массох таълимига топширишни маслаҳат қилар экан, отаси Абдуллонинг онаси Ситорабонуга: “Мақтабда илми динни ўрганди, энди дунёвий илмларни эгалласин. Болалигида унинг миясига илм уруғи қадалса, кейин сермева дарахт бўлиб униб чиқмай” дейишидан бир неча фикрлар англашилади. Биринчидан, ота-она ўглининг илм ўрганишга йўналтириб, унинг келажаги ҳақида қайғуришяпти. Иккинчидан, Ўрта асрларда мактаб ва мадрасаларда аввал диний, сўнг дунёвий илмларни ўрганиш урф бўлгани таъкидланяпти. Дарҳақиқат, Маҳмуд Массох билан илк учрашувида тўққиз яшар Ҳусайн Қуръонни ёд билишини, бироқ хандаса илмининг асосчиларидан бири Иқлидуснинг ҳатто исмини ҳам эшитмаганини айтади. Учинчидан, ёш Ҳусайн дунёвий илмларни тўққиз ёшдан ўргана бошлаганига урғу қилиняпти. Бу ҳолатларни китобхон ҳозирги даврга қисёслаб қимматли хулосалар чиқара олади. Икки йилда устози Маҳмуд Массохдан бор билимларини ўрганиб олган Ҳусайннинг “Эмди доиранинг сатҳини ўлчашни ўргатинг”, деган саволига жавоб беролмаган устоз уни ўзидан ўткирроқ муаллим – Абу Абдулло Нотилийга оширади. Шу ерда бир фикрни таъкидлаш жоизки, асарда устози Маҳмуд Массохга ёш Ҳусайннинг “Улғайганимда табиб бўлурман, илми ҳикмат ўрганурман”, дейиши сабаби очилмай қолгандек. Яъни, Ҳусайнни келажакда “Тиб қонунлари”дек оламшумул асар ёзган Абу Али Ибн Сино (лотинчада Авиценна) бўлишга ундаган илҳомбахш восита келтирилмагандек. Аммо ўтмишда “табиб” сўзини “шифокор, тиббиётчи” каби тор маънода эмас, ҳам табиат, ҳам жамият қонунларини билувчи ҳаким, одамнинг жисмоний ва руҳий ҳасталиқларини даволовчи мутахассис сифатида тушунилганини ҳисобга олинса, Ҳусайн келажакда қатта ҳаким, қатта олим, қатта файласуф, “илми ҳикмат” соҳиби бўлишни орзу қилгани англашилади.

“Маърифат дарвозаси” боби тагин бир жиҳатдан эътибор ва таҳсинга лойиқ: унда Маҳмуд массох тилидан бугунги кунда бутунлай бошқача маъноларни англаувчи мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас сингари бир қатор хандасавий атамаларнинг туб луғавий маънолари, Абу Абдулло Нотилий тилидан эса, мантиқ илмидаги маъқулот, мақбулот, маҳсулот сингари атамаларнинг туб луғавий маъ-

нолари тушунтириладики, бу фақатгина тўққиз яшар болакай Хусайн учунгина эмас, бугунги куннинг не бир тилшунос олимлари учун ҳам кимматли маълумотлардир. Нотилийнинг биринчи дарсида “маъқулот” тушунчасини содда мисолда тушунтириб бергани ҳам Нотилийнинг, ҳам Мирқарим Осимнинг илми жуда чуқурлигидан далолат беради. Бутун нондан бир бурда синдириб, қайбири катталигини сўраган устозига Хусайн чеккаси ушатилган ноннинг катталигини айтгач, устоз шундай хулоса қилади: “Хар бир бутун ўз бўлагидан катта бўлур. Бу чинлигига шубҳа туғилмайдиган билим. Уни исбот қилиб ўтиришнинг хожати йўқ. Буни илми мантикда маъқулот деб атайдурлар”. Юнонча “аксиома” сўзининг арабчада “маъқулот” деб аталиши, арабча атама ўзбек китобхониға тушунарлироқ экани табиий, зеро у тўғри ва нотўғрини “маъқул” ва “номаъқул” сўзлари билан таърифлайди-да. Нотилийнинг келаси дарсларда “мақбулот”, “маҳсулот” каби тушунчаларни таҳлил қилишини айтиши, мантик илми ёшу қарига зарурлигини таъкидлаши, бунга жавобан Маҳмуд Массохнинг “баъзан шундай чоллар учрайдурки, на сўзларида мантик бор, на ишларида” дейиши орқали муаллиф ҳам бу муаллимларнинг чуқур илми ва тажрибаларига, ҳам “акл ёшда эмас, бошда” деганларидек, гапни ишида мантик бўлмаган чол ҳам обрўсиз бўлишига ишора қилмоқда.

Бобда Хусайннинг биринчи ва иккинчи хусусий ўқитувчилари Маҳмуд Массох ва Абу Абдулло Нотилийнинг суҳбати орқали бир ибратли воқеа ҳикоя қилинади. Хусайн Аристотелнинг “Мобаъдат табиа” китобининг биринчи бобини ўқиб тушунмай, устозидан уни тушунтириб беришни сўраганида Нотилий ҳам ўқиб тушунмайди. Шундан кейинги устознинг иқрори нафақат шогирднинг фавқуллода зеҳни ва илмга чанқоклиги, балки устознинг ҳамияти, орияти, нафсонияти, инсоний шаъни, чинакам жаҳонгашта файласуфлигини ҳам тиник кўзгуга солиб кўрсатувчи ажиб аломатдир: “Аристотелисни ўқимокқа ҳали ёшлик қилурсан, деб китобни қайтариб бердим. Натижада менинг устодлик шаънимга доғ тушиб, орадан самимият кўтарилди. Уларнинг уйдан кетмок ниятидаман. Сўраб-сўроқлаб бошқа бир талаба топдим, бадавлат одамнинг боласи”. Нотилийнинг Маҳмуд массохга айтган бу гапидан унинг қалби кўзгудагидек кўриниб турибди, дейиш мумкин. Мана шундай шогирдга билим бериш иштиёқида турган, бунга ожиз қолганида эса, ўзидан билимдонроқ устозга ўрнини бўшатиб, йўлда тўғанок бўлмай, четга чиқишни инсоний бурчи деб билган чинакам устозлардангина Ибн Синодек алломалар етишиб чиқади. Шогирдининг дунёқарашини ўзининг дунёқарашидан ҳам торроқ доирада ушлаб тураверадиган, устаси фаранг, ноқобид, носамимий, ичитор ва хасадгўй устозлардан эса, табиийки, устоздан ҳам қалтабинроқ шогирдлар чиқади. Жаҳонгашта файласуф Нотилий, шогирднинг кизикишига қараб, унинг отасига “Ўғлингиз менинг бор билимимни қоқиб олиб бўлди, энди уни бир табибга шогирд қилинг” деб маслаҳат бергани яна-да ибратлироқдир. Шундай қилиб, Хусайннинг учинчи хусусий ўқитувчиси Бухоронинг машхур табибларидан бири Абу Мансур Қамарий бўлади. Бу табибнинг отага айтган бир гапи, худди Нотилийнинг гапларига ўхшаб холис ва самимийлигини қафтдагидек аён кўрсатиб турибди: “Агар ёнимда юриб, тибби амалиини ўрганса, кечалари Жолинуснинг китобларини мутолаа қилса, максудига етгай”. Бу учинчи устознинг аввал отасининг томир уришидан биров уни хафа қилганини, сўнг ўзининг томир уришидан сувда чўмилганини топиши Хусайнни хайратда қолдиради-да, у шундай аҳд қилади: “Хусайн томир уришидан одамнинг ички ҳолатини биладиган янги устодига хурмат аралаш хайрат билан қараб, унинг касб-хунарини эгаллаб олишга аҳд қилди. Маърифат дарвозасидан илм-

фаннинг тиканли гуллари билан копланган чаманзори кўзига ташланиб турар эди”. Қамарийнинг берган сабоғини, юқорида таъкидлаганимиздек, Хусайнни табобатга қизиктирган илҳомбахш восита деса бўлади.

Биринчи бобнинг “Маърифат давозаси” деб номлангани бежиз эмас. Худди “Зулмат ичра нур” киссасидаги йигирма учта хикоя каби, бу киссадаги бобларнинг ҳар бири алоҳида хикоя сифатида ҳам мавжуд бўла олади. Масалан, шу биринчи боб маърифат дарвозаси олдида турган тўққиз яшар болакайнинг аҳвол-рухияси ва феъл-атворини кўз олдингизда яққол бадий гавдалантира олади.

“Китобга ихлос” деб номланган иккинчи бобда Ибн Синонинг ўн етти-ўн саккиз ёшлик даври каламга олинади. Унда кейинчалик кўпгина ёзувчилар кўп бора қайд этган бир тарихий воқеа – Ибн Синонинг бир кампирдан Форобийнинг “Фусуси ал-хикам” китобини сотиб олгани, китобда Арастуниг “Мобаъдат табиа” китоби шарҳлангани, шу шарҳнинг шарофати билан бир пайтлар ўзи ўқиб тушунмаган, ҳаттоки файласуф устози ҳам тушунмаган китобни оппа-осон тушуниб олгани тасвирланади. Мирқарим Осимнинг шу ҳолатни нақадар жонли тасвирлашига қойил қолади киши ва шу ҳолатни бошидан ўтказган одам тўла тушуна олади: “Хонтахта устиди милтиллаб ёнган шамнинг сарғиш нури остиди ўн етти-ўн саккиз ёшли бир йигитча мутолаа қилиб ўтиради. Унинг котмадан келган тиник юзида, катта-катта кўзларида заковат нури порлайди. Назари сатрлар оралаб йўрғаларкан, хазина топган кишидек қўллари аста титрайди, юзига ғалати табассум югуради, кенг ва ёрқин пешонасида маржондек терлар пайдо бўлади. У бутун коинотни унутган, фикри зикри сатрлар орасига яширинган сирларни топиш ташвишида”. Шунингдек, хикояда ёш табибнинг Бухоро амири Нух бинни Мансурни даволаб, унинг “Тила тилагинни” деган илтифотига жавобан сарой кутубхонасида мутолаа қилиш имконини тиллагани тасвирланади. Подшоҳнинг аҳволини текширар экан, уни Мовароуннаҳр подшоҳи эмас, балки оддий касал дея хисоблаши, подшоҳга номуносиб саволлар бериши (сабаби подшоҳнинг бавосир, яъни гемморой касали ҳам бўлади), сўнг подшоҳга аччиқ овқат, ичкиликдан тийилиб, кўпроқ ширғуруч еб, хўл мева истеъмол қилишини, ўзи тайёрлаган доридан истеъмол қилишини тайинлаши ҳам Ибн Синонинг тиббиёт илмини пухта эгаллаб подшоҳни даволаш мавқеига эришганини кўрсатади. Подшоҳ ўз кутубхонасидан фойдаланишга изн берар экан, айтган бир гап, сидқидил икромнинг тағзамини ғоят теран: “Умримда пулдан ҳам илм-урфонни юқори қўятурган одамни биринчи кўришим”. Лекин, афсус, Ибн Синонинг сарой кутубхонасида мутолаада кечирган саодатли онлари кўпга чўзилмайди. Ўн етти ёшида касалманд отасидан жудо бўлгани, ўзи энди етишган сарой кутубхонасининг мутаассиб диндорлар томонидан атайин ёқиб юборилгани ва бу қилмиш айнан китобга ихлоси чексиз ашаддий китобхонга тўнкалгани, ниҳоят, Бухорони Қорабугроҳон бошлиқ кўчманчилар босиб олиб, илм-фан ахлини қувғин қилгани – кетма-кет содир бўлган бу кўргиликлар сабаб Ибн Сино Бухорони тарк этиб, жаҳонгашталиққа юз тутайди.

Х асрада Бухоро кутубхонаси Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда бекиёс хисоблангани, унда кадимги Юнонистон, Ҳиндистон олимларининг араб тилига таржима қилинган асарлари сақланиши, унинг ҳар бир хужрасида бир фанга доир китоблар қатор-қатор сандикларда сақланиши ўша даврдаги кутубхоначилик ҳақида ёрқин тасаввур беради. Айниқса, Ибн Сино мачит имоми ва мулла билан дин ва илм бобидаги бахслашиши, унинг қайта-қайта мот қилганларига чи-долмаган жоҳил имом “Илоё, китобхонага ўт тушиб кетсин, сен жувонмарг бўл!” деб қарғашни ўша давр олимларига қанчалик қийин бўлганини кўрсатади. Бунга жавобан Ибн Сино “Мен беш-ўн эмас, юзлаб китобни ўқиб, мазмунини миямга



жойлаб олдим. Мабодо китобхонага ўт тушиб кетгудек бўлса, ундаги китобларни қайтадан ёзиб, сандикларни яна тўлдирмоққа қодирдурмен” дейишидан мулла билан имом “мабодо китобхонага ўт тушиб кетса” деган қисмини ажратиб олиб балоҳўрлик қиладилар. Ҳозирги тил билан айтганда бу ҳам “қутку қилиш” (провокация), ҳам “контекстдан ўзи олиш” ва тухмат қилиш. Кўп ўтмай кутубхонага ўт тушганда Ибн Синонинг ўзини ўтга-чўққа уриб китобларни сақлаб қолишга уриниши, ахйри ярим-ёрти қуйган бир неча китобни қўлтиклаган кўйи уйига кетаётди худди яқин бир кишисини кўмиб, қабристондан қайтаётгандек ҳис қилиши тасвирланган ўринлар китобхоннинг кўнглини ўртаб юборади. Ҳикоя сўнггида уни Хоразмга кузатиб қолган онаси Ситорабонуга “Онажон, шул китобни бирон серижтиход толибул илмга совға қиларсиз” дея Форобийнинг “Фу-суси ал-ҳикам” китобини қолдиргани “Китобга ихлос” ҳикоясининг рамзий маънога эга мантқиқий якунидир. Бу билан ҳам Форобийнинг китобига, ҳам Бухоро кутубхонасидаги китобларга ихлос назарда тутиляпти, албатта.

Қиссадаги учинчи ҳикоя “Хоразм бўсағасида” деб аталади. Хоразмшоҳнинг вазири, қонуншунос олим Абулҳусайн ас-Сухайлийнинг “Байтулҳикмат сандиғидаги жавоҳирларга қимматбахо дуру гавхарнинг келиб қўшилганидан беҳад мамнунмиз”, деган гапига жавобан Ибн Синонинг сидқидил гаплари қахрамоннинг кўнгил кўзгусигина эмас, байтулҳикматдаги яқин сафдошлари хусусида ўқувчиға берилаётган қимматли маълумотлар ҳамдир: “Сиз каби улуг олим мендек фақир ва ҳақир мусофирни мамнунлик билан кутиб олгани учун бошим осмонга етди. Риёзиёт бўйича тенги йўқ олим Абу Наср Ирок, илми ҳайъатда қадимги юнон олимлари даражасига эришган Абу Райҳон Беруний, машҳур табиб Абулхайр Ҳаммор, файласуф Абу Саҳл Масихий ва бошқалар қаторига келиб қўшилганим учун ўзимни бахтиёр ҳисоблаймен”. Абул Аббос Маъмун саройидаги байтулҳикматда Абу Али христиан динидаги Масихий ва ўзидан етти ёш катта Абу Райҳон Беруний билан эндиғина дўстлашиб олганида бу бахт ҳам узокқа чўзилмайди. Абул Аббос Маъмуннинг қайноғаси Маҳмуд Ғазнавий байтулҳикмат олимларини Ғазнага ўз хузурига жўнатишни талаб қилади. Масихий билан Ибн Сино золим Ғазнавий саройига боришдан бош тортиб, тезда Хоразмни тарк этадилар. Шу қисқа даврда Ибн Сино билан Берунийнинг илм юзасидан қилган қизгин муҳокамаю мунозаралари ҳар икки олимнинг юксак салоҳиятини кўрсатади. Ибн Сино Арастунинг “ер юзида бўшлиқ йўқ” деган даъвосини рад қилгани сабабини сўраганида Беруний буни шундай оддий ва яққол тажрибада исботлайди: шиша ичидаги ҳавони сўриб олиб, унинг оғзини бармоғи билан дарров беркитади, сўнг сувга тўнкариб бармоғини олганда сув аста-секин кўтарилиб шишани тўлдирди. Беруний буни шундай изоҳлайди: “Кўрдингми? Шиша ичида бўшлиқ пайдо бўлгани учунгина сув кўтарилиб кириб олди. Бундан чиқди, ер юзида ҳам, қоинотда ҳам бўшлиқ бўлишини инкор этиб бўлмас экан”. Бироқ табиат қонунларини яқши билган Ибн Сино бўш келмайди, ҳавони сўриб олаётганида шиша ичидаги ҳаво қизигани ҳамда қўлининг иссиғи шишага ўтгани боис ҳароратдан шиша кенгайгани туфайли унинг ичига сув қирган бўлиши мумкинлигини айтади. Шунда Беруний бу фаразнинг нотўғрилигини ҳам осонгина исботлайди: бўш шишанинг оғзидан пуфлайди, сўнг тўнкариб сувга ботиради, бироқ ичига сув қирмайди. Буни у шундай изоҳлайди: “Кўрдингми? Мен пуфлаганимда шиша ичидаги ҳаво ҳаракатга келиб уни иситган ва кенгайтирган бўлиши керак, аммо ичига сув қирмади-қу”. Ҳикояда бу икки алломанинг аввалдан ўзаро хат ёзишиб бундай илмий муҳокамалар қилиб қилиши баён қилинади. Айниқса, Беруний Журжон шаҳрининг узунлиги ва кенглигини белги-



лашдаги хатосини кўрсатганида Ибн Сионинг “Бу соҳада Абу Райхон Беруний каби алломаларга етиб олиш учун кўп ишлашим керак экан” дея ўйлаши чинакам олимнинг ўз камчилигини мардонавор тан олиши ва ўз билимини оширишда янаям ғайрат килиши кераклиги хақидаги тўғри хулосасидир.

Хикоя нима учун “Хоразм бўсағасида” деб аталган, ахир воқеа бўсағада эмас, салтанат пойтахтида кечади-ку, деган савол туғилиши мумкин. Ўйлаб карасангиз, бунинг сабаби тушунарли. Биринчидан, ҳар бир улуг салтанатнинг пойтахти, қадим туркий атамалар билан айтганда, остона ёки бўсағадир. Иккинчидан, Абул Аббос Маъмун асос солган байтулҳикмат, яъни, Хоразм Маъмун академияси, аслини олганда, қадимий Хоразмнинг “Авесто”дан қолган оламшумул илм қошонасининг ўзига хос бўсағаси, дейиш мумкин.

“Хатарли йўл” деган ихчамгина тўртинчи хикояда Масихий ва Ибн Сино ҳукмдор кўшиб жўнатган йўлбошловчи билан бирга чўлда кумбўронга дуч келишгани тасвирланади. Муаллиф чўлни, ундаги сайёҳларни шундай табиий гавдалантирадики, китобхон гўё бадний фильм томоша қилиб ўтиргандек хис қилади ўзини. Ибн Сино самовий жисмларнинг ҳолатларини кўриб ҳаво айнашини, фалокат юз беришини олдиндан башорат қилади. Дарҳақиқат, эрта тонгда қушлару судралувчилар ғойиб бўлиб, қаттиқ шамол туради, еру осмонни қум қоплаб, оламини қоронғилик босади. Йўловчилар чакмонларига бурканиб ётадилар. Орадан икки соат ўтгач кумбўрон такка тўхтайти. Кумбўрон барча йўлларни кўмиб ташлаган. Йўлбошловчи ҳам гангиб қолади. Бунинг устига, кун қиздира бошлайди. Сайёҳларнинг сувлари тугайди. Қум қоплаган қудуқларни топишнинг иложи йўқ... Бехуш ётганларида яқинларидан ўтаётган қарвоннинг бошлиғи уларни кўриб ёрдамга келади. Натижада йўл азобларидан тинкаси қуриган кекса Масихий вафот этгани маълум бўлади. Уни қумга қийими билан кўмиб, Ибн Сино билан йўлбошловчи қарвон аҳли қаторида Абивард шаҳрига етиб оладилар. Гурганждан бирга келган йўлбошловчи ортига қайтади. Ибн Сино эса Тус шаҳрига йўл олади. Бу хикоя, аслида, байтулҳикматдаги сафдошларидан ажралиб, уларга эгаллик қилиш иштиёқидаги дасти узун ҳукмдор Махмуд Ғазнавийга қарши ўзича исён қилган аллома қадам қўйган ишончли пуштипаноҳсиз, химоясиз, шарҳи билан ўта хатарли йўлнинг бошланиши эди.

Бешинчи хикоя “Дард ва дармон”да Нишопурдан Журжонга келган Ибн Сионинг бошидан кечирганлари қаламга олинади. Бобнинг биринчи бўлимида буюк табибнинг ўзини хўкиз деб хаёл қилаётган бир ақли ноқисни қандай даволагани нақл қилинади. Дард қанчалик антика бўлса, дармон ҳам шу қадар антика: Ибн Сино ўғлини даволатиш умидидаги қолнинг уйига қассоб қиёфасида бориб, беморнинг оёқларини боғлаб ерга ётқизади-да, “Хўкизингиз жудаям озғин экан, бунинг семиртиринг, бундай озғин хўкизни сўйишдан ор қиламан”, дея қолга тегишли маслаҳат ва дармондори бериб кетади. Айниқса, Ибн Сионинг “Хўкирман деса индаманг, девонага элтироз билдириб бўлмайду, “Хўп”, денгу ишингизни битираверинг”, деган маслаҳати жуда самарали ва ҳаётий. Букрини қабр тўғрилайди, тентакка қонун йўқ, деганларидек, мияси айниган одамга, хоҳ у шох бўлсин, хоҳ гадо, қаршилиқ қилиб уни тўғри йўлга солиб бўлмайди. Уришқоқ-жанжалқашларни ҳам худди итнинг жунини терсига эмас, ўнгига силагандек “сен яхши, сендан ит яхши” деб унинг фикрини маъқуллаш туриб эҳтиёткорлик билан тўғри йўлга солинади-да. Кейинги боришида қараса, “хўкиз” тушпа-тузук соғайиб қолган. Қол билан Ибн Сионинг бўлим яқунидаги суҳбати яна-да антиқароқ: “– Илоё, соғайиб кетгани рост бўлсин. Фаҳмимча бундан кейин, мен хўкирман деб айтмайду, қариганида айтмаса... – деб мутойиба қилди табиб. – Қариганларида соппа-соғ одамлар ҳам ўзларининг хўкиз эканликларини пайқаб қоладурлар, – деб ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди қол”.

Бу мутойибанинг мантикий тағзамини ғоят пухта. Дарҳақиқат, жиннини соғайтиришининг йўллари кўп, Ибн Сино шу йўллардан биттагинасини амалда қўллаб турибди. Лекин ўзини жинни деб ҳаёл қилаётган ва ё атайин жинниликка солаётган соппа-соғ одамни даволаб соғайтириш... осонми?! Бу оламдаги энг оғир дард, хаттоки ўлим билан буюклик дарди – юлдузлик касалидан ҳам оғирроқ дард мухаббат дардидир. Бу дарднинг турлари ҳам кўп, демакки, уларни даволаш йўллари ҳам! Ибн Синонинг ҳеч бир табиб даволаёлмаган “хўкиз”ни даволаганини эшитган Журжон вилояти ҳокими Қобус ўзининг хаста жияни Абдулвоҳидни ана ўша зўр табибга кўрсатишни буюради. Бир қарашдаёқ дарднинг нималигини билган буюк ҳакимнинг шифо усули моҳияти хикояда анчагина шоирона оҳангда очиб кўрсатилади: “У мухаббат ҳайкалтароши ўзининг пичоқчаси билан йигитнинг қалбига қайси жононнинг номини ўйиб ёзганини билмоқчи бўлди”. Билиш усули ўта оддий! “Бемор”нинг томирини ушлаб туриб, аввалига бир билагонга шаҳарнинг ҳамма гузарлари номини айттиради. “Сўзангарон” гузари тилга олинганида йигитнинг томир уриши тезлашиб кетади. Кейин бу гузар оксоқоли Шамсуддинни чорлаб, гузардаги ҳамма оила бошлиқларининг исмларини айттиради. “Алоиддин” номи тилга олинганида йигитнинг томир уриши тагин тезлашиб кетади. Ана ўша Алоиддиннинг оила аъзолари орасида “Роҳила” исми тилга олинганида “бемор йигитнинг томири санаб бўлмаслик даражада уриб, ўзи хушидан кетиб қолади”. Мухаббат дардидан бемор қалбнинг ботиний сир-асрорини – юрак уришини билиб олишнинг бир қарашда жуда осон, лекин чинакам буюк ҳакимгина уддалай оладиган “йўли” бу! Ҳозирги пайтда бу тиббий усул кенг қўлланилади. “Ёлгон детектори” деб номланган асбоб одамнинг рост ё ёлгон гапираётганини юрак уришидан аниқлаб беради. Хукмдор жиянининг дарди мухаббат эканини билгач, у қизни аслзода йигитга номуносиб деб тахмин қилиб Ибн Синодан мухаббатдан халос қиладиган дори сўрайди. Шунда хукмдор Ибн Синонинг бундай дори йўқлигини, агар уйлантирмай вақтни бой берса, касали жигарга ўтиб жиянидан айрилиб қолишини айтгандагина уйлантиришга кўнади. Бу лавҳанинг ҳам мазмуни теран. Одамнинг кўнгли шу қадар нозик ва сирлики, уни Яратгандан бошқа ҳеч бир зот ўқиб билолмайди ҳам, бўйсундирилмайди ҳам.

Ҳар қандай мушкул муаммони оппа-осон ҳал қилиб, энг оғир дардни енгилгина даволай оладиган буюк ҳаким ҳам гоҳида кетма-кет ҳаёт зарбаларидан эсанкираб қолади. Чунончи, укаси Маҳмуддан онаизорининг вафоти хабарини эшитиб қуюнади. Қобуснинг аъёнлари исён кўтариб, бир тунда саройга бостириб кириб, хукмдорнинг ўрнига унинг ўғли Манучехрни тахтга ўтказганларида, азбаройи ўз жонини омон асраш учун, Мозандаронга қочиб кетади. Бу шаҳарнинг рутубатли ҳавоси сабаб касалга чалиниб тагин Журжонга қайтишга мажбур бўлади. Ибн Синонинг шогирди Абу Убайдга “Озодлик, эркин фикр юритиш буюк бахт, подшолар, аъён ва акобирлар қизиб берган йўлдан четга чиқмаслик улуг бахтсизлик. Мен “гаҳ!” деганда кўлга қўнадурган куш эмасман. Ожиз одамларгина ўз қисматларига қўниқиб кетгайлар”, деган гапи нафакат ўзининг, балки барча олиму фозилларнинг дунёқарашини яққол кўрсатади. Улуғ ҳаким Арастунинг “Афлотун менга дўст, лекин ҳақиқат афзалдур”, деган ҳикматли гапи ҳам кўрсатиб турганидек, чинакам олим ҳамиша ўзининг мустақил фикрига эга бўлиши лозим. Олим бировнинг фикрига қарам бўлдими, тамом, у золимга айланади. Шундай олимлар ҳақида Аҳмад Яссавий “Охирзамон олимлари золим бўлди”, дея ўрганиб ёзган-да. Ибн Сино Журжонга қайтиб соғлигини бир нави тиклагач, ўзининг “Авсати Журжоний” асарини ёзади. Бироқ бу асар бизгача етиб келмаган. Ҳавоси шифобахш Журжонда эндигина соғайганида Манучехр

Махмуд Ғазнавий номини хутбага қўшиб ўқитиб, ўз ихтиёри билан Ғазнавийнинг хокимлари қаторига ўтади. Энди Махмуд Ғазнавийга яхши кўриниш учун ўзини унга тухфа қилишини билгани боис, буюк ҳаким садоқатли шогирди Абу Убайд Жузжоний билан Рай шахрига – малика Сайида паноҳига “қочиб қутулмокчи” бўлади. Ҳикоя сўнггида Ибн Сино тилидан айтилган битта гап буюк ҳакимнинг кўнгил бисотини ёзиб кўрсатишдан ташқари унга оддийгина тирикликнинг нақадар мушкуллашиб бораётганини ҳам аён кўрсатиб турибди: “Манучеҳр каби юзта эркакдан Сайида каби битта оқила аёл минг маротаба яхшироқ. Унинг қаноти остидагина жон сақлай оламан”. Ўзи паноҳга мухтож ожиза аёл кишига пуштипаноҳ деб қарашга мажбур бўлган буюк ҳакимнинг аҳвол-руҳиясини тасаввур қилиш мушкул эмас, албатта.

Шундай қилиб, “Дард ва дармон” ҳикоясининг номи буюк табиб даволаган беморлар дардидан ҳам кўпроқ ўзига, қаҳрамоннинг “жон сақлаш”дек “шаҳсий дарди”га тааллуқли бўлиб, дардга дармон кидирган буюк табибнинг танг аҳволини аён кўрсатиб турибди.

“Савдойи шахзода” номли олтинчи ҳикоя теран рамзий маънога эга бўлган гап билан бошланади: “Рай – тепасидан доим дуд чиқиб турадиган Димованд тоғи этагида жойлашган қадимий шаҳар одамларининг эътиқодича, бу тоғ афсонавий шох Заҳҳокнинг қабри эмиш!” Золимлик тимсоли афсонавий Заҳҳокнинг қабри бўлган, айни шу боисдан “оҳи осмонга чиқиб турган” тоғ бағридаги аёл ҳукмдорлик қилаётган шаҳардан нажот қутишни оқибати нима бўлади энди? Устоз билан шогирд бу шаҳардаги Таборак қалъасига кўтарилиб, “пастда ясланиб ётган учбурчак шаклидаги шаҳарни томоша қилдилар”. Қўштирноқ ичидаги гапга диққат қилинг! “Ясланиб ётган учбурчак”, баайни Бермуд учбурчагидек, не бир куч-қудрат ва руҳий қувват соҳибларини ўз қомига тортишга қодир! Кечкурун қарвонсаройнинг иккинчи қаватидаги хужрада (энг ғариб-ғурабо мусофирларга мўлажалланган хужрада!) дам олиб ўтирганларида шогирд устоздан “Малика Сайиданинг хузури олияларига қачон борурсиз?” деб сўраб қолади. Буюк ҳакимнинг бунга жавоби аниқ, бу жавоб тоза кўнгил кўзгусидек тиник: “Ҳеч қачон, – деди Ибн Сино бошини баланд кўтариб. – Керак бўлиб қолсам, ўзи мени чакиртириб олар. Ҳеч қачон ҳукмдорлар хузурига бош эгиб борган банд эмасман..”

Ибн Синонинг Райда даволаган беморлари орасида “Ичимга илон қирган, юрак-бағримни емоқда” деб хаёл қиладиган бир савдойини қандай даволагани алоҳида ажратиб тасвирланади. Бундаги илон сўзи шунчаки судралувчи жониворнигина англатмайди, балки “нафс илони”, “балойи нафс”ни англатади. Баднафс кимсалардан “Ичингда илонинг борми, нима бало!” деб сўралиши бежиз эмас, албатта. Муаззам Шарқ фалсафасида жажл-жаҳолат – арслонга, балойи нафс – илонга, инсон руҳини ғорат қилувчи жами қирқта руҳий иллатлар – қирқ қароқчига нисбат берилган. Буюк ҳаким ўша савдойининг ичидаги илонни тоғорадаги сутга “тушириб”, унинг кўзига кўрсатади ва шу йўл билан даволайдики, бу ҳам рамзий маънодадир. Хом сут эмган бандга ичидаги илонини “тушириб”, “Мана сенинг ичингдаги илон – балойи нафсинг!” дея уни кўзларга аён кўрсатиш ва шу йўл билан даволашга Ҳазрати Султон Аҳмад Яссавийдек авлиёлар сарвари билан Абу Али Ибн Синодек шайхурраисгина қодир!

Бухоролик буюк ҳакимнинг бир беморнинг ичидаги илонини тириклайин туширгани ҳақидаги гап-сўзлар малика Сайиданинг қулоғига ҳам етиб боради. Ҳукмдор бўлса-да, бу аёлнинг ҳам ўзига етгулик дардлари бор! “Рай, Ҳамадон, Исфохон ва Кўҳистоннинг ҳукмдори Фаҳруддавла йигирма бир йил ҳукм суриб вафот этганидан кейин тахти унинг балоғатга етмаган ўғли Маж-

дуддавлага қолди”. Бу гаптаги “Фахруддавла” ва “Маждуддавла” сўзлари, яъни, атоқли отларнинг туб луғавий маъноларига эътибор беринг! Давлатнинг фахри вафот этиб, давлатнинг мажиди ҳали балоғатга етмаган! Бунинг устига, у савдойи! Бошига мушкул савдо тушган она ночор-ноилж эридан қолган давлатни бошқаришга ва уни қўшни қудратли давлатнинг ҳукмдори, дасти узун золим Маҳмуд Ғазнавийнинг таҳдидларидан жон-жаҳди билан ҳимоя қилишга мажбур! Бу олтмиш ёшга бориб қолган аёлнинг Маҳмуд Ғазнавий элчисига берган жавоби унинг накадар доно ва тадбиркорлигини кўрсатади. Эри тириклигида Маҳмуд Ғазнавийнинг бостириб келишидан қўрқганини, бироқ энди қўрқмаслигини, сабаби агар жангда ўзи зафар қозонса, “юзта подшоҳни енгган Маҳмуд аёлга енгилбди” деган таънага, бордию у зафар қозонса, “аёлни енгилбди” деган маломатга қолишини айтади. Яъни, оғизга аёл билан тенг бўлиб, эрақакнинг ишини қилмабди, дейишларига ишора қиляпти. Ибн Синони саройига тақлиф қилар экан, агар буюк ҳаким савдойи шахзодани даволай олса, ўзининг ожизгина зиммасидаги юртни бошқариш мажбуриятини бажонидил ўғлининг зиммасига топширишга тайёр у. Савдойи шахзоданинг ҳаётий ақидаси шундай: “Ўтиргандан ётган яхши, ётгандан ўлган яхши, ростдан ҳам ҳаётдан ўлим афзал”, дейди у. Энди бу ҳаётдан ўлимни афзалроқ кўриб турган шахзодани қандай қилиб ҳаётга қайтарса бўлади? Буюк табиб ўйлаб топган шифо усули одатдагидек жуда оддий: худди баднафснинг кўзига балойи нафс илонини кўрсатганидек, инсоний тириклик учун керакли жамики ноз-неъматлар атрофида муҳайё бўлгани сабаб “яшашдан тўйган”, молихулё (меланхолия) касалига гирифтор бўлган савдойи шахзоданинг кўзига ўлим дахшатини кўрсатиб, уни ўлимдан қўрқитиб, ҳаётга муҳаббатини уйғотиш керак! Буюк ҳаким ўйлаб топган “шифо усули”дан кейин савдойи шахзоданинг кўнглида уйғонган дастлабки хоҳиш шароб ичиш бўлади. “Икки қултум шароби ношдан кейин ҳаёт шахзоданинг кўзига камалакдек рангбаранг ва гўзал кўрина бошлади”, дейилади ҳикояда. Ҳаётда шундай, “олдиндан оқкан сувнинг кадри йўқ” деганларидек одам ўзига кадрили нарсани йўқотганида унинг кадрини англаб етади-да, афсуслана бошлайди. Бу гаптаги “шароб” шунчаки май, шаробни ичаётган одам эса, майхўр эмас, “шароби ноб”, яъни, Умар Хайём рубоийларида тараннум этилган илоҳиёт майидир. “Ҳукмдорлар – Худонинг ердаги соялари” деган гап бор. Бу “соялар” ана ўша илоҳиёт майдан ичганларидан кейингина шунчаки соя эмас, қудратли бир кучга, ҳам рухий қувват, ҳам жисмоний куч-қудрат сохибига, кировий ҳукмдорга айланадилар. Ана ўшандай одамнинг “кўзларида ҳаёт шами порлаб, юзи ёришган” бўлади. Буюк ҳаким савдойи шахзодани даволаб, малика Сайида давлатида катта мавкега эга бўлгач, Бухорода танг аҳволда қолган иниси Маҳмудни хузурига чорлайди. Ҳикоя ака-уканинг суҳбати билан ўзининг мантикий якунига етади. Бу ерда Мирқарим Осим ҳаёт ҳақиқатига катъий риоя қилган ҳолда “Зулмат ичра нур” киссасига нисбатан моҳиятга яна-да теранроқ кириб боради: агар Алишер Навоий билан укаси Дарвишала кўп ҳолларда ўзаро тил топишолмаган бўлса, Ҳусайн билан Маҳмуд, агар муқояса қилинса, қадимий Турк хоқонлигига асос солган Бумин хоқон билан унинг укаси Истеми хоқон ва Иккинчи турк хоқонлигини янги юксаклигига кўтарган Билга хоқон билан унинг укаси Қултегинга ўхшаб, ўзаро тил топишиб, бир ёқадан бош чиқара оладилар. Афсус, бу ака-укалар ҳукмдор, салтанат сохиблари эмас, малика Сайиданинг мурувватидан умидвор бандан ожизларгина!.. Айниқса, Ҳусайннинг шиа мазҳабига мансуб укасига берган ўғити китобхонга кўп маълумот беради: “Қаерда бўлсанг ҳам тилингни тийиб юр, ҳамма билан тотув яшаб бўлмайду. Бул ерда ҳам шаҳар аҳолиси, амалдор, аёнлар

сунний – шофеий мазхабида, улар кўпчилиги шиа мазхабида бўлганларга нафрат билан қарайдилар ва уларнинг бор-йўғини тортиб олишга ҳаракат қиладурлар”. Биринчидан, бу акаларча ғамхўрлик. Иккинчидан, бу турли мазхаблар орасидаги зиддиятни таъкидлаш. Учинчидан, шаҳар аҳлининг кўпчилигига ҳос эътиқод ҳақида маълумот. Буюк ҳақимнинг укага ўғити замирида фикр ва эътиқод эркинлиги деганда аввало масъулият, бошқаларнинг фикрларини инobatга олиш, уларни ҳурмат қилишни, қолаверса, ўз фикрлариниyo эътиқодини бошқаларга зўрлаб тикиштирмаслик каби эзгу ғоялар яширинки, буни ҳамма ҳам англайвермайди.

Сезилиб турибдики, “Савдойи шахзода” факатгина Фаҳруддавла билан Сайиданинг бемор ўғли Маждуддавла ҳақида эмас. Бу ҳикоя замирида жамики савдойи шахзодалар, жумладан, бошларига ўта мушқул савдолар тушиб, улуг салтанатни пароканда қилган теурий шахзодаларга ишора ҳам бор.

Навбатдаги еттинчи “Ҳамадон сафари” ҳикояси, худди “Савдойи шахзода” ҳикояси каби, Рай шахрининг таърифидан бошланади: “Рай шахри тоғ ёнбағрига жойлашган, иклими мўътадил, гўзал шаҳар, лекин баъзан боди сабо шимол томондан эсганда Димованд чўккисидан чиқиб турган дуд шаҳарга тарқалиб, хавони бузиб, ҳаммани безовта қилар эди”. Бу гапдаги ҳар бир сўз камон ўқларидек тараф тортилиб, юзаки маънодан ташқари, тағмаъноларни ҳам англайиб турибди. Шу гап давомидан келтирилган ўхшатишдаги ҳар бир сўз, табиийки, яна-да теранрок: “Худди шунингдек, Маҳмуд Ғазнавий ҳукм сурган салтанат саҳросидан эса бошлаган совук шамол каттадан-кичикни саросимага солиб қўйди”. Тағмаънолардан бири шундайки, қулдан чиққан шох Маҳмуд Ғазнавийнинг зулмузғуми олдида гоҳо афсонавий золим Заҳҳокнинг фиғонидан дуд чиқиб кетгудек! Маҳмуд Ғазнавий малика Сайидадан ўзининг номига хутба ўқишни талаб қилгани, шу боис малика буюк ҳақимдан кўрган кўп яхшилиқлари эвазига унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қайниси, Ҳамадон ҳукмдори Шамсуддавла ихтиёрига жўнатишга аҳд қилади. Худди Фаҳруддавла ва Маждуддавла отлари каби, Шамсуддавла, яъни, “Давлат қуёши” оти ҳам тарихий шахс номи бўлиш билан бир қаторда адабий қаҳрамон сифатида Мирқарим Осим юклаган тағмаънони зиммасида кўтариб турибди.

Ҳикоянинг иккинчи бўлимида Ҳамадон томонга уч кун йўл юриб, Қўшқак довони остида тўхтаган уч йўловчи – буюк ҳақим, унинг шогирди ва укасининг аҳвол-руҳияси қаламга олинади. Жумладан, тонг-сахарда бадантарбия қилаётган устозининг айниқса, “ўз сояси билан курашиш” ва “тераққа жуволдиз санчиш” сингари янги “бадантарбия усули”ни зимдан томоша қилиб турган шогирд билан “водийнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, ўтин теришни ҳам унутиб қўйган” укасининг аҳвол-руҳияси таъсирчан ва тағдор қаламга олинади. Айниқса, Маҳмуднинг аҳвол-руҳияси чизиб кўрсатилган сўнгги жумла ғоят таъсирчан ва тағдор: “Узоқда тизза бўйи ўт ичиди турган кийик атрофни томоша қилаётган одамга шубҳа билан қараб, буталар орасига кириб кетди. “Қўлимда ўк-ёй бўлганда ҳам отмас эдим бу гўзал жониворни, – деб ўйлади Маҳмуд, кийик ғойиб бўлган томондан кўз узмай. – Ўзининг қисқа умрини шу хушманзара водийда тинчгина ўтказсин, эркинликдан маҳрум бўлмасин”. Бу лавҳа орқали Маҳмуднинг эрксуяр ва тинчликсеварлигини кўрсатишдан ташқари, уч сайёхнинг худди ўша кийикникидек аҳволларига ишора қилинмоқда. “Қайтар дунё” деганларидек кимки ўзгага эзгулик қилса, ўзи ҳам эзгуликка лойиклиги, зулм қилса, у албатта ўзига қайтиши уқтириляпти.

Маълум бўладики, малика Сайиданинг буюк ҳақимни қайниси Шамсуддавла ҳузурига жўнатишдан кўзда тутгани факатгина уни золим Маҳмуд Ғазнавий чангалидан халос қилиш эмас, балки соғлиги ночорлашган қайнисини буюк

ҳакимга даволатиш, қолаверса, қайнисини донишманд маслаҳатгўйга эга қилиш ҳам экан. Асабийлашгани сабаб овқат ҳазм қилишга қийналаётган ҳукмдор кулунж (йўғон ичак яллиғланиши) деган дардга мубтало бўлганини аниқлаб, уни даволагач, соғайган ҳукмдор “бир куни гапни айлантириб давлат арбобларининг қандай хусусиятларга эга бўлиши тўғрисида савол берди”. Бу саволга буюк ҳакимнинг жавобига диққат қилинг: “Ҳар қандай одам ҳам вазир ёки ҳоким бўлолмайду. Ҳукумат арбоблари соғлом, ростгўй, сўзга уста, иродали бўлишлари керак. Ёлғончи, фирибгар, пул йиғиш пайида юрган порохўр амалдорни ишдан бўшатиб юбориб, ўринларига фазилатли, зулмга, бойлик орттиришга нафрат билан қаровчи одамларни топиб қўймоқ лозим”. Бу гаплар муаллими соний Абу Наср Форобийнинг “Фозил шахар одамлари” рисоласидаги фозиликнинг муҳим белгилари ҳақидаги қимматли мулоҳазаларидан қолишмайди. Бу гапларни муносиб қадрлаган ҳукмдор, “Қани, шу фикрингни ўзинг амалга ошириб кўр-чи!” дегандек, буюк ҳакимни бош вазир қилиб тайинлайди. Энг зўр ниятни ҳам амалга ошириш хамирдан қил суғургандек осон бўлавермайди, албатта. Қолаверса, “Ёлғончи, фирибгар, пул йиғиш пайида юрган порохўр амалдорлар” жимгина ишдан бўшаб кетавермайдилар, аксинча, “Ётиб қолгунча, отиб кол” қабилда йўл тутиб, ана ўша энг яхши ниятлардаги энг яхши одамни ҳам ҳар боб билан ёмонотлик қилишга устаси фаранг бўладилар. Қарабсизки, орадан салгина ўтиб буюк ҳаким бош вазирлик ишидан ўз ихтиёри билан воз кечиб, “қочиб кутулади”. Ҳукмдор ҳам исён ташкилотчиларининг буюк ҳакимни вазифасидан озод қилиш талабини қондиришга мажбур бўлади. “Бир ёмоннинг бир яхшиси бор”, дейдилар. Бош вазирлик ғалваларидан халос бўлган буюк ҳаким Ҳамадоннинг энг мўътабар уламоларидан бири, ёши етмишдан ошган Абу Сайид Нохийнинг уйида яшириниб, ўзининг машҳур “Китоби аш-шифо” асарини ёзиб тугатади. Дунёнинг ишлари шу қадар қизикки, бу орада ҳукмдор исёнкорларнинг танобларини тортиб, айни чоғда, тағин ўзининг тоби қочиб, яна буюк ҳакимни хос табиб ва бош вазир сифатида кўришни истаб қолади. Ибн Сино бу истакка қарши боролмайди, лекин жанг ва ўлжага ўрганиб қолган лашкарбошиларининг кутқуларига учиб, босқинчилик урушига олган ҳукмдор жангда мағлуб бўлиб вифат этади. Унинг ўрнига шахзода Самоуддавла тахтга ўтказилади. Шу билан қиссадаги етти бўлимдан иборат энг катта боб, энг салмоқли ҳикоя хотима топади.

“Янги супурги янгича супуради” деган гап бежиз айтилмаган. Бу қонуниятни яхши билган буюк ҳаким ўзини бош вазирлик лавозимидан озод қилишини сўраб янги ҳукмдорга ариза ёзади. Ҳукмдор “Истеъфоларини қабул этолмайман, бориб вазифангизни бажараверинг”, деганида “Ялиниб-ёлвориб сўрайман: мени бул оғир вазифадан озод этсинлар. “Ал қонуни фиттиб” номли асаримни тамомлаш ниятидамен”, дея ўз илтимосининг қондирилишига муваффақ бўлади. Лекин бу оламда шунақанги шум ракиблар борки, улар ўз душманларини амалдан “йикитиш” билангина кифояланиб қолмайдилар, янаям ҳужумни кучайтириб, уни зиндонга, иложи бўлса, гўрга тикиш пайида бўладилар. Мана шундай душманлардан бири, сипоҳсолор Тождулмулк Ибн Синонинг “Ҳамадонда ишлаш учун имкон йўқлигидан шикоят қилиб, Исфаҳон ҳукмдори Алоуддавлдан бошпана сўрагани”ни ўз хуфиялари орқали аниқлаганини ҳукмдорга маълум қилади. Ўзига душманлик қайфиятидаги ҳукмдордан “сиёсий бошпана” сўраган фуқароси қай замонда қайбир ҳукмдорга ёққан?! Шунинг учун ҳам қуйидаги ҳукм ўзини ҳақ деб билган ҳукмдор нуктаи назаридан қаралганда тамомила ҳаққоний ва адолатли ҳукмга ўхшайди: “Жиноятни жазосиз қолдириб бўлмайду. Узоқ муддат вазир бўлиб, ички аҳволимиздан хабардор бўлган бир



шахс душманимиз билан алоқа боғламоқчи бўладур-ку, биз караб турурмизми, Абу Алини занжирбанд қилиб, шахар қалъасига жўнатиб. Бир-икки йил зиндонда ётса, шира босган кўзлари мошдек очилар”.

Холбуки, ҳаётда кўпинча шунақа: кўзини шира босган одамлар кўзи очикларнинг кўзларини шира босган дея ўйлаб, уларни мошдек очиб кўймоқчи бўладилар.

Лекин кўзи очиклар ҳам бу дунёда кам эмас. Ҳамадон шахри ташқарисидаги қалъанинг бошлиғи Яқзоннинг Ибн Синога айтган қуйидаги гаплари кўзи очикларни муносиб кадрлайдиган, кўпни кўрган кўзи очик донишманднинг хикматангиз гапларидир: “Сизни шул ахволда кўриб хайратда қолдим. Подшоларга яқин бўлишнинг хатарли эканлиги тўғрисидаги мақол яна бир маротаба тасдиқланди. Эртага бошига нима тушишини ҳеч ким билмайдур. Ҳаммамиз тақдирнинг қўлида ўйинчоқмиз. Ҳай, майли, бугундан бошлаб мен сизнинг хизматингиздаман”. Қамокхона бошлигининг ўз маҳбусига хизматкорлик қилишини айтиши учун бу одам кўзи очик донишмандларни муносиб кадрлайдиган қанчалик кўзи очик, узокни кўра оладиган, қайтмас-қайсар бўлмоғи керак! Бу одамнинг маҳбусга ижодий имконият яратиб берганини айтмайсизми! Ўхшатиш ўринли бўлса, худди буюк хинд мутафаккири Жавоҳарлаб Неру кизи Индира Гандига мактублар шаклидаги оламга машҳур “Жаҳон тарихига назар” асарини Ҳиндистондаги инглиз мустамақачиларининг қамокхонасида ёзганидек, буюк табиб ҳам ўзининг оламшумул “Ал қонуни фиттиб” асарини шу қамокхонада ёзади. Бугина эмас. Илмий асарни ёзишдан чарчаганида – орада бадий асарлар, жумладан, қалъадаги қамокхона бошлиғи Яқзонга бағишланган “Ҳай бинни Яқзон”, яъни, ўзбекча айтадиган бўлсак, “Уйғоқ ўғли Тирик” деб номланувчи кассасини ёзади. Ушбу мажозий кассанинг моҳиятини муаллиф зиндонбонга, ўз навбатида Мирқарим Осим – ўқувчисига шундай тушунтиради: “Топдингиз, ўнг тарафдаги қабх ошно – қаҳру ғазаб, сўл томондагиси – шахват, олд томондагиси – эзмалик, бемаъни ҳаёлпарастлик. Уларга йўл қўйилса киши хароб бўладур. Ақл ўзининг душманлари бўлган бу ярамас ошноларни жиловлаб туриши, уларга эрк бермаслиги керак. Саёҳат – илм, кутб томондаги қоронғилик – нодонлик, чашма эса илмнинг рамзи”. Бу гапларга жавобан зиндонбон ўз маҳбуси Ибн Синога “Эмди тушундим” дейди. Келтирилган гапларда Мирқарим Осимнинг қарийб Ибн Сино даражасида фикрлай олганини аён кўраемиз. Кошки бугунги куннинг хар бир ўқувчиси ана ўша зиндонбон даражасида фикрлай олса-да, ёзувчининг нима дёмоқчи бўлаётганини тўғри ва теран тушуна олса! Кошки шундай бўлса!

Буюк ҳаким қамокхонада ҳам илмий, ҳам бадий ижод билан машғул экан, қамокхона ташқарисида Ҳамадоннинг ёш ҳукмдори Самоуддавла билан унинг душмани, Исфажон ҳукмдори Алоуддавла кўшинлари жанг қилиб, Самоуддавла кўшини мағлубиятга учрайди. Бунда ҳукмдорнинг сипоҳсолори Тоҷулмулкнинг соткинлиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Натижада душман ҳужумидан қалъага кириб яширинишга муваффақ бўлган ёш ҳукмдор буюк ҳакимни занжирбанд қилиб ноҳақ ҳукм чиқарганидан қалъадорга ўз афсус-надоматини билдиради. Шунинг учун ҳам “Қамокда” хикоясини Худонинг чексиз қудратини аён кўрсатувчи, Ҳақ Таолонинг ҳакни қарор топтиришда не бир ҳукмдорлардан минг қарра ҳукмдорроқлигини аён кўрсатувчи асарлардан бири, дейишимиз мумкин. “Ҳали ёшсан – пишарсан, бу шаштингдан тушарсан” деганларидек, не бир ёш ҳукмдорлар Худонинг қудрати билан тез орада кўпни кўрган донишманд алломаларнинг пойига бош уриб, улардан жўяли маслаҳат, мадад, ақл сўраб келмаган дейсиз бу кўпни кўрган тарихда! Ибн Синони қамокқа ҳукм қилган ҳукмдорнинг ўзи қамокқа тушиши “чархпалак дунё” деганларини исботлаб тургандек. Шунинг учун ҳам гоҳида, азбаройи дунёнинг иш-



ларига ақлимиз кўпам етавермагани боис, бахт деб билганимиз мусибат, мусибат деб билганимиз эса, аксинча, бахт бўлиб чиқади.

Қиссадаги тўққизинчи хикоя “Бахт ва мусибат” шундай бошланади: “Яқзон Ибн Синога бир чокарини ҳамроҳ қилиб қалбадан чиқариб юборди”. Зотан, қалбага камалган Самоуддавла тавбасига таяниб, ўз ноҳақлигини англаб, қалбадор Яқзонга Ибн Синони озод қилишини буюрган бўлади. Озодликка чиққан маҳбус каерга боради? Дили тортган жойга, албатта. Дил эса, кизғин ижодий ва шуниси билан бахтли онларни бошидан кечирган Абу Саид Нохийнинг қутлуғ хонадонига тортиб турибди. Бу хонадонда эндигина қизғин ижодий ишга шўнғимокчи бўлиб турганида яна бир гап чиқади: икки ҳукмдор ўртада сулҳ тузиб, Самоуддавла Алоуддавлага бож-хирож тўлаш шарти билан тож-тахти, демакки, шахри қайтариб берилди! Буни эшитган Ибн Сино Ҳамадонда қололмаслигини, Исфахонга кетишини маълум қилади. Сабаби аниқ айтилмас-да, китобхон Ибн Сионинг алами борлигини ва жохил Самоуддавлага ишонмаслигини фаҳмлайди.

Алоуддавла ўзидан паноҳ сўраб келган собик маҳбусни шох-у султонлардек асъаса-ю дабдаба билан кутиб олади. Мулозимлар “Хуш келибсиз, сафо келибсиз, э олимларнинг сардори! Қадамларига хасанот!” дея муборакбод этадилар. Бир чокар зар ёқали зарбоф тўн кийгизиб, кумуш юганли арабий отни кўндаланг қилади. Ҳукмдор эса, муҳтарам меҳмонни ўзига етгулик тантана билан расман қабул қилиб, “Сиз саройимизнинг оксоқоли бўласиз, атрофингизга илми хикматдан хабардор ёшларни тўплайсиз. Ҳафтада бир йиғилиб, диний, илмий масалалар юзасидан мубоҳаса ва мунозара ўтказсак, сиз бул ишга бош бўлсангиз”, дея шоҳона илтифот кўрсатади. Чинакам олим учун бундан ортиқроқ бахт борми?! “Қамок” деган мусибатдан кутулиб, “Янги бир байтулхикмат” деган бахт-саодатга етишиб тургани бахт эмасми?!

Лекин орадан салгина вақт ўтиб-ўтмай, бунинг, аслида, бахт эмас, мусибат экани аён бўлади. Аслида, мусибатдан қочиб бахтга эришган эмас, ёмғирдан қочиб қорга тутилган экан у. Ҳасадчи, жохил ва ифвогарлар ҳар ерда ҳозиру но-зирлар. Ҳар жума саройда ўтадиган олимларнинг мажлисида ҳукмдор билан шахар муфтиси Хожа Идрис ҳам катнашади. Муаллиф “Оппоқ соқолли, ўнг кўзи кизарган, корни катта муфти” дея таърифлаб, унинг жохил ва баднафслигига, бермокчи бўлган саволи китмирона эканлигига ишора қилиб, китобхонни шундай огоҳлантиради: “Сиз, моддий дунё абадий, ул тўрт унсур, яъни тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан иборатдур, улар самовий жисмлар, офтоб ва юлдузлар таъсири остида бир-бирлари билан қўшиладурлар, ажраладурлар дебсиз-у, лекин бул ишлар Худо амри билан бўлишини айтмасиз”. Ибн Сино бу мутаасиб мулланинг ўзини худобехабар кофирга чиқариб қўйишидан хавотирланиб айтган муносиб жавобига нафақат мажлис иштирокчилари, балки китобхон ҳам беихтиёр қойил қолади: “Мен буни инкор этмайман. Китобимда коинот, яъни моддий дунё нури илохийдан пайдо бўлган, ул азалий ва абадийдур, деб айтганман. Моддий дунё сабабият қонунига биноан ўзгариб, тараккий этиб бораверадур, унга Худо аралашмайдур, негаки...”. Мажлисида ҳукмдорнинг Ибн Синога хайрихоҳлигини кўриб индолмаган муфти мажлисдан сўнг мулозимига алломанинг таълимоти шариятга хилофлигини, кейинчалик уламолар унинг таълимотини дини исломга номувофиқлигини исботлашини таъкидлайди. Бу билан китобхон Ибн Сионинг бошига келадиган қулфатнинг бош сабабчиларидан бири шу муфти бўлишини англайди. Кўп ўтмай ҳукмдор Ибн Синони вазир қилиб тайинламокчи бўлади. Сиёсий ўйинлардан зада бўлган Ибн Сино ҳукмдорга мулоим рад жавобини бериб, ҳозирча маслаҳатчи сифатида иш бошлашига ижозат беришини илтижо

килади. Хукмдорнинг бундай қарорга келиши ҳақида ҳикояда изоҳ берилмагани учун турлича талкин қилиш мумкин. Ё ҳукмдор алломанинг салоҳиятига ишонгани учун, ё Ибн Синога душман арбоблар ҳукмдорга шундай маслаҳат бергани учун, токи уни бир кўтариб ерга урсинлар... Бу ҳолат кейинги воқеада анча ойдинлашади. Қуллардан бир куни аллома ўз уйида “Донишнома” деган асарини ёзаётган пайтда (диққат қилинг, “Донишнома” асари!) ҳукмдорнинг яқин мулозимларидан бири келиб, қўлидаги зарбоф бўҳчани кўрсатиб, “Зоти шоҳоналари жанобларига қимматбаҳо совғалар юбордилар”, дейди. “Аллома ўнг қўлида қалам, боши билан нариги хонага ишора қилиб: – Хизматкоримга бериб кета бering, – деди”. Буни кўрган мулозим: “Шошмай тур, бу гапингни бўрттириб олий хазратларининг қулоқларига етказмасам мен ҳам юрган эканман”, деб ғижиниб чиқиб кетади. Хукмдорнинг ғазаби ҳам шунга яраша: “Менинг туҳфамни назар-писанд қилмаган одам ўлимга лойик”. Яхшиям кўзи очик бир нотаниш одам Ибн Синони хавфдан огоҳлантиргани, йўқса золим ҳукмдор қўлида беназир аллома ўларди-кетарди. Буни қаранг-а, куни кечагина шоҳу султонлардек асъаса-даб-даба билан кутиб олинган аллома энди аллақандай нотаниш кимса айтаётган “деди-деди”га кўра, бир гуноҳ иш қилиб қўйган мулзам боладек қочиб қолса! Ҳукмдор ҳузурига бориб, “Мен “Донишнома” асарини ёзиб ўтирган эдим, ёзишга шу қадар берилиб кетибманки, нима деб-нима қилганимни ҳам ўша топда билмабман, сиз донишманд одамсиз, тўғри тушунинг!” дея муносабатларни аниқлаштиролмади! Буюк алломанинг кадр-қиммати шуми?! Ҳукмдор ҳам биронинг ғийбати билан иш кўрадиган шу қадар майда бўладими?! Алломага қулдек муносабатда бўлаётган ҳукмдорнинг илтифоти... бахтми, ё қулдат? Энди нима қилиш керак? “Эгнига хизматкорининг тўнни кийиб, қўлига асо олди-да, шаҳардан чиқиб кетди”. Келтирилган гапдаги “хизматкорининг тўнни кийиб, қўлига асо олиш”ни жиддийроқ ўйлаб қаранг! Худди “Алпомиш” достонида Ҳақимбек Қултойқулнинг жандаси-ю кебанганини кийгандек! Ибн Сино буюк ҳақим, бироқ Ҳақимбек – Алпомиш эмас-да! Шу боис қўлидан келадигани – қочиб қутулиш! Қочиб қаёққа боради? Боши оққан томонга! Аниқроғи, ўзини тўғри тушуниб, холини ҳис қиладиган, унга қулдек қарамайдиган ҳукмдорнинг ҳузурига! Шундай ҳукмдорни топиб бўладими? “Қидирган топади”, дейдилар. Хуллас, “Йўлда савдогарлар қарвонига қўшилиб, шимол томон йўл олди”.

Одам боласи кадрланган жойида азиз. Ҳар бир одам одатда ўзини бахтли-саодатли, тинч-осуда ҳис қилган жойга талпиниб яшайди. Навбатдаги ўнинчи ҳикоя “Янги шогирд” буюк ҳақим учун у жой қаерлигини аниқлашдан бошланади: “Бир вақтлар осуда ҳаёт кечирган Рай шаҳрига етиб келганидан кейин...” Бу гапдаги шаҳар номини русчасига ўқисангиз ҳам бўлаверади, зотан, шаҳарнинг ўзи ҳам жаннатмонанд, у буюк ҳақимга ҳам осуда ҳаёт кечиргани учун жаннатмонанд туюлган. Муҳими – осудалик, арзимас бир “деди-деди”га асосланиб ўлимга ҳукм қиладиган ҳукмдордан овлоқдаги эркин қуш – қушдек эркин энди у! Ҳаётини “оппоқ саҳифадан” бошлаш имкониятини айтмайсизми! Бу имконият одатда аввало бозордан бошланади. Бозор оралаб юрганида “Атторлик растасига кираверишда тахта устида дори-дармонларини ёйиб, ўз молларини мақтаб сотаётган ёш йигит унинг диққатини жалб қилди. Йигит: “Келиб қолинг, ҳалила, пирпирдароз, табошири аъло менда бор, Рай шаҳрида менга тенг келатурган табиб йўк!” деб вайсар эди. Одамлар бирин-кетин келиб, ўзларини кўрсатар, ундан дори олиб кетар эдилар”. “Ҳалила”, “пирпирдароз”, “табошири аъло” қабилдаги унча-мунча одамлар билавермайдиган “неъматни илохий”лар, “Рай шаҳрида менга тенг келатурган табиб йўк!” деяётган одам буюк табибни кизиктирмасинми?! Бу “табиб”нинг

хатти-харакатларига синчиклаб қараб, айтаётган гапларини ўйлаб кўrsa, табиб эмас, сохта “қаромат” қилаётган ашаддий товламачи экан! Учига чиққан найранг-боз экан! Шу қадар “қаромат” соҳиби, аниқроғи, зийрак-қузатувчан эканки, ҳатто буюк ҳаким ўзи айтмаса ҳам таниб, “бухоролик машҳур табиби ҳозик Абу Али бин Синодурсиз, Исфаҳон ҳукмдори дастидан қочиб келгансиз” деб айта олар экан! Ўзига ихлоси баландлиги, илмга иштиёқи борлиги, қолаверса, худди шундай зехни ўтқир, чаккон бир ёрдамчига муҳтожлиги боис, бу адашган бандани ғирром йўлдан қайтариб ҳақ йўлга солиш умидида, “Илму фан уни бамисоли аравага кўшилган отдек ювош қилиб кўяр. Энг муҳими – фаросатли экан”, дея ўйлаб уни ўзига янги шогирд қилиб олади. Аввалига бу янги шогирднинг қадами қутлуғ келиб, Ибн Синонинг Райдалигидан хабар топган Алоуддавла бир мулозими орқали буюк алломадан афв сўраб, пойтахтга қайтиб келишини илтимос қилади. Донишманд Ибн Сино ҳам яхшиликдан умидвор зотлардан бири бўлганидан кейин, ўз айбига пушаймон бўлган ҳукмдордан яхшилик умидвор. Қарабсизки, “Аллома янги шогирди билан Исфаҳон сари равона бўлди”.

Атиги икки саҳифадан иборат “Янги шогирд” ҳикоясида буюк алломанинг яхшиликдан умидворлиги ва ҳар қандай ёмонни ҳам тарбиялаб яхши йўлга солиш мумкинлигига ишончи бор, лекин, ўйлаб қарасангиз, янги шогирднинг асл башараси ҳали яхши очилмаган! Бу асл башара ҳикоянинг мантиқий давоми ва бутун қиссанинг ўзига хос якуни бўлмиш “Умр дафтарининг сўнгги саҳифаси” деб номланган ўн биринчи ҳикояда ярқ этиб очилади.

Бу “сўнгги саҳифа” бир қарашда рисоладагидек бошланади: “Алоуддавла Ибн Синони иззат-хурмат билан қарши олиб, қимматбаҳо совғалар инъом қилади. Аллома ҳам ораддан ҳеч гап ўтмагандек қочиб юрган маҳалда ёзган асари “Донишнома”ни унга бағишлайди ва ҳукмдорнинг яқин маслаҳатчиси сифатида ишини давом эттиради”.

Лекин бу бахт шу қадар омонатки, қулфат қачон қаердан қандай бостириб келишини “Донишнома”ни ёзган донишманд аллома ҳам билолмайди. Инсон тафаккури ва тақдирдаги бу сир-синоат табиат ҳодисаларига нисбат берилган ҳолда иккинчи жумладаёқ нозик ишора қилинади: “Баъзан баҳор серёмғир келган йилларда тоғлардан ҳайқириб оқиб туша бошлаган селлар тинч оқиб келган катта дарёни қутуртириб юборади, у қирғоқдан чиқиб, экинзорларни пайхон, кишлоқларни вайрон қила бошлайди”. Учинчи жумлада бу табиат ҳодисаси жамият ҳодисасига гўзал муқояса қилинади. “Отнинг ўлими – итнинг байрами” деганларидек, “Аёл кишига тенг бўлди” қабилидаги маломатлардан кўрқибгина маликанинг давлатини эгалламай “тинч” юрган Маҳмуд Ғазнавий малика Сайида вафот этган заҳоти Рай шахрини босиб олиб, уни ўғли Масъудга ҳадя қилади, бунинг устига, ўғлига Ҳамадон ва Исфаҳон шаҳарлари билан араб Ироқини фатҳ этишни топширади. Масъуд Исфаҳонни забт этгач, бож-хирож тўлаш ва отаси номига хутба ўқитиш шарти билан Алоуддавлани ўз ўрнида қолдиради. Маҳмуд Ғазнавий вафотидан кейин, табиийки, Алоуддавла ўз давлатини қайта тиклашга киришади. Бундай долғали даврда ҳукмдорнинг маслаҳатчиси сифатида дарбадарликда ва ҳаловатсизликда кечган нотинч ҳаёт буюк алломанинг соғлиғига жиддий путур етказди. Ана шунда ўзи фойдаланиш учун қулай фурсат келишини пойлаб, сир бой бермай юрган янги шогирд “Давринг келди, сур, бегим!” дея ўзи аввалдан мўлжаллаб юрган ишини қилади: юзаки қараганда, устозининг ҳар бир айтганини итоаткорона бажариб, аслида, ўзининг шум ниятига етади. Айтиш мумкинки, устозини зоҳиран меҳр, ботинан макр билан ўлдиради. Мана шу қотиллик тасвирида янги шогирднинг асл башараси – тилёглама, иккиюз-

лама, тили бошқа, дили бошқа, гапираётган гапи қилаётган ишига қанчалик зид, халоскор-хожатбарор киёфасидаги кушанда-котил, хуллас, бир сўз билан айтганда, мунофиқлиги санъаткорона очиб кўрсатилади. Муаллиф Ибн Синонинг ўлими олдидан ўз умрини сархисоб қилишга, авлодларга васиятнома ёзиб қолдиришга улгурганини тасвирлар экан, китобхоннинг кўнглида чуқур изтироб билан бирга таскин-тасалли ҳислари пайдо бўлади. Алломанинг вафоти одамларни ларзага солишини муаллиф шундай таъсирчан тасвирлайди: “Ҳамадон шаҳри худди безовта қилинган арининг инидек тўзғиб кетди. Кўчалар тикилинч. Оқ мато билан ўралган тобут мотамзада одамлар елкасида кўча ўртасидан лопиллаб ўтиб кетмоқда. Кўзлари кизарган одамлар навбат билан тобутнинг поясини елкаларига қўйиб, тез-тез қадам ташлаб кетмоқдалар. Олдинда Абу Алининг ҳасса таяниб йиғлаб бораётган укаси, шогирдлари, хизматкорлари ва оддий ялангоёқ одамлар қаторида бош эгиб кетаётган зар тўнли шахзодалар, қиборлар ҳам бор”. Дарҳақиқат, “тоғнинг улугворлиги ундан узоклашганда билинади”, деганларидек, келажақ авлодлар Ибн Синонинг нақадар улуг сиймолигини кўрдилар ва кўрмоқдалар. Алломанинг “Тиб қонунлари” асари жаҳонда асрлар мобайнида асосий дарслик сифатида қўлланганининг ўзидек бунинг яққол кўрсаткичидир.

Айтиш керакки, “Ибн Сино киссаси”даги айни шу сўнгги ҳикоя, хусусан, ундаги қотиллик “технологияси”нинг қойилмақом тасвири яна икки асарда санъаткорона ижодий ривожлантирилди. Абдулла Ориповнинг “Ҳаким ва ажал” дostonида “Ажалдан бошқа жамики дардга шифо топдим”, деган буюк ҳакимнинг, аслида, ажалга ҳам шифо топгани, ўликни тирилтирадиган дорини кашф этгани, бироқ номард шогирд устозига бу дорини атайин чала бергани, шу боис буюк ҳаким минг йилдан буён ўлай деса ўлолмай, тирилай деса тирилолмай, асосатда этгани санъаткорона акс эттирилади. Одил Ёқубовнинг “Кўҳна дунё” романидаги энг жозибадор қаҳрамонлардан бири асл ҳакими ҳозир Абу Али ибн Синонинг номини сотиб юрган сохта ҳаким Абу Шилким ибн Шаҳвоний мазкур асардаги найрангбоз янги шогирдга устозликка ярайдиган учар қорчалон экани маҳорат билан кўрсатиб берилади. Ҳар икки асар устоздан ўзган, ўза олган шогирднинг ижодий маҳоратидан яққол далолат бериб туради. Ҳар икки адиб устоздан ўзган шогирд бўлганда ҳам ҳалол ижодий рақобатда зўрдан зўр чиқа олган ҳалол ва марди майдон шогирд сифатида иш кўради.

## “АЛЖАБРНИНГ ТУФИЛИШИ”

Мазкур кичик қисса Миркарим Осимнинг тириклигида ёруғлик кўрмай, қўлзма холида қолиб кетган катта насрий асаридир. Шу маънода каттаки, у Муҳаммад Хоразмий ҳақидаги асар. Муҳаммад Хоразмий эса, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд Кошғарий, Махмуд Замашшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби алломаларимиз қаторининг бошида турадиган катта тарихий шахс, бу алломаларимизнинг энг каттасидир. Ёш нуктаи назаридангина эмас, илмий даража нуктаи назаридан ҳам каттадир. Муаллиф бу мухтасар асарни ёзишга бутун умри мобайнида тайёргарлик кўрган. Тарихий шахслар ҳақида яратган қўпгина қисса ва ҳикояларини, айтиш мумкинки, шу энг катта ижодий ниятига эришиш йўлидаги муҳим қадамлар деб билган.

Асар бош қаҳрамон Муҳаммад Хоразмийнинг Марв шаҳридан сафдошлари билан бирга Бағдодга бориб яшаётган кадрдони Холид ибн Абдумалик хонадонига меҳмон бўлиши тасвиридан бошланади. Узок айрилиқдан кейин дийдорлашиб турган кадрдонларнинг суҳбати ўқувчига уларнинг ўзларини ҳам, бир қатор

хамюрт-сафдошларини ҳам яқиндан таништиради. Масалан, суҳбат чоғида Муҳаммад Хоразмий тилидан айтилган шу бир гап қахрамоннинг дил рози, ёши ва ҳатто қоши билан бир қаторда энг яқин сафдошлари хусусида аниқ тасаввур ҳосил қилади: “Марв шаҳрида менга эмакдош бўлган ёр-дўстларни соғиндим, – деди ёши ўттиздан ошган, қалин қоши меҳмон нон тишлаб, беҳи шарбатидан хўплар экан. – Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ, Мусо ибн Шокир ва унинг ўғиллари сихат-саломат юрибдиларми?”

Суҳбат асносида Бағдод халифаси Хоразмшоҳга алломани хузурига зудлик билан жўнатишини айтиб талабнома юборгани-ю алломанинг нега кечикаётганини бир эмас, икки маротаба сўрагани маълум бўлади. Ҳамсуҳбатининг “Нима ҳодиса юз бердики, шаҳри Бағдодга кадам ранжида қилгингиз келмади?” деган саволига жавобда кечикишнинг туб сабаблари билан бир қаторда даврнинг ўзига хос тавсифи, даврнинг муҳим воқеаларига қахрамоннинг муносабати ёритилади: “Бунинг сабабини сизгагина айта оламан, – деди меҳмон ўйланқираб. – Маъмун кўшини билан Бағдодни босиб олганидан сўнг ўз иниси Аминни қатл эттиргани, Озарбайжонда бошланган зардуштийлар кўзғолонини шафқатсизлик билан бос-тириб, асирларни ўлдираётганини эшитиб, бу ерга келишга оёғим тортмай қолди. Оташпарастсан, деб беғуноҳ одамларни бола-чақаси билан кириб ташлаш – ўта зolimлик-ку!!” Кўришиб турибдики, суҳбат мароми аввал-бошданок даврнинг жиддий сиёсий масаласига келиб тақалади. Шу муносабат билан Муҳаммад Хоразмийнинг “Ал-Мажусий” деган лақаби борлиги маълум қилиниб, қахрамоннинг бобоси зардушт динининг раҳнамоси бўлгани, араб саркардаси Қутайба бинни Муслим Хоразмни босиб олгач, хаммани зўрлаб ислом динига киритгани, Хоразм ёзувини биладиганларни қатл эттиргани, бобоси мажбуриликдан араб тилида калима келтиргани айтилади-да, бу билан ўша даврлардаги ижтимоий-сиёсий вазият, турли этникодлар ўртасидаги зиддиятлар ва тўқнашувларнинг миқёси яна ҳам ойдинлаштирилади. Ёдингизда бўлса, аввалги таҳлилларимизда Маҳмуд Кошғарийнинг тарихий илдизи қорахонийлар сулоласига, Абу Райхон Берунийнинг устози Абу Наср ибн Ироқ шажараси африғийлар сулоласига мансуб хоразмшоҳларга, Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Афшона кишлоғи эса хоразмшоҳлар ва қорахонийлар давлатларидан ҳам қудратлироқ қадимий Турк хоқонлигига боғлиқлигини айтган эдик. Муҳаммад Хоразмийнинг тарихий илдизи хоразмшоҳлар, қорахонийлар ва ё Турк хоқонлигидан ҳам қадимийроқ бўлган зардуштийлар билан узвий боғлиқ бўлиб, бу аллома ҳам зардуштийлик, ҳам ислом динларидан – шу ҳар икки манбадан рухий қувват олгани англашилади.

Икки аллома суҳбати орқали замон манзараларини аниқ-тиник чизиб кўрсатиш камдан-кам сўз санъаткорига муяссар бўлади. Халифа Хорун ар Рашиднинг Эрон ва Хуросондаги норозиликларни тинчйтиш учун эроний жориясидан туғилган тўнғич ўғли Маъмунни Марв шаҳрига ҳоким этиб тайинлайди. Маъмун Хуросон ва Ўрта Осиёда етишган олимларни тўплай бошлайди, турли мамлакатлардан нодир китобларни келтириб кутубхонасини бойитади. Хорун ар Рашид васияти билан ўрнига халифа бўлган ўғли Амин билан Маъмун орасида катта жанг бўлиб, Маъмун ўз укасини қатл этади-да, ўзини Помир тоғларидан Испаниягача чўзилган ўлкаларга ҳукмдор халифа деб эълон қилади. Суҳбат асносида Муҳаммад Хоразмий тилидан айтилган бир тарихий ҳақиқат, айниқса, қимматли: босқинчи Қутайба бинни Муслим Хоразмга маърифат олиб келмади, аксинча, “ёниб турган маърифат ўчоғини сўндиришга уринди, аммо бидъат-хурофот кули остида маърифат чўғлари қолган экан”, айни мана шу чўғлардан Маъмун академияси қад ростлади. Шунинг учун ҳам Маъмун академиясининг қарийб барча

алломалари араблар эмас, туркий халқларга мансуб кишилар бўлган! Бошқача айтганда, маданият Бағдоддан Хоразмга келмади, аксинча, Хоразмдан Бағдодга борди! Бу маданиятнинг энг катта намояндаси, зардуштийлик дини билан бир қаторда қадимий хинд, хитой ва юнон илм-фанини пухта билган ва улар асосида араб тилидаги мусулмон маданиятини оламшумул даражага кўтарган энг катта аллома, албатта, Муҳаммад Хоразмий эди.

Халифа Маъмуннинг Муҳаммад Хоразмийни қабул қилиб, байтулҳикматни бошқаришни топширишдан мақсад Марвдан келтирилган хиндча ва юнонча китобларни тартибга солиш ва энг зарурларини араб тилига таржима қилиш экан. Йўл-йўлакай бир муҳим тарихий далил келтириб ўтиладики, Муҳаммад Хоразмий халифа Маъмундан уч ёш катта экан! Маъмуннинг ёш олимларга илмул фалакни юнончада “астрономиё” (астрономия), илми нужумни “астролухиё” (астрология) деб аталишини таъкидлаши унинг билимдонлигини кўрсатувчи детал. Бўлимда байтулҳикмат қалитини қўлига олган Муҳаммад Хоразмийнинг саройда ва уйда қанчалик энг шимариб ишга киришгани лўнда тасвирланади. Атиги икки бетлик бўлимда алломанинг изланишлари давомида чиқарган дастлабки илмий ҳулосаси келтирилади: “Хиндлар жорий қилган тўққизлик санок тартиби билан катта сонларни қўшиш, айириш, қўпайтириш ва тақсим қилиш амримаҳол”.

Учинчи бўлим Бағдод халифа Абул Аббоснинг ўғли халифа Мансур замонида катта шаҳарга айлангани, бу шаҳар 762 йилда қурилгани ҳақидаги қимматли тарихий далилни қайд этишдан бошланади. Сўнг Дажла бўйидаги сарой боғига чиқиб истироҳат қилаётган халифа Маъмуннинг аҳвол-руҳияси қаламга олинади. Чинакам ҳукмдорнинг истироҳати ҳам одатда давлат ва жамиятдаги сиёсий вазиятни яхшилаш йўлларини кидиришга қаратилган беором ўйлардан иборат бўлади. Аввало Бағдоднинг, қолаверса, бутун халифаликнинг тинчлиги-осойишталигини таъминлаш осон эмас, албатта, акс ҳолда “Бағдодда ҳаммаёқ тинч” ва “Беш қулик халифа” деган иборалар бутун жаҳонга кенг тарқалмас эди. Халифа Маъмуннинг безовта ўйлари орқали бўлимда нафақат унинг руҳий олами ичдан ёритилади, балки аввало халифаликдаги сиёсий вазият атрофлича қизиқ кўрсатилади. Мана, халифанинг юрагини кемираётган “юрт ташвиши”дан бир шингил: “Бобак қўзғолони борган сари авж олаётир, бошқа элатлар ҳам озарийлардан ўрнак олиб, исён туғини кўтармасмикинлар? Бизга қарашли мамлакатларга фитна ўғриси қирмаётганмикан?” Шундан кейинги вазири аъзам билан халифаликка қарашли мамлакатлардаги сиёсий вазият ҳақидаги суҳбати асносида нафақат халифаликнинг турли бурчакларидаги аҳвол, балки вазири аъзамнинг қанчалик тилёғламалиги-ю халифа Маъмуннинг қанчалик мохир ҳукмдорлиги очиб кўрсатилади. Масалан, вазири аъзамнинг Ўтрор шохининг бож-хирож тўламаётгани хабарига жавобан халифа шу топда аскарларининг озарийларнинг қўзғолонини бостириш билан бандлиги туфайли қўшин юборолмаслигини таъкидлаб тақлиф қилган мурося усулига қаранг: “Сиз Ўтрор шохига совға-салом юбориб, “бир йиллик хирож сеники, келаси йилдан бошлаб ўз вазифангизни ўташдан умидвормиз” деган мазмунда мактуб йўлланг. Агар бир санадан кейин ҳам оёғини тираб туриб олса, унга қарши қорлуқлар хони Жабғуни қайраб солурмиз, душманни унинг ғаними қўли билан бартараф қилмоқ керак”. Ҳойнахой, Ўтрор шохини ҳам шунини ҳисобга олиб бож тўлашдан бош тортган. Суҳбат якунида вазири аъзамнинг ўйлари ўқувчида нафақат Маъмун, балки айни чоғда, жамики ҳукмдорлар ҳақидаги фикрни шакллантиришга қаратилган: “Маъмун жуда мураккаб, бир-бирига зид ҳислатлардан таркиб топган одам, – деб ўйлади. – Унда нур ва зулмат, латофат ва касофат бор. Шунини тан олиш керакки, у олимларга ҳомийлик



килиб, уларни ўз қаноти остига олган, аҳмоқ ҳукмдорларгина илм аҳлига нисбатан адолатсиз бўладилар”. Хушомадгўй бўлса-да, вазири аъзам донишманд одам. Шунинг учун ҳам унинг исми “ал-Фазл”. Миркарим Осим вазири аъзам тилидан ҳукмдорга шундай таъриф беришдан бир неча мақсадларни кўзлаган. Биринчидан, вазирининг гапи ишончли, сабаби – у ҳукмдорни яхши билади. Иккинчидан, вазир ҳукмдорни ақлли деб ҳисоблайди, уни хурмат қилади ва унга ишонади. Учинчидан, Маъмун қахқорлик ва меҳрибонлик, дағаллик ва латифлик, олғирлик ва саховат, ғазаб ва бағрикенглик каби ҳислатларга эга. Тўртинчидан ва энг асосийси, у адолатли ҳукмдор. Дарҳақиқат, қайси жамиятда олимлар хор қилинса, ўша жамият эртадир-кечдир, таназулга юз тутади. Ва аксинча, қайси жамият олимларни кадрласа, ўша жамият тараққий этади. Мазкур қиссада тасвирланган Маъмун бошқарган халифалик бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бўлим аввало буюк аллома қандай ҳукмдорнинг қўл остида илмий фаолият олиб бораётганини кўрсатиш учун қисса таркибига киритилган. Қолаверса, юқорида таҳлил қилинган Беруний ва Ибн Сино ҳақидаги қиссаларда қўрганимиздек, ҳукмдор қудратли ва қаттиққўл бўлиб юрт тинчлигини сақлай олсагина олимларнинг илмий тадқиқот олиб боришга имкониятлари бўлади. Уруш натижасида бир ҳукмдорни бошқаси мағлуб этса бас, тўпланган нодир китоблару олимлар жамоаси талон-тарож ва пароканда бўлади. Халифа Маъмун қатта ҳудудни ўз ҳукмига бўйсундирибгина қолмай, уста сиёсатчи сифатида бу ҳудуддаги тинчлик ва фаровонликни таъминлай олган ҳукмдор. Ана шундай буюк ҳукмдор паноҳида Хоразмий бошлиқ байтулҳикмат ўз фаолиятини кўп йиллар мобайнида самарали олиб бориб, илм-маърифат дурдоналарини яратдилар-да.

Тўртинчи бўлим икки бўлакдан таркиб топган. Биринчи бўлакда Муҳаммад Хоразмийнинг уйига юртдоши Маткарим дарвозабоннинг ўғли Феруз ўз севгилисиз, фарғоналик Фўлодбекнинг қизи Ёқутойни олиб келади. Маълум бўлишича, халифа Маъмун бу гўзал қизни зардуштийларнинг уругини қуритаётган амирлашқар Хайдар ибн Қорусга инъом этмокчи бўлган экан, буни билган икки ёш ва уларнинг ота-оналари Муҳаммад Хоразмий уйини энг беҳавотир жой, уй эгасини ягона паноҳ деб билишибди. Бу ерда асли хоразмлик йигитнинг исми Феруз, асли фарғоналик қизнинг исми Ёқутой экани бежиз эмаслиги англашилиб туради. Шунингдек, мустамлака тузумининг бир “сиёсий найранг усули”ни ҳам аён кўрамыз. Бу бир-бирига дўст одамларни атайин бир-бирига душманга, ва аксинча, бир-бирига ашаддий душманларни мажбуран “дўстлаштириш”га, яъни, қирк йил бир қозонда қайнаганда ҳам қони қўшилмайдиган душманларни атайин бир-бирларига қуда-анда қилиш! Бундай ғаламисларча қинғир ниятни қим йўқка чиқара олади? Албатта, фақатгина Муҳаммад Хоразмийдек аллома. Бир амирлашқарининг қўнглини овлаб, тенгсиз гўзални унга тўртинчи хотин сифатида инъом этишга нисбатан ўзи атайин Хоразмдан хузурга чорлаган алломай замоннинг қўнглига қараш афзалроқлигини энг ашаддий мустамлакачи ҳам яхши билади, албатта. Маъмун ҳам Муҳаммад Хоразмийнинг қўнглига қараб, унинг илтимосини инобатга олади. Қизини бир йигит билан қочиргани туфайли зиндонбанд қилинган ота Хоразмийнинг илтимосига қўра озод қилинади ҳам қизи ўз севганига турмушга чиқишга изн берилади. Халифа Маъмуннинг бундай қарорга қелишига бир неча сабаблар бор. Биринчидан, Хоразмий илтимос қилиб турибди. Иккинчидан, Фарғонаю Хоразмдан келган туркий халқлар орасида мажусийлар кўп, шунинг учун зардуштий бўлган қизнинг отасини зиндонбанд қилиш ҳам хавфли, ҳам зарарли. Сабаби Маъмун туркларга таянади. Бу қуйидаги гапларидан англашилади: “Туркий халқлар бизнинг таянчимиз.



Нотинч араблар у ер-бу ерда исён туғини кўтарганларида уларнинг ёрдами билан тартиб ўрнатамиз. Шунинг учун бу масалада эхтиёткор бўлмоғимиз даркор”. Аммо халифа билан вазир зардушт динига барҳам бериш муҳимлигини ўйлаб, уларга қарши зимдан чора кўришга келишиб олишади.

Бешинчи бўлим байтулҳикматда Муҳаммад Хоразмийнинг “Ҳисоби ал-хинд” асари муҳокамаси тасвирига бағишланган. Мажлисга олимлар каторида ер ўлчовчи массохлар, муфтийлар, уламолар ҳам таклиф этилган. Бу муҳокаманинг нафақат илмий, балки диний, сиёсий, маиший, иқтисодий аҳамиятини кўрсатади. Хоразмий араблар ҳисоб амалларини сўзлар ёрдами билан бажариб келгани, хиндлар эса, ҳар бир сонни алоҳида рақамнинг афзаллиги, рақам билан ифода этишини айтиб, ҳисоб-китобда ҳарфга нисбатан рақамнинг афзаллиги, лекин хинд рақамларининг бир камчилиги борлиги, ниҳоят, ўзининг бу камчиликни тўлдирувчи кашфиёти моҳиятини машварат ахлига, демакки, асар ўқувчиларига содда, аниқ-равшан тушунтиради. Жумладан, шундай дейди: “Менинг хинд ҳисобига киритган янгилитим шулки, “1” рақами ёнига бир халқа, яъни, сифр (цифр) қўйиб, уни ўн деб ўқидим. Ўнлик санок тартиби билан катта сонларни жам ва тарх қилиш, зарб ва таксин этиш осон”. Келтирилган гаплардаги “сифр”, “жам”, “тарх”, “зарб”, “таксин” сўзларига алоҳида диққат қилинг. Араб тилидаги бу сўзларни илк бор бизнинг ҳамюртимиз Муҳаммад Хоразмий ҳисоб илми, яъни, математика фанининг хос атамасига айлантормоқда! Жумладан, бугунги кунда ҳаттоки бошланғич синф ўқувчиси ҳам биладиган “цифр” атамасини илк бор илмий муомалага киритмоқда! Бу гапларнинг моҳиятини танангизга ўйлаб қарасангиз, машваратда қатнашаётган айрим олимларга қўшилиб, беихтиёр “Офарин!” деб юборасиз. Шундай бир оламшумул кашфиёт халифанингни оламшумул довруги учун баайни сув билан ҳаводек зарур эди, айни шу мақсадда Муҳаммад Хоразмий Хоразмдан Бағдодга қайта-қайта чорланган эди, шунинг учун ҳам қуйидаги гаплар илмий хулоса эмас, ўшандан кейинги мутлақ ҳукм сифатида янграйди: “Халифанинг сўл томонида ўтирган вазир ал-Фазл беихтиёр ўрнидан туриб кетди. – Бу улуг кашфиёт! – деб юборди у. – Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий жаноблари эшиклари берк илми риёзийнинг калидларини очиб қўлимизга топширдилар. Ҳеч бир араб олими ҳал қилмаган муаммоларни ечиб, бизни хинд рақамлари билан таништирдилар. Энди буларни араб рақамлари деб атаймиз”.

Шу жойнинг ўзидаёқ тасанно-олқишларгина эмас, жиддий эътирозлар ҳам ўртага ташланади. Чунончи, шайхулислом хиндларнинг хандасавий шакллар ва рақамлар билан фол очишини айтиб, Хоразмий хинд рақамлари орқали уларнинг урф-одатларини қонимизга сингдирмоқчи, чунки унинг ота-боболари оташ-параст мажусий дея эътироз билдиради. Қозию куззот эса, хиндларнинг араблардек ўнгдан чапга эмас, аксинча, чапдан ўнга қараб ёзиши, хинд рақамлари уларнинг диний эътиқодлари билан узвий боғлиқлигини айтиб, яна шундай қўшимча қилади: “Хиндлар ирkit, сеҳрғар халқ. Улар сочларини кирдирмай, тирнокларини кесдирмайдулар, сигир гўштини емайдулар, аммо баданларига янги сигир тезагини суртадулар, рақамларини узун қора тахтага оқ кесак билан ёзадулар”. (Бу гаплар бизда бир аср муқаддам илмий-техник тараққиётга тўсқинлик қилган диний бидъат-хурофот бандалари автомобиль, велосипед, поезд каби инсон тафаккури яратган мўъжизаларни “шайтонарава” деб атаганларини беихтиёр ёдингизга солмаяптими?) Қозининг гапларидан кейин берилган Ал-Хоразмийнинг ўйлари масаланинг туб моҳиятини яна-да ойдинлаштиради: “Қозию куззот хинд судхўрлари билан бирга иш олиб боради, деб эшитган эдим, рост экан-да. Бўлмаса хинд урф-одатларини қаердан билади!” Мантикни қаранг! Хинд судхўрлари билан ислом дини талабларига хилоф ишлар қилиш

мумкин, бироқ хинд ракамларини яна-да такомиллаштириб, араб ракамларига айлантриб қўллаш мумкин эмас! Бу, албатта, козиюл куззотнинг феълига яраша мантиғи! Яхшиямки, марвлик кекса олим Холид ибн Абдулмалик масаланинг мохиятини ойдинлаштириб бергани, “Илм ўрганиш мусулмон эр ва аёллар учун ҳам фарз, ҳам қарз. Илмни Чин-мочинга бориб бўлса ҳам ўрган”, деган хадисларни эслатиб диндорларга ўз усулида жавоб кайтаргани ва халифа Маъмуннинг сўнгги яқунловчи сўзи энди ёниб бошланган бидъат-хурофот оловини бир муддатга ўчирди. Лекин шу бешинчи бўлимда, бир муддатгагина, вақтинча!

Олтинчи бўлим Ал-Хоразмийнинг байтулхикмат рахбари сифатида бир лойихага билдирган муносабатидан бошланади. “Ажойиб лойиха, – деди ал-Хоразмий тўртбурчак қозоғдаги шаклларни диққат билан кўздан кечирар экан. – Расадхонанинг катталиги Батлимуснинг “ал-Мажистий”сида<sup>2</sup> кўрсатилган ҳажмда: уч қаватли, доира шаклида. Учинчи қават устида куёш соати ва бошқа олатлар учун жой ажратилган”. Аҳмад ал-Фарғоний лойихани устоз Холид ибн Абдумалик билан бирга тузганини, Ал-Хоразмийга манзур бўлганидан мамнунлигини айтади. Хоразмий расадхонанинг мукаммал бўлишига ишонч ҳосил қилиш учун Аҳмад ал-Фарғонийни Искандария шаҳрига йўллаб, Батлимус расадхонасини текшириб келишни тайинлайди. Бунинг учун вазири аъзам билан гаплашиб, қанча маблағ керак бўлса, ундириб беришни айтади. Шундай қилиб, бир томонда халифа Маъмуннинг рағбати билан улкан расадхона қурилиши бошлаб юборилади, иккинчи томонда бу бунёдкорликка қарши ҳаракатлар ҳам ўз-ўзидан авж ола бошлайди. Бағдод шаҳрининг козиюл куззоти ўз уйига меҳмон бўлиб келган шайхулисломга айтган қуйидаги гаплари мавжуд аҳволни ҳам, унга муносабатни ҳам қатъагидек аён кўрсатиб турибди: “Халифанинг ўзи бу шаккоқ олимларга бош бўлиб, шариат булогини лойкалатмоқда, қадимий юнон олимларининг асарларини таржима қилдиarmoқда. Марв вилоятидаги Сарахс шаҳрида таваллуд этган келгинди ал-Фазл ибн Саҳл – вазири аъзам, хоразмлик Мусо ибн Мухаммад байтулхикматнинг бош китобдори, Фарғона-ю Марвдан келган муҳандису мунажжимлар – саройда энг мўътабар одамлар. Бағдод шаҳрида юз бераётган бу бебошликни кўриб, дунёдан чиқиб кетгинг келадур”.

“Дунёдан чиқиб кетгиси келаётган” одамнинг рухий ҳолатини тасаввур қиляпсизми? Ўзи бўлолмай, бўлганини кўролмаи турган бу ичи тор бахил дунёдан жимгина чиқиб кетмоқчи эмас, балки кетар жафоси қилиб дунёга ўт қўйиб кетмоқчи! Ҳамсухбатининг қуйидаги гаплари эса, баайни “Ма, дунёга ўт қўй!” дея унинг кўлига гугурт тутказишга ўхшайди: “Ёлғиз сиз билан биз эмас, аъёнлар, аскарбошилар орасида ҳам норозилик бошланган, – деди кекса меҳмон. – Эсингиздами, Хорун ар Рашид замонида ҳам худди шундай аҳвол юз берган, давлат ишларини эронийлар эгаллаб олган эдилар. Марҳум халифа бир баҳона топиб эроний вазири катл эттирган, шу билан араб ақобирларини тинчитган эди”. Бу гап, албатта, уй эгасини беҳад мамнун қилади. “Сабр қилиб турайлик, шояд марҳум халифанинг руҳи мададга келса-ю Эрону Турон тазийкидан қутулсак”. Гапни қаранг! Ундаги талқинни қаранг! Араб босқинчиларининг зулми зуғуми-ю тазийкига қарши жон-жаҳдлари билан курашаётган эронлик билан туронликни тажовузкор дея талқин қилиш, бу энди, мен сизга айтсам, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги шўроларнинг халқ дўстларини “халқ душмани”, миллий озодлик ҳаракати қаҳрамонларини “босмачи” деб эълон қилишларига ўхшаб кетади. Бўлимдаги сўнгги жумла фитнакорнинг туриш-турмуши-ю аҳвол-руҳиясини аниқ-равшан кўрсатиб турибди: “Улар дастурхон устида

<sup>2</sup> Птоломейнинг “Алмагест” асари араб тилида шундай аталади.

алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди. Гўё деворларнинг қулоғи бордек, баъзан у ёк-бу ёкка аланглаб, товуш чиқармай пичирлашар эдилар”. Ҳар қандай фитна, одатда, мана шунақа “пичир-пичир”дан бошланади.

Мухтасар қиссанинг сўнги еттинчи бўлими расадхонанинг жадал суръатлардаги қурилиши тасвири билан бошланади. Бирок диаметри эллик метр бўлган доира шаклидаги уч қаватли расадхона энди битай деганда вазири аъзам зимдан ўлдирилади. Араб муллоларияю ақиблари олимларга балоғардон бўлган хуросонлик вазири аъзамнинг бошига етганларини Муҳаммад Хоразмий жуда яхши билади. Халифа Маъмуннинг икки ўт орасида қолганини фаҳмлайди. Шунинг учун ҳам ҳамсуҳбат-ҳамрози Аҳмад ал-Фарғонийга шундай дейди: “Халифа бир чора кўришдан олдин ишининг оқибати устида бош қотирар, она уруғини рози қиламан, деб, ота уруғини ерга урмас. У етти ўлчаб бир кесадиған, эҳтиёткор ҳукмдорлар тоифасидан”.

“Илм қурбон талаб қилади”, деган ҳикматли гап бор. Илм йўлидаги навбатдаги қурбонлардан бири байтулҳикмат олимларига ҳомийлик қилаётган вазири аъзам бўлиб чиқади, лекин илмнинг ўзини, шунингдек, чинакам олимни қурбон қилиб бўлмайди: у яшаш учун курашади. Шунинг учун ҳам вазири аъзамнинг ўлими билан ҳамма ишлар бутунлай чаппасига кетмайди. Бир томонда расадхона қурилиши ниҳоясига етиб у ишга туширилади. Иккинчи томонда Муҳаммад Хоразмий ўзининг энг умрбоқий асари “Алжабр ва ал-муқобала” асарини ёзиб тугаллайди. Асар байтулҳикматда муҳокама қилинади. Халифа бу асар муҳокамасига энди дин пешволаридан ҳеч кимни чақиртирмайди. Муҳокамада айтилган сўзларга яқун ясаган халифа шундай дейди: “Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо янги илм кашф этиб, унга Алжабр деб ажойиб ном қўйибдурлар. Илгари илми ҳисоб бор эди, лекин самовий жисмлар орасидаги масофани белгилаш, ер ўлчаш, мерос тақсим қилиш ишида учрайдиган мушкул масалаларни ҳисоб илми, тўрт амал ёрдами билан ҳал қилиш мумкин эмасди. Ал-Хоразмий жаноблари бу қийинчиликни бартараф этганлар, мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун уларга мажҳул бир сон киритиб, уларни муодала (тенглама) орқали, ҳарфлар ва сонлар ёрдами билан ечиш йўлини топганлар. Бу шундай улуғ кашфиётки, юз йил, балки минг йилдан кейин ҳам одамлар амалий масалаларни ҳал қилиш учун бу илмга мурожаат этгусидурлар. Алжабр деган истилоҳ абадий сакланиб қолгусидур”. Бу гапларга жавобан буюк аллома айтган гап фақатгина сидқидил эътироф ва миннатдорчилик туйғуларини англатмайди: “Бу мушкул илмнинг моҳиятини уч-тўрт жумла билан, лўнда қилиб таърифлаб берганингиз учун беҳад хурсандман”, – дейди Хоразмий халифага. Худди шунингдек, биз ўқувчилар ҳам алжабр (алгебра) илмининг моҳиятини халифа Маъмундек лўндагина тушунтириб бергани учун асар қаҳрамони Хоразмий каби асар муаллифи Мирқарим Осимдан миннатдор бўлмоғимиз керак. Айниқса, асар сўнггидаги мухтасаргина икки якуний жумла мўъжазгина асарнинг бутун моҳиятини лўнда ифодалаб бериши билан қадрлидир: “Орадан асрлар ўтди. Олимлар вужудга келтирган маърифат ҳазинаси европаликлар қўлига ўтиб кетди. Хоразмийнинг бу улуғ асари XII асрда лотин тилида босилиб чиқди, кейин французлар уни “алгебра” деб таржима қилдилар. Асрлар бир-бирларини қувлаб ўтавердилар. Шарқ халқлари йўқотиб қўйган маърифат ҳазинасини ахтара бошладилар. Европада адашиб юрган “алжабр” илми яна “алгебра” шаклида ўзимизга қайтиб келди”.

Атиги йигирма бир бетлик асарнинг вазини ўзингизча салмоқлаб кўрасиз-да, муаллифнинг кам сўзда кўп фикрни айтиш салоҳиятига қойил қоласиз. Алжабрнинг туғилиши ва унинг алгебрага айланиш тарихини бундан-да лўнда, мухтасар очиб кўрсатиш маҳол. Шу боис ҳам мазкур асар буюк вағандошимиз, аллома Муҳаммад

Хоразмий ҳақидаги бадий насримиздаги энг биринчи ва энг ёрқин асар сифатида адабиётимиз тарихида фахрли ўрин тутиши муқаррар. Асар сўнггидаги “Ўзимизга қайтиб келди” деган учтагина сўз бирикмасини жиддийроқ ўйлаб қаранг! “Алжабр” сўзини “алгебра” тарзида ўзимизга қайтарди? Тошмуҳаммад Қори Ниёзий ва Саъди Сирожиддиновлардан бошлаб то, дейлик, Махмуд Салоҳиддинов ва Тўхтамурод Жўраевлардек янги даврдаги жаҳоншумул ўзбек математика мактабини яратганлар, аксарият ҳолларда бутун Ўзбекистон Фанлар академиясини бошқарган математик олимлар – “фанларнинг отаси” бўйича жаҳон танийдиган йирик математик олимлар, Муҳаммад Хоразмийнинг муносиб издошлари! Араб тилидаги ўзбек фани “фанларнинг отаси” дея таърифланувчи математика фанида янги бир оламшумул мактаб яратган аллома Муҳаммад Хоразмийдан бошланган, ўтган XX асрда бу мактаб – ўзбек математика мактаби қайта дунёга келди, биз яшаб турган XXI асрда, Ўзбекистон давлат мустақиллиги шароитида энди бу мактаб янги оламшумул довруғ қозонади, иншооллох! Бунда мустабид шўро тузуми шароитида Муҳаммад Хоразмий ҳақида бу улуг аждодимизга муносиб қиссасини ёруғликка олиб чиқолмасан-да, ҳар қалай, ёзган, ёза олган Мирқарим Осимнинг хизматлари, албатта, алоҳида ўрин тутди.

## СЎНГСЎЗ

Биз Мирқарим Осим қаламига мансуб жами олти қиссани диққат билан мутолаа қилиб, ҳар бирининг мағзини қақиш – эстетик моҳиятини англашга ҳаракат қилдик. Бошқачароқ айтганда, худди ота-боболаримиз яссавийхонлик, навоийхонлик, машрабхонлик, бедилхонликлар каторида, балки улардан ҳам кўпроқ, қиссахонлик қилганларидек, биз ҳам қиссахонлик қилдик. Таҳлилларимиз бошида “Элчилар” қиссаси, охирида эса, “Алжабрнинг туғилиши” қиссаси турганида муайян қонуният бордек. Агар “Элчилар” ва “Ўтрор” қиссалари шонли тарихимизда мавжуд бўлган давлатлар билан бизни яқиндан таништирса, кейинги тўртта қисса, кейинги ўн икки асрлик тарихимизда яшаб ўтган бири-биридан буюк ва суюқ аждодларимизнинг ёркин сиймоларини кўз олдимизда бадий гавдалантириб берди. Ҳар бири камида бир романнинг кучини берадиган жами олти тарихий қисса ярашиб, қадимий Бухоро ва хоразмшоҳлар давлати билан Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Муҳаммад Хоразмий сингари аждодларимизга муносиб адабий ҳайкал тиклай олган Мирқарим Осимнинг хизматлари бекиёсдир. Бу хизматларнинг қанчалик бекиёслигини, агар ақалли шу олти қисса яхлит бир тўплам сифатида нашр этилса, аниқ-равшан ҳис қила оласиз. Агар бу олти қисса жаҳоннинг энг тараққий этган давлатлари ва халқлари тилларига қойилмақом таржима қилинса борми, уларнинг жаҳон адабиётида ҳам ўзига муносиб ўрин тута олишига амин бўласиз. Биз назардан ўтказган қиссалар ёнига “Широк” (“Фидокор чўпон”), “Тўмарис”, “Искандар ва Спитамен”, “Темур Малик”, “Махмуд Торобий”, “Юлдузлар сайри”, “Нур ва зулмат”, “Моҳлар ойим ва Хонпошшо”, “Зулмат ва муҳаббат”, “Кўнгил меҳроби” каби тарихий ҳикояларни ҳам қўшсангиз, Мирқарим Осим адабиётимизда тарихий қиссалар ва ҳикоялар устаси, ўзига хос тарихий наср мактаби яратган адиб сифатида кўз олдингизда бор бўйи билан гавдаланади.

Биз бу ўринда қиссахонликкина қилдик. Насиб бўлса, Мирқарим Осимнинг жамики ҳикояларини ҳам, худди мазкур олти қиссаси каби, ўқиб уқиш ва уқиб ўқиш малакаси, бадий асарнинг эстетик моҳиятини англашга қаратилган мутолаа ва мушоҳада кучига эга бўлсак, тасаввуримиз яна-да ойдинлашиши муқаррар.



## КҮНГИЛ МУЛКИ



*Маҳкам МАҲМУДОВ*

*Филология фанлари номзоди. 1940 йилда тугилган. Ўрта Осиё давлат университетида (ҳозирги ЎЗМУ) таҳсил олган. “Талант ва ижод фалсафаси”, “Абадият лаҳзалари”, “Орифи маоний”, “Кешга баҳор келди” каби илмий ва бадиий асарлар муаллифи.*

## ШОДМОНБЕКНИНГ ШОДЛИГИ

Тун қанча қоронғи бўлса, юлдузлар шунча қарақлаб, нур сочади. Ўтган асрнинг ўттизинчи-эллгинчи йилларида – қатагон йилларида, миллатнинг энг сара зиёлилари Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, кейинги авлоддан Миркарим Осим, Миртемир, Мирзакалон Исмоилий, Шорасул Зуннун, Шухрат, Шукрулло, Мақсуд Шайхзода, Қодир Мирмухаммедов каби ёрқин истеъодлар шўро жаллодлари томонидан ҳибсга олиниб, азоб-укубатга гирифтор бўлдилар. Шодмон Отабек, Тохир Малик, Мурод Хидир, Махмуд Саъдий, Ёқуб Яқвалхўжаев, Асқар Қосим ва мен Чўлпонни устоз деб билган Мирзакалон Исмоилийнинг шогирдлари эдик. Устоз Мирзакалон Исмоилий шўро жаллодлари ҳар гал қалтақлаб, сўроқ қилганида ҳам: “Мен Чўлпоннинг издошиман, миллатчиман, мени отиб ташлайверинглар!” дея олган экан.

Устозимиз Мирзакалон Исмоилийнинг машаққатли ҳаёти ва ижоди ҳақида Шодмон Отабек “Мирзакалон Исмоилий сабоқлари” номли ажойиб китоб ёзди. Бу китоб нозиктаъб, ростгўй, дангалчи, мохир таржимон ва романнавис ҳаёти ҳақида бўлгани сабабли жуда қизиқарли, жонли чиққан. Шодмонбек устоз ҳақида ёзар экан, унинг сўзга ҳассослигини, оз сўзларда кўп маъноларни билдиришни устоздан ўргангани сезилади. Китобда устоз адибнинг ижодий лабораторияси, тили ва услуби, таржимонлик маҳоратини кенг ёритган.

Шодмон Отабек Ўзбекистон радиосида Жонрид Абдуллахонов, Ўлмас Умарбеков, Саъдулла Сиёевлар билан бирга ишлади. Ўша йиллари (1965–1980) Ўзбекистон радиосининг “Адабиёт ва санъат”, “Ёшлик” бўлимлари гуллаб-яшнаган, жаҳон адабиёти ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарлари мусика билан жиловланиб, бериб бориларди. Жаҳон адабиётининг мумтоз адиблари туғилган кунлари, асарларидан таржималар бериларди. Мен билан ҳам ўша вақтда Шодмон Отабек Даниэль Дефо, Жонатан Свифт, Де Бальзак, Жек Лондон ижоди ҳақида суҳбатлар қилган.

Шодмонбек радиода кўп йиллар ишлаб, жуда кўп таникли адиблар, шоирлар, олимлар билан танишди, уларга ижодий буюртмалар бериб, суҳбатга чақирди. У вақтларда Ўзбекистоннинг миллионлаб фуқаролари радио тинглар, кўпроқ

адабиётга, мусикага кизикарди. Ҳар куни тушлик пайтида боғбонлар, пахтакорлар, чорвадорлар учун мусикали саломлар ва табриклар бериларди. Ахлоқодоб ҳақида суҳбатларга эътибор катта эди. Шўро мафқураси радио ва матбуотда “коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси”, байналмилаллик ғояси кенг тарғиб этилишини талаб қилар, Мирзақалон Исмоилий каби адибларимиз бу мафқурадан ўз билганича фойдаланиб, миллий кадриятларимиз бўлган ор-номус, ҳалол, пок ҳаёт, камтаринлик, ибто ва ҳаё, маънавий гўзаллик каби фазилатларни ёш авлод онгига ва қалбига сингдиришга интилар эдилар. Шодмонбек ўша йилларни эслаб ёзади: “Домла (яъни Мирзақалон Исмоилий)нинг радиода одоб-ахлоққа доир чиқишлари, матбуотдаги мақолалари қайта-қайта нашр этилган “Инсон хусни”, “Одамийлик киссаси”, “Қизлар дафтарига” деб номланган китобларига киритилди. Бу мавзулар ҳаётда бўлиб ўтган воқеаларга асослангани учун ҳам мухлисларда ўзгача бир қизиқиш уйғотарди”.

Шодмон Отабек китобида адиб, шоир Чўлпон ижодининг ёш Мирзақалон Исмоилийга таъсири ҳақида кимматли эсдаликлар берилган. Мирза оға Шодмонбек билан суҳбатларидан бирида айтишича, хуснихат сабабли шоир Чўлпон уни ўзига котиб қилиб олган. Абдулла Қодирий эса унинг биринчи китобига муҳаррирлик қилган экан. Бу икки “халқ душмани”га шогирдлиги эллигинчи йиллар бошида бошланган кизил террор-катагон вақтида ГПУчиларнинг эътиборини тортган, албатта. Мирза оғанинг миллий ғурури, эътиқоди буюқлигини қарангки, у терговчилар қўйган бу “айб”ни инкор этмаган. Шоир Чўлпон ўз шогирди Мирзага бундай деган экан: “Миллат хароб бўлди. Унинг энг муқаддас нарсалари, шаъни шарафи қўлдан кетди. Ҳар кадамда юрагимиз куш хадиги билан уради. Энди бизнинг вазифамиз, келажак авлоднинг вазифаси – миллатни шармандаларча қулликдан, ҳақорат ва ҳўрликдан кутқариш бўлмоғи керак”.

Мирза оға учун Чўлпоннинг бу сўзлари васиятдай эди. Афсуски, шўро катагонлари оқибатида кўпчилик ўзбек шоирлари совет босқинчиларини устоз деб, ўз миллий озодлик қаҳрамонларини “босмачи” деб атаб, миллий ғурурини йўқотиб, қулликни советлар берган бахт-саодат деб мадҳ этдилар. Эллигинчи йилларнинг бошида “халқ душмани” деб камалган ижодкорлар бундай қулликни кораловчи, миллий озодлик кучларининг давомчилари эдилар.

“Мирзақалон Исмоилий сабоқлари” китобига кичик сўзбоши ёзган атоқли адибимиз Тохир Малик бундай дейди: “Шодмонбекнинг гўзал фазилатларидан бири шуки, у шогирдлик эҳтиромини устоз ҳаёт эканликларидаяёқ намоён эта олган. Яъни, у улуг адиб ва таржимоннинг маҳоратини синчиклаб ўрганиб, бу маҳорат сирлари билан бошқаларни таништирган. Адиб маҳоратини таҳлил этишда унча-мунча адабиётшунос олим Шодмонбекнинг олдига тушолмайди”.

Мен ҳам азиз дўстим Тохир Маликнинг бу фикрига қўшиламан. Шодмонбек кўп йиллар аввал устоз Мирзақалон Исмоилий ҳақида адабий портретни ёзаётганида унга аспирантурага кириб, шу мавзуда номзодлик диссертациясини ёзишни наслаҳат бергандим. Лекин Шодмонбек илмий иш ёзиб, унинг химояси учун югур-югурларга вақтини кетказишни истамай, ўз билганича машҳур адиблар ва шоирларнинг ҳаётида учраган қизиқ воқеалар ҳақида кичик хикоя ва латифалар ёзишга қизиқиб қолди. Бу соҳада у Ўзбекистон адабиётида биринчиликни олди дейиш мумкин.

Шодмонбек “Дўрмон хангомалари” китобида Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғуллом, Максуд Шайхзода, Мирзақалон Исмоилий, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тохир Малик, Эркин Аъзам, Шукур Холмирзаев, Аскар Қосим, Нёмат Амин, Мирпўлат Мирзо, Рауф Парфи, Носир Муҳаммад, Ашуралӣ Жўраев,



Абдунаби Бойқўзи ва камина ҳақида ҳам кизикарли латифаларни жам килгани сабабли миллионлаб ёшу катталар ўртасида шухрат топди, китоблари қайта-қайта нашр этилди.

Яқинда Шодмон Отабекнинг турли йилларда ўзи кўрган, билган, ҳамсухбат бўлган машхур адиблар ва шоирлар ҳаёти, ижоди ҳақида ҳам илмий таҳлилга бой, ҳам эсдаликлар, хотиралар тарзида ёзганлари жамланган “Адабиёт – қисматдир” номли салмоқли мақола ва бади-эсселар китобини нашр этди. Китобнинг “Умр ўткинчи, хотира боқий” деб номланган бўлимида Шодмонбекнинг “Устоз сабоклари” (Мирзакалон Исмоиллий ҳақида), “Исми жисмига монанд” (Одил Ёкубов ҳақида), “Фариштали инсон эди” (Рустам Раҳмон ҳақида), “Исмларнинг залворли юки” (Неъмат Аминнинг “Елвизак”, “Суварак”, “Ёлғончи фаришталар” асари қахрамонлари ҳақида), “Адабиёт қисмат бўлса” (Шукур Холмирзаевнинг шахсий ҳаётдан лавҳалар, унинг артистликдан адибликка кўтарилиш йўли ҳақида), “Ёзувчининг армонли дунёси” (журналист, адабиётшунос, роман-навис Ёкубжон Яқвалхўжаевнинг орзу, армонлари, машаққатли қисмати ҳақида), “Халқига хайкал кўйган адиб” (Тоғай Мурод шахсияти ва ижоди ҳақида) хотиралари, ўй-мулохазалари адабиётимиз тарихи учун жуда қимматлидир. Адабиётшунос олим Иброҳим Фафуров таъкидлаганидай, Шодмон Отабекнинг бу эсдаликлари ва илмий кузатишлари, мушоадалари ҳозирги ва келгуси адабиётшунослар, маданиятшунос олимлар учун ҳам қимматли манба сифатида асқотади. Шодмонбек китобнинг “Истеъдод жилолари” номли 2-бўлимида “Икки олам захмати” адабий суҳбатида атоқли шоир Эркин Воҳидов Гётенинг “Фауст” поэмасини таржима қилишда қандай муаммоларга дуч келгани ҳақида ажойиб фикр-мулохазаларни ўқиймиз.

Шодмон Отабекнинг машхур адибимиз Шукур Холмирзаев билан суҳбатида жуда муҳим масалалар кўтарилган. Шулардан бири – истеъдодли адиблар ва шоирларнинг етарли кадрланмаслиги, Қизил империя, советлар буюк ижодкорларни камбағал, қашшоқ, плебейга айлантирди, уларни иғво, тухмат билан халқ душманига чиқаргани таъкидланади.

Кейинги суҳбатда Шодмонбек машхур романлар муаллифи Тохир Маликнинг ижоди ҳақида ёзади. Шодмонбек адолатли хулоса чиқарганидек, Тохир Малик ўзбек адабиётида детектив романининг мақомини, кадр-қимматини кўтариб кўйди. Суҳбатга “Жиддий ҳазилкаш” деб сарлавҳа кўйилган. Ҳақиқатан, Тохир Маликнинг ҳазил гапида ҳам жиддий маънолар бўлади. Шодмонбек шу суҳбатда эслатганидек, адабиётшунослар орасида детектив-саргузашт асар деганда кўпчилик энгил-елпи, олди-кочди асарларни тушунар эдилар. Бу нотўғри тасаввур, албатта. Арасту “Поэтика” китобида бадиий асарда сюжет ўткирлигини таъминловчи унсурлардан сир саклаш, қутилмаган ўзгаришлар, ажойибот-ғаройиботлар ҳақида ёзган эди. Бу поэтика назарияси ҳозир ҳам кучини йўқотмаган.

Ёзувчининг “Адабиёт қисматдир” тўпламидан унинг детектив асарлар муаллифи Ҳабиб Темиров ижоди ҳақида мақоласи ҳам ўрин олган. “Қора қаср фожиаси” мақоласининг ёзилиш тарихидан биров хабардорман. Наманганда кўп адабда босиладиган, воқеликни дадил ва ҳаққоний акс эттирувчи “Маърифат гулшани” газетасида истеъдодли бир журналист, публицист аёлнинг Ҳабиб Темиров кассасига бағишланган танқидий мақоласи босилди. Унда муаллиф “Қора қаср асираси” кассасини озроқ макташ билан бирга кўпроқ танқид қилади. Шодмонбек Ҳабиб Темировнинг “Қора қаср асираси” кассаси ҳақидаги мақоласида Наманган газетасида босилган ўша мақолага жавобан, кассада муҳим ижтимоий муаммолар кўтарилганини, адибнинг детектив, ўткир сюжет қуришда ва



қахрамонларнинг характерларини тасвирлаш борасидаги бадий маҳоратини анча чуқур таҳлил қилган.

Шодмонбек “Хотира ёзиш масъулияти” мақоласида Зарифа Саидносированинг Ойбек, Кибриё Қаҳҳорованинг Абдулла Қаҳҳор ҳақида хотираларини, Азиз Қаюмов, Наим Каримовнинг мемуар асарларини тадқиқ этади. Шодмонбек тўғри кўрсатганидай, шўро даврида ёзилган хотираларнинг заифлиги, сиёсат исканжасида ёзилгани, истиклол даврида эса ижод эркинлиги шарофати билан хотираларда ҳақиқат, табиийлик, ранг-баранглик кучайди. Шу маънода Шодмонбек бу мақоласида Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Носир Фозилов, Ўткир Ҳошимов, Дадахон Нурий, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзам, Мирпўлат Мирзо, Хуршид Дўстмуҳаммад, Ашурали Жўраев, Ортикбой Абдуллаев ёзган хотираларни мактайди. Мен булар қаторига Ҳабибулла Қодирий, таржимон Абдуфаттоҳ Расулов, Алибек Рустамов, Муҳаммад Юсуф, Ойдин Ҳожиева ҳақида хотира китобларини қўшар эдим. Шодмонбек бу мақоласида Ғайбулла Салом ва Неъмат Амин тили раволигини ва рангинлигини мактайди.

Шодмонбек “Адабиёт қисматдир” китобининг “Адиблар гулшани” бўлимида “Услубнинг гўзал кирралари”, “Жаҳонгашта адиб”, “Булок сувидек тиник”, “Дилхирож туйгулар”, “Меҳрдан туғилган битиклар”, “Илохий муҳаббат талкинлари” каби мақола ва бадиаларида Иброҳим Ғафуров, Қамчибек Кенжа, Мирпўлат Мирзо, Носир Муҳаммад, Ашурали Жўраев, Абдунаби Бойқўзи, Йўлдош Солижонов, Нигина Ниёз ижоди ҳақида кўнглида туғилган ёрқин фикрларини айта олган.

“Адабиёт қисматдир” тўпламига атоқли адиб ва олим, нозиктаъб танқидчи Иброҳим Ғафуров ёзган кичик сўзбошида айтганидек, “Ширмонбулоқда туғилиб, ўсиб, ўз юртининг шарафи, номусини химоя қилиб, одамийликни авж олдириб юрадиган шоиртабиат одамлардан бири Шодмон Отабекдир. Унинг ажойиблиги – этикоднинг тозаллиги, нозиклиги, мустаҳкам, собитлигида, яна қолаверса, Ширмонбулоққа номининг қофиядош, уйғун, уйкаш, ҳамоҳанглигида”.

## ҲУҚМАТ

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати  
ўз ишину қойил қилиб баъжаришуга.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ



## БУ БЎСТОН САҲНИДА



*Гулом ШОМУРОД*

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1937 йилда тугилган. Бухоро давлат педагогика институтининг (ҳозирги БухДУ) тарих-филология факультетини битирган. Ижодкорнинг “Ойдинда кезаман”, “Қалбим қатраси”, “Заррин япроқлар” сингари китоблари нашр этилган.*

### **Икки оламда мен сени дерман**

#### **Бобур ғазалига мухаммас**

Товонга тегур сочинг кетгунча тола-тола,  
Силкинар юрганингда бўлиб қаро шалола,  
Уёласанму нечун, юзинг кирмиз пиёла,  
Хатинг аро узоринг сабза ичинда лола,  
Ул чашми пур хуморинг лоладаги ғазола.

На бўлди сенга, жонон, бирдан холинг паришон,  
Мисли бетокат жайрон бокгайдур чашминг гирён,  
Нурли кўнгул кўкига тушди соя, ногаҳон,  
Барча парилар, эй жон гирдингда зору ҳайрон,  
Гўё эрур намоён, ой теғрасида хола.

Айлаб нозу тавозе айтгандинг розу алёр,  
Ишқ шамимиз ўчмас, деб, бўлса ҳамки бўрон, кор,  
Қани ўша ваъдалар, қани ўша оху зор,  
Меҳру вафони, эй ёр, кўп кўрди сендан агёр,  
Жабру жафони бисёр менга қилдинг хавола.

Севмак-севилмак, асли, ғоятда нозик туйғу,  
Қанча-қанчалар уни ўтганлар айлаб орзу,  
Қайси юракда ишқ бор, у қалбда шуъла ёғду,  
Ҳажрингда, эй парирў, кўзимдан учди уйку,  
Ҳар кеча тонгга қадар ишимдур оху нола.

Ёшлиқдан, авваламбор, мен ошиқи бекарор,  
Этганда севгим изҳор, бўлгансан ўзинг иқрор,  
Ёзмокка Гулом тайёр бу ҳақда такрор-такрор,  
Юз сафҳасинда хатлар ёздингики, хар тараф бор,  
Ишқингда Бобур айлар бу навъ юз рисола.

## Фурқат ғазалига мухаммас

Кошинг ёй, мужгонларинг, ўки бил,  
Яноғингда холинг гўзал бемисл,  
Нафасингда хид таратар гул, яшил,  
Лабинг ғунча, юзинг икки кизил гул,  
Қадинг сарву сочинг гўёки сунбул.

Сени қўмсаб, қани бир кўрсам, дердим,  
Ёдинг бирлан хамиша хуррам эрдим,  
Ошиғи зор, хуштору ҳар дам эрдим,  
Висолингга, нигоро, маҳрам эрдим,  
Фирокиннга нечук айлай таҳаммул?

Ошигингман, билсанг, илку аввалинг,  
Кўнгул истар эди келмок маҳалинг,  
Кутардим бўб зору гирёна васлинг,  
Чу шавким хомаси таҳрири лаълинг,  
Қилиб доим ёзар хатти тасалсул.

Менинг-чун сен хамиша ёри дилкаш,  
Сени суюб бўлдим далли хаёлкаш,  
Сен ҳам бўлгил менга доимо дардкаш,  
Гулистондир жамолинг, эй париваш,  
Мен они ишкида шўрида булбул.

Қачон кўрдим сени, бўлдим бахтиёр,  
Хаёлимда ул кун эрдим шаҳриёр,  
Шундан буён кўзим йўлда интизор,  
Чу Юсуф хуснунга барча харидор,  
Зулайҳодек тушуб кўнглуга гулгул.

Куйдим, эй ёр, тушиб даври базмингда,  
Қийин эркан чидамоклик дамингда,  
Тугай дедим, куйиб-ёниб шамингда,  
Чикарга етти жон жоно ғамингда  
Бу ғамдин ёна жисмим ҳам тазалзул.

Аё, дилбар, менга бўлгил раҳмдил,  
Жабр айлама, қул Ғуломга мутассил.  
Қовок уйиб, феълинг қилма сержаҳл,  
Гадо Фурқатни ҳолига қарам қил,  
Эурсан подшохи ботахаммул.



## Амирий газалига мухаммас

Қалбимда кўзгатмағил аламни,  
Бошимга солиб бу дарду ғамни,  
Илк бор кўришим сендай санамни,  
Қошингга тегизмағил қаламни,  
Бу хат била бузмағил рақамни...

Саломларимга алайкум этгил,  
Нописанд бўлмай, такаллум этгил,  
Одамийлигинг сен маълум этгил,  
Ошиқларингга тараххум этгил,  
Кўп айлама жавр ила ситамни.

Шоядки бахтим порласа, кулса,  
Рақиблар рохи бояд тўсилса,  
Муроди ғунчам гулгун очилса,  
Нақши қадаминг муяссар ўлса,  
Найлай бу жаҳонда жоми жамни?

Ох, шохи рўмол бошда ғижиминг,  
Келур хилпираб ундан насиминг,  
Қувнатар кўзни сочи ўриминг,  
Кўнглум куши тойири хариминг,  
Сайд этма кабутари харамни.

Анқир сочингдан атри сунбуллар,  
Порлар чехрангда лолагун гуллар,  
Кўриб яйрайди бу махзун диллар,  
То беватан ўлмасин кўнгуллар,  
Зулфингдин аюрма печу хамни.

Кўрдим сению дилда хаяжон,  
Тааммуллигинг кўзингда аён,  
Энди дилингни айт, менга аён,  
Лаълинг ғамидин кўзим тўқар кон,  
Бехуда кечурмағил бу дамни...

Тирикманки, ғамингни ерман  
Икки оламда мен сени, дерман,  
Билсанг, лочинман, енгилмас шерман,  
Сен ёрдин ўзга кимга, дерман,  
Кўнглумдаги дард ила аламни.

Бу ишқим ошкор, эмас ниҳоний  
Ва мангу боқий, эмасдир оний,  
Эмас аввалу эмасдир соний,  
Бир коса шароби аргувоний,  
Помол килур хужуми ғамни.

Гарчи, Фуломсен, ишқ, ботиридурсен,  
Вафода меҳринг замиридурсен,  
Ҳаётда инсон чайиридурсен,  
Иқлими вафо Амиридурсен,  
Эй шох, бу гадога қил карамни.





## ЙИЛЛАР, ВОҶЕАЛАР, ХОТИРАЛАР



**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди. 1943 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Шеърятнинг тиниқ осмони”, “Қалбга очилган йўл”, “Туркистоннинг ўткан кунлари”, “Хиванинг истило қилиниши” каби китоблари нашр этилган.*

### “ШАРҚ ЮЛДУЗИ”ДА КЕЧГАН КУНЛАРИМ

“Шарқ юлдузи” журналида ишлаган кунларимни ҳаётимдаги энг бахтли дамлар деб биламан. Қачондир бундай бахт менга насиб қилади деб ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ўқувчилик йилларимда, айниқса, олтинчи-еттинчи синфда мактаб кутубхонасига келадиган бу журнални қўлдан қўймасдан ўқиганман. Талабалигу ундан кейинги йилларни айтмаса ҳам бўлади. Аспирантлик пайтимизда “Шарқ юлдузи” журналида мақола чиқариш эзгу ниятимиз эди. Унга етишиш жуда оғир, қўл етмас олис чўкки бўлиб туюларди.

Аспирантурада сиргдан ўқиганим учун “Совет Ўзбекистони”, “Ўзбекистон маданияти” газеталарида, “Мехнат ва турмуш” журналида ҳам ишлаганман. Фидойи мунаққид Маҳкам Маҳмудов орқали қўллаб журналист ва адабиётшунослар билан танишдим. Уларнинг тажрибаларини ўрганиб, баъзан баҳслашиб ҳам турар эдик. Танқидчилар Пирмат Шермухамедов ва Норбой Худойбергеновлар тахририятга тез-тез келиб туришарди. Ҳатто улар бир куни устоз Матёқуб Қўшжоновнинг тавсияси билан она кишлоғим Хумсонга чиқиб дам олиб келишган ҳам.

70-йилларнинг бошларида шоир Рамз Бобожон “Оби ҳаёт” достони учун, бошқирд шоири Мустай Карим шеърый тўплами учун Давлат мукофоти билан тақдирланди. Пирмат ака бу шоирлар ҳақида “Шарқ юлдузи”га ихчам мақола ёзиб беринг, деб таклиф қилди. Мақолани қисқа муддатда ёзиб, тахририятга элтиб бердим. Навбатдаги сонда босилиб чиқди. “Шарқ юлдузи”даги илк қадамим ана шундай бошланган.

Бир куни домламит Сагтор Ҳайдаров адабиётшунос Мухсин Зокиров Шайхзода ҳақида китоб чиқарганини айтиб қолди. Бу китобдан кўнглим тўлмаганди. Илмий ишим Шайхзоданинг эстетик қарашлари ҳақида эди. Сагтор ака: “Хўп десанг, бирга мақола ёзайлик”, деб таклиф қилди. Мақола-такриз, асосан, танқидий руҳда ёзилди. Сарлавҳа ҳам шоир мисраларидан олиниб, “Шахсий хатинг кўп ожиз” деб номланди. Бу такриз ҳам журналда тез босилиб, анча шов-шувларга сабаб бўлди. Кейин андизонлик шоир Олимжон Холдор ҳақидаги яна бир такризим чиқди. Қарасам, ўзим билмаган ҳолда “Шарқ юлдузи” муаллифлардан бирига айланиб қолибман.

Журналда замонавий шеърят ҳақида ижодий мунозара бошланиб қолди. Норбой Худойбергенов, Иброҳим Ғафуров, Эгам Ражабов ва яна кўп танқидчиларнинг

мақолалари босилди. Мунозара мени ҳам илҳомлантирди. “Шеър масъулияти” номли бир нарса кораладим-да, илмий раҳбарим Озод Шарафиддиновга кўрсатдим. Баъзи мулоҳазаларини айтиб, таҳририятга олиб бораверинг, деб оқ фотиҳа берди. Мақола бўлимади ҳам ёқди. Аммо таҳририятда айрим ўзгаришлар юз берди. Кўпдан бери журналда бош муҳаррир бўлиб ишлаётган Ҳамид Гулом Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига директор этиб тайинланди. У Пирмат Шермухамедовни нашриёт бош муҳаррирлигига ўзи билан бирга олиб кетди. “Шарқ юлдузи”га бош муҳаррир бўлиб ёзувчи Мирмуҳсин ака келди. Адабий танқид бўлимида Юсуф Шо-мансур, Муҳаммадали Кўшмоқовлар ишлар эди. Янги ходимларни табриклаш ва мақолам тақдирини билиш учун журналга бордим. Суннатилла Анорбоев, Машраб Бобоев, курсдошим Зоҳир Аъламлар билан бироз суҳбатлашгандан кейин адабий танқид бўлимига ўтиб, Юсуф ака билан Муҳаммадали Кўшмоқовни табрикладим. Мирмуҳсин ака билан ҳали таниш эмас эдим.

Шу кезларда оила қуриб, уй-жойдан қийналиб қолган эдим. Қишлоғимга ада-биёт муаллими бўлиб кетаётганимни айтдим. Юсуф ака: “Ортиғали, мақолангиз янги муҳаррирга ҳам маъқул бўлди. Тез орада босилиб қолади, мана шундай нар-саларни кўпроқ ёзиб туринг”, – деди. Таҳририятдан янги от минган кишидек хурсанд бўлиб чиқдим.

Бир йилнинг нари-берисида ана шу каттагина мақола журналда чоп этилди. Оғзим қулоғимда. Илмий иш юзасидан икки-уч ойда бир марта Тошкентга келиб тураман. Қайси танишни кўрсам илик гаплар, табриқлар эшитаман.

Табиийки, журналдан ҳам яхши гаплар, тилақлар эшитдим. Аммо ҳеч қутил-маган гапни Юсуф ака айтиб қолди:

– Мирмуҳсин домланинг хонасига кириб чиқинг. Сиз билан танишмоқчи. Келса, албатта учрашин деб тайинлаган.

– Қандай бўларкин, – деб иккиландим. Юсуф ака, шеърят бўлимининг му-дир Ойдин Ҳожиева (университетда бир курс олдин ўқиган, яхши таниш эдик) далда беришди. Юсуф ака мени бош муҳаррирга таништирди-ю, тез чиқиб кетди.

Мирмуҳсин акани учрашувларда, Ёзувчилар уюшмасидаги мажлисларда кўп кўрганман. Қомати тик, кўзойнаги ўзига ярашган, доим янги костюм кийиб, силлиқ юрадиган, чехраси очик киши эди. Ўрнидан туриб кўришди. Ота-онам, оилам, мактабдаги шароит, илмий ишим қай ахволдалигини эринмай сўраб-суриштирди. Сўнг асосий мақсадга ўтди:

– Мақолангиз менга ёқди, яхши ёзилган. Шеърни тушуниб таҳлил қилар экан-сиз. Фақат бир жойига эътирозим бор. Ҳозирги ёшлар бир овоздан Рауф Парфи-ни макташни яхши кўришади. Ундан бошқа шоир йўқми? Катта шоирлар ундан ёмон ёзишадими? Сал меъёрни ошириб юборганга ўхшайсиз. Рауфни кўп мактаб юборибсиз, озгина қискартирдик.

Мен Рауф Парфининг “Тонг отмоқда. Тонг ўқлар отар”, “Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал, Майсалар эгилиб ўқийди китоб” деб бошланадиган шеъри ҳақида ўз кузатишларимни айтган ва мисраларнинг табиийлиги, гўзаллигини қайд эт-ган эдим. Сездимки, Мирмуҳсин ака шеърятдаги янги услубларни, ёш шоирлар интилаётган илғор жаҳон шеърятдаги айрим майлларни унчалик тан олмас экан. Мирмуҳсин акаларнинг авлоди ҳам 30-йиллардаги, ҳам 50-йиллардаги шафқатсиз катагонларни кўриб юрак олдириб қўйгани аниқ. Машғум йилларда ижод аҳли адабиёт олдига қўйилаётган ҳар хил талабларни кўравериб, катикни ҳам пуфлаб ичадиган ахволга келиб қолган. Биз ўқиган йиллар илик шабадалар эсиб, ижобий ўзгаришлар юз бераётган эди. Ёзувчилар уюшмасидаги жиддий чиқишлар, Абдулла Қаҳҳорнинг мақола ва нутқлари, Одил Ёкубов, Пиримқул



Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Ўткир Ҳошимов, Шуккур Холмирзаев, Ўлмас Умарбеков, Жамол Камол, Омон Матжон ва бошқа катта истеъдодларнинг асарларида ҳаёт зиддиятлари тасвирлангани руҳимизни анча кўтарди. Мен ҳам мақоламда, асосан, шеърятимиздаги янгиланиш жараёнларини таҳлил қилишга интилдим. Кечагина журналда мақолам босилган, бош муҳаррир хузурига таклиф қилиб турибди. Мирмуҳсин аканинг гапига эътироз билдирмадим, фақат Рауф ака ҳақида у яхши шоир, уни ҳам тўғри тушуниш керак деганга ўхшаш гапларни айтдим. Мирмуҳсин ака қулиб қўя қолди. Сўнг тез-тез учрашиб турунг, узоқлашиб кетманг, мана шундай самимий мақолаларни кўпроқ ёзинг, айниқса, яхши тақризлар кам, янги китоблар ҳақида фикрларингизни билдиришдан эринманг, деди. Домланинг гапларидан илҳомланиб, Абдулла Шер ва Муҳаммадали Қўшмоқовнинг шеърий тўпламлари ҳақида “Янги чашмалар” сарлавҳали тақриз ёздим. Ана шу тақриз баҳона, Юсуф ака билан Келди Қодиров Хумсонга меҳмон бўлиб келишди. Тогда юриб, Ўтам дарёсида чўмилиб, яхши дам олишди. Кейин таассуротларини таҳрият ходимлари-ю, Мирмуҳсин акага сўзлаб беришибди.

Яна таҳририятга келганимда Мирмуҳсин ака: “Шундай қишлоғингиз бор экан, таклиф ҳам қилмайсиз-а?! Биз ҳам борардик”, деб ҳазиллашди. Ёзда Мирмуҳсин ака, Носир Фозилов, Мавлон Икром биргаликда келиб, Хумсонда бир кеча меҳмон бўлиб кетишди. Мирмуҳсин ака қишлоққа фақат дам олиш учун эмас, ижодий режаларини пишитиш учун ҳам келган экан. “Чоткол йўлбарси” романи устида иш бошлаганини тезда билиб олдик. Домла қишлоғимиз номидан тортиб, дарё, сой, булок, сўкмоқлар қандай аталишигача сўраб-суриштирди, Хумсондаги тарихий воқеалар, кекса одамлар, исмлар билан қизиқди. Ҳатто қишлоқ қабристони нима учун Севар ота дейилиши-ю, Севар отанинг ўзи ким бўлганигача сўраб, ён дафтарига ёзиб олди.

Эртаси куни Хўжакент қишлоғидаги азим чинорларни кўргани бордик. Чинор тагидан бир тегирмон сув қайнаб чиқиб, пишириб оқар эди. Бу таббарук жой қадимги одамлар яшаган қўхна мақонлардан бири ҳисобланарди. Чинор ортидаги улкан қоятошларда ибтидоий одамлар солган бир тўда кийиклар тасвири яхши сақланган. Бу суратлар тарих китобларига киритилган, Ўзбекистон тарихи музейига ҳам қўйилган.

Мирмуҳсин ака ва ҳамроҳлари бу очик осмон остидаги қўхна суратларни ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилишгани яхши эсимда қолган. Шу куни Боғистон қишлоғига ҳам бордик. У ерда Шайх Умар Боғистонийнинг табаррук қабри бўлиб, зиёратгоҳ жойлардан ҳисобланарди. Хумсонда бу зиёратгоҳ номи “Шайхмар бува” деб аталарди. Аслида, Шайх Умар бува авлиё – Тошкентда яшаган йирик тасаввуф олими Шайхан Тахурнинг отаси, Хўжа Аҳрор Валийнинг бобоси эканини кейинчалик билганмиз.

Мирмуҳсин ака тезроқ Шайх Умар бувага борайлик, деб қайта-қайта тикилинч қилди. Боғистон қишлоғи анча олисда бўлиб, у ерга Юсуфхона, Бурчмулла қишлоқларидан ўтиб бориларди. Аксига олиб шу куни йўл таъмирланаётган экан, Шайхнинг қабрига боришга имкон бўлмади. Биз авлиёнинг руҳига дуойи фотиҳа қилиб манзилимизга қайтдик.

Меҳмонлар кечга яқин Тошкентга йўл олишди. Мен Мирмуҳсин акага хос кўп фазилаатларни шу куни билиб олган эдим.

Хуллас, қишлоқда ўқитувчилик қилар эканман, ярим кўнглим Тошкентда, адабий мухитни, дўстлар дийдорини тинимсиз кўмсайман. Ёзги таътил кунлари, августнинг бошларида таҳририятга келганимда дўстим Маъруф Жалил: “Қишлоқда юраверасизми? Етар энди, шаҳарга қайтинг. Бўш ўрин бор, Муҳаммадали адабий котиб ўринбосарлигига ўтказилган. Фақат домланинг олдига ўзингиз киринг, у киши ўртага одам қўйганларни ёқтирмайди”, – деди.

Мирмуҳсин аканинг олдига кирдим. Салом-аликдан кейин шаҳарга қайтиш ниятим борлигини, шу масалада ёрдам беришини сўрадим.

– Ота-онангиз, оилангиз рози бўладими? – Домла энг аввал ана шу билан кизикди. Отам рози эканини айтдим.

Мирмуҳсин ака ҳам дангал иш тутди. Қўлимга ок қоғоз бериб: “Шарқ юлдузи” журналига ишга кириш ҳақида ариза ёзинг”, – деб буюрди. Хайрон колдим:

– Ҳали мактабдан бўшамаганман-ку?

– Бир-икки кун мухлат бераман. Бўладиган ишнинг бўлгани яхши.

Ҳанг-манг бўлиб колдим. Ҳазиллашаётгани йўқми? – Секин ер остидан қарайман. Мирмуҳсин ака жиддий киёфада, савол назари билан тикилиб турибди. Аризани ёзиб бердим. У қоғоз тагига нималарнидир ёзди-да, котибани чакирди.

– Тез кўчириб беринг. Кейин ҳамма ходимлар кирсин. Кичик мажлисимиз бор, деб буйруқ берди.

Ё кудратингдан! Тушимми бу ўнгимми? Нахотки, одамлар бир умр орзу-хавас қилиб юрадиган муқаддас даргоҳга шунча осонлик билан жойлашиб олсам? Ишонгим келмайди.

Ходимлар йиғилгач, муҳаррир деди:

– Ортиқбой Абдуллаевни яхши танийсизлар, журналимиз жонкуярларидан. Мақолалари билан журналимизда тез-тез чиқиб туради. Илмий иши Шайх ака ижоди бўйича. Илмий раҳбари Озод. У ҳар қандай одамни шогирдликка олавермайди. Биз ҳам ёрдам беришимиз керак. Шу ерда ишласин, чиниксин, мақолалар ёзсин. Нима дейсизлар? Бу йиғит шу бугундан таҳририят ходими ҳисобланади.

Ташқарига чиқишимиз билан жамоа мени астойдил табриклашга тушди. Келди Қодиров энг бўларли гапни айтди:

– Жўражон! Яна соддалик қилиб бемалол келаман деб юрманг. Ҳозирок кишлоғингизга жўнанг. Эртага ҳужжатларингизни олингу индинга етиб келинг. У киши орқага ташлаганларни ёқтирмайди. Омадингиз бор экан, домла ҳеч кимга бундай мурувват кўрсатмаган.

“Шарқ юлдузи” журналига мана шу тарзда ишга кирганман. Ҳужжатларимни олиб келганимда Мирмуҳсин ака: “Публицистика бўлими”га мудирлик қиласиз, – деб колди.

– Бу маъсулиятли ишни уддалай олармикинман?

– Уддалайсиз. Ёрдам берамиз. Катта бўлим, лекин сира эгасига ёлчимааяпти. Ҳамма ё шеъроят, ё наср бўлимини мўлжаллаб келади. Мана катта бўлим, икки-учта йирик, жиддий мақолани тайёрлаб қўй, мунозара ўтказ. Кейин шеърингни, хикоянгни ёзиб юравер. Ким қўлингдан ушлаб турибди? Публицистика журналнинг устун, уни тутиб турадиган бўлим. Замон даъватига биринчи навбатда публицистика “лаббай” деб жавоб беради. Ё гапим нотўғрими? Сиз газетада ишлагансиз, публицистларни яхши танийсиз. Мана, пахтакорлар, чорвадорлар, олимлар... Мавзу тўлиб ётибди. Долзарб масалалар, замонавий очерклар ҳақида ўйланг. Оқсокол ёзувчиларни, вилоятлардаги ижодкорларни унутманг. Яхшилаб режа тузинг. Ҳозирча олти ойлик қилиб... Уни пиштамиз, бойтамиз, муносиб ижодкорларга ёздирамиз...

Мен, барибир, “Адабий танкид бўлими”да ишлаганим фойдали бўларди, деб айтиб кўрдим.

– У ерда сиз Келдига қарам бўлиб ишлайсиз. Маошингиз 115 сўм. Бу ерда ўзингиз мудир, мустақил ишлайсиз, маошингиз 130 сўм. Бу ҳам муҳим масала. Ёзган нарсаларингизга қалам ҳақи оласиз. Танкид бўлимига мудирни яқинда тайинладик.

Хуллас, публицистика бўлимида иш бошладим. Муаммоли очерк нималигини яхши билар эдим. Леонид Волинский, Владимир Тендряков, Валентин Распутин, Виктор Астафьев ва бошқаларнинг ижоди билан танишман. Ёш очеркнависларни чакириб

сухбатлашдим, турли мавзуларни ўйладим. Бахсли масалани ким киёмига етказиб ёзиб бера олади? Шу масалада анча бош қотиришга тўғри келди. Очиғини айтганда, ўзим ҳам қизиқиб қолдим, бўлим ишлари бирмунча тартибга тушди. Айниқса олимлар ҳаётидан ёзилган илмий очерклар журналхонларга манзур бўлди. Шу ўринда Суннатилла Анорбоев, Расул Раҳмонов, Маъруф Жалил, Ҳожиакбар Шайхов, Норқул Ҳайитқулов сингари тажрибали ёзувчи ва журналистлар яхши заҳмат чекканини айтиб ўтиш лозим.

Шундай қилиб, республикамиздаги ягона адабий-бадий журналда кизғин ишга киришиб кетдим. Бу борада отамдек бошимни силаб, меҳр-мурувватини аямаган раҳматли Мирмуҳсин домланинг руҳи покларига ҳаминча миннатдорлик билан таъзим қиламан.

“Шарқ юлдузи” журналида салкам йигирма йил (1975 йилдан 1993 йилнинг охиригача) меҳнат қилдим. Шу муддат ичида тўртта муҳаррир – Мирмуҳсин ака, Ҳафиз Абдусаматов, Пирмат Шермухамедов, Ўткир Ҳошимовлар билан бирга ишладим. Қувончли кунларни, ташвишларни жамоа аъзолари билан баравар тотдик. Журнал обрўси учун кези келганда талашиб-тортишдик, сеvimли нашримизни мустақкам кўрғон бўлиб авайлаб-асрашга интилдик. Журнал тиражи 270 мингдан ошиб кетди. Халқимиз севиб, қидириб топиб, қўлма-қўл ўқиладиган нашрга айланди. Мен шахсан ўзим озгина эътиборга эришган бўлсам, ҳаммасига “Шарқ юлдузи”даги хизматларим, заҳматларим эвазига эришдим. Бунинг учун журнал жамоасига ҳар доим миннатдорлик билдираман. Мазкур хотиралар воситасида журналда бирга ишлаган заҳматқаш муҳаррирлар, фидойи ходимлар ҳақида, ўз кўзим билан кўриб, қулоғим билан эшитган қизиқарли воқеалар, бахслар, мунозаралар ҳақида биланларим, гувоҳ бўлганларим, қузатганларимни кучим ва имконим етканча қоғозга туширгим келди.

## Мирмуҳсин ака

Мирмуҳсин аканинг саронжом-саришталигига ҳаммамиз ҳавас қилардик. Бу ҳақда ёзувчи Фарҳод Мусажонов “Сизни эслаб” хотиралар китобига ёзган. У кўп йиллар “Шарқ юлдузи”да муҳаррир бўлиб ишлагани учун ишнинг кўзини билар, ҳамманинг кўнглига қараб муомала қилар эди. Ичимдан топ деб ўтириш табиатига тўғри келмас, чарчаганда ёки зерикканда қотибиятга ёки рўпарасидаги қатта хонага кириб, Ҳайдарали ака, Носир ака билан бир пиёла чой устида чаклашиб ўтиришни яхши кўрарди.

Мирмуҳсин аканинг олдига яқин дўстлари, устозлари Уйғун билан Зиннат Фатхулин, Шукрулло ака, Саид Аҳмад ака келиб туришарди. Ўша йилларда Асқад Мухторнинг “Давр менинг тақдиримда”, Ҳамид Гуломнинг “Бинафша атри”, “Қорадарё”, Саид Аҳмаднинг “Қирқ беш кун”, Пиримқул Қодировнинг “Олмос камар”, Ўктам Усмоновнинг “Гирдоб” романлари, Суннатилла Анорбоевнинг “Меҳр”, “Умр”, “Тўрткўзнинг саргузаштлари” қиссалари, Ўлмас Умарбековнинг “Жўра кишлок”, “Ёз ёмири”, “Уруш фарзанди”, “Кимнинг ташвиши йўк” қиссалари, Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қаймайди”, “Дунёнинг ишлари” қиссалари, Шукур Холмирзаевнинг қисса ва хикоялари, Неъмат Аминов, Омон Мухторнинг роман, қисса, хикоялари босилган эди. Пиримқул аканинг “Юлдузли тунлар” романи нашрга тахт қилиб қўйилган, аммо босишга рухсат берилмаган эди.

Шеърятда эса Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Хусниддин Шарипов, Муҳаммад Али, Жамол Камол, Гулчехра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Абдулла Шер, Муҳаммадали Қўшмоқов, Усмон Азимов, Шавкат Раҳмон, Хуршид Давронлар сара шеърый туркумлари, дostonлари билан фаол қатнашар эди. Ҳозирги наср, шеърят, адабий танқиднинг йирик вакиллари “Шарқ юлдузи” журналида воёга

етган. Ана шу йилларда ёш ижодкорларга ҳар йили журналнинг бир сонини ажратиш, уй-жой шароитини яхшилаш ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Бу нодир ҳужжат кўп ёш ижодкорларни рўёбга чиқаришда катта роль ўйнади. Шахсан, Тоғай Мурод, Зоҳир Аълам, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Нурали Қобул ва яна кўп истеъдодли ёшларнинг қисса ва хикоялари ана шу қарор туфайли босилган. 1976 йил охирида Мирмуҳсин аканинг дадиллиги туфайли яна бир жиддий ишга қўл урдик. Мен шу кезларда илмий ишим ҳам қолиб халқимизнинг олис тарихи, туркий халқларнинг келиб чиқиши билан кизиқиб қолган эдим. Шу йилларда туркий халқлар Сибирь Олтой томонлардан келиб қолган, бу ҳудудда эроний халқлар яшаган деган назария ҳукмрон эди. Бу қарашга қарши чиққан Мутал Эрматовнинг докторлик иши қабул қилинмаганди.

Қариндошим, тарих фанлари доктори Маҳкам Абдураимов Мутал Эрматов фикрларини ёклаганди. Бир кунни Маҳкам домлани кўргани борсам, хуноб бўлиб ўтирган экан. Шу баҳона тарих илмида қора доғ бўлиб ётган бу муаммо, илмий сохталиклар ҳақида кўп гапларни айтиб берди. Бу гапларни эшитиб, "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслигидаги Ўрта Осиёда қадимдан Шарқий Эрон тилларига мансуб қавмлар яшаган деган фикрларни эсладим. Шу кунгача барча ўқитувчилар каби мактаб дарслигида ёзилганми, демак, ҳақиқат деб келардим. Маҳкам аканинг айтган гаплари кўзимни очди. Шу кундан бошлаб ана шу баҳс доирасига кириб, мавзуга доир адабиётлар билан кизиқиб, излаб топиб, берилиб ўқийдиган бўлдим.

"Шарқ юлдузи" да бир йилча ишлаганимдан кейин адабий танқид бўлимида ишлаш ниятим амалга ошди. Икром Отамурод уй шароитим тўғри келмаяпти деб (бу ҳақда алоҳида тўхталаман) Қашқадарёга қайтиб кетди. Ўрнига мен ўтиб, Келди Қодиров билан бирга ишлаб бошладим. Шу кезларда Москвада профессор Кўрўғлининг рус тилида "Ўзбек адабиёти" дарслиги (иккинчи нашри) чиқиб қолди, уни синчиқлаб ўқидим. Ўзимга ёкмаган жойларини дўстим Зоҳир Аъламга кўрсатдим. Шукур Холмирзаев насл бўлимини бошқарарди. Китоб ҳақида гапириб бердим. Шукур ака ҳам кизиқиб қолди ва дарсликни иккимиз яна бир қарра жиддий кўриб чиқдик. Русийзабон талабаларга мўлжалланган бу китоб юзакилигидан ташқари, кўп масалаларни нотўғри, тарафқашлик билан ёритган, хато фикрларни илгари сурган эди. Ҳатто буюк шоиримиз Алишер Навоий ижоди ҳам ўртамиёна таҳлил қилинган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди тузукрок ёритилмаган эди. Унинг саргузаштларга бой ғаройиб ҳаёти, адабий мероси четлаб ўтилганди. Бошқа шоирлар ижоди ҳам тўла ва чуқур таҳлил қилинмаган, айниқса, йигирманчи аср адабиётига хос мураккаб жараёнлар ёпиклигича қолиб кетган эди. Бизни тарихни бузиб таҳлил қилинган ўринлар қаттиқ ранжитди. Агар қадимий халқларни аҳиликка, тинч-тотувликка қорлаш ўрнига биз азалдан яшаб келаётган жўғрофий муҳитда илгари фақат хинд-европа тилларига мансуб қабилалар яшаган, қолоқ кўчманчи туркий халқлар эса бу заминга милоннинг IV асрида кўчиб келган, "келгинди" турклар (китобда айнан шундай ёзилган эди) маҳаллий эроний қабилалар билан қўшилиб, аралашиб кетгандан кейин ҳозирги ўзбек халқининг аجدодлари бу заминда шакллана бошлаган деган қарашларни зўр бериб тарғиб қилишга уринган эди. Бу эса кўҳна халқимиз тарихини, жаҳонга машҳур обидалар қурган, қадимийликда мисрликларга тенг келадиган олис аждодларимизни қаттиқ камситарди. Аслини олганда, бу шўро мафқурасига хос иллат бўлиб, "ажратиб ташла ва ҳукм сур" деган машъум сиёсатнинг меваси эди. Ана шу сиёсат туфайли қадимий Туркистон бўлиб ташланди, 20-30 йилларда халқимизнинг гули-сарвари бўлган кўп буюк ижодкорларимиз миллатчи "пантуркист", "жаҳид" тамғаси остида йўқ қилингани маълум. Бу

каттол ўйинига юртимиз мустақилликка эришиб, чинакам тарихини тўғри баҳолаш имконига эга бўлгандан кейингина чек қўйилди. Ўтган асрнинг 70-80 йилларигача бу сиёсат тарихни сохталаштирувчилар қўлидаги асосий курол бўлиб келгани бугун ҳаммага маълум. Шукур ака иккимиз Кўрўғли китобидаги бу жиддий нуксонларни Мирмуҳсин акага кўрсатдик. У киши ниҳоятда дарғазаб бўлиб, мақола ёзиб, муносиб “баҳо беринглар” деб катта ишонч билан топширик берди.

Хуллас, бир ойнинг нари-берисида ҳамкорликдаги мақола тайёр бўлди. Ҳамма далилларни тўплаш ва коралама нухани тайёрлаш мендан, унга жиддий жило бериш, муносиб даражада таҳлил қилиш Шукур акадан. Бир неча сарлавҳа ўйладик, лекин уларнинг таъсири кам ва сийкаси чиққан деб ҳисобладик. Ниҳоят, кўнглимиздаги сарлавҳани марҳум Хусниддин Шарипов топиб берди: “Билиб ёзган яхши...” Мақола ўзимиз кутганимиздек катта шов-шувларга сабаб бўлди. Журнал қўлма-қўл ўқилди. Биз қаерга борсак фақат шу ҳусусда гап айланадиган бўлиб қолди. Ҳатто Шукур ака бир куни “Сўнгги бекаат” романи учун ҳам бунчалик мактов эшитмаган эдим” деб ҳазиллаган эди. Мақоланинг шухрати Москвагача етиб борди. Тошкентга муҳим ижодий ишлари билан келган “Вопросы литературы” журналининг бош муҳаррири Виталий Озеров Ёзувчилар уюшмасида ижодий суҳбат ўтказди. Шунда сўзга чиққан Мирмуҳсин ака мазкур мақола ҳақида маълумот берди. Виталий Михайлович мақолани “Таржима қилдириб журналда чиқарамиз” деб ваъда берди, аммо босилмади. Кимлардир қаттиқ халақит берди. Лекин мақола ўз вазифасини бажарди.

Ким билсин, агар халқимиз тарихини пухта билган Мирмуҳсин акадан бошқа ижодкор бош муҳаррир бўлганда ўша замон учун қалтис мавзу ҳисобланган бу мақолани босиб чиқаришга журъат этмаган бўлармиди?

Мирмуҳсин акани биз ана шундай дадил муҳаррир сифатида ҳурмат қилар, ардоқлар эдик. У журнални ниҳоятда яхши кўрар, журнал шаънига заррача гард юкишига йўл қўймас, Ёзувчилар уюшмасининг ҳар хил мажлисларида ҳам уни қаттиқ туриб ҳимоя қиларди.

Таҳририятда заррача молиявий хато, бузилиш бўлмасди, белгиланган қалам ҳақи барча ходимлар иштирокида тийин-тийинигача тўғри тақсимланарди. Яна бир одати, истеъдодли ёшларни журналга ишга таклиф қилар, уларга барча шароитларни яратиб берарди. Кўз ўнгимизда Икром Отамурод, Тоҳир Қаххор, Шукур Қурбон, Нортўхта Қилич, Асад Асировлар журнал мактабидан таълим олиб, ижодкор бўлиб етишди. Мирмуҳсин акада ички интизом кучли эди. У ходимларга ижодий кун беришни унча хуш кўрмасди, лекин иш вақтини соат 11 дан 17 гача қатъий белгилаб қўйган ва биринчи навбатда бунга ўзи амал қиларди.

Менга ҳам, бошқаларга ҳам кўп ёзинглар, яхши ёзинглар, қаттарок асар ёзишдан чарчаманглар, ҳаммаси меҳнат билан юзага чиқади, деб насихат қиларди. Билишимча, ўзи шанба ва якшанба кунлари ҳам ижодни тарқ этмасди. Аиникса, хордиқ кунлари кадрдони Саид Аҳмад ака телефон қилиб, “Мирмуҳсин, нима иш қилиясан!?” деб жигига тегишни яхши кўрар экан. “Ҳовлида юрибман, шланка билан гулларга, дарахтларга сув сепаяпман”, деган жавобни оларкан. Буни кула-кула ўзи гапириб берарди: “Ёзганларингни суви кўп демоқчими? Нима, унга фалон асар устида ишлаяпман, деб ҳисоб беришим керакми?” – деб қўшиб кўяр эди.

Журналда чамаси икки йилча ишлаганимдан кейин илмий ишни охирига етказиб қўйишга жазм қилдим. Дўрмондаги ижод уйида ёзиш учун апрель ойининг бошларида маош олинмайдиган таътил сўраб олдиға кирдим. Мирмуҳсин ака одатдагидек хушвақт қаршилаб, мақсадимни билгач, анча ўйланиб деди:

– Маошсиз таътил бериш-ку қийин эмас, аммо ўзингиз қийналиб коласиз, – у бироз ўйланиб тургач, қўшимча қилди. – Моддий аҳволингиз менга маълум.

Кишлоқдаги чол-кампириям уринтириб қўясиз. Ўз хисобингиздан таътил сўраб ариза ёзинг. Ғаладонга ташлаб қўяман, ҳар эҳтимолга қарши. Биров келиб сўраса, аризани кўрсатаман. Маошингизни тўлик олаверасиз, илмий ишингизниям қилаверасиз. Шундай қилсак бўладими?

Бундай қутилмаган ҳиммат, очигини айтганда, мени довдирашиб қўйди. Мирмуҳсин аканинг олийжаноблиги, саховатига қойил қолдим.

"Ҳар тўқисда бир айб" деганларидек Мирмуҳсин ака ҳар хил гапларга ишонар, ўзига яраша соддалиги ҳам бор эди. Идорада ўтган ғалати бир воқеа эсимдан чикмайди. Ёзувчи Шухрат таҳририятга "Бир кеча фожиаси" номли қисса олиб келганди. Уни наср бўлими, масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари, Мирмуҳсин ака ўқиб нашрга тавсия этишди. Аммо қисса босмаҳонада терилиб, кайта ўқиладиганда таҳририятда кўпдан бери ишлаб келаётган кекса мусаххих бир камчилик топди. Асар қаҳрамони улфатлари билан ичби, кечаси уйига кайтаётганда милицияга тушиб қолади. Тунни шу ерда ёлғиз ўтказди. Бу ҳол 26 октябрь кечаси рўй беради. Руҳан мағлуб қаҳрамон даргазаб бўлиб: "Ҳа, ланнати 26 октябрь, сен туфайли мана шу аҳволга тушиб ўтирибман", деб бир неча марта сўкинади. Мана шу оддий тасодифий сўқиниш мусаххихимизнинг назарида катта сиёсий хато бўлиб кўринади. 26 октябрь кечаси қуролли қўзғолон кўтарилиб, большевиклар ҳукумат бошига келгани маълум. Мусаххих ёзувчини қоралашга ўтди: "Ёзувчи атайлаб шу санани танлаб олган. Шу баҳонада инқилобни қоралайти, инқилоб бошимизга бало, мусибат олиб келди, деб сўқиняпти. Ўзининг октябрь инқилобига, совет ҳукуматига салбий муносабатини усталик билан ниқобляпти. У совет тузумини кўра олмайди, уни қоралайди".

Акамиз ўз даъволарини яна каторлаштира бошлади. Асардаги илғор ишчи англашилмовчилик туфайли камалиб қолганини эшитган корхона ишчилари касба уюшмасига ёпирилиб киришади. "Ўртоғимиз зудлик билан озод қилинмаса, ҳаммамиз милиция идорасига борамиз. Уни камокдан чиқармагунча қўймаймиз", деб катгий фикр билдиришади. "Нима бу очикдан-очик кўзғолон кўтариши? Ёзувчи ака ана шунга ишора этмаяптими?"— давом этди мусаххих.

Ҳаммамиз қарахт бўлиб қолдик. Нима дейишни билмай бир-биримизга хайрон қараймиз. Шунда Ойдин Ҳожиева шартга ўрнидан турди-да:

– Нималар деяпсиз ўзи, ака?! Сиз асар ҳақида мутлако нотўғри гапираяпсиз-ку! Қисса ҳеч қандай ёмон ният билан ёзилмаган-ку. Сиз айтаётган гаплар ёзувчининг ҳаёлига ҳам келмагани кўриниб турибди. Кекса ёзувчига бунақа тухмат қилманг. Шухрат ака бир марта камалиб азоб тортиб келгани етар, ахир! Санани ўзгартириб қўйиш керак, тамом-вассалом. Ҳаммаси жой-жойига тушади. Сал ўйлаб гапиринг, ёзувчи шахсини хурмат қилинг-да, ака!

Ойдинхон кўнглимиздаги гапни айтди. Мусаххих акамиз бундай зарбани кутмаганидан довдираб, бош кўтара олмай қолди. Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси Ойдиннинг фикрларини маъқуллади. Ҳаяжонланиб кетган Мирмуҳсин ака "Сиёсий саводхон" акамизга қаттиқ танбех берди:

– Сиз тажрибали корректорсиз. Журналда кўп йилдан бери ишлайсиз. Сизга қаттиқ ишонганимиздан физкультурачилар газетасида ишлашингизга ҳам руҳсат бердик. Бошқа одам бўлганда, икки жойда ишлашига розилик бермас эдим. Тушгача бу ерда ишляпсиз, кейин "Ўзбекистон физкультураси"га бориб штанга кўтарасиз. Майли дедик. Шу шароитда тирноқ остидан кир қидиришингиз нимаси? Ишимиздан сиёсий хато излаб ўтирмасдан кўнглингизда шубҳа туғилган бўлса, тўғри олдимга қиринг, мана Ҳайдарали бор, Оқилжон бор, айтинг, маслаҳат сўранг. Ойдинхон жуда тўғри айтди, кўнглингиз тўлмаган бўлса, 26



октябрь эмас, 27 август, деб ўзгартириш ҳақида таклиф киритинг, олам гулистон!

Қаттиқ мулаҳазма бўлган мусафҳих акамиз шундан кейин тахририятда кўп ишламади. Ўз ихтиёри билан ишдан бўшаб кетди.

Мирмуҳсин ака нашрга тайёрланаётган асардан кўнгли тўлмаса ёки уни чиқаришга иккиланса, дарров бошқа бўлимдаги ходимларга ҳам ўқитиб, фикрини сўраб, маслаҳатлашиб, ишни пишитишдан (ўз таъбири билан айтганда, “Ошни дамлаш”) эринмас эди. Бир куни мени чақириб, Тохир Маликнинг нашрга тайёрланаётган “Фалак” киссасини қўлимга тутказиб: “Тез ўқиб чиқиб эртага фикрингизни айтасиз. Ё “ха”, ё “йўк” деган хулосангиз кифоя. Бошқа тахлилни кераги йўк”, – деди.

Мен кечкурун алламаҳалгача киссани қатта қизиқиш билан ўқидим. У раво ёзилган, сюжет кескин, қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатлари, ички дунёси маҳорат билан очилган эди. Тохир шу кезларда анчагина танилиб қолган эди. Аммо мен “Гулистон” журналида эълон қилинган “Қора фаришта” ҳикоясинигина ўқиган эдим. Янги киссадан кўнглим тўлди. Эртаси куни келишилганидек асарга “Босилса бўлади” деган хулосамни айтдим. Мирмуҳсин ака мийғида кулиб деди:

– Ўзимга ҳам ёқди, аммо барибир танқидчи сифатида фикрингизни билгим келди. Буни зарари йўк. Мен бу боланинг асарларини яхши билмайман. Кўп меҳнат қиляпти, қалами ўткир. Ўзи Мирзақалон аканинг жияни. Жаҳон фантастикасидаги тайёр сюжетлардан фойдаландимикан деб шубҳаландим. Наср бўлимидагиларга ишонаман, шундай бўлса ҳам ишни пишиқ қилганимиз яхши.

Юқорида мен Мирмуҳсин ака очиккўнгил, ҳиммати баланд киши эканини айтдим. Тахририятда ишлар эканман бунга кўп марта гувоҳ бўлдим. У айтганини қиладиган, берган ваъдасини устидан чиқадиган киши эди “Танқид бўлимини сизга ишониб топшираман” деган ваъдасида ҳам турди.

Келди Қодиров бу лавозимда яхшигина ишлаб юрган эди. У бир олим билан бирга ёшлар шеърлятига бағишланган “Ҳаётбахш шабадалар” номли мақола эълон қилди. Журналнинг янги сони тарқалиши билан бу мақола тилга тушди, қўлма-қўл ўқилди. Аммо барча фикрлар салбий эди. Мунаққидлар ёш ниҳолларни авайлаш ўрнига 50-йиллар танқидчиларига ўхшаб вульгар социологизм йўлидан бориб, анчагина ёш ижодкорларни қаттиқ танқид қилишган, кескин фикрлар билдирибшанди. Мақолада ёш шоирлар ижоди меҳр билан эмас, кўпроқ қаҳр билан ёритилган эди.

Мақоладаги кескин, аммо асоссиз мулоҳазаларга биз ҳам қўшилмадик, айниқса, Зоҳир Аълам Келдига қаттиқ-қаттиқ гапирди. Шуқур Холмирзаев билан мен ҳам жиддий хулосаларимизни билдирдик ва Мирмуҳсин акага бу мақола журналнинг обрўсини туширади деб айтдик.

Домла эртага мақолани жиддий муҳокама қиламиз деб ваъда берди. Юқорида айтганимиздек, Мирмуҳсин ака журнал обрўсига заррача доғ туширишни хоҳламас эди. Хуллас, соат ўн бирда бошланиб, тушликдан кейин ҳам давом этган бу мажлисда журнал “ур-ур”чилик руҳида ёзиладиган мақолаларга ўрин бермаслиги керак, деган тўхтамга келдик. Кейин Келди публицистика бўлимига ўтказилди, мен танқид ва адабиётшунослик бўлимини бошқарадиган бўлдим. Мирмуҳсин ака журнал ходимларини жуда авайлар, уларга биров хизмат буюрса ҳатто жаҳли чиқиб кетар эди. “Совет Ўзбекистони” газетасида бирга ишлаган кадронларимдан бирининг очерки журналда чиқаётган пайтда Мирмуҳсин ака мени чақириб, очеркни қўлимга тутказди: “Марказқўмга мана шу ўртокка телефон қилинг, келиб ўқиб, қўл қўйиб кетсин”, – деди.

Марказқўмдаги ўртоғимиз бандлигини айтиб: “Агар малол келмаса, мақолани олиб келиб берсангиз, шу ерда ўқиб берардим”, деб хузурига чорлади.

Журналда Мирмуҳсин ака жорий қилган ва ҳамма амал қиладиган қоидага



кўра, ходим бирон жойга борадиган бўлса ходим мухаррирга, албатта, айтиб кетиши зарур эди. Олдига кирдим, бўлган гапни айтдим. Домланинг пешонаси тиришди:

– Йўқ, бунакаси кетмайди. Ҳеч қаёққа бормайсиз. Ўзи шу ерга келиб ўқиб берсин.

У телефон трубкасини кўтариб, дўстимизнинг рақамини терди:

– Бизда қоида шундай, ҳатто Уйғун ака, Яшин акалар ҳам келиб асарини шу ерда ўқиб беришади. Тез етиб келинг!

– Бу гапларим сизга ҳам сабоқ бўлсин. Журнал ходими ҳеч кимга югурдаклик қилмайди, – деди.

Бояги дўстимиз қаттиқ хижолат бўлиб, бир муддатдан кейин тахририятга кириб келди. Тасодифни қарангки, у келган пайтда ичкарида Уйғун ака, Зиннат Фатхуллин ва Мирмуҳсин ака гаплашиб ўтиришар эди.

Домла ўрни келганда тўғри сўзларни қатта мажлисларда ҳам айта оларди. Уюшмадаги шундай мажлислардан бирида Мирмуҳсин ака раисимиз Комиш Яшин ҳақида ҳам ҳеч ким айта олмайдиган мардона гапни айтди. “Шарқ юлдузи” журналининг ходимлари ёпиқ партия мажлисларидан бошқа барча тадбирларда қатнашар эди. Ҳеч қутилмаганда, Мирмуҳсин ака минбарда туриб: “Яшин ака қатта драматург. У ажойиб драмалар ёзиши, фаол ижод қилиши керак. Бунинг ўрнига нима бўляпти? Яшин аканинг умри қатта мажлисларда, халқаро йиғинларда ўтиб кетаяпти, хаёлни жойига қўйиб, хотиржам асар ёзишга вақти йўқ. Бунинг устига, Яшин ака 80 ёшни қоралаб қўйган. Кекса одам чамадон кўтариб, аэропортларда соатлаб сарғайиб ўтиришга мажбур. Бу масалага одамгарчилик, инсонийлик нуқтаи назаридан қараш лозим. Яшин акага ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиб берайлик, у киши оксоқол, маслаҳатчи бўлиб қолсин, раҳбарликни ёшроқ, серғайрат бошқарув аъзоларидан бирига берайлик”, деган таклиф билдирди. Залга сукут чўкди. Ҳеч ким Мирмуҳсин ака тўғри гапирди демади. Фақат танқидчи Ҳафиз Абдусаматов: “Мен Мирмуҳсиннинг таклифига қўшилмайман. Яшин ака ёшлик шижоати билан ижод қилапти. Жамоат ишларида ҳам фаол. У айниқса, Осиё ва Африка ёзувчилар ҳамжамиятининг раиси сифатида қатта ишлари бажармоқда” дея эътироз билдирди. Биз “Шарқ юлдузи”чилар эса раҳбаримизнинг дадиллиги, чўрткесарлигига қойил қолдик. Орадан кўп ўтмай вақтнинг ўзи ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб қўйди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига таникли жамоат арбоби, драматург, публицист Сарвар Азимов раис бўлиб келди. Тахририятдагилар аҳиллик билан ўз ишларини давом эттиравердик. Аммо, ҳаммамиз тез орада журналда ҳам бирон ўзгариш бўлса керак деган хаёлда эдик, ўйлаганимиздек бўлди. Уюшма мажлисида Мирмуҳсин ака Яшин акага нисбатан айтган гаплар исзис кетмади. Янги раис иш бошлагандан кейин Мирмуҳсин ака “Гулистон” журналига бош мухаррирликка ўтказилди. Шундай қараганда у киши ҳеч нарса ютқазгани йўқ. Аммо биз – журнал жамоаси қаттиқ хафа бўлдик. Илож қанча, кўниш керак.

Мирмуҳсин ака билан ана шундай маҳзун хайрлашганмиз. Орадан бир-икки кун ўтгач, журналимизга филология фанлари доктори, театр танқидчиси Ҳафиз Абдусаматов бошлиқ бўлиб келди. Янги жойда ҳам Мирмуҳсин ака журналимиз билан алоқасини асло узгани йўқ. Мени “Гулистон”да ҳам қатнашинг, деб даъват қилиб, қатта-қатта мақолаларини суратим билан жуда кўримли қилиб чиқарди. Домла вафот этгунча ака-укалимиз йўқолгани йўқ. Ҳозир ҳам Мирмуҳсин аканинг кизи, истеъдодли журналист Гулноз билан хабарлашиб тураемиз. Мирмуҳсин аканинг вафотидан кейин чиққан “Сайланма”сига сўзбоши ёзиб бердим. Домланинг хотираси қалбимизда узок яшайди.



## НАСР



**Яхё ТОҒА**

1957 йилда тугилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ), М. Горький номи Москва адабиёт институтининг Олий адабиёт курсини тамомлаган. Унинг “Кўклам қалдирғочлари”, “Қафасдаги бургут”, “Тасалли”, “Кўйла, ҳофиз”, “Фахриёна”, “Хотира дарёси”, “Тўполончи топагон” каби шеърӣ ва насрий китоблари чоп этилган.

### БОЛАЛИК ҲИДИ

Эссе

*Етар.  
Елкани қийган  
Арқон сизданам ортсин.  
Бу тўрни энди, тога,  
Балиқ еганлар тортсин!  
XX аср. Камина*

XX аср адоклари.

Юртимизда озодлик экинлари эса бошлаган пайтлар. Ўша пайтлардаёқ элнинг оташин шоирига айланиб “улгурган” Усмон Азимов – республика радиоси адабиёт бўлимининг мудирӣ – кўп талаб уриб юрдилар: Бир баликка чикайлик!

– Қачон десангиз, биз тайёр! – камина тихирлик килмайман-у, ичимдан киринди ўтади: эплаб кутиб ололасанми ўзи? Ҳам оғанг, ҳам устозинг...

– Кўркма, сени чикимга қўймаймиз! – Усмон ака бир нафас билан хавотир булутларини таркатиб юборади. – Улов мендан. Ҳамма “дов-даска” мендан. Факат, сени овулингда ов киламиз. Йўлбеги – ўзинг.

“Дов-даска”, маълум нимарса: газагу “ўрости боласи”. “Мени овулим” – пойтахт вилоятнинг ғарбий этагидаги баликчи кишлок – Кўрғонча!

Ота юрт!

Ҳаммаёк сув. Сув... сув... Ув-в... Нафасинг қайтиб кетади. Ҳаво дим. Ерлар зах. Зах... зах... Во-оҳ, шу аҳволда ҳам жонсабил мардум дехқончилик билан шуғулланади: пахта, каноп, шоли етиштиради; олмазор, узумзор боғлар яратади; чорва бокади: қорамол, окмол (балик ҳам шу сирага киради, чоғи?!); уйлар қуради; кўприклар, йўллар; шунча ғурбату ташвишдан ортиб битта-ярим эрка-ю эркин ижодкорининг бошини силаб ҳам кўяди... Отангга балли-э!

Хуллас, узок таклифу мулоҳазалар, ўйу андишалардан сўнг вақт тайин килинди: Шанба куни йўлга чиқамиз!

Ёз чилласи.

Беш киши – шоир Усмон Азимов, ёзувчилар Олим Отахонов ва Аҳмад Аъзам ҳамда журналист-драматург Тойир Юнусов (охирати обод бўлсин!), камина йўлма-йўл бозор-ўчар килиб, чошгоҳда “вилоят этаги”га етиб бордик. Бордигу

“танлаб-танлаб”, тахминан 200 гектарлик “ховуз” бўйига “туғ кададик”. Дов-дарахт. Соя-салкин. “Кўрпачамиз – ўт-ўлан. Кўрпачамиз – осмон”. Аввало, дастурхон ёзилди: “дов-даска” тўкин.

Йўк.

Аввало, “катта уй”ни – мактаб ва стадионга ёндош “йўлбеги” ўсиб-улғайган ўртамиёна хонадонни зиёрат қилгандик. Ота-онам (Оллох раҳматига олган бўлсин!) хушнуд кутиб олишганди.

– Зап келипсизлар-да, шойирларим!

– Аччиккина мастава кип қўйипман, айланайлар!

Улар “шойирлар”ни эл катори сийладилар, алкадилар, дуо килиб колдилар: Бошларинг тошдан бўлсин, болаларим!

...Икки буюк – нозиму носир – бир жуфт жомсўз (“тарбияи бадан”)дан сўнг, “местний”лар тайёрлаб қўйган қармоқларни кўлга олдилар: Кимўзар.

– Хозирдан айтиб қўяколай. Олим бўлсангам, зolim бўлсангам қалқонинг тешилди, Олим.

– Катта кетма, шоир. Жўжани кузда санаймиз.

“Икки алп майдонга тушди”. Қолганларнинг бир қисми томошабин, бир қисми бўлак юмушлар билан банд. Ўчоқ қазиш керак: қозон ўрнатиш (қозонки – “Никалайнинг ёғини ялаган”, балиқ қайнатилавериш гирдини курум қоплаган, шамойили маълум, лекин тусу рангини “ўзи ҳам унутиб юборган” пачоқкина пакир); курукқоқ жингилу мияларни тўплаб ўтин хозирлаш... Асосий хизмат менинг уч забардаст укам – Абдуғафур, Абдуманноф, Абдурасул – ва мактабдош дўстим Тўйчихўжанинг (ётган жойлари жаннатнинг боғчаларига айлансин!) зиммасида: Тошканнан келган азиз меҳмонларнинг хурмат-иззатини жойига қўйиш керак. Юзимизни қора килиб, “газет-пазет”га чиқариб юборишмасин булар тагин. Худо сакласин...

Ов авжида.

Шинаванда драматургимиз қапирни қиличдай сермаб турибди: “Баликни ўзим пишираман!”

Чекига қулай жой тушганми; қармоғи тилладанми; чувалчанги семизроқми; омади чопган кунми; ё ўзи мохирми, хайтовур, Олим ака ўнтача балиқ тутиб қўйдиямки, Усмон аканинг пўкаги ликилламайди (жуда ноинсофлик бўлмасин, ора-сира устознинг ҳам қўли келиб турди).

“Ғалвир” сувдан кўтарилиб, “жўжалар” ҳисоб-китоб қилинганида Олим “золим” “зафар завки”ни яшириб ўтирмади: “Чучварани хом санабсиз, мавлоно. Балиқ тутиш манавинақа бўлади”.

“Мавлоно” “ҳалол ғалаба”ни тан олмади.

У, “бу шармандали мағлубият”ни ўзига юқтирмади, боз устина, ўз “уқувсизлиги”ни бўлак бир ифтихор пардасига ўради: “Шоирлар раҳмдил ва меҳрибондирлар. Уларнинг жониворларга шафқат назари, авомниқига нисбатан, анча юқори келади!”

“Мағлуб томон” ясаган эрса-да, бу ғолибона хулосани ҳамма яқдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Алал-окибат, улуғлар қўли теккан “сарик олтин”лар “шарафланди”. Қармоқлардан кейин пичоқлар ишга тушди. “Бойвачча балиқлар” тангаларидан жудо қилиниб, айримларининг териси шилиниб, “ўз ёғи”га қовурилди. Димлама. “Уха”. “Хе...” Эҳ-хе, яна алламбало таомлар... Балиқ пиширишнинг ўнлаб усулини биладиган жигарларим шинаванда қаламқаш пазанда раҳбарлигида “ҳар мақомга йўрғалаб, роса усул кўрсатишди”.

Адиблардан бири орада сал хавотирга тушгандай бўлди:

– Ҳеч ким ҳеч нима демайдами? Давлат мулки...

– “Отамдан қолган далалар”. Қолаверса, Усмон ака бор. Бирортаси пишагимизни пишт деб кўрсин-чи...

Фаришта бор.

Томдан тараша тушгандай, кўл бўйида елкасига милтиқ илган балиқбеги пайдо бўлиб қолди. У биз томонга синовчан назар ташлади-да, мени таниб, ёнига имлади. Посбоннинг ёнига пилдирадим: қуролнинг ҳурмати бор.

– Сени “шайка”нгми, хўжа?

– Мени “шайка”м.

– Эҳтиёт бўлинглар. Тагин, тепадагилардан, – у қўштиғини идора томон ўқталди. – Битта-яримта...

– Нечта “яримта”, десангиз, пастда ҳозир у нозир. Марҳамат, Зелим оға.

– Ну-ну-ну... Биз хизматдамиз. Атаганинг бўлса, ана, қоровулга қолдирарсан. Лекин, мен сизларни кўрмадим. “Туя кўрдингми? Йўк!”

Дўку дағдага қиладим, десам, “оға” бизни “дўстона” огоҳлантириб, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлди.

Бригадирнинг хабари йўк экан, шекилли?! “Тепадагилар” бу “адабий тадбир”га рухсат беришганди: “Шахсан Усмон Азимовнинг ўзи келармиш! “Жиндай қаридор” очиб қўйилсин!”

Эгамнинг меҳрибончилиги билан шу куни “маишат”имизга даҳл қилувчи бўлак кимса бўлмади.

Табиат қўйнидаги “шоҳона маёпка” эмин у эркинликда, тинчлигу хотиржамликда кечгача (кейин, якшанба тонгигача) давом этди.

– Олинг, мавлоно!

– Ўзлари бошласинлар...

– Устози калон...

– Улуғим...

– Буюгим...

– Таксир...

– Азиз меҳмонга “жонлик”нинг калласи сузилсин...

– Асл балиқчи балиқнинг калласини истеъмол қилгай...

– Ровийлар андоқ ривоят қилибдурларким, Ҳазрати Али ҳазратлари Биби Фотимани никоҳлариға олғонларидин сўгин...

– Таом тортгон бақовулимизнинг қўллари дард кўрмасин...

– Хизмат қилган укаларимизнинг хонадонларида тўйлар бўлгай...

Тавозелар гўзал, манзиратлар ҳаммага манзур. Ҳаммаси рисоладагидай. Фақат, ҳар замон Усмон ака саркашлик кип кўяди: “Таксир, дема-э!”

Меҳмонлар кулоғи “бул каби нафису латиф лутфлар”га, бир қадар, “кўникма” ҳосил қилган, лекин, мезбонлар роса яйрашди: Шоирнинг ҳар сўзи ноёб, ҳар лўқмаси топилма!

“Қишлоқилар-ку” ўз йўлига, бироқ, биз ҳам – “шаҳарлик шайирлар” оғзимизни йиғиштиролмай қолдик.

Ҳа. Устозлар шогирдларини ҳам “унутишмаганди”. Асл мақсад аён-ку, ахир. Балиқ бир баҳона.

– Шоир бўламан десанг кўпроқ ўки!

– Прозани.

– Иложи борича оригиналда ўки.

– Театрга ҳам тушиб туриш керак.

– Олим ҳақ. Сен ҳам, – Усмон ака гапни киска қилди.

“Кўпроқ ўқи!” деди устоз, “Кўпроқ ёз!” демади.

Албатта, бошқа панду насихатлар ҳам бўлди. Кескинроқ бўлгани учунми, ҳозир эсимда қолгани шу: “Кўпроқ ўқи!”.

Шеърят мактаби, Адабиёт дорилфунуни – шудир, эҳтимол?!

Эҳтимол?!

Ҳар ҳолда, шу кунни оддий бир ҳақиқатни ҳис қилдим-ки, асл устознинг бир оғиз ўғити ё бирор ишораси, гоҳида, турли даргоҳларда олинган кўп йиллик сабоқлардан салмоқлироқ келаркан.

Шом тушди.

Пашшалар ҳужумга ўтишди.

Биз кийган, докадан қалинроқ “олимпийка”лару пиёз пўстидек ёзги пайпоқларни масҳара қиларак, ниши юққароқ чопонни тешиб юборгудек пашшалар булутдай устимизга ёпирилишди. Искартопарлар.

– Қонхўр пашшалар! – ҳайқирди устоз.

– Чивин. Қонхўр чивинлар! – меҳмонлардан бири шоирнинг “хато”сини ўнгламоқчи бўлди.

– Чивинлар қонхўр эмас, қонхўрдирлар. Улар дастурхонга уймалашиб, ғашинга тегади, холос. Булар эса, ниш урганида, жонингни суғуриб олай, дейди.

– Ҳалиям бўлса, пашшахона тутиб берайлик.

– Пашшахона, дедингизми, Тўйчихўжа?

– Ҳа-а.

– Ана. Агар, сени гапингни тўғри, дейдиган бўлсак, ота-боболаримиз момоларимизга пашшахона эмас, чивинхона тиктирган бўлишарди.

– Хўп. Хўп. Биз таслим. Лекин, бу “хунрезлик”ка қарши бирор чора топайлик.

Мезбонларнинг таклифига кўра, чимдан мундоғроқ кўра ясалиб, тезак тутатилди. Бу чора сал наф бергандай бўлди-ю, ўзимиз бўғилиб қолдик. Меҳмонлардан бирининг тутундан дардкўзери (аллергияси) бор эканми, йўтала-йўтала даврандан чиқиб кетди ҳатто.

Ўртанча укам Усмон акага газетадан қалпоқча – омонат паноҳ ясаб берди: Халқ хазинасини асрашимиз керак.

Кимдир баданига қандайдир малҳам сурди.

Ким сочиғини, ким кўйлак-иштонини елпаррак этди.

Самара кам.

“Хунрезлик”ка қарши “шеърятнинг пичоғини” қалқон айладик: Усмон Азимовнинг шеърлари жаранглади.

“Кездим,

Кўрдим

Бойсундай жой

Бу оламда йўқ экан...”

“От елар, чавандознинг

Бир енги хилпирар, бўш...”

“Ғамга ўзим харидорман, ўзим бозор...”

“Ахир, менга ўхшамайди-ку...”

Ҳамма муҳибу мутаассир. Айниқса, адабиётга алоҳида меҳр қўйган катта укам жўшиб кетди:

– “Агар, одам бўлсанг, гапимга тушун...”

“Мен бугун куйладим иккимиз учун...  
Эртага... индинга... кейин-чи... кейин...”

Кейин... “Ўзбекнинг кичиги” камтарлик қилди: Устознинг олдида, тилини тийган бой бўлади.

Мен тийиксизлик қилиб, “Усмон Азимов шеърларига пародиялар”имни ўқидим. Лекин, “тилбилмас пашшалар” “қалқонларимиз”ни писанд этмади.

Кенжатоимиз ҳам ўзини, ҳам меҳмонларни аяган бўлди:

– Уйга қайта қолайлик?!

– Йўқ, – Усмон ака эътирозга ўрин қолдирмади. – Шу ерда тунаймиз!

– Ё, пашшалар бизни тунайдилар, – Олим ака болдирина шапатаилади.

– “Чидагин, болам-а, чидагин”.

– Чидаймиз, – Тойир ака ўзининг даврага қайтганлигини билдириб қўйди. –

Бу зolimларнинг умри қиска.

– Ёз ёмғиридай.

– Бир шабада турса, бас, булутлар тарқаб, пашшаларга сичқоннинг ини минг танга бўп кетади. Биз бу “қонхўрлар”дан ҳеч қачон кўрқмаганмиз, энди ҳам кўрқмасмиз, иншоолоҳ. Тўғрими, мавлоно?

– Тўғри.

Ҳақиқатдан ҳам, орадан ҳеч қанча ўтмай, сарин ел эсиб, “қонталаш улусни зулму озорлардин халос айлади”.

Тойир Юнуснинг қувончи ичига сиғмайди: – “Ана, айтмадимми?!”

Пашша хуружи бошланганидан буён ичмай, егани ичига тушмай ўтирган Тўйчихўжанинг ич-ичидаги жиҳолатчилик чигиллари ёзилиб кетди:

– Битта тўлдириб қуй-чи!

– Э, бормисан, оғайни?

– Энди одамга ўхшадим-а! Кўзларим ярқ этиб очилди. Гап бундай, миймонлар. Вакт ҳам алламахал бўп қолди. Раз, кетмадиларингми, энди қўналга мендан. Тепада юз эликта “детский” калаватим бор. Катта одамнинг сиғиши амримахол...

– Ҳечкиси йўқ. “Бир кунга хўкиз ўлмайди”. Ижодкор одам ухлаши шарт эмас. Айниқса, шундоқ қўл узатсанг, бағрингга тўкилгудек юлдузлар бошингда порлаб турган маҳал... Баҳонада болаликнинг хидига яна бир тўйиб оламиз.

Устознинг бундоқ тағ-заминли таклифини рад этишнинг иложи йўқ. Чорночор тепага кўтарилдик.

Биз жойлашган қўл бўйидаги қўш қаватлик балиқчилар чойхонаси мавсумга кўра, болалар оромгоҳига айлантирилган. Биринчи қават идора, ошхона ҳисобида; иккинчи қават – тўрт томони очик шийпонга, кундузги уйку учун бир ярим газлик болалар каравотчалари қатор териб қўйилган экан.

Меҳмонларга имкон қадар тузукрок шароит яратилиши илинжида, “Хохласаларинг каравотларни бирлаштириб олинглар”, – деди Тўйчихўжа.

– Мен битта каравотда ётаман! – Усмон аканинг ҳалиям шашти баланд эди.

Уйлари бир қадам нарида бўлган укаларим ҳам меҳмонларни опкетишга кўндиришолмай, биз билан бирга қолишди.

– Бу “девона”лар-ку, майли, сизларга нима зарил? Боравермайсизларми?

– Шу “девона”ларингизди суҳбатини кўзимиз қиймаяпти, ака. Айниқса, анов лабини кимтиб шеър ўқийдигани гурунгиям кийворар экан.

Этирофдан билдимки, менинг “жоначирлигим”га ҳожат йўқ. Шу боис укаларимга бошқа тиргалмадим.

Бу ёғини сўрасангиз, ҳатто Тўйчихўжа ҳам барча шароити мухайё қоровулхонасига тушиб кетмади.

Кимдир иккита қаравотни бирлаштирди, кимдир учта. Ўйдим-чуқурини, мўл эмасми, болаларнинг болишчалари-ю чойшабчалари билан эплаганимизча “тўлдириб”, қунишиб, буқлашиб, жунжикиб (чор-атроф сув, тўрт томон очик, серкуёш Ўзбекистоннинг саратонида ҳам тунги ҳаво салқингина; ўраниб-буркангани тузук-қурук кўрпанинг ўзи йўқ, “адёл”чаларни-ку, бошингга ёпсанг, аёғинг очилиб қолади). Зухро юлдузи сўнгунга қадар “болаликнинг хидига роса тўйдик”.

Албатта, уйку ғолиб келгунга қадар гурунг давом этди: шеърхонлик, қиссахонлик...

Орада...

Саксонинчи йилларнинг ўрталарида, турли йиғину тadbирлар боис, гоҳ Дўрмонда, гоҳ Ёзувчилар уюшмасида шоирлар ва бахшиларнинг боши кўшилиб қоларди. Бир сафар Шоберди бахши Алпомишнинг чоҳдаги етти йиллик ҳолатини “айтиб бериб”, бир майдон мухлисни “бир майдон” мутаассир этганди.

“Чак башўлардан-а қараган  
Қоражон дўсим-ов, сенмисан?...”

Хизмат тақозосига кўра, мухлислик ғолиб келибми, эртаси Шоберди Болтаев билан учрашгандик.

– Қойил, бахши бово! Ҳаммани йиғлатдингиз...

– Мен барингди жилатдим, мени Ўсмон жилатди.

– Ҳм?

– Окшом Ўсмонминан бирга эдик...

– Хўш?

– Э, баринг бир томон, Ўсмон бир томон.

“Окшом” Усмон ака номдор бахшига ўзининг “Бахшиёна”сидан парчалар ўқиб берган экан.

Бахшимизнинг кейинги репертуарларида ўша машҳур асардан айрим сатрлар “жилвалана” бошлаган:

“Бизга берган ваъдалари эсдан чиғи-и-иб...”

...Усмон аканинг “кўзини шамғалат қилиб” шу воқеани ҳамқишлоқларимга сўзлаб бергандим.

Тонг отди.

Сафаримиз қариди.

“Бир пиёла чой”дан кейин йўлга отланиб туриб эдик, Аҳмад Аъзам армон қилиб қолдилар: “Эркин Аъзам етишмади-да, Йўлдош Эшбек...”

Ул улуғларнинг эслангани айни муддао бўлди.

Лекин, бул энди алоҳида мавзу.

Айни дамда гап улуғ қавмнинг фахру ифтихори, икки асрнинг оташин шоири Усмон Азимовнинг адабий-бадий, шеърый маҳорати-ю маҳобати ҳақида... Менинг эса тилим лол. Шу боис ота юртимга “ўтлаб” кўяқолдим. Қолаверса, отамдан ошириб бир нарса дейишим мушкул: Бошларинг тошдан бўлсин...

Кейин ҳам, турли иссиқ-совуқ маъракаларда устоз билан кўп учрашдик...

Бул ҳам алоҳида мавзу.





## АДАБИЁТШУНОСЛИК



*Маишхура ШЕРАЛИЕВА*

*1976 йилда туғилган. Андижон давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Республика матбуотида адабиётшуносликка оид қатор мақолалари, шунингдек, “Адабиётшунослик лугати” (хаммуаллифликда), “Бобурнинг андишаси” номли мақолалар тўплами чоп этилган.*

## ВОҒЕЛИККА КИНОЯВИЙ МУНОСАБАТ

Ёзувчи Мурод Мухаммад Дўстнинг “Лолазор” романи ҳақидаги адабий баҳсларни кўздан кечириб, айтиш мумкинки, мунаққид ва китобхонлар учун муаллиф нуқтаи назарини аниқлаш энг муҳим масалага айланган. Зотан, бадий асарнинг концептуал яхлитлигини таъминлашда муаллиф образининг ифодаси муҳим роль ўйнайди. Адабиётшунос олим Михаил Бахтин бадий асардаги бирламчи ва иккиламчи муаллифни ажратиб кўрсатади. Шунга кўра, “Лолазор” даги роман ижокори – ўз сўзи билан иштирок этмайдиган бирламчи муаллиф ва ўз сўзи билан қатнашаётган муаллиф тафаккури, дунёқарашига хос хусусиятлар ифодачиси ўларок намоён бўладиган иккиламчи муаллиф образини фарқлаймиз. Бу ўринда иккиламчи муаллиф образи ҳақида фикр юритамиз.

Иккиламчи муаллиф образини ифода этишда адибнинг “Галатепага қайтиш”, “Истеъфо” кассалари билан “Лолазор” романида жиддий фарқ кўзга ташланади. “Галатепага қайтиш” даги Ғайбаров кўп жихатдан иккиламчи муаллиф образи вазифаларини “ўзлаштирган”. Муаллиф ўз дунёқараши, ижтимоий-ахлоқий қарашлари ва ҳаётий позициясини кўп жихатдан Тошпўлат Ғайбаров орқали акс эттиради. Айни пайтда Ғайбаров билан биографик муаллиф орасига тенглик аломати қўйиб бўлмайди. “Истеъфо” кассасига ҳам Тошпўлат Ғайбаров муаллифнинг ижтимоий-маънавий қарашларига мувофик қахрамон сифатида киритилган. “Истеъфо” да Ғайбаров иккинчи даражали персонаж ҳолида кўринади, бу эса иккиламчи муаллиф образини акс эттирувчи образ иштироки қисқарган демакдир. Тошпўлат Ғайбаровни биз “Лолазор” романида ҳам учратамиз, бироқ унинг иштироки хатто эпизодик образникидан ҳам кичикроқ, Саидкул Мардон уни бор-йўғи бир марта эслаб ўтади, холос. “Галатепага қайтиш”, “Истеъфо” ва “Лолазор” асарларини ўзаро қиёсласак, кизиқ бир тескарилик кузатилади: асардан асарга муаллифнинг воқеликка киноявий муносабати кучайиб боради, айни пайтда муаллиф онги, тафаккурини, ижтимоий-маънавий позициясини акс эттирадиган қахрамон иштироки тобора камайиб боради. Сукротга хос киноявий позицияни эсга оладиган бўлсак, муаллиф айни донишманд каби савол қўйгану энди фақат бошқаларнинг жавобини тинглаётгандек. Мурод Мухаммад

Дўст асардан асарга ўтган сари ўзининг сўзига, “овоз”ига эга иккиламчи муаллиф иштирокини кискартириш эвазига ўзини четга оладик, натижада ёзувчининг воқеликка киноявий муносабатини ифода этишнинг композицион усуллари салмоғи орта боради. Романдаги диалогизм ана шундай усул сифатида кўринади.

Кино санъатида “камео” деган тушунча бор. Фильм режиссёри, машхур шахслар ёки таникли актёрларнинг фильмда эпизодик, ўта кичик бир ролни ижро этиши cameo дейилади. Муҳаммад Дўст “Истеъфо” ва “Лолазор” асарларида моҳиятан камеого ўхшаш усулни қўллайди. “Истеъфо” киссасида Мурод деган кичкинагина образ бор<sup>1</sup>. “Лолазор”да бу усул нисбатан кенгрок қўлланган. Романда биографик муаллифнинг хаётий қарашлари, ижтимоий-маънавий нуқтаи назарига яқин турадиган учта образ бор, булар – Тошпўлат Ғайбаров, Кўкламов ва муҳаррир йигит Сайфиддин. Бу сафга яна қисман “Маҳмадана”ни ҳам кириштириш мумкин. Ушбу образлар иккиламчи муаллиф образини тўлалигича акс эттиролмайди, лекин Яхшибоев ва Саидкул Мардон микродиалог, яъни қахрамон онгидаги диалогда *муаллиф иштирокининг* хаётий асосларини кўрсатиш, асослаш вазифасини бажаради.

Назар Яхшибоев ва Саидкул Мардон образини яратар экан, Мурод Муҳаммад Дўст нафақат бу икки ижтимоий типнинг хаётий илдизларига таянади, балки шу икки тоифа кишилар билан *ўзининг* шахсий муомала-мулоқотлари, эҳтимолки, ўз онгида улар билан содир бўлган баҳсларга ҳам таянади. Тасаввур қилиш мумкинки, муаллиф ўзидан қатта авлоднинг икки хил типига мансуб кишилар билан мулоқот давомида бир ҳолатга – Михаил Бахтин “ўгирилиб қараш”<sup>2</sup> деб атаган ҳодисага кўп марта дуч келган. Уларнинг хаётий позицияси, кечирган умри, ижтимоий-маънавий танлови ҳақида суҳбатдош, дейлик, кейинги авлод вакили қандай фикрда бўлиши, қандай ҳукм-хулосага келиши уларни ниҳоятда қизиқтирган. Буни хаётда кўп бор қузатган Муҳаммад Дўст “Лолазор”да Яхшибоев ва Саидкул Мардон “ўзга”нинг (айниқса, муаллиф мансуб авлод вакиллари) фикрига, “бу одам мен ҳакимда нима деб ўйляпти?”, деган ҳадикда “ўгирилиб қараш”ларига жуда кенг ўрин берган.

“Лолазор” романидаги “Бемор” ва “Қиссанавис” бобларида акс этган диалог муаллиф онгида ҳар икки тип билан рўй берган диалогнинг бошқа кутбдан (Яхшибоев, Саидкул Мардон томонидан) берилган талқинидир. Бошқача айтганда, романда нафақат қахрамонлар, балки муаллиф билан қахрамонлар ўртасидаги диалог ҳам акс этган. Муаллиф ва Яхшибоев, муаллиф ва Саидкул Мардон диалогининг романдаги ифодаси кўп жиҳатдан “Яхшибоев – Саидкул Мардон” диалогига боғлиқ бўлиб, аввал шу ҳақда фикр юритамиз<sup>3</sup>.

“Яхшибоев – Саидкул Мардон” диалог композицион сатҳда – “Бемор” ва “Қиссанавис” бобларининг ўзаро диалог шаклида берилган, бироқ қахрамонлар онгидаги диалог – микродиалог шаклида берилмаган, яъни роман бадний вақти давомида Саидкул Мардон ўз онгида Яхшибоев билан, Яхшибоев эса Саидкул

<sup>1</sup> Киссада ўғлига зарур китобни топиш учун Эломов эскича хат биладиган Тошпўлат Ғайбаров билан гаплашиши керак бўлади, бироқ у Ғайбаровнинг қаерда яшашини билмайди. Шунда Бинафшахон айтадики: “Муроддан сўрайсиз. Ғайбаров билан ош-қатиқ дейишди. Икковиям асли тайинсиз одамлар. *Янгамиз шоирлигини ташласа, кўй сўзман*, деб айтган ким – ўша Мурод укангиз-да! Ўзи ёзолмайди, ёзгани кўролмайди”. Бинафшахоннинг ўзи бу гапларни жиддий айтаётган бўлса-да, ушбу парчадаги киноя очик-ошкор сезилиб турибди. Бу ўринда муаллиф ўзига тегишли кинояни персонаж (Бинафшахон) тилидан беришти, айти пайта киноя субъекти аслида ўзи (Мурод) эканини ҳам таъкидлаётти.

<sup>2</sup> Бахтин М.М. Проблемы творчества Достоевского. Киев, 1994 // <http://www.vchi.net/dostoevsky/bahtin/>

<sup>3</sup> “Яхшибоев – Саидкул Мардон” диалог аслида биографик муаллиф онгида рўй беради, бу моҳиятан икки хил ижтимоий типни қислаб кўраётган, ижтимоий-маънавий танлов қаршида турган инсон онгидаги диалогдир. Романда ушбу диалог муаллифнинг бевосита иштирокисиз – “Бемор” ва “Қиссанавис” бобларининг ўзаро диалог кўринишида акс эттирилган.

Мардон билан диалогга киришмайди. “Роман бадийи вақти давомида” деб таъкидлашимизнинг сабаби шундаки, Яхшибоев онгида қачонлардир Саидкул Мардон билан диалог юз берган. Бу диалог изларини биз унинг Саидкул Мардонниги илк бор келган пайтидаги суҳбат давомида ҳис қиламиз: “Кейин айтмоқчиманки, сиз мени анча жўн тушунаркансиз. Тушунчангиз жўн эмас, йўқ, сиз хийла зукко одамсиз, *лекин менинг ўзимни эжўн деб ўйлаганингиз ёмон*”. Бу пайтда Яхшибоев онгида Саидкул Мардон билан диалог рўй бераётганиди<sup>4</sup>, унинг Саидкул Мардонниги келиши ҳам ана шу ички баҳсларнинг натижаси эди. Яхшибоев Саидкул Мардонга – ҳалоллиги ва йўриққа тушмагани учун ҳавас қиладиган одамига *ўзини тушунтиришни* хоҳлайди.

Мунаққид ва тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келаётган бир тасвир бор, бу Яхшибоевнинг Саидкул Мардон ҳақида ёзган қиссасидир. Биз қиссанинг мазмунидан беҳабармиз, лекин бутун роман матнига таянган ҳолда ушбу қиссага қаҳрамонларни тушунишдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, баҳо беришимиз мумкин. Саидкул Мардон Яхшибоев кечмишини ёзиш давомида ўзига Яхшибоев кўзи билан қарашга, у ва ўзи ҳақидаги қарашларини ўзгартиришга мажбур бўлади. Яхшибоев ҳам қиссани ёзар экан, тасаввурдаги Саидкул Мардон воқеликдаги Саидкул Мардондан фарқ қилиши маълум бўлиб қолади. Натижада, Саидкул Мардон Яхшибоевни диалог субъекти сифатида қизиқтирмай қўяди, шунинг учун ҳам у қиссани охирига етказолмайди. Шунга қўра, “Бемор” боблари замон ва маконида Саидкул Мардон Яхшибоев учун диалог субъекти эмас, киноя объекти даражасига тушиб қоладики, Яхшибоев уни бор-йўғи уч марта, шундаям киноя билан эслайди, холос. Сабаби Яхшибоев онгидаги “Яхшибоев – Саидкул Мардон” диалоги қаҳрамон учун аллақачон қимматини йўқотиб бўлган.

Саидкул Мардон эса ўз онгида Яхшибоев билан диалогга киришишдан онгли-онгсиз равишда ўзини олиб қочади. “Қиссанавис” бобларида Саидкул Мардон Яхшибоевни диалогнинг предмети даражасида қолдиришга, матни у билан *баҳс шаклида эмас, у ҳақдаги хотиралар шаклида* қуришга интилади. Бирок Яхшибоев шахси ҳақида қянқандан билган сари, унинг ҳаётини яшаб кўрган сари Яхшибоев у учун предмет даражасидан чиқиб, баҳсга киришадиган субъект (“ўзга”) даражасига чиқиб бораверади. Бу ҳол Саидкул Мардонни бошқа бир “ўзга” томон ўгирилишга, муаллиф мансуб авлод нигоҳида ўз ҳаётини позициясининг мақбулликни тасдиқлаб олиш истагига сабаб бўлади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Саидкул Мардоннинг муҳаррир йигит Сайфиддин билан суҳбатини эслаш кифоя: “Ёшимга ярашмаса ҳам, югуриб бориб билагидан тутдим... Укамиз овозимдаги ялинчоқликни сездим, бирдан хижолат чекди”. Сайфиддин Саидкул Мардонни у кутганидек қабул қилмайди, унинг қарашларини Яхшибоевниқидан афзалроқ деб билмайди. Сайфиддин ва дўстлари Саидкул Мардон кутаётганидан хабари бўлган ҳолда униқига келмасликларида шундай маъно бор, Саидкул Мардон уларни шахс сифатида қизиқтирмайди. Буни Саидкул Мардоннинг ўзи ҳам ҳис қилади, ҳис қилгани баробарида улар назарида ўзининг даражасини тасдиқлаб олиш эҳтиёжи ҳам кучайиб бораверади.

Яхшибоев образида ҳам кейинги авлод фикрига “ўгирилиб қараш”ларга кўп бор дуч келамиз. Унинг Кўкларовга муносабатида ошқора ҳавас бор: “Содда эдик, Худо ҳаққи содда эдик, бамисоли манави кўклар нафасини уфуриб турган бегуноҳ йигитчадай!..”. Яна Яхшибоевнинг муаллиф мансуб авлод билан ички диалогига “Маҳмадана” билан қисқа суҳбат давомида ўйлаганлари яхши мисол

<sup>4</sup> Яхшибоев онгидаги бу даврга тегишли “Яхшибоев – Саидкул Мардон” диалоги романда акс этмайди, чунки бу давр воқеалари Саидкул Мардон хотиралари – “Қиссанавис” бобларида тасвирланган.

бўла олади: "...хаттоки сен, мен ўзим писанд қилмайдиган пандавақи бир бола, хаттоки сен ҳам мени чалғитасан. Менинг худбинлигим шундаки, хаттоки сенга ҳам ёққим келади. Маҳмадана болам, <...> сенлар минбарларни танг қилган пайтларингда, оғизларингдан чиқадиган алмоий-алжойи гапларда, чангалзор-сельваларнинг тумтарок таърифларида – мен ўзим, Назар Яхшибоевич Яхшибоев, бошқа оқсоқоллардан фарқли ўлароқ, гардсиз, губорсиз қолишни истайман. Ўшанда сен менинг номимни дастак қилиб оғиздан кўпик сочасанки, ана, Назар Яхшибоевичдай кекса ва мўътабар одам ҳам чангалзор-сельваларни ўқиб тушунди, яхши экан деб айтди, хўш, қолганлар нега буни тан олмайди, қолганлар нега подонлик қилади?" Ушбу парчада учта нуктаи назар акс этипти: биринчиси, Яхшибоевнинг "Маҳмадана"га муносабати; иккинчиси "Маҳмадана"нинг Яхшибоевга муносабати ("Назар Яхшибоевичдай кекса ва мўътабар одам ҳам..."); учинчиси, муаллифнинг Яхшибоев ва "Маҳмадана"га муносабати. Бу ўринда "Маҳмадана"га муносабатда муаллиф кинояси қахрамоннинг киноявий нуктаи назари билан бирлашиб кетади. Яхшибоевнинг Кўкломовга ҳавас билан қараши, айна пайтда "Маҳмадана" каби ёшларга нисбатан киноявий нуктаи назари кейинги авлод вакиллари орасидаги типларга ишора қилади. Авлод вакили сифатида иккиламчи муаллиф Яхшибоевга кўшилиб "Маҳмадана"нинг устидан кулади. Яъни, "Маҳмадана"га муносабатда иккиламчи муаллиф ("Маҳмадана"га тенгдош авлод вакили) Яхшибоев билан бир мақомда, битта поғонада турибди. Бу ерда яна бир нуктаи назар мавжудки, у бадийи воситалар билан ифодаланмаган, нафақат "Маҳмадана"дан, балки Яхшибоев ва иккиламчи муаллифдан ҳам бир поғона баланддаги муаллифдир.

Романда Тошпўлат Ғайбаров иштироки эпизодик образниқидан ҳам кичикроқ эканини айтиб ўтдик. "Биринчи манзара"да Ошно эски таниши Оксоқолининг ўғли Тошпўлат Ғайбаровни хузурига қақиртиргани айтилади: "Лекин Раим Ғайбаровнинг ўғли Тошпўлат ўлгудай ўжар йигит эди – бормайди. Мартабаси кичикроқ Эломонов сўроқлатганда бормаган одам, энди ундан каттароғига бораманми, деб айтади". Бу тафсилотни келтираётган Саидкул Мардонда ўз ҳаётий қараши Тошпўлат Ғайбаровникига яқин эканини таъкидлаш истаги йўқ эмас. Бироқ асар давомида Саидкул Мардон билан Тошпўлат Ғайбаров бир-бирини шахсан танимаслиги, бевосита мулоқотда бўлмасликларининг ўзиёқ мазкур икки образ ўртасида умумийлик, яқинлик йўқлигини англатади. Яъни, шахсияти ва характери ўртасида мувозанатни сақлаган Ғайбаров билан умумийлигини таъкидлаш истаги Саидкул Мардонда бор, лекин муаллиф Тошпўлат Ғайбаровни нафақат Яхшибоев даврасидан, балки Саидкул Мардондан ҳам "узоклаштиради".

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, кейинги авлод вакилларида ўз дунёқарашига эга инсон сифатида тақдим этиш истаги ҳар икки қахрамон – Назар Яхшибоев ва Саидкул Мардон учун ҳам хос. Фақат Яхшибоевнинг муаллиф мансуб авлод билан ички диалогиди Саидкул Мардондан фарқли бир жиҳат бор. Яхшибоев онгида "ўзга" сифатида кўринаётган муаллиф мансуб авлод вакиллари унга баҳо берадиган, ҳукм қиладиган даражада қолдирмайди, ўзи ҳақидаги ҳақиқатни улардан аввалроқ англайди, эътироф этади. Бу билан у ўз онгидаги ҳар қандай "ўзга" мақомидаги одамдан бир поғона баландга кўтарилади. Ўзи мансуб авлодда ҳам, кейинги авлодда ҳам ҳукм чиқаришга ҳақли одам йўқлигига бўлган ишонч унинг барча-барчага киноявий муносабатини психологик жиҳатдан асослаб туради.

Романда Саидкул Мардоннинг воқеликка муносабати, асосан, элегизм хусусиятига эга. Шу билан бирга унинг муносабати киноядан бутунлай холи эмас.

Сайфиддин билан суҳбатда: “Ўзларидан сўрасак, Сайфиддинжон, деб ачитдим, Яхшибоевни бунчалар икинги суймас экан, нега “Сайланма” сига муҳаррир бўлдингиз?”, дейди. “Анкара” куёвга муносабатида, бирга тушган суратини кўтариб Ошнинг хузурига чиққан ёзувчи дўст хақидаги ўринларда Саидкул Мардон киноя мақомида туради. Бирок у киновий мақомда изчил эмас, бунинг учун унда шахслик етишмайди, унинг шахси характериға қараганда ожизрок. Зотан, киновий мақом инсондаги шахсга хос ибтидодан дарак беради. Бошқача айтганда, у ўзи учун, ўз шахси учун ясаб олган қолипдан ташқарига чиқмай яшаб ўтган инсон. Бу ҳолни Саидкул Мардон яхши ҳис қилади, лекин унинг кинояси йўриққа тушган Яхшибоевнинг ўз-ўзига киноясидан фарқли бўлиб, у ўзи яратган қолипдан чиқмай яшагани учун элегиявий кайфиятга берилади. Бунга Саидкул Мардоннинг Тўпори хўжалигидаги дўмбиранинг овозини яхши кўрадиган, эркини соғинган Граф лақабли отга қараб ўйлаганлари яққол мисол бўлади: “Ғалати бўлиб кетдим... Худо кечирсин-у, лекин қаршимдаги тулпор назаримда кичрайиб қолгандай бўлди. Йўқ, гапим эришрок чиқди, аниқроғи, уни ҳам ўзимдай етим экан, деб хаёл қилдим. <...> Ўзимни шу отга менгзадим, деб айтсам, тўғрироқ бўларди, лекин баттар кулгига қолишдан чўчийман”. Граф табладан олиб чиқилганида Саидкул Мардоннинг ёдига тушган дoston мисралари ҳам қахрамоннинг ўзига ишора қиладиган мажозий маъно ташийди: “Соқибулбул найча қўйиб қараса, Гиркўкнинг қирқ қулочлик қаноти қирқ букланиб ётган экан...” (215-бет). Бутун асар композициясида акс этган диалогизм орқали муаллиф (қахрамоннинг ўзи ҳам) нима учун Саидкул Мардон ҳаётини нуқтаи назарини Яхшибоевниқидан афзал ҳисобламаслиги, Яхшибоев билан қиёслаб унинг фойдасига ҳулоса чиқармаслиги сабаби ойдинлашади: ҳар икки қахрамон ҳам йўриқда яшаб ўтган инсонлардир, фарқ шуки, Яхшибоевнинг йўриққа тушиши Ошно билан боғлиқ, Саидкул Мардонники эса унинг ўзи учун ясаб олган қолиплардан иборат. Қиссанавис бир ўринда ўзи хақида шундай ёзади: “Аммо қўнғилнинг туб-тубида кенг ёзмақ истаган қанотларинг аслида чўлтоқлигини пайқаб турганинг ёмон, сен тушган йўлнинг учию сен ахтарган манзилнинг шундоққина шарпаси сезилиб қолгани ёмон”. Шунинг учун ҳам у “қирқ қулочлик қаноти қирқ букланиб ётган” Графда ўзини кўради, имконларини юзага чиқаролмай умр кечирганига ич-ичидан афсусланади.

Саидкул Мардонга иккиламчи муаллиф муносабати ҳам қахрамоннинг ўзи томонидан айтилган гаплар орқали аниқлашади: “Сезаманки, азбаройи раҳмлари келганидан, азбаройи жонлари ачиганидан эслашяпти”. Иккиламчи муаллиф Саидкул Мардонга муносабатда узил-кесил киновий мақомга ўтолмайди, унда бу типга нисбатан ачиниш кучлироқ. Романда ўз сўзи билан қатнашмаётган бирламчи муаллиф эса Саидкул Мардонга киновий нуқтаи назардан баҳо беради. Роман қурилишида акс этган “Яхшибоев – Саидкул Мардон” мулоқоти орқали макбул ҳаётини мақомда яшаб ўтганига ўзини ҳам, ўзгани ҳам ишонтириш истагидаги Саидкул Мардон Яхшибоев каби киновий инкор қилинади. Шунингдек, Саидкул Мардонни Яхшибоевдан афзал ҳисоблаши мумкин бўлган китобхонлар оммаси ҳам борки, бу ҳол муаллифни билиб туриб билмасликка олиб тасвирлашга, Саидкул Мардонга нисбатан киновий муносабатни романнинг диалогик қурилиши орқига яширишига сабаб бўлган.

Айтилганлардан “Лолазор” романида воқелик иккита (“Бемор”, “Қиссанавис”) эмас, учта нигоҳ орқали акс эттирилган, деган ҳулоса келиб чиқади. Фақат “учинчи нигоҳ” Назар Яхшибоев ва Саидкул Мардон микродиалогларидаги “ўзга” орқали акс этади. Шунингдек, романдаги “Манзаралар” боблари “учинчи нигоҳ”нинг янада кенгрок ўрин эгаллаши учун имкон яратган. Гарчи мазкур боблар ҳам қиссанависга

тегишли экани айтилса-да, мохиятан услубда катта фарқ сезилади. Бу фарқ, энг аввало, воқеликни Саидкул Мардонга хос бўлмаган киноявий нуқтаи назардан тасвирлашда кўринади. “Манзаралар” бобига ўтишдан аввал Саидкул Мардон “Недир бошқа оҳанг керакдай” деб ёзадики, “бошқа оҳанг”да сўзлаш аслида муаллифнинг ўзи учун зарур эди. Қисқаси, қахрамонлар онги оркали тасвирлашда учта субъект онгига таянган муаллиф ривоя структурасини айни субъектларга мос равишда уч қисмга: “Бемор”, “Қиссанавис” ва “Манзаралар” бобларига ажратади.

“Талатепага кайтиш” киссасида “Самад – Ғайбаров – Шоир” учлигида муаллиф кўп жихатдан Ғайбаров оркали ўз нуқтаи назарини акс эттирган бўлса, “Лолазор”да бу ҳол мураккаброк кўринишга эга. “Яхшибоев – муаллиф – Саидкул Мардон” диалогига акс этган иккиламчи муаллиф композицион сатҳда Яхшибоев, Саидкул Мардон билан биргаликда бирламчи муаллифнинг кинояси объектига айланади. Яъни муаллиф ўзи мансуб авлод вакиллари хам асарда намуна бўладиган ҳаётий позициядаги кишилар сифатида тақдим этишга интилмади. Бошқача айтганда, муаллиф кўп жихатдан Қўкларов, Сайфиддин ва Ғайбаров мансуб авлодга умид қўзи билан қарайди, бироқ хали улар Яхшибоев ва Саидкул Мардонникидан фарқли, мақбул ҳаётий макомда эканини исботлашга улгурганича йўқ. Яхшибоевнинг ҳаётини яшаб кўриш муаллиф ва у мансуб авлод учун бир синов бўлиб, авлод бу синовдан ўта оладими, муаллиф умидларини оқлайдими, деган масала очик қолдирилади. Негаки, Яхшибоев атрофидаги манфаат учун ҳар нарсага тайёр шотирлар ва Саидкул Мардоннинг роман охиридаги: “Ягона истагим шуки, лоакал, уч-тўртта элдошу тилдош укаларим, хали лафзи хам, бўғзи хам булганмаган уч-тўрт киши, ўз эътиқодларига менинг истихоломни хам эш этса...” деган сўзлари узил-кесил хулоса чиқаришга имкон бермайди.

### РЕЗЮМЕ

*Мақолада Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” романидаги диалогизмнинг воқеликка киноявий муносабатни ифода этишидаги роли ўрганилган. Композицион диалогизмдаги элегизм ва киноявий нуқтаи назарнинг сабаблари кўрсатилган.*

*В статье исследуется роль диалогизма в выражении иронического отношения к действительности в романе М.Мухаммада Доста “Поляна, усыпанная тюльпанами”. Выявлены причины элегизма и иронической точки зрения в композиционном диалогизме.*

*The article studied the role of dialogism in the expression of ironical attitude towards reality in the novel M.Muhammada Dosta «Field of Tulips». The reasons elegizma and ironic point of view in the composite dialogism.*



## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ



*Шаҳноза НАЗАРОВА*

*1987 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. “Огаҳий ижодига янгича бир назар”, “Халъ ва ҳақиқат фольклор ва теология кесимида” рисоалари, кўлаб илмий-публицистик мақолалари чоп этилган.*

### ҚАҲРАМОН, ҲОМИЙ ВА КЎМАКЧИ

Синов мавзуси туғилиш, туш, сафар, кайтиш каби тургун мавзулар билан бирлашиб, дoston ва эртақлар сюжетини ҳосил қилади. Қаҳрамон синовлардан ўтиш асносида шаклланади, тобланади. Халқ оғзаки ижодида айнан мана шу қаҳрамонликлар куйланади. Қаҳрамон ҳаёт синовдан иборат деган азалий тушунчани поэтик тарзда ифода этади. Синов мавзуси эпик асарлар таркибида уч йўналишда кўзга ташланади: 1) тақиқларга риоя қилиш; 2) шартларни ўташ; 3) шартлашиш шартларини бажариш.

Бу жиҳатдан синовни тақиқ, шарт, шартлашишдан иборат мавзулар йиғиндиси дея баҳолаш мумкин. Бу мавзуларнинг ҳар бири мураккаб шакл ва мазмун белгиларга эга. Куйида шартлашиш мавзусининг ҳомий кучлар ва кўмакчи топишга алоқдор тури хусусидагина фикр юритамиз. Аввало, шартлашиш мавзусига изоҳ берсак: Шартлашиш алоҳида мавзу сифатида тадқиқ этилмаган бўлса-да, ўз тарихий асосига эга. Унда жамоавий келишув акс этади. Тақиқлар ва шартлар айнан мана шу келишувга кўра ишлаб чиқилади, амалга оширилади. Шунинг учун ҳам Мелетинский куйидагича тушунтириш берган: “Синов жамоанинг норози аъзоларини бўйсундириш, уларни розилар сафига қўшиб юбориш тадбиридир”<sup>1</sup>. Шартлашиш мавзуси эпик вазият натижасида юзага келган шартлар бўлиб, қаҳрамонлар низо, тутқунлик, фарзандсизлик, ўлим ҳолатларидан қутилишга, шунингдек, сеҳрли буюмни қўлга киритишга уринадилар. Бунда келишувга интилаётган томонлар ўз талабларини ўртага қўяди.

Шартлашишлар бутун бир дostonлар туркумини бошлаб бериши ҳам, кичик тасвир ҳолатида қолиши ҳам мумкин. Биринчи ҳолатни Тош шоир Чоршанби ўғли куйлаган “Гўрўғлининг туғилиши” дostonида (Биби Ҳилолнинг қизлар билан шартлашиши), иккинчи ҳолатни Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган “Кунтуғмиш” дostonида (Кунтуғмиш ва Гулзамон шартлашуви) кузатамиз.

Шартлашиш мавзуси аниқланган мазмун энг кичик ҳаётий олди-бердилардан то оламнинг яратилишига ва тақсимланишига оид афсонавий қарашларгача кенгайиб боради.

<sup>1</sup> Мелетинский Е.М. Структурно-типологическое изучение сказки. – М.: Наука, 1969. С.148.



Шартлашиш эпик худудлар чегарасида олиб борилади: Гўрўглининг Хизр билан шартлашиши илохий кучлар худудига ўтишда, Авазхонни Бало билан шартлашиши девлар маконига киришда, Биби Ҳилолнинг қизлар билан шартлашуви ер ва сув кирғоғида бўлиб ўтади. Эртақларда ҳам аини ҳолат мавжуд. Шу сабабдан шартлашиш мавзуси, кўпинча, сафар мавзуси билан бирга келади. Шартлашиш талаблари бажарилгандагина қахрамон иккинчи бир маконга кириб боради, мақсадини амалга оширади ва ортга қайтади.

Достон ва эртақлар таркибида учрайдиган шартлашишлар жанрлар табиати билан боғлиқ тарзда фарқли поэтик хоссаларга эга бўлиб, аини жиҳатларни куйидагича таҳлил қилиш мумкин. Достонларда учрайдиган шартлашув мавзулар маъно-мазмун жиҳатдан бир неча турларга бўлинади: 1) никоҳ; 2) ҳомий куч ва кўмакчи топиш; 3) эпик маконда илохий вазиятлар юзага келтириш; 4) ижтимоий-маиший шартлашувлар.

Ҳомий кучлар ва кўмакчи топишга алоқдор шартлашувлар ёрдамчи кучларнинг поэтик функциясидан келиб чиқиб икки хилда намоён бўлади. Чунки ҳомий ва кўмакчи ўртасидаги фарқлар шартлашувларда ҳам тўлиқ акс этади.

Ҳомий билан шартлашув “Алпомиш” ва “Гўрўгли” туркумидаги достонларда асосий сюжет чизиги бошланишидан олдин ҳам, сюжет ичида ҳам келади. Яъни, эпос мантиғига кўра, қахрамонлар кўк ва ер кучлари келишуви билан туғиладилар ва уларнинг истакларини амалга оширадилар. Сюжет таркибида бўлса сюжетнинг ҳар икки халқасида кўриниш беради. Илк сюжет халқасида сафарга отланган қахрамон ўз отига эгалик қилиш учун ҳомий билан шарт боғлашади. Бунда бахс ҳомий томонидан бошлаб берилади. Ҳомийлар синаб кўриш мақсадида аввалбошдан қахрамонга аталган отга даъво қиладилар. Сўнг курашда голиб чиққан отни олиб кетади дея шартлашилади. “Гўрўглининг туғилиши” достонида Хизр бобо, “Алпомиш” достони вариантларида Хизр бобо ёки Култой қахрамон билан кураш тушади (кураш, одатда, уч марта такрорланади), танланган қахрамоннинг аллиғи синаб кўрилгач, унга от ва илохий қудрат бахш этилади. Бекмурод Жўрабод ўғли қуйлаган “Алпомиш” достони вариантларида бахс сўнггида Хизр тоини тулпорга айлантиради, қахрамонга дуо беради. Бу бахснинг энг муҳим жиҳати шундаки, ҳомий кураш асносида қахрамонга аллиқ сиру синоатларини ўргатади.

Сюжетнинг кейинги халқасида кузатиладиган шартлашув ҳомий киёфасига кириш билан алоқадор. “Гўрўглининг туғилиши” достонига архаик сюжет намунаси сифатида қаралса, “Гўрўгли” туркумига кирувчи романик достонларни илк сюжетнинг кейинги бўғинлари ўрнида тасаввур қилиш мумкин. “Гўрўглининг туғилиши” достонида ҳомийлар химоясига ўтган қахрамон “Малика айёр”, “Интизор”, “Балогардон”, “Хушкелди” достонларида каландар киёфасида намоён бўлади. Гўрўгли бу киёфада Авазхонни синаб кўради ёки кўмак беради. Ушбу функциялар ва киёфасига кўра у ўз ҳомийларини такрорлайди. Бу достонларда эранлар киёфасига кириш борасида қахрамон ва ҳомий ўртасидаги шартлашув аниқ тасвир этилмаса-да, асар мантиғидан англашилади. Мазкур шартлашувнинг муфассал тасвирини “Алпомиш” достонида кузатамиз. Юртига қайтган Алпомиш яхши-ёмонни ажратиб олишни тилайди. “Култой деди: Синайин десаңг, кийимингни чечасан, менинг кийимимни қиясан”<sup>2</sup>. Дўст-душманни ажратиб олиш достонда мотивировка бўлиб келади. Шундай қилиб достоннинг иккинчи халқаси “Култой” киёфасидаги Алпомиш қахрамонликлари ва адолати баёнига

<sup>2</sup> Алпомиш. Достон / Айтувчи Хушбок Мардонақул ўғли / Нашрга тайёрловчи Т.Турдиев. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б.178.

бағишланади. Фольклоршунослар Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонкул қахрамоннинг хомий киёфасида намоён бўлишини унинг камолоти билан изоҳлайди<sup>3</sup>. Бу фикр сюжет чизигидан ташкарида ифодаланган илохий кучлар келишувини тасдиқлайди. Қахрамон зиммасига юклатилган вазифасини бажаради ва эранлар сафига қўшилиб кетади.

б) кўмакчи билан шартлашувлар дostonларда икки муҳим белгиси билан намоён бўлади. Уларнинг бир қисми сеҳрли саргузашт ифода мазмуни билан эртақларга яқин туради. Қахрамон девлар билан келишувга эришади. Дostonларда учровчи девлар иштирокидаги тасвирларни “Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси” тадқиқоти муаллифлари кулги уйғотувчи анъанавий эртақ мотиви дея изоҳлаганлар<sup>4</sup>. Балки шу сабабдан ҳам девлар билан шартлашувлар қахрамонлик дostonларида учрамас. “Балогардон”, “Юнус пари”, “Гулихиромон” романик дostonларида, “Эрназархон” дostonининг китобий вариантыда айни сахна мавжуд. Девни кўмакчига айлантириш уч босқичда амалга оширилади: дев дўк билан кўрқитилади, шартлашилади, енгилган дев мухрланади. Шартлашувда енгилган дев қахрамон ихтиёрига ўтади ва сюжетнинг маълум халқаларида унга кўмак беради: “Шунда Сари дев деди: Бўлмаса ўртага шарт қўйиб курашамиз. Агар мени йиқсанг, мен умрбод сенга хизматкор бўлайин. Агар сен йиқилсанг умрбод менга хизматкор бўласан”. Енгилган девнинг ўз жунидан қолиб бериши унинг қахрамон томонидан мухрланганини англатади. Бу каби шартлашувлар сюжет халқаларини боғлаб беришда жуда муҳим поэтик вазифани бажармасада, бўрттирилган, ўта муболағали тасвир диалоглари тингловчиларда кизиқиш ва кулги уйғотади.

Кўмакчи билан шартлашувларнинг бир қисмида маросим белгилари аниқ намоён бўлади. Бу каби мотивлар қахрамонлик дostonлари сюжет чизигида муҳим ўринни эгаллайди. Қахрамон дўст тутинмоқчи бўлган рақиби билан куч синашади. Рақиб қахрамонга ўзидан ғолиб келсагина дўст бўлишини ва кўмак беришини билдиради. “Алпомиш” дostonининг Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул, шунингдек, Бекмурод Жўрабой ўғли вариантларида қахрамондан арконни узиш талаб қилинади ва авраб боғлаб қўйилади: “Қоражон деди: – Отам отанг билан дўст экан, мен ҳам сен билан дўст бўлдим, деб шўйтиб йўлингга чиқиб юрар эдим. Ҳай аттанг, ҳай аттанг, Бойбўридан фарзанд йўқ экан, – деди. Алпомиш айтди: – Бу гапингнинг маънисини нима? Қоражон айтди: – Отангнинг қўлини менинг отам қирқ қулоч аркон билан бойлайди экан. Сенинг отанг узиб қўяр экан. Мен ҳам Алпомиш отасидай зўр бўлса, дўст бўламан, деб юрар эдим. Алпомиш айтди: – Отам узса, мен ҳам узаман. Қўлимни бойлаб қўяқол<sup>5</sup>”. Ҳомий-эранлар кўмагида аркон ечилади. Қоражон назаркарда – катта рухий кучга эга қахрамонга дўст бўлади. Айни тасвир “Рустамхон” дostonида ҳам такрорланган. Она киёфасига кирган мастон: “Отангни кулабанд қилиб тортиб бойлаб қўйгучи эдим. Чираниб – тортиб, узиб кетабергучи эди”, – деб айёрлик билан қахрамонни боғлаб қўяди<sup>6</sup>. Архаик эпос сюжетида тегишли мазкур мотивдан дostonларда, эртақларда фойдаланилади ва бу қахрамоннинг магик кучини кўрсатишга хизмат қилади. Дўст тутинишга алоқадор кўмакчи билан шартлашишнинг кейин-

<sup>3</sup> Турдимов Ш. “Тўрўгли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011. – 240-б. Эшонкул Ж. Ўзбек фольклорига туш ва унинг бадний талқини. – Тошкент: Фан, 2011. – 304-б.

<sup>4</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: Художественная литература, 1947. – С.230.

<sup>5</sup> Алпомиш. Дoston / Айтувчи Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли / Нашрга тайёрловчилар Т.Мирзаев ва З.Хусанова. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б.42.

<sup>6</sup> Рустамхон. Дoston / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли / Нашрга тайёрловчилар М.Афзалов, Х.Расулов, Х.Зарифов. – Тошкент: Бадний адабиёт, 1965. – Б.307-308.

ги боскичларида пир-эранлар мисоллардаги каби иштирок этмайди. Бунда та- рафлар курашадилар. Шунинг учун ҳам бунда рухий куч эмас, жисмоний куч- га асосий эътибор берилгандек тасаввур уйғонади. Берди бахши куйлаган ва- риантда Алпомиш Қоражонни кўтариб ерга уради<sup>7</sup>. Фозил Йўлдош ўгли ижро этган вариантда бу кураш кўришиш тарзида баён қилинади: “Қоражон билан Алпомиш ёйди кулочди, иккови хулқи мухаббат билан кўришди: – Қалайсан, дўстим, омонсанми, – деб сикинқираб юборди, Қоражоннинг етти қобирғаси синди, иши тинди, таппа тушиб ётиб қолди”<sup>8</sup>. Мазкур вариантда архаик мотив поэтик жиҳатдан тўла қайта ишланган бўлиб, кўришиш курашиш ўрнида кел- лувчи поэтик рамзга айланган. Фольклоршунослар Жирмунский ва Ҳоди Зариф қўмакчи билан шартлашувнинг бу шаклини қахрамонларча дўстлик мотиви дея номлайди ва уни Веселовский фикрларига таяниб, инициация маросими билан боғлайдилар<sup>9</sup>. Хулоса қилиш мумкинки, ушбу мотив асосида синов маросимла- ридан ўтиш ва уруғ-қабиланинг эрлар жамоасига кириш ҳақидаги тушунчалар мавжуд. Янги аъзолар синовдан ўтар экан, улар жамоадошлари учун шерикка айланадилар ва бу дўстлик жанговар дўстлик дея тушунилади. Шу жиҳатдан ҳам қўмакчи билан шартлашишнинг бу шакли эртақлар ёки романик дostonлар эмас, балки тарихий асосга эга қахрамонлик дostonларининг хос белгиси саналади. Романик дostonларда мотив қайта ишланади. Бунда қахрамонларча дўст тути- ниш эмас, қахрамон характеридаги топқирлик, уздабурунлик, айёрлик хусуси- ятларини кўрсатиб бериш ва қулги уйғотиш назарда тутилади. “Кунтуғмиш”, “Далли” дostonларида дўстликни ўртага солган қахрамонга дарвозабонлар йўл очиб берадилар, “Қундуз билан Юлдуз” дostonида Шонийёз пойгада Авазхонга ютқизиб беради. Бахши ҳар учала дostonда қўмакчи билан шартлашув мотиви- дан бир хилда фойдаланади, бу жиҳат бахши танлаган ифода услубини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шартлашиш мотиви сеҳрли ва ҳайвонлар ҳақидаги эртақларда кенг учрайди. Кўплаб эртақларда мотивларни боғловчи кичик ҳалка бўлиб келса, “Чўлок бўри”, “Булбулиғўё”, “Ақлли қиз”, “Сирли гиламча” каби сеҳрли ва “Кўқкина қуш”, “Тухумбой билан Буйракбой”, “Қарға билан Кўзи” каби ҳайвонлар ҳақидаги ар- хаик эртақларда сюжетни юзага келтиради.

Эртақларларда келувчи шартлашишларни умумий мазмунига кўра куйидагича таснифлаймиз:

- 1) никоҳ билан боғлиқ шартлашувлар;
- 2) ҳомий кучлар ва қўмакчи топиш шarti билан бевосита алоқдор шартла- шувлар;
- 3) эпик маконда илоҳий вазиятлар юзага келтирган шартлашувлар;
- 4) маросим билан бевосита боғлиқ бўлган шартлашувлар;
- 5) ижтимоий-маиший мазмундаги шартлашувлар.

Ҳомий кучлар ва қўмакчи топиш шarti билан бевосита алоқадор шартла- шувлар эртақларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Кузатишларга кўра, дoston- лардан фаркли, эртақларда ҳомий билан шартлашув мотиви учрамади, ҳомий ва қахрамон ўзаро қарама-қарши вазиятда бўлмайдилар. “Кенжа ботир” эртагида ҳомий от шахзодага софдил бўлишни, шунга рози бўлсагина қўмак беришни ай- тади. Бунга кўнган шахзода сафарга кетади. Аммо бу келишувни шартлашув дея

<sup>7</sup> Алпомиш. Дoston / Айтувчи Берди бахши / Нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – Б.26.

<sup>8</sup> Алпомиш. Дoston / Айтувчи Фозил Йўлдош ўгли / Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Зарифов ва Т.Мирзаев. – Тошкент: Шарк, 1998. – Б.107.

<sup>9</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: Художественная литература, 1947. – С.324.

олмаймиз. Ҳомий қаҳрамон билан зиддиятга бормайди, ўз талабини маслаҳат ва эркин танлов сифатида қаҳрамонга билдиради. Қаҳрамон кўмакчилар билангина шартлашади. Улар билан курашиб ўз муҳрини босади, баҳсни ҳал қилиб бериш орқали улар ёрдамидан фойдаланади. Девларни енгиб кўмакчига айлантириш сеҳрли эртақларга хос мотив бўлиб, баҳсининг диалоглардаги ва ҳаракатлардаги ифодаси кулги уйғотади. Девни дўк билан кўрқитиш, шартлашиш, муҳрлаш кетма-кетлиги ва шартлашиш йўллари дoston ва эртақларда бир хилда келади. “Юнус пари” ва “Балогардон” дostonида уч хил нарса билан куч синашадилар. “Юнус пари” дostonида битта тошбақа, бургага куён, жунга эшак думи, “Балогардон” да тошни упалашга тухумни сиқиш, битта тошбақа, жунга куён қарши қўйилади. “Яримта нўхат” эртагида ҳам учлик сақланади. “Девбачча” эртагида бўлса шартлашиш мотиви анъаналари бузилганини кузатамиз. Қаҳрамон жунга қарши эшак думини тикади ва шартлашиш яқунланади. Шунингдек, қаҳрамон дев билан эмас, аждар билан шартлашади ва қочаётган аждарни ўлдиради. Анъанадан чиқиш ҳолати қаҳрамоннинг дев боласи эканлиги билан асосланса-да, бўлғуси кўмакчининг ўлдирилиши эртақ мантиғига зид.

“Мохистара” эртагида отамерос сеҳрли буюмларни тақсимлаб беришда, “Нурилла бойвачча” ва “Ақл бебаҳо бойлик” эртақларида “гўзалликда пари устунми ёки қурбақа” масаласини ҳал этишда қаҳрамон девлар билан шартлашади ва айёрлик, топқирлик билан сеҳрли буюмларга эга бўлади.

“Ўтинчи чол билан тулки” эртагида девлар тирик қолиш эвазига тилла кели ва келисopни қаҳрамонга берса, “Пахлавон Рустам” эртагида қаҳрамонга йўл кўрсатади. “Одамтой” эртагида енгилган девлар тирик қолиш учун қаҳрамон хизматини қилади: “Дев: – Қўй, бошимни олма, менам бир кунингга яраман. Нима иш буюрсанг, хизматингни қиларман, – дебди. Одамтой девни ўлдирмастан: “Бор, фалон жойда бир Олабайғалим, бир Олақанжигим, бир кўра Йилким бор, эғалик қилиб тур, мен шикорга чиқдим, нима олдимдан чиқса кўраман”, – дебди. Одамтой йўлни тўхтатмай кетаверибди”<sup>10</sup>. “Маликжон” эртагида бўлса қаҳрамон девни даволаш эвазига девлар шохидан кўмак олади.

Эртақларда девлар каби парилар ҳам кўмакчи бўлиб келади. “Камбағал қиз” эртагида ўзларини шатранжга ютқазган парилар озод бўлиш учун, “Вазирвачча” эртагида парилик қўйлагини қайтиб олиш учун қаҳрамон хизматига қирадилар. “Маликжон” эртагида парилар шоҳи дейди: “Энди сени шаҳрингга элтиб қўямиз. Лекин сени қўп баҳодир деб эшитиб эдик. Бизларнинг шаҳримизни девлар тортиб олди, улар билан бизлар бир жойда яшай олмадик. Агар сен рози бўлсанг, бизларнинг шаҳримизни шул девларнинг қўлидан озод қилиб берсанг. Сенинг ҳам хазматингга бизлар ҳам тайёрдиримиз”<sup>11</sup>.

Девлар билан шартлашиш ва улар кўмагидан фойдаланиш эртақка хос мотив бўлиб, дoston сюжетидан жой олгач, дostonга ҳам эртақ жанри элементларини олиб ўтади. Кўмакчи билан қўл сиқишиб кўришиш мотиви бўлса қаҳрамонлик дostonларига хос бўлиб, улар эртақларга дoston элементларини олиб ўтади. Дostonларда кўришиб куч синашган қаҳрамон ва кўмакчи дўст тутинади, маросимий асосига кўра қаҳрамон эрлар иттифокига қабул қилинганини аңглатади. Эртақда бўлса кампир иштироки орқали синов маросимига боғлиқ жиҳатларни аңглаш мумкин. “Баланд бир тепаликка чиқиб бир кампирни кўрибди. Кампир келиб салом берибди. “Саломалайкум”, деб Қироннинг қўлини сиқибди. Шунча

<sup>10</sup> Одамтой. Эртақ // Мактабгача тарбия 1992, 5-6-сонлар.

<sup>11</sup> Кулса гул – йиғласа дур. Фаңгастик эртақлар / Напрга тайёрловчилар З.Хусайнова, Б.Саримсоков. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б.228.

каттик кисса ҳам Қиронга билинмабди. Кампир кимнинг кўлини кисса ўлдирар экан. Кампир: “Болам, сен пахлавон йигит экансан, бу ерларда нима қилиб юрибсан?” – дебди. Қирон: “Шу ердан йигирма беш кун илгари осмондан икки пари учиб ўтдимми?” – деб сўрабди. “Ҳа”, – дебди кампир. “Шу париларни қаердан топаман?” – деб сўрабди Қирон ботир. Кампир: “Мана шу денгизнинг ўртасида бир ўтов бор, парилар ўша ўтовнинг ўртасидаги бир кўшқда яшайдилар”, – дебди. “Бу ўтовга мен қандай қилиб ўтаман?” – деб сўрабди Қирон ботир. Кампир: “Сузиб ўтасан”, – дебди<sup>12</sup>. Кампир қахрамонни синаб кўргачгина кўмакчига айланади ва парилар маконини кўрсатиб юборади. Бунда кўмакчи билан шартлашиш дostonлардаги каби қахрамонларча дўстлик ғоясига боғланмайди.

“Нигини шохи морон” эртагида кўмакчилар ўзаро шартлашадилар. Кучук узукни бериш эвазига мушукни дарёдан олиб ўтади. Кўмакчиларнинг ҳар иккиси қахрамонга кўмак беришга интилади. Қахрамон иштирок этмаса-да, келишувга таъсир кўрсата олади.

Тақик ва шартлардан фаркли, шартлашишда қахрамон табиати кўпроқ очилади. Тақиклар ва шартларда яширин ҳолатда келган қахрамонлар ўртасидаги зиддият шартлашишларда ошқора баҳсга айланади. Аммо зиддият келишувга йўналтирилган бўлади. Тақикларнинг бузилиши, шартларнинг ўталиши эпик ҳудудларни қай тарзда боғласа, бу жараёни шартлашиш шартлари бажарилишида ҳам кузатамиз.

## РЕЗЮМЕ

*Ҳомий ва кўмакчи иштироки халқ дostonлари ва эртақларининг хос хусусияти бўлиб, мақолада ҳомий ва кўмакчи ҳақида сўз юритилади. Ҳомий ва кўмакчи ҳамда шарт-синов мавзуси ўртасидаги генетик алоқадорлик текширилади.*

*Для народной сказки и дастана характерно преобладание участия покровителя и помощника. В работе также исследуется генетическая связь между покровителем и помощником и мотивом “условие-испытание”.*

*Protector’s // assistant’s accompany in implementation of arrangement by hero is characteristic of folk tales and poems. And in this article we research genetic contact between protector // assistant and sample motive.*

<sup>12</sup> Ўзбек халқ эртақлари: Тўплам. – Тошкент: Ёш гвардия, 1981. – Б.41.



## НАСР



Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Юлдузнинг беши қирраси”, “Латиф шеърят” монографиялари, “Турк адабиёти хрестоматияси”, “Турк адабиёти тарихи” ўқув қўлланмалари, “Ишиқ асири бўлган эгон”, “Билиб айтилган сўз” рисолалари нашир этилган.

## ЯПРОҚ ҲИКОЯЛАР

О, глобус, сенда дарёлару уммонлар, даштлару тоғлар, шаҳарлару мамлакатлар бор. Лекин одамлар йўқ.

\* \* \*

Сен кўзгуга карадинг-у кетдинг. Кўзгуга юзларимни босдим, у иссиқ эди.

\* \* \*

Ошиқлар бир олманинг икки палласимиз ташбехини хуш кўрадилар. Шу ернинг ўзида айрилиш бор.

\* \* \*

Осмон билан ерни нима боғлайди. Бир-бирисиз мавжуд бўлолмаслик. Ҳақиқий ошиқ қалблар шундай бўлиши керак.

\* \* \*

Мен сендаман деб қалб касрингдан ўзимни излай бошладим. Э воҳ, на сени топдим, на... ўзимни.

\* \* \*

Бутун олам тортилиш қонуни. Қонун, лекин ҳеч кимга мажбурият юкламайди. Бусиз оламнинг ўзи-да мавжуд бўлмайди. Одамийлик (дўстлик) ҳам шундай бўлиши даркор.

\* \* \*

– Китобдан нима топдинг? – кесатди жоҳил “дўст”  
“Сендан бошқа ҳамма нарсани”, – ўйлади оқил дўст.

\* \* \*

– Азизам, менга имкон бер, хатойимни тўғрилай, – ёлборди ошиқ.  
Кўнгилдан бошқа берар нарсаси бўлмагандан, ерга боқди маъшук.

\* \* \*

У минбарни маҳкам ушлаганча собиқ шўролар тузумини қоралаб нутқ сўзлади. Эшитганлар кўнглида бир гап қолмаса-да, минбарда қўлларининг юқи – кип-кизил излар қолди.

\* \* \*

Ташқарида ёмғир шариллаб қуяётган бўлса-да, у ичкарига қурук кирди.

\* \* \*

– Мен адабиётга шеърларим билан кириб келдим, – дея интервью берди мактабга келган мухбирга ўқувчи ақлини танишига қанча борлигини ўзи билмаган ҳолда.

\* \* \*

Тугма: “Кичкина деб камситманг. Ишим қатта – бирлаштириш”.

\* \* \*

Сен мени чақиргандек бўлдинг. Чўчиб уйғондим. Дераза раҳидаги мушук тушириб юборган кўзача чил-чил синган экан.

\* \* \*

Сенга хат ёза бошладим. Қаламимнинг учи “қирс” этиб синди, бу юрагимнинг аксимиди, билолмадим.

\* \* \*

Бахт ҳақида ҳикоя ёзиб беринг деб сўрашди.  
Ёздим: “Бахт – бахтсизлигингни билмасликда”.

\* \* \*

Узоқ ёлғизлигимдан сўнг эшик кўнғироғи жириглаб қолди. Ҳовлиқиб эшикни очдим. “Пўчоғингиз борми?” – мўлтираб турарди бир бола.

\* \* \*

Ҳамма ёқда рекламалар. Газни тежанг, сувни тежанг, чирокни... Аммо ҳеч ким асабни тежанг демайди.

\* \* \*

Биродари мактанди: “Биласанми, мен сен учун жонимни бервораман, ўзимдан кечвораман!”

Иккинчиси ўйлади: “Ўзлигингни топганмисан ўзи?”

\* \* \*

Кибрланиб сен назарга илмаганинг қалб тўридан жой берди.  
Вақти келди, факат ўша ерда қолдинг. Лек буни билмассан.

\* \* \*

Ўринсиз қўлланган сўз ичида ўйлади: “Ёзганни юзига тарсаки тортиб юборсамми!”





## Типратикон

Ўт-ўлан майдонида  
Пилдирайсан, чопасан.  
Намунча ошиқмасанг,  
Айтгин, кимдан хафасан?

Уйчанг қаерда, айтгин,  
Ким ярайди кунингга?  
Нега ўраниб олдинг  
Тиканакли тўнингга?

Бошка кўйлагинг йўқми,  
Бу ишинг бўлмас оқлаб?  
Онанг сени эркалар  
Қандай ўпиб, кучоклаб?

## Сўқмоқ

Йўлни бурдим тоғ томон,  
Йўламай деб ёмонга.  
Буралганча эй сўқмоқ  
Бошладинг қай томонга?

Қия чиқди олдимдан,  
Қандайин тегингайман?  
Отимдан тушиб секин  
Ортимга чекингайман.

Йўлни бурдим сой томон,  
Йўламай деб ёмонга.  
Буралганча эй сўқмоқ  
Бошладинг қай томонга?

Жарлик чиқди олдимдан,  
Мен қандай тегингайман?  
Тушиб секин отимдан,  
Ортимга чекингайман.

Йўлни бурдим водийга,  
Йўламай деб ёмонга.  
Қайга йўқолдинг, сўқмоқ,  
Жавоб бергин саволга?

Нидо келди самодан:  
– Нетдинг захматдан қочиб?  
Ахир, сен ҳам яшаб кўр,  
Янги сўқмоқ – йўл очиб.

Ҳаёт – абадий сўқмоқ,  
Синар бизни сўқмоқлар.  
Ёмғирдан қочиб дўлга  
Тутиларкан аҳмоқлар.



## Қушлар тили

“Чирк-чирк” этади чумчук,  
 “Ку-ку” лайди мусича.  
 Шакиллаб олашакшак  
 Куйларди билганича.

Хўв, теракнинг учига  
 Кўниб олганча майна,  
 Қайси кушнинг тилида  
 Уни қилмоқда майна.

Кора тўнли қарғавой  
 Шудгор узра “қағ-қағ”, дер.  
 Айни кўклам чоғида  
 Қайдам, қорни ёғ-ёғ, дер.

Қушлар кўз-кўз қилишар  
 Овозини, хуснини.  
 Койил қоладир какку  
 Такрорлаб ўз исмини.

Тўрқовоқда бедана,  
 Зорланади:  
 “ – Питпилдик.  
 Яйрардик бедазорда,  
 Энди тўрға тутилдик!”

Чаманни этиб ошён  
 Розин айтганча гулга,  
 Шўх-шодон сайрар экан,  
 Мафтун бўлдиқ булбулга.

Бири махзун, бири шод  
 Сайрашади кушчалар.  
 Ўз тилида чуғурлаб  
 Яйрашади кушчалар.

Сайрашади, сайрамоқ  
 Ихтиёри кўлида.  
 Ўз фикрин айтишмоқда  
 Улар ўзин тилида.





## УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ



*Асрор САМАД*

*1939 йилда туғилган. Тошкент давлат университети-нинг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Вафо вожиблари”, “Сабоқ самараси”, “Талаффуз тозалиги”, “Хотира сандиги” деб номланган тўрт томлик ва “Икки устоз ўғитлари”, “Ўткир қалам”, “Идиш тўла ҳаёт” публицистик мақолалар тўпламлари нашр этилган. 2016 йилда вафот этган.*

## ҚЎЛЧАЛАР

*Дарахт шохларида силкинар  
Кўзнинг яйдок, сархуш шамоли,  
Чирқирар бир қуича...*

*Рауф Парфи*

У эрини ишга жўнатдию ўзи ҳам отланди. Ўша куни анаву кўзлари олма-кесак терадиган хабашга ўхшаган йигит: “Йўлингиз тушса, бир кирарсиз”, деган эди. “Бугун Худо бир ол қулим, деворсайди”, деб энтикди у ва кўзгу қаршисига ўтириб, пардоз қутисини очди. Энлик қошларига мўйчиноқ урди, кўзларига аллақайси танишидан сўраб олган сурмадан кўйди. Оппоқ, силлик юзларини сийқалади, гўштдорроқ лабларига нимранг кизил сурди. Халатини ечиб ички кийимларини кўзгуга солиб кўрди: кўнгилга ўтиришмади. Кир тахидан калин тўрли ич кўйлагини, ялт-юлт тасмали сийнабандини олди: бу сийнабанд кўкракларини икки томондан сиқиб баралла кўтарди. Ўртада оппоқ сут ариқча ҳосил қилди. Сўнг коматини кўз-кўз қилиб тикмачоқдек кўрсатадиган кўйлагини кийди. Кўйлакнинг ўмизи чуқурроқ ўйилган бўлиб, анави оппоқ сут ариқча овчи кўзларнинг хадафига айланди. У сочини битта қилиб ўрди-да, силтаб орқага ташлади, сумкасини елкасига осиб, кўзгу қаршисида бирпас ўз-ўзини томоша қилиб турди. Кўзгудан оилали, битта болали жувон эмас, ўзига бино қўйган бокира киз садаф тишларини ярқиратиб, жилмайиб турарди...

У ўз латофатига махлиё бўлиб, бугун омади келишини хаёл қилар экан, этакларига кизчаси ёпишди.

– Ойи, қаёққа кетаяпсиз? Мениям обборинг, – дея ялинди.

– Ҳай, ҳай, кўйлагимни ғижимлайсан, кўлинг ҳам кир экан. Мен дарров келаман, сен катга киз бўлиб уйда ўтириб тур, эшик тақилласа, овоз берма, хўпми? Қорнинг очгани йўқми ҳали?

Қизча жингалак сочли бошини сарак-сарак қилди.

– Битта ўзим ўтириб зерикиб кетаман, – деди кизча ўксиниб. – Барноларни-кига чиқа қолай.

– Пишириб қўйибдим Барноларникида! Ўтир кўмилиб! – бобиллади у. – Ўйнагани кетаяпманми?

Қизча мунғайиб колди. Бурнини торта-торта нариги уйга чикиб кетди. Яқиндагина дадаси олиб берган, етакласа юриб, ётқизса ингалаб кўзини юмадиган кўғирчоқ диванда ялпайиб, бепарво ётар эди.

У кўғирчоғини кўтариб рўпарасига ўтқазди. “Ойимнинг жahlлари ёмон, билдингми? Яна икковимиз қоламиз. “Барноларникида пишириб кўйибдими, ўтир кўмилиб”, дедила. Бу сенгаям тегишли. Тушундингми? Ойим шунакала, мени ташлаб кетавердила. Мен сени ҳечам ташлаб кетмайман. Ташлаб кетсам йиғлайсан-а, шунаками?”

Кўғирчоқ тушунгандек мунчоқ кўзларини чарақлатиб, караб турарди.

“Кўйлагинг ҳам искирти чикиб, кир бўлиб кетибди. Ювиб берайми? Ювилса оқариб, хунук бўлиб қолади-да. Майлими? Янгисини олиб беринг, дейсанми? Мен ҳали ишламайман-ку, қаердан олиб бераман? Ҳали мактабгаям борганим йўқ-ку! Ойингга айт, дейсанми? Айтайми? Уришиб берсала-чи?”

У кўғирчоғини кўлига олди; унинг киприклари пирпиради.

“Кўй, йиғлама, оппоғим! Хўп, ойимлага айтаман, уришсалаям айтаман, кўй энди, йиғлама. Обў, обў!”

– Лола!!!

Лола кўғирчоғини авайлаб диванга ётқизди. Кўғирчоқ ожизгина “инг”лади. “Ҳозир, жоним, сен ётиб тур, ойим қақиряптила”.

– Лола! Гарангмисан?!

У чопқиллаб ойисининг олдига чиқди.

– Ҳм.

– Мен кетдим. Уйни ивирситмасдан ўтиргин, хўпми?

– Хўп.

– Ишим битса, сенга бир нималар олиб келаман, – деб алдади.

Лола ойисининг бу илтифотидан фойдаланиб, кўғирчоғининг илтимосини айтишга журъат этди.

– Ҳа, кўғирчоғинг ордона қолсин! Хўп, эсимда бўлса олиб келарман.

Эшик ширқ-ширқ кулфланди. Лола бир зум эшик тагида туриб, сўнг ягона овунчоғи – кўғирчоғининг олдига кирди. Уни кўлига олди.

“Уйғондингми? – У кўғирчоғининг кип-қизил лўппи юзидан ўпди. – Ойим кетдила. Эсларида бўлса, сенга кўйлак олиб келарканла. Агар олиб келмасала, иккинчи уй пойламаймиз-а, майлими? Шкафда кўйлак кўп, ўшалардан тикиб берсалаям бўларди, ҳаммаси бировники, дейдила. Ҳаммаси чиройли: ок, сарик, кизил, кўк... вуй, кўзинг жимирлашиб кетади. Сенга мана шунча бўлса етарди, ойим тикиб бермасала, Барнонинг ойиси тикиб беради. Ойимларгаям тикиб беради-ку. Барнонинг ойиси яхши-а? Барногаям, кўғирчоғигаям кўйлак тикади. Лента ҳам олиб беради. Мунчоқ ҳам. Менинг ойим нукул пулим йўқ, пулим йўқ, деганлари деган. У куничи, шкафларида мана шунча пул кўрдим, – у кўғирчоғига кафлларини даста қилиб кўрсатди. – Ойим ёлгон гапирдила-де ўзи. Дадамгаям ёлгон айтавердила, кечгача уйда ўтиравериб сиқилиб кетдим, дейдила. Ҳечам уйда ўтирмайдилаю, фақат икковимиз... Зерикиб кетамиз, қорнимиз ҳам очикади. Ҳозир қорнинг очгани йўқми? Менинг қорним тўқ, яқинда ширин чой ичдим-ку. У куни кўрдинг-ку, печенье оламан, деб тарелкани тушириб юбордим. Синиб колди. Роса урдила. Сен-да, печенье ейман дединг. Ўзимнинг ҳам егим келувди. Чарчадингми, ухлайсанми? Майли, ухлай қол. Кел, менинг бўйнимдан ачом қилиб ол. Ҳа, ана!”

У ётгандан кейин ҳам кўғирчоғи билан анча вақт гаплашди. Дадаси ҳақида, ойиси ҳақида, бувиси ҳақида. Дадаси билан ойиси ҳадеб жанжаллашаверганидан бувиси аразлаб кетиб қолганини ҳам айтди кўғирчоғига. Ойиси жуда ғалати-

да ўзи. Дадаси билан нукул жанжал қилаверади, “пул йўқ”, деяверади. Дадаси яхши, бақирмайди. Фақат “қуниг ўтиб турибдими, бўлди, олиб-сотарлигингни йиғиштир, бир жойга кириб ишла”, дейди. Бувиси ҳам дадасининг ёнини олган эди, ойиси уввос тортиб йиғлади, бақирди, Лолани “итвачча”, деб туртиб юборди. Бувиси аммасиникига кетиб қолди. “Харом аралашган уйга энди сира келмайман”, деб кетди. Лола бувисини жуда соғиниб кетган эди, у қуни дадаси олиб борди. Кўғирчоғига шу кўйлакни бувиси тикиб берди-да.

У кўғирчоғи билан гаплаша-гаплаша ухлаб қолди.

Эшкнинг тарақлаб очилишидан уйғониб кетди. Ойиси экан.

– Вой, аклли кизимдан айланай! Маза қилиб ухлаб ётибди-я. Мана сенга мороженое. Ол, е! – деди ойиси.

Унинг кайфияти жуда-жуда яхши эди. Юзлари гул-гул очилган, коп-кора сурма тортилган кўзлари порлар эди. Лола музқаймоқка жуда хурсанд бўлди-ю, аммо кўғирчоғига қараб, кўйлак эсига тушди.

– Кўғирчоғимга кўйлак олиб келмадими? – деб сўради йиғламсираб.

– Вой, кўғирчоғинг ўлсин! Эсимдан чиқиб кетибди. Ол, морожнийни, е!

У хиргойи қилиб, ликиллаганча нариги хонага кириб кетди.

Лола жуда хафа бўлди, йиғлар эдию кўғирчоғи бақрайиб қараб турганини кўриб йиғисини ичига ютди. “Нега ўлар экан кўғирчоғим, ўлмасин. Ўлса мен ким билан ўйнайман”. У қўлидаги музқаймоқка қаради. Жуда егиси келди. Аммо ойисига жahl қилиб аранг стол устига қўйди. Қараб-қараб кўйдию барибир емади. Кўғирчоғини қўлига олди. “Мороженое ейсанми? А? Озгина егин. Ўлсин деганларини эшитдингми? Йўқ, сенгамас, анави магазиндаги кўғирчоқка. Е, ол! Озгина!”

– Лола! Қорнинг очдими? – Нариги хонадан ойисининг эркаловчи, айни пайтда шанги овози келди. – Ҳозир лағмон қилиб бераман сенга!

– Ана, ойим яхшила. Лағмон қилиб берармишла. Ейсанми лағмон?

У зўр бериб хафа бўлиб қолган кўғирчоғининг қўнглини олишга тиришар эди.

Ойиси эса нариги хонада олиб келган ялт-юлт тўрт кийимлик матони дам елкасига солиб кўрар, дам каватларини санаб чамалар эди.

Унинг бугун чиндан ҳам омади келди. Ўша хабашга ўхшаган йигит ишлайдиган магазинга борди. Йигит ишшайиб кутиб олди. Унинг қадди-коматига, очик кўкрагига суқ билан тикилди. Бироз хазил-хузул, учирма гаплар қилишди-да, магазиннинг орқасига ўтишди.

– Бизга аталгани қани? – деди у эркаланиб омборхонага киргач.

– Сизга аталганининг тахи бузилгани йўқ, жонидан, – деди йигит таъмакор ишшайиб. – Олдин жиндек суҳбатингизни олайлик, кейин...

– Йўғ-е, уйим ёлғиз, тез бормасам бўлмайди, – дедию, аммо йигит кўрсатган жойга ўтирди.

– Қачон энди мундо-ок бемалолроқ гаплашамиз, а? – Йигит битта стулни унинг ёнига тақаб ўтириб қўлини ушлади.

– Вой, нарирок ўтиринг, биров кўриб қолса нима дейди? – У шундай деб, ўз курсисини нарирок сурди.

Йигит энди дадилланди. “Биров кўриб қолса...” деган жумла унга бир таъминот бериб, даъват этгандек, шартта жувоннинг белидан олиб ўзига тортиди. Жувон йигит кучоғига тушгач, питирлади. Иккита курси ғирчиллади. Жувон бир амаллаб ўрнидан туриб олган эди, йигит ҳам чаптастлик билан бағрига босди... Жувон юлкиниб кучоғидан чиқиб олди. Йигит яна хиралик қилган эди, жувон иккала қўлини унинг кўкрагига тираб қаршилиқ кўрсатди. “Хафа бўламан, ҳозир жойнамас, кейин...” – деди шивирлаб. “Қачон, ахир, нукул алдайсиз”. “Кейин, дедим-

ку, хозир ишим зарур, эрим ҳали-замон ишдан келиб, йўқ бўлсам тўполон қилади”. У сочларини тузатиб, кўйлагини кафти билан текислаган бўлди. Муроди ҳосил бўлмаган йигит тумшайди. Жувон адо билан жилмайди: “Ҳали кўлимга тушасиз-ку, тишлаш ҳам гапми, еб кўяман”. “Ҳо, ажабми, эримдан тўловга коласиз”.

Аёл киши ошиғига эрини ё жазманини эслатдим, матом, ҳар қандай ёник эхтирос писс этади. Йигит ҳам шундок бўлди: нарирок бориб бир тугундан кўйлақлик ялтирок мато суғуриб, жувоннинг олдига ташлади. Бояги ошикона эхтирос, “жоним”лаб шивирлаш, “ох-воҳ” бир зумда йўқолиб, икки ўртада “қанча”, “қиммат”, “арзон”, “нарх”, “бозор” деган ўлик сўзлар алоҳида бир ҳаяжон билан талаффуз этила бошланди, дудокларни силовчи, бўйинга осилувчи оппок, момик кўллар мато қатларини ўзгача бир шавк билан сийпалар эди.

У кўлидаги матони диван устига ташлади-да, кўзгу қаршисига келиб гажакларини химариб кўйди. “Ўлгур, еб қўяй деди-я! Ҳарҳолда ишим битди. Битта-яримта кучокласа эт-бетим сийлиб қолибдими? Ўпса нетар, ювса кетар. Ўзимга пишиқ бўлсам бўлди-да, лакиллагиб юравераман”. У ўзидан бағоят мамнун ҳолда ошхонага чикди, супра ёйиб, лағмоннинг ҳаракатига тушди. Унинг омади келган куни уйда лағмон пиширилар эди.

Лола ҳамон кўғирчоғи билан андармон эди. Ойиси билмай “ўлсин” деб юборганига қаттиқ хафа бўлди кўғирчоғи. “Юр, сени ўйнатиб келаман”, деди у ва кўғирчоғини ерга тикка кўйиб кўлидан етаклади. Кўғирчоқ ҳам алпонг-талпонг қадам ташлаб юра кетди. “Қаёққа олиб борай? Нариги хонагами? Юра кол, юр!” У кўғирчоқни етаклаганча нариги хонага ўтди. “Ана, ойим ёлғон гапирибдиладе, сенга кўйлақлик олиб келибдиладе, кара. Бу бировникимас, бировники шкафда туради. Шундан сенга кўйлақ тикиб берадиладе. Ўзим тикиб берайми? Мен тикишни билмайман-де. Ҳа, майли, бузиб қўйсам ойим, йўқ Барнонинг ойиси тузатиб беради. А? Сен мана бу ерга ўтириб тур, мен кайчи, нина-ип олиб келаман. Хўпми? Ўтир”. У кўғирчоғини авайлаб ўтказди. Кўғирчоқ бутини керганча ўрин устидаги матога бақрайиб ўтириб қолди.

Лола кўлида қатта кайчи, кўрпа қавийдига игна, бир ғалтак ип билан қайтди ва кўғирчоғига бир қулиб қараб кўйди-да, матони ёйиб, дуч келган жойига кайчи солди...

Ойиси хамир қориб ёйди, шокилда қилиб қирқди, шақиллаб қайнаб турган сувга солиб, соч бўлиб кетган хамирни пиширди, пишган хамирни човли билан сузиб олиб, тоғорага солди. Эрининг улушини пиширмай олиб қўйди-да, ўзи билан қизига сузди.

– Лола! Лола!

– Ҳм, – деди Лола ишидан бош кўтармай.

– Кел, овқат пишиди, кўлингни юв!

“Ана, овқат пишибди. Қорнинг очдимиз? Агар яна овқат емасанг, атата қиламан. Ҳм...”

Лоланинг ҳадеганда чиқавермаганидан хавотир олиб аланглай бошлади; унинг овози чиққан хонага кирди. Лола эшикка орқа ўтирганча пичирлар, нимадир қиларди. Ажабланиб қаради. Қаради-ю ичидан ғайритабиий бир чинкирик отилди. Бир зарб билан Лолани эшик томон улоқтириб юборди. Қизча чиркиллаб қолди. Кўғирчоқни тепиб юборган эди, боши узилиб, “инга” дедию Лоланинг устига бориб тушди. Жон ҳолатда қиймаланган матони кўлига олди. Не кўз билан кўрсинки, Лоласи тушмагур уни жуда зўр хафсала билан қиймалаб улгурганди...

У ваҳший бир қийкирик билан қизчага ташланди, буйдалаб ура бошлади. Урар-қаргар, қаргар-урар эди.

– Жувонмарг бўл-а! Ўлигинг чиккур! Қўлгинанг сингур! Ер юткур-а! Қўлларинг акашак бўлиб орқангга ёпишсин-а!

Карғишларнинг, муштрларнинг сон-саноғи йўқ эди. Лола чиркилар, “ойижон, иккинчи қилмайман”, деб зорланар, аммо унинг қулоғи том битган, карғиш ва дўппослашдан тинмасди. Чарчади шекилли, қаддини ростлади, гилам устида тарвақайлаб ётган қайчига, ялтиллаган игнага кўзи тушиб қолди. Қўлига игнани олдию кизининг кафтларига порт-порт тика бошлади. Бола илон чакқандек чинкириб юборди, кўлларини онасининг чангалидан тортиб олишга зўр бериб бехуда уринарди. Лола чириллайвериш нафаси ичига тушиб кетди. Онаси игнани ерга отиб уриб, ўзини диванга гурс этиб ташлади-да, ўкириб юборди. Бироздан кейин Лоланинг “хиқ-хиқ” килиб овози чиқди, онаси томон қўрка-писа караб секин ўрнидан турди-да, ўз хонасига қочиб кириб, ўрнига ётиб олди.

Косаларга сузилган лағмон шамдек қотди.

Эри келганда ҳам ўрнидан турмади.

Наим у ётган хонанинг ивирсиғига чандон эйтибор бермади, “яна жазаваси тутибди”, деб қўя қолди. Косалардаги лағмонни иситди-да, йиғидан шишиб ухлаб қолган кизини уйғотди. Лола хуркиб кўзини очди, тепасида дадасини кўриб йиғлаб юборди.

– Дадажон, энди қилмайман, ҳечам тегмайман! – деб зориллаб йиғларди у.

У кизини бир нарсадан чўчиган деб ўйлаб, даст кўтариб бағрига босди.

– Хўп, хўп, оппок кизим, энди қилмайсан! Бўлди, бўлди!

Дадасининг уни жазолаш нияти йўқлигини сезиб бағрига бошини суқди, ўксиниб-ўксиниб йиғлай бошлади.

– Кап-катга қиз ҳам йиғлайдимми? Вой, уят!

Қизча ўзини туюлмас, ўпкаси тўлгандан гапиролмасди. Дадаси бош-кўзларини силаб-сийпаб овутди.

– Кап-катга қиз йиғласа, уят бўлади. Бор, бир юзингни ювиб кел-чи, чопа қол.

Лола ваннахонага кириб кўлларини юва бошлади. Кафтларида қон қотиб қолган эди, ювиб тозалади, юзини ҳам ювди.

Лола шикоят қилишга ўрганмаган эди. Ойиси урса ҳам дадасига шикоят қилмас, кўчада бир гап бўлса ҳам индамай кириб келар, сирдоши кўғирчоқкагина шивирлаб ҳаммасини тушунтирарди.

Бу гал ҳам, гарчи кафтлари оғриётган бўлса-да, шикоят қилмади. Аммо кечаси билан иситмалади. Мехмонхонадаги диванда ётган Наим (хотини терс пайтда яқинига йўлай олмасди) Лоланинг инграши, алахлаши қулоғига чалиниб уйғониб кетди. Боланинг иссиғи ўтгиз тўққиз даража эди! У қўркиб кетиб “тез ёрдам” чақирди. Ярим кечада Лолани касалхонага олиб бориб, азонга яқин қайтиб келди.

– Латта-путтангнинг падарига лаънат. Боланинг юрагини олганга ўхшайсан. Нукул алахсираяпти, – деди Наим койиниб. – Кўлига нима қилувдинг?

У бўзариб “ҳеч...” деди, холос.

– Иккала кафти яра бўлибдию! – Наим, эҳтимол, биринчи марта хотинига тешиб юборгудек хайбат билан тикилди.

Аёл эски усулини қўллади:

– Вой, нима қипман! Ўзимнинг туккан болам, ўлдирсам ҳам ҳаққим бор. Бир-икки урсам, осмон узилиб ерга тушибдими? Намунча!..

Наим тўнғилаб озгина мизғиб олиш учун диванга ёнбошлади.

Эрига баланд келдию, аммо юрагига гулгула тушди. Ҳали иш бошланмасданок касалхонага кириб борди.

Лоланинг иситмаси сал қайтган, ахволи ҳам бироз енгиллашди. Тагин ҳам лардни бола кўтарди.

Уришқоқ одам ярашқоқ бўлади: у Лоладан айланиб-ўргилди, синиқиб кетган юзларидан чўлпиллатиб ўпди.



– Сиз Лоланинг ойисимисиз? – деди кирган ҳамшира саломлашмасданок. – Сиз билан эрингизни бўлим мудирни чақиряпти, кириш! Эрингиз кани?

“Мунча совук, мунча кўрс!” – хаёлидан ўтказди у. Аммо дилига ғашлик кирди. “Гинчликми?” – деб сўради нафаси зўрға чиқиб.

– Кирганда биласиз! – Ҳамшира шундай деди-да, чирт бурилиб чиқиб кетди. У биров бўйнига аркон солиб судрагандек бўлим мудирининг хонасига кирди. Хонада алланималарни ёзиб ўтирган баланд бўйли, ўрта ёшлардаги, коматдор киши дарров ўрнидан турди.

– Сизмисиз Лоланинг ойиси? – Овози ҳам гулдираб чиқди. – Дадаси бор-а Лоланинг?

“Мунча совук”, дилидан ўтди аёлнинг ва “ха” ишорасини бериб бошини эгди, гапиришга холи қолмаган эди чоғи.

– Жуда соз, бирга олиб келинг, гап бор!

– Нима гап ўзи? Айтаверинг, – деди у юраги пўкиллаб.

– Нима гаплигини сизлардан сўрамоқчи эдим! Қизча нима гуноҳ қилган эдики, шунчалар жазо берибсиз. Иккала қўли гангрена бўлган. Кесиб ташлашдан бошқа иложим йўқ. Кафтдаги кон юриши тўхтаган, тўқималар қаттиқ шикастланган, йиринглаб кетаяпти.

Докторнинг ҳар бир сўзи унинг бошига тўқмоқ бўлиб урилар, юрагига ўша кўрпа қавийдиган игнадай санчиларди. У икки қўли билан юзини беркитганча ўкириб йиғлаб юборди.

– Қилғиликни қилиб энди йиғлаясизми?

У бирдан докторнинг оёғига ўзини ташлади.

– Жон дўхтир, бир иложини қилинг. Бола-чақангизнинг орзу-ҳавасини кўринг. Чўрингиз бўлай! Пешонамда битта шу кизим!

– Ие! Туринг ўрнингиздан! – Доктор уни қўлтиғидан суяб турғизди-да, стулга ўтказиб қўйди.

У эса йиғидан тўхтамас, ялинишда давом этар, жағи-жағига тегмас эди. Эшикдан одамлар мўралай бошлади. Доктор хижолат бўлибми ё бу жувонга хозир бирон гап уқдириш мушкуллигини англади, уни тезроқ жўнатиш пайига тушди.

– Дадасини бошлаб келинг-чи, гаплашамиз.

У докторга умидворлик билан мўлтираб қаради, негадир “рахмат”, деб учиб чиқиб кетди.

У кизининг олдига ҳам киришга сабри чидамай, Наимнинг ишхонасига югурди. Наимга докторнинг гапини айтган эди, у ҳангу манг бўлиб қолди.

– Нима, нега? – деди у шошиб. – Нима бўлган экан? Кеча ҳамшира тузалиб қолади, деган эди-ку!

– Билмадим, – деди у хикиллаб. – Жон Наим ака, юринг, гаплашинг. Бу гапни эшитиб адоий тамом бўлдим. – У серрайиб қолган Наимнинг елкасини силай бошлади. – Эркак кишини эркак киши тушунади. Наим акажон! Нима бўлсаям гаплашинг. Иккала қўли-я! Мени ўлди деяверинг. Оғзига сикканини сўрасин! Ҳамма нарсамни сотиб бераман, ўзимни гаровга қўяман.

Наимнинг қулоқларига унинг гаплари кирмас, фақат касалхонага шошар эди. Доктор Наимнинг ўзини қабул қилиб узок гаплашди.

– Ҳеч иложи йўқми, дўхтир? – Наим зўрға шуни сўрай олди, холос, унинг юраги узилиб пастга тушиб кетгандай, нигоҳи қаршисига ҳамма нарса айкаш-уйкаш эди. Кўзларидан шашкатор ёш оқарди.

– Мен ҳам энг аввало инсонман, уч фарзанднинг отасиман, – деди доктор ўпкаси тўлиб. – Нахотки, иложи бўлсаю шу иложни мурғак кизчага қўлламасам, дўстим!

У дераза томонга ўгирилиб, куйилиб келган ёшани артди. Сўнг синик овозда гафлатдаги шўрлик отани овута бошлади:

– Албатта, тушунаман, кийин, кийин бўлади. Аммо илож? Сўнгроқ протез кўямиз. Ҳозир Европа мутахассислари ишлаган протезлар инсон организмидан жуда кам фарқ қилади. Ишни оркага сурмайлик, бу ярамас касал тез юксалади, онасини чакиринг, тилхат ёзинглар.

У бир варақ коғоз олиб Наимнинг олдига қўйди...

Эртасига Лола каравотда ётар, бинтланган икки қўли икки ёнида жонсиздек чўзилган эди.

Онаси телбасифатроқ бўлиб қолганлиги, касалхона ховлисида сочлари ёйилган, юзлари тимдаланган ҳолда бўғик овоз билан нималарнидир жавраб юргани учун Лоланинг олдига Наимни қўйишди. Бу ҳам ўзида эмас эди. Факат эркаклик номигина уни ушлаб турарди.

Доктор кирди. Лола уйғок эди. Доктор уни эркалади. Башарасини кизик бир ҳолатда буриштириб кикирлатиб кулдирди. У энди хайрлашиб чиқиб кетмокчи эди, Лоланинг кўнғироқдек овози уни тўхтатди:

– Амаки, қўлларимни қайтиб берасиз-а? Энди ойимларни қўйлақларини ҳечам қирқмайман. Қўлларимни қайтиб беринг! Қўлларим бўлмаса, кўғирчоғимни қандай ўйнатаман...

## ҲУКМАТ

**Банда бўлсанг манманликни зинҳор ташла.  
Саҳарларда жонинг қийнаб тинмай ишла.  
Ўўдган озан гумроҳларни ўўдга бошла.  
Бир назарда гилларини сафо қилдим.**

**Аҳмад ЯССАВИЙ**

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

*Сара ТИСДЭЙЛ*

*Халқаро Пулитцер мукофоти лауреати. 1884 йилда АҚШда туғилган. “Аланга ва соя”, “Майин ёмғир ёғади”, “Момақалдироқдан сўнг кумуш ёғду остида”, “Ғалати ғалаба” каби тўпламлари нашр этилган. Шоира 1933 йилда оламдан ўтган.*



## Севгилим киради оқшом тушимга

Тун

Олтин гулга ўхшар кўкда ой,  
Атрофида кўк чамбараги.  
Само – гулнинг новдаси гўё,  
Ёндош худди сен ва мен каби.

Эндиги ой – новдасиз гулдир,  
Кўк юлдузлар ёритган маҳзан.  
Ой асрлар бўйи хушбахтдир,  
Менинг сен-ла бахтим бир лаҳза...

Завқу шавқ

Энди мени тийиб, жиловлаб бўлмас,  
Куйлайман дарахтга, юлдузли кўкка,  
Куйлайман дунёга ишқи азалдан!  
Севаман!  
Меники бўлди севгилим,  
Эй ҳаёт, кўркмайман энди ажалдан!

Шамолга кўшилиб учаман энди,  
Оловда куймайман, оловланаман,  
Ичимдаги олов лабимдан чиқар,  
Юлдузни босаман майса босгандай,  
Бу он самоларга ёндош, эш эдим.  
Мен бугун севилдим, меники ёрим,  
Ҳаёт, мен ниҳоят бир он яшадим!..



## Гумон

Рухим танга қамаб кўйилган,  
Мени босар батамом гумон.  
Жонга тегса, гохида қалбим  
Кайф – сафога берилар шодон.

Удир менинг тинмас ўхшашим –  
Кўлидан келади хар бало.  
Танам учун берарман жавоб,  
Лекин қалбим бўйсунмас асло...

## Ғусса

Ачинмайман айрў рухимга –  
Вужудимда топмади ором –  
Ҳали яна у минглаб марта  
Кирар бошқа танларга кайтиб,  
Кезиб юрар дунёда дайдиб.

Ачинмайман рухимга, асло,  
Аммо ҳали қайноқ вужудим.  
Жондан кечиб, тупроқ бўлмоққа  
Кўнмай турар кўрқок вужудим...

## Қарз

Мен сендан қарздорман, ёрим, билиб кўй,  
Адоқсиз армоним, ҳасратим учун!  
Йўқ, сен юрагимга солганинг йўқ куй,  
Сен мен-ла осмонга чикмадинг учиб.

Лек, мен сени дилдан севдим-ку, ахир,  
Гарчанд ҳеч вақт мени сен севмадинг чин.  
Мен сендан қарздорман, сен берган севги  
Мени аршга олиб кетгани учун...

## Мовий кўзлар

Сиз ўша апрелда бўлдингиз пайдо,  
Кўзларимиз бирдан тўқнашди кўққис.  
Гўё турар эдим жар ёкасида,  
Қаршимда – ютишга тайёр кўқ денгиз.

Биз бирга яшадик тўртга апрелни,  
Тўрт бора яшил барг очди мажнунтол.  
Барибир, мен сизга дуч келсам хануз,  
Мовий кўзингизга термилсам кўққис –  
Кўраман ўзимни жар ёкасида,  
Қаршимда – ютишга тайёр кўқ денгиз...



## Дарё

Мен – дарёман.  
 Ойдин водийдан  
 Келардим денгизга томон бардавом.  
 Ўйлардимки, кулранг гирдоблар ичра  
 Топарман абадий тинчлик ва ором.

Уммонга куйилдим:  
 Асов ва кора.  
 Дарғазаб чинқирдим, айтдим айтарим:  
 – О, зангор водийлар, кенг далаларим,  
 Ўтинаман, мени ортга қайтаринг!

Аммо мени ютди бир бебош тўлқин,  
 Ташналик жонига теккан оқ тўлқин.  
 Шўрлаган тўлқинлар ичдилар мени,  
 Туздай аччик бўлди сувларим энди,  
 Тубсизликлар ютди, энди хок эдим,  
 Қандай ирмоқ эдим, ахир, бир замон,  
 Қандай тоза эдим, қандай пок эдим!..

## Камчиликлар

Мени огоҳ қилар дўстларим зимдан,  
 Бор эмиш яширин нуқсонларингиз.  
 Эшитиб куламан, бу севги фасли –  
 Улар қайдан билсин, баридан кўпроқ  
 Нуқсонларингизни севаман, асли!..

## Мен биламан юлдузларни ҳам

Юлдузларни яхши биламан:  
 Тонг юлдузи, Чўлпон, Зухроси.  
 Қачон чиқар, сўнади қачон –  
 Менга аён само дунёси.

Одамзоднинг сири англадим,  
 Нигоҳларин ўқийман ҳар дам –  
 Фикрлари, шум ниятлари  
 Менга берар тафаккур ва ғам.

Лекин сенинг кўзинг, севгилим,  
 Менинг учун буткул гумондир.  
 Севасанми, йўқми – ноаён,  
 Севганмидинг ўзи қачондир?

Кўп нарсани билдим дунёда,  
 Фикрларга тўлиб кетарман.  
 Ҳаммасини билдиму аммо –  
 Сени билмай ўлиб кетарман...





## Апрель, май

Шамол юлиб отар сўлган гулларни,  
Куйиб, паймонаси тўлган гулларни.  
Гулбарглар тўкилар охиста, сассиз –  
Хазонлар тупрокка кўмилар, эссиз!

Тонгда яна чиқар аршига куёш,  
Яна янги гунча гул очар – наккош.  
Кувончга тўладир табиат такрор,  
Аммо менинг учун тугади бахор.

Дарахтлар бир оппок гулга бурканди,  
Аммо мен майсани босарман кордай –  
Менга апрель ажиб севги берганди,  
Аммо айрилиқни олиб келди май...

## Тушлар

Ҳаётимни бахш этарман ўзгага,  
Меҳримни берарман, турса қошимда.  
Лек ўтган кунларни ёдимга солиб,  
Севгилим киради оқшом тушимга.

Бехос уйғонаман, турарман титраб –  
Тушлар ёлғончидир – қалтирар тиззам.  
Уйғонсам – ёнимда йўқдир севгилим –  
Лек сийнамда куяр бўсаннинг изи...

## Қаҳратон туни

Деразамни безар изғирин,  
Ташқарида совуқ шу чоғда.  
Қаҳратон киш, шамол йиғлатар.  
Кўзларингни кесар пичокдай.

Ўтинаман, Тангрим, шафқат кил  
Кўчадаги дайди, юпунга.  
Раҳм килгин, Тангрим, совуқда  
Қор остида юрган ҳар кимга.

Менинг уйим иссиқ ва гўзал,  
Дарпардалар тафти кифтимда.  
Лекин гоҳо юрагим йиғлар,  
Ташқарида колган етимдай...

*Инглиз тилидан Карим БАҲРИЕВ таржимаси*

### Карим БАҲРИЕВ

1962 йилда тугилган. Москва давлат университети-  
нинг журналистика факультетини тугатган. “Сабр  
косаси”, “Томчидил” шеърый китоблари нашр этилган.



## ГУЛҚАЙЧИ



**Турсунбой АДАШБОЕВ**

1939 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) ҳамда Москвадаги Жаҳон адабиёти институтини битирган. “Олатог – лолатог”, “Арслонбоб шаршараси”, “Оқбура тўлқинлари”, “Орзуларим – кўш қанотим”, “Осмондаги дарвоза” каби китоблари нашр этилган.



## Чаккаларнинг нафасини ўчирди

### Акамни топдим

Бир “оғам” бор, дуч келсам,  
Саволларга ўрайди:  
– Укажон, қалайсиз? – деб  
Ахволимни сўрайди.

Чой ичмаган бўлсак-да,  
Икков паркув тўшақда:  
– Инижон! – деб йўқлайди,  
Телефонда – гўшақда.

“Укажон” деган маҳал,  
Дилдан губор кетаркан.  
Яхши ният қилганлар  
Мақсадига етаркан.

Мен-ку, кўпроқ йиртганман  
Бўз ва алак кўйлакни.  
Ўш билан Бухоронинг  
Ёшин “оғам” ўйлабми?

Шу боис, “укажон” дер,  
Минг қарра шукр, раҳмат!  
Акангиз ким? – дейсизми,  
Шоир Тошпўлат Аҳмад...



## Пародия ёзилмас эрмак учун

Пародия ёзилмас эрмак учун,  
Ўтган-кетган гапларни термак учун.  
Енгил-елпи шеър ёзган айримларга  
Ҳазил билан маслаҳат бермак учун.

Дўстим, қутлуғ каломдир сўзинг, ахир,  
Қалбингдаги ниятинг – ўзинг, ахир,  
Китобхонга илиниб тўқиганинг  
Атласинг, бекасаминг, бўзинг, ахир.

“Така” билан “серка”нинг фаркин билмай,  
Оддий сўзнинг маъносин талкин қилмай,  
Қумдан каср қурилмас оғайнилар,  
Сопол билан гавҳарнинг нархин билмай.

Танқидчининг эғнида поча-пўстин,  
Айтармиди асарнинг ками-кўстин.  
Адабиёт олами – холис майдон,  
Баҳони китобхонлар берар дўстим.

Инонмагин савлатингга, борингга,  
Бино кўйгин фақат иктидорингга,  
Дуч келганда қовоқ уйма биродар,  
Тўғрисўзман, омад касби-корингга.

Сўзларни кадрлагин, сўзларни ўп,  
Мисраларни сайқалла, тарашла хўп.  
Қани, бир пародия ёзиб кўр-чи,  
Менинг ҳам хом-хатала шеърларим кўп.

## Укамнинг “ҳиммати”

### I

Урганчдан хизматга кайтдим шавқ билан,  
Кўлтиқда чўғдайин хоразмий гилам.  
Сийлаб, иззаг қилиб, ошишиб-ортиб,  
Уни Ошиқ Эркин қилганди тортиқ.  
Деворга катин ёйдим, аста тираб,  
Турибди шох, шоир Феруз ярқираб.  
Каминага қарашлигин билдириб,  
Совғани деворга қўйдим илдириб.  
Ажабланиб, тортиқ гилам хусусда:  
– Уйга осмайсизми? – гап ташлар Рустам.  
– Тўққизинчи қават, тўйдирди чакка.  
Арзихол етмаскан осмон-фалакка.  
– Чик-чика-чикқин, – деб заррин томчилар,

Жомашовни, челақларни камчилар,  
Халқоб уйимизнинг пойгаги, тўри,  
Гидам, палосларнинг қуриди шўри.  
Насиб этса, зора янги хонадон,  
Туғилардим гўё кайта онадан...

## II

...Хайриятким, жавзо ойин сўнгтида  
Омад қулиб, ишлар келиб ўнгидан,  
Ўғлим бизни янги уйга кўчирди,  
Чаккаларнинг нафасини ўчирди.  
Китоб учун алоҳида хоналар,  
Эмин-эркин, шодон ўйнар болалар.  
Ош дамлаймиз меҳмон бўлиб келсангиз,  
Ферузга ҳам жой ошиндик десангиз.  
Ишхонага ўтсам, ажаб, гидам йўқ,  
Михлар турар, қаноп ипи билан йўқ,  
Ҳамхонамиз Турсун Али тушмагур,  
Уддабурон қанот боғлаб учмагур,  
Иқтидорли битта шоир укамга,  
Туғилган кун кўш қўллаган – бу кам-да.  
Шартга уни совға-савоб қилибди,  
Ўз номидан қутлаб жавоб қилибди.  
Тортик этса бирор “жўки” шоирга,  
Гидамдўз ҳам уни қарғаб, қойирда.  
Шу боисдан мен укамни кечирдим,  
Акс холда қалтисроқ шеър тўқирдим.  
Ман қайда бўлмайин, турсам, кўрсам ман  
Турсун Али адашимдан хурсандман...

## ҲУҚМАТ

Ваирон кўнгулларни қарам ганжи  
била обод қил.

ОГАҲИЙ

\* \* \*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга йўлланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Йиғилишда Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг таҳлилий ҳисоботи тингланди. Маърузачи ўз нутқида юртимизда ижод аҳлининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани жамиятимиз маънавий ва адабий ҳаётида ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Ўтган бир йил мобайнида вилоятларда ижодий сафарларда бўлган юзга яқин таниқли адиблар ўз бадий-публицистик мақолаларида мамлакатимизда юз бераётган улкан тарихий ўзгаришларни кенг ёритдилар. Улуғ аждодларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудлари, Мустақиллик, она тилимизга Давлат тили мақоми берилган кун, Конституциямиз қабул қилинганнинг йиғирма тўрт йиллиги каби кутлуғ саналар муносабати билан ўтказилган йирик анжуманларда ёзувчи ва шоирларимиз фаол қатнашдилар. Йиғилишда шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳусусида қўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди.

\* \* \*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Ёшлик” ижод клубининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда сўз олган Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан адиблар, айниқса, ёш ижодкорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлаб, бунга жавобан қизғин ижод қилишга чақирди. Иштирокчилар Президентимизнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ёш ижодкорларнинг ҳам зиммасига бир қатор вазифалар юклаши ва бу борада ҳар бир ижодкор жонбозлик кўрсатиши лозимлигини таъкидлашди. Йиғилиш сўнггида иштирокчиларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан чоп этилган китоблар тақдим этилди.

\* \* \*

Навоий шаҳридаги “Алишер Навоий” нашриётида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов хотирасига бағишлаб “Озод ва обод Ватанга бахшида умр” номли китоб нашр этилди.

Китоб Навоий кон-металлургия комбинати Бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Қувондик Санақулов сўзбошиси билан бошланади. Илк саҳифалардан

“Мустакиллик йилларининг муҳим саналари”, “Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон халқига мустақилликнинг 25 йиллиги муносабати билан байрам табриғи”, “Ислоҳ Каримовни хотирлаб (жаҳон давлат арбобларининг сўзлари)”, “Муҳтарам Ислоҳ Абдуганиевич Каримов томонидан илғари сурилган, халқимиз қалби ва онгу шуурига муҳрланган ҳикматли фикрлар” каби боблар ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Марсия”си берилган. Иккинчи қисм навоийлик адиблар, ёш ижодкорлар ва турли соҳа вакиллари қаламига мансуб мақолалар, эсселар ва шеърлардан таркиб топган.

Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним, шеър-ият” тўғарагида мазкур китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Шоирлар, ёзувчилар ноширлар, жамоатчилик вакиллари ва талаба ёшлар иштирок этган тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо мустақиллигимиз Бош Меъморининг адабиёт, маънавиятни ривожлантириш борасида амалга оширган улкан ислохотлари ҳақида гапирди.

\*\*\*

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири, забардаст ҳажвчи-ёзувчи, кинодраматург Анвар Обиджон таваллудининг 70 йиллигига бағишланган ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда таниқли шоир ва ёзувчилар қаторида серқирра адибни олис-яқин манзиллардан қуллаш мақсадида келган юзлаб мухлислар ҳам фаол иштирок этишди. Қизғин ва кўтаринки тус олган анжуманда маърузачилару мухлислар Анвар Обиджоннинг машҳур асарлари ҳақида марок билан гапирдилар. Ижодий кеча сўнггида Анвар Обиджон ўз шаънига самимий изҳорлар айтган мухлисларига ташаккур билдираркан, умри борича элимиз, жонажон Ватанимиз маънавияти ривожига янги ўқишли асарлар билан ҳисса қўшишга ваъда берди.

\*\*\*

Қуролли Қучларнинг мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинчлиги ҳамда мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги шарафли меҳнатини кадрлаш, ёш авлодни ватанпарварлик йўлида тарбиялаш иши доимо долзарб ва умуммиллий аҳамиятга молик вазифалардан биридир. Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Ижод” жамоат фонди томонидан мунтазам равишда Мудофаа вазирлиги тизимидаги бир неча ҳарбий қисм аскарару зобитлари моддий ва маънавий рағбатлантирилиб келинмоқда.

Жумладан, Ёзувчилар уюшмаси муассислигида чоп этиладиган “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик”, “Амударё” журналлари ҳамда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси каби нашрлар ҳарбий қисмлар учун уч юз нусхадан обуна қилингани Ватан химоячиларига ўзига хос тўхфа бўлди. 14 январь – Ватан химоячилари куни муносабати билан Мудофаа вазирлигига Абдулла Қодирӣ, Ойбек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, Сирожиддин Саййид, Тохир Малик сингари атоқли адиб ва шоирларимиз қаламига мансуб йигирма номдаги жами 6050 дона китоб ҳадя этилди.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

Алишер НАВОИЙ. Менинг фирокиму анинг висоли тун била тонг .....4

ПУБЛИЦИСТИКА

Сирожиддин РАУФ. Замон шиддатига мос янги марралар. ....8

НАЗМ

Омон МАТЖОН. Юрт кўкида чарх урган хумо. ....12  
 Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА. Менинг Зухроларда ишим бор эди...36  
 ХУМОЮН. Уйғонади минорлар бир-бир. ....40  
 Ўроз ҲАЙДАР. Остонада турар ўн саккиз ёшим. ....82  
 Фурқат МЕЛИ. Соғинганинг сеҳрли бир ун. ....86

НАСР

Кенгесбой КАРИМОВ. Оғабий. Роман (давоми). ....44  
 ОТАУЛИ. Киссалардан хиссалар (охири). ....89  
 Яхё ТОҒА. Болалик хиди. Эссе. ....136  
 Адхамбек АЛИМБЕКОВ. Япроқ ҳикоялар. ....154

ДРАМАТУРГИЯ

Эркин АЪЗАМ. Танҳо қайиқ. Драматик ривоят. ....17

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Ғулом ШОМУРОД. Икки оламда мен сени дерман. ....122

МУЛОҚОТ

Анвар ОБИДЖОН, Йўлдош СОЛИЖОН. “Қаламдан нари турмоғим амримаҳол...” .....76

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Машхура ШЕРАЛИЕВА. Вокеллик киноявий муносабат. 142

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХОТИРАЛАР

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ. “Шарқ юлдузи” да кечган кунларим. ....126

КЎНГИЛ МУЛКИ

Маҳкам МАҲМУДОВ. Шодмонбекнинг шодлиги. ....118

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Шахноза НАЗАРОВА. Қаҳрамон, ҳомий ва кўмакчи. ....148

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Неъмат ДУШАЕВ. Йўлни бурдим тоғ томон. ....157

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Асрор САМАД. Қўлчалар. Ҳикоя. ....160

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Сара ТИСДЭЙЛ. Севгилим киради оқшом тушимга. ....167

ГУЛҚАЙЧИ

Турсунбой АДАШБОВ. Чаккаларнинг нафасини ўчирди...171

Адабий ҳаёт. ....174

# Шарқ юлдузи

2017

1-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

\* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

**Манзилимиз:**

100127, Тошкент шаҳри,  
 Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.  
 Телефонлар:  
 227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
[www.sharqyulduzi.uz](http://www.sharqyulduzi.uz)  
 e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди  
 13.02.2017 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16.  
 Офсет босма усулида офсет қоғозда босилди.  
 Босма табоғи 11,0.  
 Шартли босма табоғи 15,4.  
 Наприёт ҳисоб табоғи 17,2.  
 Алади 3110 нуска.  
 Буюртма № 69

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам

билан рўйхатга олинган.  
 Ғафур Ғулом номидаги НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.

**Қорхона манзили:**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,  
 Лабзак кўчаси, 86-уй.  
 Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусаххих:

*Дилфуза Маҳмудова*

Саҳифаловчи-дизайнер:

*Мадина Абдуллаева*

Copyright © “Шарқ юлдузи”

## Унутилмас лаҳзалар



Устоз ва ижодкор дўстлари даврасида







Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

## ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



*Сизга тақдим этилаётган ўзбек  
ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан  
бахраманг бўлинг.*

Мурожат учун манзил: 100128, Тошкент ш., Лабзак кўчаси, 86 уй.

Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82, (+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42

www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

